

❖❖❖❖❖ ТҮРТ ТОМЛИК ❖❖❖❖❖



УЛУҒ ОКТЯБРЬ
СОЦИАЛИСТИК
РЕВОЛЮЦИЯСИГАЧА

ЎЗССР ДАВЛАТ БАДИИЙ АДАБИЁТ НАШРИЁТИ
ТОШКЕНТ—1959

❖❖❖❖❖ БИРИНЧИ ТОМ ❖❖❖❖❖



ЎЗССР ДАВЛАТ БАДИИЙ АДАБИЁТ НАШРИЁТИ
ТОШКЕНТ—1959

Ўзбекистон ССР
Фанлар Академиясининг корреспондент аъзоси,
философия фанлари доктори
ВОҲИД ЗОҲИДОВ
таҳрири остида

Редакторлар:
ПОРСО ШАМСИЕВ, РАҲМАТ МАЖИДИЙ

ЎЗБЕК КЛАССИК АДАБИЁТИ ТАРИХИНИНГ АСОСИЙ МАСАЛАЛАРИ

Қадим замонлардан бошлаб асрлар мобайнида, шиддатли зулм ва зулмат, социал адолатсизлик ва қабоҳат ҳоким шароитларда, қулдор ва феодал, пулдор талончи, эксплуататорлар ҳукмрон бўлган ватқларда, жаҳолат ва нодонликка, разолат ва разилларга қарши кураш, синфий олишувлар процессида ўзбек халқи, Ватанимиздаги бошқа халқлар каби, беўлчов моддий ва маънавий бойликлар яратди. Буни халқимиз қатор бошқа халқлар билан дўстлик ва ҳамкорликда қилди. Буни ўзбек халқи, унинг улкан фарзандлари, унинг қўшнилари жамият тараққиёти учун, инсон бахти-саодати учун қилдилар.

Ўзбек адабиёти мана шу бойликларнинг узвий бир қисми ва тармоғидир. У тўхтовсиз синфий курашда, эксплуататорларнинг реакцион ҳаракати, реакцион идеологияси ва адабиётга қарши курашда, илғор ғоялар ва орзулар учун, шу ғоя ва орзуларни амалга ошириш, уларни тарғиб қилиш учун курашда ўсди, ривож топди, бойиди.

Ватанимизнинг бошқа халқлари каби, ўзбек халқи томонидан яратилган асрий маданий бойликларни ҳақиқий ардоқлаш, йиғиш ва сақлаш, ҳақиқий илмий ўрганиш ва тарғиб этиш, ўз ижодкори га, ҳақиқий эгасига — халққа — етказиб бериш ёлғиз Улуғ Октябрь инқилобидан сўнггина, совет давридагина, Коммунистик партия тугайлигини бошланди.

Владимир Ильич Ленин айтган эдики, аввалги жамиятларнинг ҳаммасидан фарқий ўлароқ фақат совет давридагина, социализм давридагина асрлар мобайнида ижодкор инсоният томонидан яратилган техника, илм, умуман маданият бойликлари ўз эгаларининг — халқ оmmasининг асли мулки бўлади, яъни шу

даврагина халқ кечмиш маданиятдан, кечмишда яратилган ва ҳозирда яратилаётган маданий бойликлардан атрофли, тўла-тўқис фойдаланиш имкониятига эга бўлади, уларнинг ҳақиқий ва ягона хўжайини бўлиб олади. Бу бойликлар халқ қўлида, халқ ихтиёрида бўлиб, энди янги жамият — коммунизм қуришга хизмат қилдилар.

Қирқ йилдан ошган ажойиб тарихимиз, гўзал ҳаётимиз Владимир Ильич Лениннинг бу сўзлари нақадар ҳаққоний ва улугвор эканлигини яққол кўрсатди, тасдиқлади.

Халқ ва коммунизм, маданият ва тараққиёт душманлари маданий меросга қарши кескин кураш олиб бордилар. Коммунистик партия, Совет ҳукумати, совет халқи уларни изчиллик билан фош қилди, тор-мор келтирди ва бойликларни кўз қорачиғидек, муқаддас нарсадек сақлаб қолди.

Адабий ёдгорликларни тўплаш ва тартибга солиш, улар устида илмий-тадқиқот ишларини уюштириш ва олиб бориш, уларни халқ оmmasига етказиш, миллионлар орасида тарқатиш учун Совет ҳукумати жуда катта маблағ сарф қилиб келмоқда.

Мамлакатимизда, жумладан унинг ажралмас қисми — Ўзбекистонда аллақачонлар галаба қилган маданий революциянинг энг ажойиб натижаларидан бири шундан иборат бўлдики, совет халқлари мазмунан социалистик умумий ва гигант маданий фондга эга бўлдилар, шунинг натижасида ва шу орқали ҳам бу халқларнинг ҳар бирининг шаклан миллий маданияти гуллади, яшнади. Шу олтин фондга, шу маданиятга ҳамма халқларнинг, бутун илгор инсониятнинг яратган маънавий бойликлари келиб қўшила бошлади. Ўзбек халқи Навоийгагина эга бўлмади, Пушкин ва Шекспир ҳам уники бўлиб қолди; рус халқи Радницев ва Лермонтовгагина эга бўлмасдан, Навоий ва Низомий мероси ҳам унинг мулкига айланди; қозоқ халқи Абай китобининггина ўқиш имкониятига эга бўлибгина қолмасдан, балки Шота Руставели ва Гётеги ҳам ўзиники қилиб олди...

Гап ва масала адабий меросни, адабий ёдгорликларни шунчаки ўзлаштириш, маърифий жиҳатидагина ўрганиш ҳақида кетаётгани йўқ. Илгор адабий мероснинг катта практик, тарбиявий аҳамияти бор: у танқидий, марксча-ленинча, конкрет-тарихий ўрганилса-тушунилса, бир томондан, ўқувчидан қора кечмишга ва зулмкорларга нафрат уйғотади, иккинчи томондан, кечмишдаги энг улуг санъаткорларнинг ҳам тарихий чекланганлигини, зулм ва зулматдан қутулиш йўлини тополмай адашганликларини китобхон билиб олади, бу унга (китобхонга) марксизм-ленинизм классикларининг, Коммунистик партия йўли ва гоёларининг нақадар беқийс тўғри, доно, ҳамда қудратли эканлигини, уларнинг галаба-

ларининг нақадар қонуний эканлигини яна ҳам чуқурроқ билишга ёрдам беради; учинчидан, китобхонни халқларимиз ва ватанимизнинг ҳозирги ажойиб ҳаётини яна ҳам зўр ихтирос билан сезиш ҳамда ардоқлаш руҳида, ярамас, ғайри инсоний хислатларга қарши нафрат ва кураш руҳида, ижобий инсоний фазилатлар руҳида, янги жамият қуришнинг яна ҳам актив қатнашчиси бўлиш зарурлиги руҳида тарбиялашга ўз ҳиссасини қўшади. Ахир, маданий меросдаги энг яхши дурдоналар халқ даҳоси ва энг яхши асрий орзуларининг мужассамлашгани бўлиб, улар биз билан бирга, коммунизм қураётганларнинг дил уриши ва диди билан ҳамоҳангдир, шу қурилишга ёрдам берадигандир.

Биз адабиёт тарихини шунинг учун ўрганамиз, унинг бойликларини шунинг учун тарғиб қиламиз.

Бошқа халқларники каби, илгор ўзбек классик адабиёти тарихига назар ташланса, унинг вакиллари ижодида (бирисида кўпроқ, бирисида озроқ!) биринчи навбатда зулмат замонидан зорланиш, зулм ва зулмкорларни, фирибгар ва муттаҳамларни, тажовузкорлик, вайроналик урушларини ва босқинчиларни қоралаш, ватанпарварлик ва инсонпарварлик, эркин фикр ва озод нафас олишни, тинчлик ва осойишталикни, севги ва севгида садоқатни, халқлар дўстлиги ва ҳамкорлигини, ижодий меҳнат ва ростўйликни, илм ва адолатни ва ҳоказо, умуман халқнинг маълум конкрет даврлардаги, тарихий шароитлардаги фикр ва туйғуларини, умид ва интилишларини юксак бадиий образ ва воситалар ёрдами билан қуйлаш бор, фазилат ва қадр қимматини ардоқлаш бор.

Ўзбек классик адабиёти ўз бошланғичини жуда ҳам узоқдан, ундан ҳам олдин — фольклордан олади. Унинг деярли йигирма асрлик тарихи (халқ ижодини ҳам қўшиб) жуда мураккаб ҳамда бой. Уни ўрганишда О. Шарафиддинов, Е. Э. Бергельс ва бошқалар анчагина ва муҳим иш қилган бўлсалар-да, лекин ҳали ҳам бу соҳада қатор жиддий камчиликлар бор, жуда катта вазифалар тадқиқотчилар олдида кўндаланг бўлиб турибди. Афсуски, адабиёт тарихининг ўзи аслида нималардан, қандай материаллардан, қандай шахс ва асарлардан, қандай соҳа, жанр ва йўналишлардан иборат деган масаланинг ўзи кўпинча юзаки, бир томонлама ҳал қилиниб келинган эди. Натижада уни сунъий озойтириш, камбағаллаштириш, унинг рамкасини торайтириш рўй берган эди, ижобий ўрганилишга, илгор ўзбек адабиёти тарихидан қонуний ўрин олишга лойиқ ёзувчи ва асарларни бармоқ билан санарли даражага келтирилиб қўйилган эди, баъзи муҳим соҳа, жанр ва йўналишлар умуман тарихдан ё назар эътибор марказидан ташқарида қолдирилган эди.

Масала шундан иборатки, биринчидан, кўлгина бадий асар ва санъаткорлар ё асосиз суратда адабиёт тарихидан чиқариб ташланган эдилар (айрим одамлар томонидан марксча-ленинча принципга зид ҳолда), ё умуман топилмаган, тадқиқотчилар ҳамда ноширлар қўлига етиб бормаган, ёки бу шахс ва асарлар аниқ фикр айтиш даражасида ўрганилмаган ё шунчаки эътиборсизлик билан четда қолдирилган эдилар (баъзи дostonлар, масалан «Ал-помииш», XIV—XV асрлардаги бир неча ёзувчилар, жумладан мунозарачилар, Лутфийнинг «Гул ва Наврўз»и, Навоийнинг бир неча асарлари, Заҳриддин Бобир, Абдуллаваҳобхўжа, Ҳозиқ, Ғозий, Нодира, Увайсий, Маҳзуна, Ҳувайдо, Нишотийлар шулар жумласидандир).

Иккинчидан, аксар ўзбек шоирлари «икки тилли» бўлганлар, — ўзбек ва форс-тожик тилларида ёзганлар. Бу билан улар икки халқ адабиёти, маданияти хазинасини бойитишда иштирок этганлар, икки халққа хизмат қилганлар. Бу билан улар икки халқ орасидаги дўстлик ва ҳамкорликни ифодалаганлар, шундай дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини мустаҳкамлашга ўз ҳиссаларини қўшганлар. Бу билан улар, ниҳоят, ўзларининг ўзбек халқининг тожик ва эрон халқларига, уларнинг тили ва маданиятига бўлган ҳурмат ва муҳаббатларини ифодалаганлар.

Бунинг устига, шундай нарса ҳам борки, баъзи ўзбек шоирларининг энг зўр, улар ижодида энг юксак ғоявий асарлари мана шу форс-тожик тилида ёзилган. Ҳозиқнинг «Нест бесавдойи зар то халқро бар тан сараст» деб бошланган ғазали, «Юсуф ва Зулайхо» номли монументал дostonи шулар жумласидандир.

Шундай типдаги ўзбек шоирларининг ижодини уларнинг форс-тожик тилларда ёзилган асарларисиз тасаввур қилиш қийин, ҳатто мумкин эмас. Лекин афсуски, шунга қарамасдан ўзбек шоирларининг форс-тожик тилида ёзган асарлари бир неча йил мобайнида илмий обиходга деярли киритилмасдан келинган эди (Садриддин Айний ва А. Қаюмовнинг баъзи ишларидан қатъий назар), республикамиз адабиёт тарихчилари томонидан бу асарлар ҳақида махсус илмий иш ҳам олиб борилмаган эди, уларга ҳатто ўзбек адабиёти тарихи хрестоматияларидан, антологиядан ва адабиёт тарихига бағишланган ўқув китобларидан деярли ўрин берилмаган эди. Хуллас, улар ўзбек адабиёти тарихидан асосан четда қолдирилиб келинган эди ва бу нарса қоида ҳамда одатга айланиб қолган эди. Бу ҳол адабиётимиз тарихини бир томонлама, нотўлиқ талқин қилишга, ёритишга олиб келган эди.

Учинчидан, қатор ўзбек шоирлари бир неча фольклор асарларини ишлаб, шу асосда ёзма адабиёт намуналарига айлантирдилар ёки шунга яқинлаштирдилар, шунга самарали уриндилар,

«Баҳром Гуландом», «Тоҳир ва Зуҳра», «Гулфараҳ», «Лайли ва Мажнун» шулар жумласидан. Булар ва шуларга ўхшаш анчагина бошқа асарлар узоқ вақтлар мобайнида ўзбек халқи орасида кенг тарқалди, ёзда очиқ ҳавода, сахий осмон остида, қишда эса жинчи роқ нури ва танча атрофларида жуда севилиб ўқилди. Улар бутун-бутун авлодларнинг эстетик ҳиссиётини ва фикр-онгини тарбиялашда актив иштирок этдилар. Улар аллақачонлар ўзбек адабиёти тарихидан мустаҳкам ўрин олганлар, шу адабиётнинг узвий қисмига айланиб кетганлар. Бундай асарлар ўзбек адабиёти тарихида ўзининг специфик томонларига эга бўлган алоҳида соҳа, жанр ва йўналишлардан бирини ташкил этади. Улар ўзбек адабиёти тарихи илмидан, шу адабиёт тарихига бағишланган асарлардан ўзларига муносиб ўрин олишга тамомила ҳақлидирлар, лекин шунга сазовор қилинмасдан келинди.

Тўртинчидан, ҳали XIV асрдан бошлабоқ сўз санъати усталари томонидан қатор бошқа халқлар адабиётининг анчагина намуналарини, дунё адабиётининг шоҳ асарларидан ҳисобланганларни меҳр ва матонат билан, кенг ижодий йўсинда ўзбек тилига таржима қилиб келдилар, ўзбек халқи орасига ёйдилар. Уларга кўра ўзбек китобхонлари ўз тилларида улкан ва нодир асарлардан ҳисобланган «Хисрав ва Ширин» (Низомий Ганжавий); «Гулистон» (Саъдий); «Шоҳнома» (Фирдавсий), Ҳиндистондан чиққан «Калила ва Димна» ва ҳоказоларни, А. Пушкин, Л. Толстой, И. Кривонинг баъзи асарларини ўқишга муяссар бўлган эдилар.

Бу билан сўз санъаткорлари-таржимонлар ўзбек халқининг, ўзларининг бошқа халқларга, шу халқларнинг маданиятига, тилига бўлган муҳаббатларини, ҳурматларини ифодалаган эдилар; ўзбек халқи билан бошқа халқлар орасидаги дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлашда иштирок этган эдилар ва, ниҳоят, ўзбек маданияти, ўзбек адабиёти ва ўзбек адабий тилни бойитишда муҳим хизмат қилган эдилар.

Таржима қилинган ажойиб асарлар аллақачонлар ўзбек халқининг ҳам маданий мулкига, ўзбек адабиётининг ҳам ажралмас, таркибий қисмига айланиб кетганлар. Бу факт, ўзбек адабиёти тарихидаги бу муҳим ҳодиса ҳозир ҳам халқлар орасидаги дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлашда бизга фойдалидир, албатта.

Бинобарин, ўзбек адабиёти тарихи ҳақида сўз кетганда шу таржима асарларини ҳам чиқариб ташлаш, улардан кўз юмиб ўтиш, аҳамияти зўр, жуда қийин таржима ишларини бажарганларни четлатиш, уларнинг ҳақиқатан ҳам гигант иш ва хизматларини тақдирламаслик катта хато ва адолатсизлик бўлур эди. Афсуски шунга қарамасдан, қатор илмий ишларимизда шундай салбий муносабат мавжуддир.

Бешичидан, шундай титан шоирлар борки, улар, гарчи бошқа халқлардан чиққан ва ўша халқлар тилида ёзган бўлсалар-да, лекин ўзларининг оригинал асарлари билан ўзбек шоирлари каби ва шу шоирлар билан бир қаторда, булардан ҳеч оз бўлмаган ҳолда ўзбек адабиётининг ривожланишига зўр ҳисса қўшган, шу адабиётнинг ривожланишини таъмин этнишда бевосита иштирок этган эдилар. Уларнинг баъзилари ўзбек халқи орасига тамомила сингиб кетган эдилар. Масалан, айниқса улуғ озарбайжон шоири Фузулий асарлари бир неча асрлар мобайнида ҳар бир саводли ўзбекнинг уйида бор эди, ўзбек мактабларида асосий дарсликлардан қилиниб ўқитилар-ўқилар эди, халқ орасида ўзбек шоирига айланиб, ўзбек шоири бўлиб, шухрат қозонган эди.

Бу ҳам ўзбек халқи билан бошқа халқлар ўртасидаги асрлар давомида мавжуд бўлган аҳиллийлик ва бир-бирига ёрдам муносабатларидан дарак беради, айни замонда ҳозир ҳам катта аҳамиятга эгадир.

Бинобарин, ўша шоирлар ҳам ўзбек адабиёти тарихида ўзларига муносиб ўрин олишлари лозим. Демак, бу масаладаги мавжуд хатони ҳам тузатмоғимиз зарур.

Юқорида зикр қилинганлардан кўринадики, ўзбек адабиёти бир неча йиллар мобайнида бир тарафлама ўйланиб ва талқин қилиниб келинганидек, асосан бармоқ билан санарли шоирларнинг шеърларидангина (уларнинг ҳам маълум қисми ҳақида сўз кетар эди) иборат эмас. У жуда мураккаб, кўп қиррали ва кенг кўламли хазина бўлиб, ўзига мувофиқ кенг план ва масштабда чуқур ҳамда атрофли ўрганилишни, кенг тадқиқот ишларини олиб боришни, кўрсатилган ва бошқа нуқсонларнинг қолдиқларини ҳам тезда йўқотишни талаб этади.

Муҳтарам китобхонлар қўлидаги бу асар — тўрт томлик намуналар Ўзбекистон Фанлар академияси А. С. Пушкин номи Тил ва адабиёт институти ўзбек классик адабиёт секторининг катта илмий коллективининг меҳнати ва аввалги ижобий тажрибалар ва қилинган ишлар натижаси бўлиб, мана шул талабга асосан тузилган.

Шубҳасиз, бу талабни амалга оширишда ҳали ҳамма нарса ва материалларни қамраб олишга улгуриб бўлмади. Бошқа камчиликларга ҳам йўл қўйилган бўлиши мумкин. Юксак талабли совет китобхонларидан ва тадқиқотчилардан ёрдам ва маслаҳат кутамиз. Уларнинг ҳар бир фойдали фикри коллективимизнинг келажак ишларига катта кўмак бўлишига ҳар қандай шубҳадан холидир. Ҳозирданоқ уларга миннатдорчилик билдирмасдан ўтиб бўлмайди.

Охирда бўлса-да, шуни ҳам қайд қилиб ўтиш керакки, бу

тўрт томликни тузишдан кўзланган мақсад шундангина иборат бўлмади. Уларга киритилган материаллар устидан мумкин қадаб илмий-текстологик ишлар ҳам олиб борилди, уларга киритилган материалларнинг бирмунчаси янги бўлиб, биринчи мартаба нашр қилинмоқдалар.

Ўйлаймизки, бу китоблар олий мактаб ўқувчи ва ўқитувчиларига, мактаб муаллимларига, адабиёт билан қизиқадиган оммага ўз хизматини қилгай.

В. ЗОҲИДОВ.



Ў

ТУЗУВЧИЛАРДАН

Ўзбек адабиёти тарихи материалларидан тузилган тўрт томлик бу тўпламнинг биринчи томи XI асрдан XV асргача бўлган адабиёт намуналарини ўз ичига олади. Бу китоб Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит-турк» асаридан парчалар бериш билан бошланиб, Ҳусайний девонидан танланган шеърий асарлар билан тугайди.

Алишер Навоийнинг асарларидан танланган намуналар тўпламнинг иккинчи томини ташкил этади.

Учинчи том XVI аср адабиёти намуналаридан Заҳриддин Муҳаммад Бобирнинг шеърий ва прозаик асарлари билан бошланади ва XIX аср шоирларидан Комил Хоразмий шеърлари билан тугайди.

Тўртинчи томда XIX аср иккинчи ярмидан то Улуғ Октябрь социалистик революциясигача яратилган турли жанрлардаги адабий-бадний асарлардан намуналар берилди. Бу том Муқимийнинг лирик ғазаллари ва сатирик шеърлари билан бошланиб, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг Улуғ Октябрь революциясигача ёзган шеърларидан ва «Заҳарли ҳаёт» номли пьесасидан парчалар келтириш билан тамомланади.

Буюк озарбайжон шоири Фузулийнинг айниқса XVIII—XIX асрлар ўзбек классик адабиётига кўрсатган зўр таъсири ва ўзбек халқининг асрлар давомида бу ажойиб лирик санъаткорнинг серзавқ асарларини ўзиникидек ўқиб, ўрганиб ҳамда куйлаб келганини назарда тутиб, бу шоир асарларидан ҳам намуналар ажратилди.

Тўртинчи том охирида айрим икки боб ажратилиб, биринчисида халқ китобларидан, яъни халқ оғзаки адабиётидан ёзма адабиётга ўтган ёки ўта бошлаган турли халқ дostonларидан намуналар берилди. Иккинчи бобни эса ўзбек тилига таржима қилинган бадий асарлар билан тўлдирилди. Бунда шарқ халқлари тилидан қилинган таржима асарлардан парчалар бериш билан бирга, Улуғ Октябрь революциясигача А. С. Пушкин И. А. Кривов, Л. Н. Толстой каби улуғ рус шоири ва ёзувчилари асарларининг ўзбекча таржимлари ҳам махсус жой олди.

Тўрт томлик учун намуналар танлашда ЎзССР Фанлар Академиясининг Шарқшунослик, Тил ва адабиёт институтлари ва Адабиёт Музеи китоб фондидаги қўл ёзма манбаълардан имкон борича фойдаланилди. Шу билан бирга, айрим ҳолларда 1945 йилда нашр этилган Адабиёт тарихи хрестоматиясидаги материаллардан ҳам қисман фойдаланилди.

Бу тўпламда ўзбек адабиёти тарихига оид барча янги материалларни киритиш ва асарларни тўлароқ ҳамда боғланишлари қилиб беришга уринилди.

Тўпламнинг томларга бўлиниши ва материалларнинг шу томлар бўйи жойлаштирилиши шартлидир.

Тўрт томликдан ўзбек адабиёти тарихи билан шуғулланувчи адабиётчилар, адабиётшунослар, ўрта мактаб адабиёт ўқитувчилари ва олий ўқув юртлири филология факультетининг студентлари фойдаланишлари мумкин.

Маҳмуд Кошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб ва Аҳмад Юнакий асарларини С. Муталлибов; Яссавий ва Дурбек асарларини А. Ҳайитметов; Лутфийнинг «Гул ва Наврўз» дostonи ва Юсуф Амирий билан Яқиний асарларини Э. Рустамов, қолган ҳамма материалларни Ҳоди Зариф тайёрлаган.



МАҲМУД КОШҒАРИЙ





Ў

н биринчи асрда қорахонийлар давлати ташкилий жиҳатдан анча мустаҳкамланди, территориал жиҳатдан анча кенгайди, савдо-сотиқ ишлари, касбу ҳунар, илму фан бирмунча ривожланди. Қатор илмий, тарихий асарлар майдонга келди. Лекин уларнинг кўплари бизгача етиб келмаган. У даврдан бизгача етиб келган асарларнинг бири «Девону луғотит-турк» номли асардир.

Асар автори Маҳмуд бинни Хусайн бинни Муҳаммад бўлиб, Маҳмуд Қошғарий номи билан машҳурдир. Маҳмуд Қошғарий Болосоғун (ҳозирги Қирғизистон территориясидаги Тўқмоқ) шаҳрида туғилган ва кўп вақтини Убул ва Азин деган қишлоқларда ўтказган. Унинг туғилган йили аниқ маълум эмас, аммо асарнинг ёзилиш тарихига қараб, XI аср бошларида туғилган деб тахминлаш мумкин.

Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғотит-турк» асари бизгача етиб келган адабий, илмий ёдгорликларнинг энг йиригидир. Асарнинг ҳажми анча катта бўлиб, уч томдан иборат, авторнинг изоҳидан маълум бўлишича, ҳар уч том 1076/77 йилларда ёзиб тугалланган.

Туркий халқлар тарихида бениҳоя муҳим манбаъ ҳисобланган бу асар ёлғиз у давр тилидаги сўзларни изоҳловчи луғат китобгина эмас, балки шу билан бирга, ўша даврда Шимолий Хитойдан бошлаб, бутун Мовароуннаҳр, Хоразм, Фарғона, Бухорога қадар бўлган кенг ва катта территорияда яшаган уруғлар, қабилалар, халқлар ва уларнинг тиллари, у давр тилидаги ҳар хил адабий жанрлардан намуналар берувчи улур филологик асардир.

Девонда келтирилган уч юздан ортиқ адабий парчалар (тўртликлар) ва шу миқдордаги мақол ва маталлар у даврининг адабий савиясини кўрсатувчи намуналар сифатида жуда муҳим ҳужжатдир.

Маҳмуд Кошғарий изоҳига кўра, Девонда келтирилган адабий парчалар, ҳикматли сўзлар, мақол, матал ва қўшиқлар, ражаз (жангларда қаҳрамонликка фахр қилиниб ўқиладиган қўшиқлар) ва бошқалардан намуналардир. Уларни баҳор севинчлари, жанг садолари, ботирларнинг қўшиқлари, севги туйғулари, таълимий парчалар, табиат тасвири ва бошқа мавзўлар остида айрим асарларга бириктириш мумкин.

Девондаги адабий парчалар ва улар ҳақидаги Маҳмуд Кошғарий уқдиришлари, Маҳмуд Кошғарийнинг адабий асарлар устида узоқ иш олиб борганини, адабий асарларни диққат билан ўрганганини исботлайди. Маҳмуд Кошғарий Девонда баъзан вази, адабий жанрлар, истиора, ташбиҳ ва бошқа шеърий хусусият ҳақида ҳам маълумотлар беради. Бу хил фактлар шеърий асарларга доир қоидалар бошланғич ҳолда бўлса ҳам ўша даврлардаёқ юзага келганидан дарак беради.

Ҳақиқатда у даврда ўша давр савиясига мос поэтик муҳит вужудга келган эди. Поэтик талабларга тўла жавоб берарли «Қутодғу билик» асари шуни исбот қилади. Девондаги айрим маълумот ва парчалар у даврда бутун ҳаётини илмий, ижодий ишга бағишлаган, катта асарлар яратган ёзувчилар бўлгани тўғрисида мулоҳаза юргизишга имкон беради.

Девондаги адабий парчалар ёлғиз XI аср адабиётидангина намуна бўлмай, уларнинг катта бир қисми жуда узоқ ўтмиш даврлар маҳсулидир. Масалан, Девондаги Ябоқу ва Басмиллар кураши ҳақидаги парчалар жуда узоқ ўтмишга доир парчалардир. Бу парчаларни Култигин обидаларидаги Ябоқу ва Басмилларга нисбат бериш ҳам мумкин. Девонда берилган табиат тасвири ҳақидаги парчалар, севги ҳақидаги рубоийларнинг катта бир қисми яна ҳам узоқ ўтмишга доир парчалардир.

Бу жиҳатдан Девондаги парчалар адабий ҳаракатнинг жуда узоқ тарихини белгилашга хизмат қилувчи энг муҳим ҳужжатлардир. Биз бу ерда фақат баъзи адабий парчалардан намуналар келтирамыз.



„ДЕВОНУ ЛУҒОТИТ-ТУРК“дан

Қор, буз қамуғ арушди,
Тоғлар суви оқишди,
Кўкшин² булит ўрушди,
Қайғуқ³ бўлуб укришур⁴.

[Қор, музлар эришди, тоғлар суви оқа бошлади. Кўкшмитир булут кўтарилди, сувда сузган қайиқдай ҳавода сузишди.]

Урди булит инграшу,
Оқти оқин мунграшу,
Қолди будун тонглашу,
Кўкрас⁵ тақи манграшур⁶.

[(Кўк юзида) булутлар ўйнаша бошлади. Шалдираб сел оқа бошлади. (Кўриниш) ҳаммани ҳайратга солди. Чақмоқ чақар, мо моқалдироқ ваҳимали товуш билан гулдураб эди].

Ой қўпуб, авлануб,
Оқ булит⁷ урлануб,

¹ Баҳор у даврларда алоҳида қувонч билан қарши олинар, маҳсус шодисна кунлар ўтказилар, бу кунларда турли қўшиқлар куйланар эди. Ҳали табиат ҳодисалари олдида кучсиз бўлган у давр тўшунчасида баҳор одамларни ризқлантирувчи аҳамиятга эга бўлган. Биз бу ерда ана шу баҳор қўшиқларидан баъзи тўртликларни берамиз. Бу парчалар Девоннинг уч томида тарқоқ ҳолда бўлиб, биз бир ерга тўпладик. ² Кўкшин — кўкшмитир. ³ Қайғуқ — қайиқ. ⁴ Укришмақ — ҳаракат қилмоқ, ҳаракатга тушмоқ, сузишмоқ. ⁵ Кўкрасмоқ — чақнамоқ. ⁶ Манграшмоқ — наъра тортмоқ. ⁷ Оқ булит — булут парчаси, булут тўдаси.

Бир-бир уза уклубу¹,
Сочилюб суви инграшур².

[Ой чиққан, теграсида доира пайдо бўлган эди. Оқ булут кў-
тарилади, бир-бири устига тўдаланади-да, шувуллаб сув томчилари-
ни ерга тўка бошлайди. У даврда Ой атрофини қизил гирдоб ўра-
ганда қизиллик булутни юқорига суради, улар тўдаланиб ёға бош-
лайдилар, деган тушунча ҳукм сурган].

Қуйди булит яғмурин,
Кериб тутар оқ тўрин³,
Қирқа қузти ул қорин,
Оқин⁴ оқар анграшур.

[Булут ёмғирини қуйди. У оқ тўрини ҳавога кенг ёйди, оппоқ
қорларини тоғлар устига ташлади. Шаррос сел оқди].

Қоқлар⁵ қамуғ кўларди⁶,
Тоғлар боши иларди⁷,
Ожун тани йилрди,
Туту,⁸ чачак жаркашур⁹.

[Чуқурлар сувга тўлди, ҳатто тоғларнинг боши хаёл бўлиб
қолди (кўринмай кетди), борлиқ иссиқ нафас ола бошлади (яйра-
ди), ўсимлик ва дарахтлар ювинди. Ҳар нарса безаниб нурланди].

Туман чачак тизилди,
Буқундан¹⁰ ул ёзилди¹¹,
Ўқуш¹² ётиб узалди,
Ерда¹³ қўба¹⁴ азришур¹⁵.

[Ранг-баранг чечаклар қаторлашиб униб чиқдилар, шохлаб
ёзилдилар. Узоқ вақт тупроқ остида қолиб сиқилган гуллар бош
кўтариб яйрадилар].

Яғмур ёғиб сачилди,
Турлук чачак сучулди¹⁶,

¹ Укланмоқ — кўпайишмоқ, тўдаланмоқ. ² Инграшмоқ — шувул-
ламоқ. ³ Оқ тўр — булут тўдаларидан киноя; оқ тўрини кериб
тутмоқ — бутун осмонни булут қопламоқ. ⁴ Оқин — сел. ⁵ Қоқлар —
чуқурлар. ⁶ Кўларди — кўлга айланди, кўл бўлиб кетди. ⁷ Илармак —
кўзга зўрға илашар ҳолга келмоқ. ⁸ Туту — турли-турли, ҳар хил.
⁹ Жаркашмак — саф тортмоқ, тизилмоқ. ¹⁰ Буқун — ғунча. ¹¹ Ёзил-
ди — ёйилди, очилди. ¹² Ўқуш — кўп. ¹³ Ерда — ердан. ¹⁴ Қўба — кўтари-
либ. ¹⁵ Азришур — айрилишади, ажралнишади. ¹⁶ Сучулмоқ — пўстлоқ
ташлаб тозаланмоқ.

Инжу қоби¹ очилди
Чиндан ийпор юғрушур².

[Ёмғир томчилари тўкила бошлади, турли чечаклар унди,
инжу қутичалари (ғунчалар) очилди, ҳар томонда шифобахш
атир ҳидлари гуркуради].

Қулон³ тугал қумутти⁴
Арқар⁵, сўқақ⁶ юмутти⁷,
Яйлоғ тоба эмитти⁸,
Тизгиқ туруб сакришур.

[Баҳор қулонларни, оҳуларни ўз еридан қўзғатди. Така ва қў-
зичоқларни ҳаракатга солди. Улар тўда-тўда бўлиб яйловларда
ўйнашар, яйрашар эди].

Яшин отиб⁹ яшнади,
Туман¹⁰ туруб тушнади¹¹,
Азғир қисир кишнади,
Угур олиб¹² уқрашур¹³.

[Ялтираб яшин чақнади, булутлар қўзғалиб тўпланди. Баҳор
белгиларини кўрган айғир ва биялар шодланди, ҳар хил овозлар
билан кишнашиб уюр олишди].

Алин¹⁴ тўбу яшарди,
Ўрут¹⁵ ўтин яшурди,
Қўлинг сувин кушарди¹⁶,
Сигир, буқа мунграшур.

[Тоғ тепалари ранг-баранг чечак ва кўкаглар билан безанди.
Қуриган эски ўтларни яшириб юборди. Қўллар сувлари тўлиб
тошди. Сигир, буқалар шодликдан мастларча манграшмоқда].

Қизил сариг арқашиб¹⁷,
Ябкин¹⁸ яшил юзкашиб,
Бир-бир кару юркашиб,
Ялингук¹⁹ ани танглашур.

[Ҳар турли гуллар, сариқ, қизил чечаклар бирин-кетин униб

¹ Қоб — қути. ² Юғрушмоқ — анқимоқ, гуркурамоқ. ³ Қулон —
кийик, тоғ эчкиси, ёввойи эшак. ⁴ Қумутмоқ — қўзғатмоқ. ⁵ Арқар —
урғочи эчки. ⁶ Сўқақ — кийик. ⁷ Юмутмоқ — йиғмоқ, тўпламоқ.
⁸ Эмитмоқ — йўлламоқ. ⁹ Отмоқ — чақнамоқ. ¹⁰ Туман — момақал-
дироқ. ¹¹ Тушнамоқ — тўпланмоқ. ¹² Угур олмоқ — уюр олмоқ.
¹³ Уқрашмоқ — шодланиб кишнамоқ. ¹⁴ Алин — ҳар хил най ранглар
билан. ¹⁵ Ўрут — эски, қуриган қолдиқлар. ¹⁶ Кушармоқ — тоштир-
моқ. ¹⁷ Арқашибмоқ — орқама-орқа тизилишмоқ. ¹⁸ Ябкин — ҳар хил
хушбўй ўсимликлар. ¹⁹ Ялингук — халқ, одамлар.

чиқди. Улар бир-бирларига эргашган каби кетма-кет бош чиқардилар. Манзара кишиларни танг қолдирарли кўркам тус олди].

Оғди¹ булут кўкраю²,
Яғмур тўли³ сакрию,
Қалиқ⁴ ани укрию⁵,
Қанча борир балгусуз.

[Гулдурос билан булутлар кўтарилиб чиқди, пайдо бўлди. Қуюқ ёмғир, жала қуйила бошлади. Ҳаво булутларни учирай, улар (булутлар) қаёққа боришини билмай, эсанкирагандек кезар эди].

Куш, қурт⁶ қамуғ тирилди,
Эрлик⁷ тиши⁸ терилди⁹,
Ўкур олиб¹⁰ тарилди¹¹,
Йинқа яна киргусуз.

[Ўлик ҳолида бўлган ҳамма қурту қушлар баҳор насимини искаб қайта жонландилар. Эркак, ургочилари тўпланишди. Тўда-тўда бўлиб ўзига мос жойларга тарқалишди. Энди улар қоронғиниларига қайтиб кирмайдилар].

Ёй борубон аркузи¹²,
Оқти оқин мундузи¹³,
Тугди ёруқ юлдузи,
Тингла сўзум кулгусуз.

[Баҳор қор сувларини эритиб, телба сел каби оқиша бошлади. Ёруғ юлдузлар чарақлаб чиқди, бу сўзларимни кулгисиз тингла].

Тагма¹⁴ чачак ўкулди¹⁵,
Буқуқланиб¹⁶ букулди,
Туксин тугун¹⁷ тугулди,
Ёрғолима¹⁸ юркашур.

[Ҳар хил гуллар тўпланишди. Улар махсус бир шаклда берланган гулдасталар сингари ўралишиб очилишмоқда].

Қўчинкор тақа сашилди¹⁹,
Соғлиқ сурук²⁰ қўшулди,

Сутлар қамуғ¹ юшулди²
Ўғлоқ қўзи ямрашур³

[Ёз келиши билан кўчқор, такалар ешилиб, соғлиқ сурукларига қўшилишди. Мўл ўтлоқлардан фойдаланган моллар сути оқиб тўкила бошлади. Қўзилар у сутларни эмишади].

Турлук чачак ёрилди¹
Барчин⁵ язим⁶ карилди⁷,
Учмоқ⁸ яри кўрулди,
Тумлуғ⁹ яна калгусуз.

[Ранг-баранг чечаклар очилди. (Ер юзи) ипак гиламлар билан безанган каби зийнатланди. Жаннат ери кўринди. Совуқ ҳеч қайтиб келмайдигандек ҳаво ёқимли бўлди].

Атил суви оқа турур,
Қая¹⁰ туби қоқа турур,
Балиқ тилим бақа турур,
Кўлунг тақи¹¹ кушарур¹².

[Эдил суви тўлиб оқмоқда. Қаттиқ тоғ тошларига уриб шалдирамоқда. Тошган сувлардан пайдо бўлган кўлларда балиқ, бақалар урчимоқда].

Қиш билан ёз тортишувидан

Қиш ёй била тўқушти¹³,
Қинир кўзунуғ боқишти,
Тутушқали¹⁴ яқишти,
Утғолима¹⁵ ўғрашур.

[Қиш ёз билан тўқнашди, бир-бирларига ёмон кўз билан қарашди. Улар бир-бирларини енгилга, ютишга тиришар эдилар].

¹ Оғмоқ — кўтарилиб чиқмоқ. ² Кўкрамоқ — наъра тортмоқ. ³ Тўли — жала. ⁴ Қалиқ — ҳаво. ⁵ Укрмаоқ — ҳаракат қилмоқ. ⁶ Қурт — ҳар хил майда ҳашаротлар (лекин ўғузлар қурт деб пашшага айтар эдилар). ⁷ Эрлик — эр жинслар. ⁸ Тиши — ургочилар. ⁹ Терилмоқ — тўпланмоқ. ¹⁰ Укур олимоқ — тўдаланмоқ. ¹¹ Тарилмоқ — таралмоқ, таралиб кетмоқ. ¹² Аркуз — баҳорда қорлар эришидан чиққан сув. ¹³ Мундуз — саросималик, телбалик. ¹⁴ Тагма — ҳархил. ¹⁵ Укулмоқ — тўпланмоқ. ¹⁶ Буқуқланмоқ — гунчаланмоқ. ¹⁷ Туксин тугун — махсус тугун, гулдаста. ¹⁸ Ёрғолима — очилиш олдидаги. ¹⁹ Сашилмоқ — ешилмоқ. ²⁰ Сурук — тўда, псада.

¹ Қомуғ — ҳамма. ² Юшулмоқ — оқиб тўкилмоқ. ³ Ямрашмоқ — эмишмоқ. ⁴ Ёрилмоқ — очилмоқ. ⁵ Барчин — шоҳи. ⁶ Язим — ёзиладиган, намат. ⁷ Карилмоқ — керилмоқ, солинмоқ. ⁸ Учмоқ — жаннат. ⁹ Тумлуғ — совуқ. ¹⁰ Қая — қатта тош. ¹¹ Тақи — ҳам. ¹² Кушармоқ — тўлиб-тошмоқ. ¹³ Тўқушмоқ — урушмоқ. ¹⁴ Тутушмоқ — ёқа тутмоқ. ¹⁵ Утғолима — бир-бирини ютишни.

Қиш ёйғиру¹ сувланур,
Эр ат машин явруюр²
Иклар³ ема⁴ савруюр,
Ат йин тақи тагришур⁵.

[Қиш ёзга қарши бақириб-чақириб сўзга бошлади: Одамларни ҳам, қора молларни ҳам менда этлари пишади, баданлари мустаҳкамланади. Менда касал камаяди. Одамларнинг гўштлири қотади, ўзлари қувватланадилар.

Ул қор қамуғ⁶ қишин⁷ инар,
Ошлиғ⁸, тариг⁹ аннин⁹ унар,
Ёвлоқ ёғи¹⁰ манда тинар,
Сан келибон тебрашур.¹¹

[Қор қишдагина ёғади, арпа, бугдой ва озиқ-овқат экинлари шундан унади. Ёмонлар, душманлар манда тинадилар, сан келишинг билан улар ҳаракатга туришиб, тинчсизлик бошланиб кетади].

Санда кўпар чазанлар¹²,
Қўзғу¹³ сингак, йилонлар,
Дук минг¹⁴ қую¹⁵ туманлар,
Қузуқ тикиб югрушар.

[Чаён каби зарарли ҳашаротлар, чивиллар, илонлар, пашшалар ҳаммаси санда пайдо бўлишади, ҳар ерларни хира қилиб изғишади].

Ёй қиш била қаришти¹⁶,
Ардам¹⁷ ёсин қуришти,
Чарик тутуб кўрушти,
Уқтағали¹⁸ утрушур.

[Ёз қиш билан қаршилашди. Уларнинг ҳар бири ўзларининг фазилатларини кўрсата бошлади. Улар бир-бирини ўққа тутадигандай аскар тортиб қаршилашди].

Балчик балиқ¹ юғрулур²,
Жигой³ ёвуз⁴ йигрилур⁵
Арингаклар⁶ ўғрулур⁷
Узғуч⁸ била авришур⁹.

[Қишда лой, балчиқлар ҳамма ёқни қоплайди, камбағал, юпун одамлар эзиладилар, қийналадилар, қаттиқ совуқдан гезаришиб қоладилар].

Санда қочар сундилоч¹⁰,
Манда тинар қарғилоч¹¹,
Тотлиғ¹² ўтар¹³ сандувоч¹⁴,
Аркак тиши¹⁵ учрашур.

[Саъвалар сандан қочадилар, ҳар турли қушлар манда тинадилар, шод нафас оладилар, манда булбуллар ёқимли овозлари билан тинмай сайрайдилар. Уларнинг эркак ва модалари манда улфатлашадилар].

Йилқи ярим ўтланур,
Ўтлаб аннин этланур,
Баклар самиз отланур,
Савунуб угур¹⁶ асришур.

[Манда йилқилар ердан ўзлари ўтланадилар, барра ўтлар билан семирадилар, баклар семиз отларга минадилар, шодликдан бир-бирини тишлашиб (қитиқлашиб) ўйнашадилар].

Ов¹⁷ қўшиғи

Қўклар¹⁸ қамуғ тузулди,¹⁹
Ивриқ²⁰ идиш тизилди,
Сансиз ўзум²¹ узалди,
Қалгил амул²² ўйнадим.

▲

¹ Балиқ — лой. ² Юғрулмоқ — аралашмоқ. ³ Жигой — камбағал. ⁴ Ёвуз — ёмон. ⁵ Йигрилмоқ — совуқда қийналмоқ. ⁶ Арингаклар — бармоқлари. ⁷ Уғрулмоқ — совуқотмоқ. ⁸ Узғуч — оғиз ели билан пуфлаш. ⁹ Авришмоқ — алдаб иситмоқ. ¹⁰ Сундилоч — саъва, ҳар хил кичик қушчалар. ¹¹ Қарғилоч — қалдирғоч. ¹² Тотлиғ — ёқимли. ¹³ Ўтамоқ — сайрамоқ. ¹⁴ Сандувоч — булбул. ¹⁵ Тиши — урғочи. ¹⁶ Угур — йилқилар. ¹⁷ Ов — у давр турмушининг анча муҳим масалаларида эди. У айрим масвумларда қизғин тус олиб, ҳамма унга иштирок этар эди. Бундай масвумлар аввалида махсус шодиёна кунлари ўтказилиб, ўзига хос қўшиқлар куйланар эди. Бу парчалар ана шундай ов қўшиқларидан намунадир. ¹⁸ Қўклар — чолғулар. ¹⁹ Тузулмоқ — сазланмоқ. ²⁰ Ивриқ — май косалари. ²¹ Ўзум — борлигим, жоним. ²² Амул — шодланиб, яйраб.

¹ Ёйғиру — ёзга қарши. ² Явруюр — тугалади, битади. ³ Ик — касаллик. ⁴ Ема — яна, ҳам. ⁵ Тагришмоқ — қотмоқ, пишмоқ. ⁶ Қамуғ — ҳамшиша. ⁷ Қишин — қиш билан, қишда. ⁸ Ошлиғ — озиқ-овқат доилари. ⁹ Аннинандик, ундан. ¹⁰ Ёвлоқ ёғи — ёмон душман. ¹¹ Тебрашмоқ — тинчсизланмоқ. ¹² Чазанлар — чаёнлар. ¹³ Қўзғу — сиңчак, чивин. ¹⁴ Дук минг — мингларини. ¹⁵ Қую — қайрилиб. ¹⁶ Қаришти — қаршилашди. ¹⁷ Ардам — мақтаниш. ¹⁸ Уқтағали — ўққа тутишга.

[Чолғулар соз қилинди, май косалари тайёрланди. Сенсиз қийналмақдаман. Дилим сани истайди. Кел, яйраб, яшнаб ўйнайлик].

Ивриқ боши қозлаю¹
Сағроқ² тўлу кўзлаю,
Соқинч³ қузи⁴ кизлаю⁵,
Тун-кун била савиналим.

[Май идишининг боши ғоз бўйиндек қад кўтарган, ёғоч коса (қадах) кўз косаси сингари тўла, қайғуларни кўринмас қилиб яширайлик, кеча-кундуз севинайлик].

Ўттуз ичиб қикралим,
Юқор қўбуб сакралим,
Арслонлаю кўкралим,⁶
Қочти соқинч⁷ савиналим.

[Ҳар биримиз уч қайтадан ичайлик, энг улуғ шодлигимизни билдириб, оёққа туриб сакраб ўйнайлик, арслонлардек наъра тортайлик, қайғулар биздан қочганини, қайғуларимиз қолмаганини кўрсатгудай шодланайлик].

Йигитларинг ишлату
Йиғоч ямиш иргату⁸,
Қулон⁹ қайик овлату
Базарм¹⁰ қилиб овналим.

[Ёш йигитларни ишга солайлик, улар дарахтларни силкитиб мева терсинлар, қулон, кийик каби ваҳший ҳайвонларни овлашга буюрайлик, бу севинчли кунларни байрам қилиб шодлик билан ўтказайлик].

Чағри¹¹ бериб қушлату,
Тойғон¹² изиб¹³ тишлату,
Тилки тўнгуз тошлату,
Ардам била ўкларим¹⁴.

[Йигитларга ов қушларимизни топшириб қуш овига юборайлик. Тулки ва тўнғизларни тош билан уриб, кетларидан овчи итларимизни юбориб тишлатайлик. Ўзимизнинг эришажак ютуқларимизга ишонч билан мақтанайлик].

¹ Қозлаю — ғоз бўйиндек. ² Сағроқ — ёғоч коса. ³ Соқинч — қайғу. ⁴ Қузи қуйи — ер остига. ⁵ Кизламоқ — яширмоқ. ⁶ Кўкралмоқ — наъра тортмоқ. ⁷ Соқинч — қайғу. ⁸ Иргатмоқ — силкитмоқ. ⁹ Қулон — ёввойи эшак. ¹⁰ Базрам — байрам. ¹¹ Чағри — овчи қушлар, овга ўргатилиб сақланадиган қушлар. ¹² Тойғон — туғун, искоччи-искочив ит. ¹³ Изиб — кегидан юбориб. ¹⁴ Ўкларим — мақтамоқ.

Тўсун¹ мунуб сакиртсун,
Асизлиғни² амуртсун³
Итқо қайик қайгартсун,
Ятмиш⁴ сони умналим⁵.

[Йигитларимиз ёш, ўйнақи отлар миниб ўргатсинлар. Итларга кийикларни қайта-қайта солиб ов қилсинлар. Биз ов тутилганига, унинг гўштларини ейишга умид боғлайлик].

Бўри ови ҳақида

Кеча туруб юрир эрдим⁶,
Қора-қизил бўри кўрдум,
Қатиғ ёни қура кўрдум,
Қаё кўруб⁷ боқу⁸ оғди⁹.

[Кечаси туриб (овни мўлжаллаб айланиб) юрган эдим. Қора-қизил рангли бўрини кўриб қолдим. Дарров камонимга қаттиқ, ўткир ўқ солиб ҳозирландим. Шарпамни сезиб, шошилиб бир катта тош орқасига биқинди. (Хаёлим уни овлашда, лекин қоронғулик халал берар эди)].

Қора тунунг кечурсадим,
Оғур¹⁰ уни учурсадим,
Ятиканинг¹¹ қочурсадим,
Соқиш¹² ичра кунум туғди.

[Қора тун тез ўтишини истар эдим, уйқуга ҳам йўл бермасликка тиришдим. Етти қароқчини санай-санай тонг отдирдим].

Иқиложим¹³ арик¹⁴ бўлди,
Арик бўлғу яри¹⁵ кўрди,
Булит уруб кўк ўртулди,
Туман туруб тули¹⁶ ёғди.

¹ Тўсун — асов, шўх, ўйнақи от. ² Асизлигин амуртсун — асовлигини йўқотиб, ювош қилсинлар. ³ Ятмиш сони — ов қўлга киргандек. ⁴ Умналмоқ — умидланмоқ. ⁵ Юрир эрдим — давом феъли — юришда давом қилар эдим. ⁶ Қаё кўрмоқ — шарпа сезмоқ. ⁷ Боқу — буқинмоқ. ⁸ Оғмоқ — юқори чиқмоқ, кўтарилмоқ. ⁹ Оғур — уйқу. ¹⁰ Ятика — етти қароқчи, етти оғайни юлдуз. ¹¹ Соқиш ичра — санай-санай, санай бериб. ¹² Иқилож — асов, ўйнақи от. ¹³ Арик бўлмоқ — типирчилаб безовта бўлмоқ. ¹⁴ Яри кўрмоқ — лойиқ топмоқ. ¹⁵ Тули — дўл.

[Шўх, ўйноқи отим (ҳам овга қизиқиб тонг отишини кутгандай қувонч билан тонг отгандан дарак берди) кишнаб, пишқириб шўхлик қила бошлади. Кўкни булут қоплаб, жала қуйиши (баҳор ҳавоси) ҳам унда шўхлик қўзғатган эди].

Узу бориб¹ ўкуш эвдим²,
Талим юриб кучи гавдим,
Отим бирла тагу³ авдим⁴,
Мани кўриб еси ағди.

[Отимга миниб шошилиш билан кетидан бордим. Қўпгина қувлаб чарчатдим. Отим билан атрофида, кўз олдида бир оз кузатиб турдим. Бу аҳволни кўриб туси-ранги ўчди, қаттиқ қўрқди. (Сўнг мен итимни ишга солдим)].

Итим тутуб қузи⁵ чолди,
Онинг ту⁶ син қира юлди,
Бошин олиб⁷ қузи⁸ солди,
Буғоз олиб⁹ тугал буғди.

[Итим тутиб олиб ётқизди, бўғозини бўғиб хушдан кетказди. Бошини узиб ташлади, (итим, ўз баҳодирлигига керилиб) тукларини юлиб ўйнади].

Бир жанг ҳақида

Оға¹⁰ бўқтир¹¹ уза юрдим,
Бариқ ёқиб қаё¹² кўрдим,
Они билиб тақи бордим,
Тугал ёғи тури¹³ тугдм.

[Тоғ тепасида юрар эдим, узоқдан бир шарпа кўрдим. (Аниқлаш учун), яна у томонга яқин бордим. Ёвлар тўзонни экани аниқ бўлди].

Қузи¹⁴ қиқриб ўғиш¹⁵ тердим,
Ёғи¹⁶ қару¹⁷ кериш¹⁸ кўрдим,
Тўқуш¹⁹ ичра уруш бердим,
Аран кўруб боши тигди²⁰.

¹ Узу бормоқ — изидан бормоқ. ² Эвмоқ — шошилмоқ. ³ Тагу — теварагида, атрофида. ⁴ Авмоқ — айланиб юрмоқ. ⁵ Қузи чолмоқ — пастга ирғитмоқ, оёқ остига олмоқ. ⁶ Ту-тук — мўй. ⁷ Олмоқ — узмоқ, айирмоқ. ⁸ Қузи — қуйи. ⁹ Олмоқ — бўғмоқ. ¹⁰ Оғмоқ — чиқмоқ, кўтарилмоқ. ¹¹ Бўқтир — тепа, юқори. ¹² Қаё — кўрмоқ — шарпа кўрмоқ. ¹³ Тур — тўзон. ¹⁴ Қузи — пастлик, тоғ этаги, одамлар яшайдиган жойлар. ¹⁵ Ўғиш — қабила. ¹⁶ Ёғи — душман. ¹⁷ Қару — қарши. ¹⁸ Кериш — ўқ. ¹⁹ Тўқуш — уруш. ²⁰ Тигмоқ — бош эгмоқ.

[Тоғдан қуйига қараб қичқириб уруғ-қабилаларимни тўпладим. Душманга қарши камонларимни ўқладим. Жанг майдонида ўзим уруш очдим. Мени кўриб ёв ботирларининг бошлари букилди].

Ўзин ўкуниб¹ урилади²,
Йироқ ернинг қарилади³,
Отиг кемишиб⁴ урилади⁵,
Увут⁶ бўлуб тубу⁷ оғди⁸.

[Бошда керилиб, бақириб лоф урди. Отини кўйиб юбориб ерларни ўлчай кетди. Бироқ сўнг уялиб тепага қочди].

Аран изиб⁹ сўка¹⁰ турди,
Боши бўйнин сўка турди,
Увут бўлуб бука турди,
Узу¹¹ қома¹² табан¹³ йиғди.

[У манга ботирларини юборди. Улар олдимда тиз чўкдилар, бош кўтаролмас эдилар, хижолатдан бўйинлари эгилган эди. Ҳужумни тўхтатинг деб ёлбордилар].

Абанг¹⁴ қўлсам¹⁵ узу¹⁶ бориб,
Тутар эрдим сўвсин¹⁷ ториб¹⁸,
Булун¹⁹ қилиб боши ёриб,
Юлуғ²⁰ барча манга йиғди.

[Агар истасам ҳужумни давом эттириб, ўзини тутар эдим, аскарини таратиб, ўзини асир қилиб, бошини ёрар эдим. Лекин жонини сақлаб қолиш учун кўпгина инъомлар тўплаб тақдим қилди].

Авин²¹ барқин²² сотиғсади,
Юлуғ²³ бериб ериғсади,
Тирик эрса туруғсади,
Ангар соқинч²⁴ кунни туғди.

[Ўзининг тирик қолиши учун душман уй-жойларини сотиб, топширишини истарди. Ахир унга қайғу кунни тўққан. У эса тирик қолишни истайди].

¹ Укунимоқ — мақтанмоқ. ² Уриламоқ — керилмоқ; лоп урмоқ. ³ Қариламоқ — ўлчамоқ. ⁴ Кемишмоқ — ўз ҳолига қўйиб юбормоқ. ⁵ Уриламоқ — қичқиримоқ. ⁶ Увут — уят. ⁷ Тубу — тепага. ⁸ Оғмоқ — кўтарилмоқ. ⁹ Изиб — юбориб. ¹⁰ Сўка турмоқ — чўкка тушмоқ, бўйин эгмоқ. ¹¹ Узу — кетидан. ¹² Қома — қувма. ¹³ Табан — лебон. ¹⁴ Абанг — агар. ¹⁵ Қўлсам — истасам. ¹⁶ Узу бориб — кетидан бориб. ¹⁷ Сўв — аскар, сўвсун — аскарини. ¹⁸ Ториб — таратиб. ¹⁹ Булун — асир. ²⁰ Юлуғ — жонингнинг садақаси. ²¹ Авин — уйини. ²² Барқин — чайласини. ²³ Юлуғ — жоң фидо қилиш, ²⁴ Соқинчи — қайғу.

Изу бериб¹ бўшуттум,
Товар² юлуғ³ тошуттум,
Аран ассин ошуттум,
Юкин барча ўзи жиғди.

[Озодлик бериб бўшатдим. Лекин ўзини қутқариш учун тақ-
дим қилган нарсаларини ўзига ташитдим].

Насиҳат

Боқмас будун⁴ савуқсуз,
Юдқи⁵ юзи саранқа⁶,
Қозғон⁷ улиж⁸ тузунлик⁹,
Қолсун жақинг¹⁰ яринқа¹¹.

[Ёқимсиз, ёмон қилиқларни ҳеч ким ёқтирмайди. Номим ўч-
масин десанг, яхши қилиқли бўл, болагинам].

Қўшни қўнум оғишқа¹²,
Қилғил ангар оғирлиқ¹³,
Артут¹⁴ олиб анунғил¹⁵,
Азгу¹⁶ товар ўғурлуқ¹⁷.

[Қўни-қўшни ва бошқа кишиларга яхшилик қил. Ёрдам юза-
сидан санга бир нарса тақдим қилса, сан ҳам унга муносиб нарса
ҳозирла].

Ўч кек¹⁸ қамуғ¹⁹ кишининг,
Ялингүк²⁰ уза олим²¹ бил,
Азгулугунг уғанча²²,
Аликинг била талим қил.

[Қасос олишлик, одамларнинг бир-бирларидан кечиб кетмай,
ундириб оладиган қарзлари каби бир нарса деб бил. Бу қилиқдан
хазар қил, ҳаммага қўлингдан келганча яхшилик қил].

¹ *Изу бермоқ* — кўйиб юбормоқ; озод қилмоқ. ² *Товар* — мол.
³ *Юлуғ* — жон садқаси, жони барабарига жонини сақлаб қолиш учун.
⁴ *Будун* — халқ. ⁵ *Юдқи* — ёқимсиз, совуқ, юдқи юзи — бад-
башара. ⁶ *Саран* — бахил. ⁷ *Қозғон* — эгалла, қўлга кирит. ⁸ *Улиж* —
ўғилгинам. ⁹ *Тузунлик* — юмшоқлик. ¹⁰ *Жақ* — овоза, шўхрат.
¹¹ *Яринқа* — эртага, яъни ўзингдан кейин номинг ўчмасин. ¹² *Оғиш* —
қариндош, уруғ. ¹³ *Оғирлик* — меҳрибонлик. ¹⁴ *Артут* — тўхфа,
совға, ҳадя. ¹⁵ *Анунғил* — ҳозирланмоқ. ¹⁶ *Азгу* — яхши. ¹⁷ *Ўғур-
луқ* — ўз жойига, лойиқ ўринга муносиб. ¹⁸ *Ўч кек* — ўч олиш, кек
сақлаш. ¹⁹ *Қамуғ* — ҳаммаси. ²⁰ *Ялингүк* — одамлар. ²¹ *Олим* — оли-
ниши керак, олинадиган, қарз. ²² *Уғанча* — мумкин бўлганча.

Келса қали¹ қатиғлиғ,
Артар² таю³ сарингил⁴,
Узлак⁵ ишин билиб тур,
Анча ангар тирангил⁶.

[Бирор қийинчилик бошингга тушса, ўтиб кетар деб чидамли
бўл. Дунёнинг бу хил ишларини яхши тушуниб ол. Ҳар бир оғир-
лик учун чидамсизлик кўрсатиб, ўзингни уринтирма].

Бўлмиш⁷ нангинг⁸ саварсан,
Ақрун⁹ ангар савқингил,
Бормиш¹⁰ нангинг¹¹ соқинма¹²,
Озроқ ангар ўқунгил¹³.

[Қўлингга бор нарсаларни севасан, лекин уларга ортиқча шод-
ланма, балки қўлдан кетиши мумкин деб тушун. Қўлингдан кетган
мол-матов учун ҳам ортиқча қайғирма, озроқ ўкин. Ахир ачининш
уни қайта қўлга киритиб бермайди-ку].

Келса ума¹⁴ тушургил, тинсин анинг оруқлуқ¹⁵,
Арпа, сомон ёғутғил бўлсун оти ёруқлуқ.

[Агар сенга меҳмон келса, отдан тушириб дам бер, унинг ҳор-
диги чиқсин. Отига арпа, сомонни уйиб ташла. Оти ҳам яхши дам
олсин].

Тагма¹⁶ авит¹⁷ ишқа кўруб турғил ала
Чақмоқ¹⁸ чоқиб эвса¹⁹ қали²⁰ узилур²¹ йўла²².

[Ишга шошилиб киришма, ўйлаб ҳар томонлама тушуниб ишла.
Лип-лип чироқни ёқишда шошилиб чақмоқ тош чаққанлар пиликни
кўйдирадилар].

Эшитиб ота-онангнинг совларини²³ қадирма²³,
Нанг²⁵ қўб бўлуб гувазлик²⁶ қилиб яна қутурма.

[Ота-онанг сўзларига қулоқ сол, қайирма. Нарсаларинг кў-
пайгани учун қутуриб керилма].

¹ *Қали* — агар. ² *Артар* — ўтади, ўткинчи. ³ *Таю* — деб. ⁴ *Са-
ринмоқ* — чидамли бўлмоқ. ⁵ *Узлак* — замон, пайт. ⁶ *Тиранмоқ* —
тортинмоқ. ⁷ *Бўлмиш* — топган, қўлга киритган. ⁸ *Нангинг* — нар-
сангини. ⁹ *Ақрун* — секин, ҳаддан орттирмай. ¹⁰ *Бормиш* — сарф бўл-
ган, қўлдан кетган, йўқолган. ¹¹ *Нангинг* — насага. ¹² *Соқинмоқ* —
хафа бўлмоқ, ачинмоқ. ¹³ *Ўқунмоқ* — пушаймон бўлмоқ. ¹⁴ *Ума* —
меҳмон. ¹⁵ *Оруқлуқ* — ҳориганлик, чарчаганлик. ¹⁶ *Тагма* — ҳар бир.
¹⁷ *Авит* — шонқин. ¹⁸ *Чақмоқ* — чақмоқ тош. ¹⁹ *Эвса* — шошилса.
²⁰ *Қали* — агар. ²¹ *Узилур* — ёниб кетади. ²² *Йўла* — пилик, чироқ. ²³ *Сов-
ларини* — насиҳатларим. ²⁴ *Қадирма* — қайирма, қайтарма. ²⁵ *Нанг* —
нарсаси, ²⁶ *Гувазлик* — ўзини катта олиш, такабуурлик.

Кўлдош¹ била ярашғил², қаршиб³ адин⁴ удурма,
Бек⁵ тут ёвош⁶ тақоғу сувлин ёзин⁷ идирма⁸.

[Ўртоқларинг билан тотув яша, у бўлмаса бошқаси деб улар билан қаршилашма. Саҳродаги ёввойи қушлар хом хаёли билан кўлингдаги товигингни бўшатма].

Оғруқ⁹ оғир ишингни азнағуқа¹⁰ юзурма¹¹,
Очруб¹² ўзунг ушариб, азнағуни¹³ тузурма.

[Ўз юкингни бировларга юклама, оғир ишингни бошқаларга топширма, бировларни тўйдириб, ўзингни оч қолдирма].

Олғил ўгут мандин, ўгул ардам¹⁴ тила,
Бўйда¹⁵ улур билка¹⁶ бўлуб билкинг ула¹⁷.

[Севикли ўғлим, менинг насиҳатларимни қулоғингга ол, тарбияли, одобли одам бўлишга тириш, эл-юрт орасида стук-одам бўлиб илму ҳикматни тарқатишга ҳаракат қил].

Билка аринг азгу тутуб сўзин эшит,
Ардамини ўграибиои ишқа суро¹⁸.

[Олимларни, улугларни ҳурмат қил, уларнинг сўзларига кулоқ сол, улардан илму адаб ўрган ҳам бошқаларга ўргат].

Ўгут санга кўзурман¹⁹ ардам²⁰ ўгут хумору²¹,
Билка²² аринг бўлубсан²³ боққил ангар тобару²⁴,
Угран анинг билигин кунда ангар бору,
Қутқилиқин топинғил кўзғил қаваз²⁵ ору²⁶.

[Ўғлим, санга қолдирадиган энг улур насиҳатим шулки, олим одамларни кўрсанг ҳурматла, ундан илм, адаб ўрган, зинҳор-зинҳор катталиқ қилиб керилма, олимларга бош эгиб хизмат қил].

¹Кўлдош: — дўстлар, ўртоқлар. ²Ярашмоқ — мувофиқлашсини, дўстлашни. ³Қаришмоқ — қаршилашмаслик. ⁴Адин — бошқа. ⁵Бек — тутмоқ — сақламоқ, эҳтиёт қилмоқ. ⁶Ёвош — ўрганган, қўлда боққан, товук. ⁷Ёзин — саҳройи. ⁸Идирмоқ — қўлдан чиқармоқ, йўқотмоқ. ⁹Оғруқ — қийин. ¹⁰Азнағу — бошқалар. ¹¹Юзурма — юклама. ¹²Очруб — оч қолдириб. ¹³Азнағуни — бошқаларни. ¹⁴Ардам — илму адаб. ¹⁵Бўйда — қабила ичида. ¹⁶Билка — олим. ¹⁷Уламоқ — кўпмоқ, орттирмоқ. ¹⁸Суро — сур, амалга ошир, огоҳ бўл. ¹⁹Кўзурман — қолдираман. ²⁰Ардам — адаб, фазилат. ²¹Хумору — васият. ²²Билка — олим. ²³Бўлуб — топиб. ²⁴Тобару — томонга. ²⁵Қаваз — катталиқ, тақабурлик. ²⁶Ору — нарига.

Ус¹ ос² кўруб юксак қолиқ³ қуди чоқар,
Билка киши ўгут бериб товроқ⁴ ўкар⁵.

[Каркас—қорақуш, ўлимтик кўриб қолса, унинг дардида ўзини осмондан ташлайди. Доно одамнинг они, насиҳатдир. Доно уни эшитгач, дарров кўнглига жойлайди].

Севги

Булнар⁶ мани улос⁷ кўз,
Қора мангиз⁸, қизил юз,
Андин томар тугал туз⁹,
Булнаб яна ул қочар.

[Бу маст, шахло кўз мени асир қилгандир. Унинг қора холи, анор юзи (кўрган киши) бутун гўзаллик унинг ёноқларидан вужудга келган (дер эди). Мени тутқун қилиб боғлагач, ўзи қочади].

Ялвин¹⁰ анинг кўзи,
Ялқин¹¹ анинг ўзи,
Тўлун ойн юзи,
Ёрди манинг юрак.

[Кўзи кишини ўзига асир қилувчи овчидир. У ўзи қайси юрдан келган экан, Юзи тўлган ой каби порлоқдир. Қараш билан маннинг юрагимни ёрди].

Узик¹² ўти тутунуб,
Ўпка¹³ юрак қоғрулур¹⁴,
Тун, кун туруб йиғлюю,
Ёшим манинг соврилур.

[Юракда севиклига бўлган шавқ ўти тутатиб, жигар-бағримни қовиради. Кеча-кундуз йиғлайман, кўз ёшларим тинимсиз оқади].

Узик¹⁵ мани қумитти¹⁶,
Соқинч¹⁷ манга юмитти¹⁸,
Кўнглум ангар амитти¹⁹,
Юзу манинг сарғарур.

¹Ўс — каркас, қум. ²Ос — ўлимтик. ³Қолиқ — ҳаво, осмон, энг баланд жой. ⁴Товроқ — тезда. ⁵Ўкар — тўпланди. ⁶Булнамоқ — асир қилмоқ. ⁷Улқос — қийғоч, чиройли. ⁸Қора мангиз — қора мағиз, жозибатор рангли. ⁹Туз — ширинлик, чучуклик, ёқимлик. ¹⁰Ялвин — жоду кўз. ¹¹Ялқин — мусофир. ¹²Узик — ҳижрон, айрилиқ. ¹³Ўпка — оқ жигар. ¹⁴Қоғрулмоқ — эзилмоқ. ¹⁵Узик — сеvgи. ¹⁶Қумитмоқ — ҳаяжонлантирмоқ. ¹⁷Соқинч — қайғу, алам. ¹⁸Юмитмоқ — тўпламоқ. ¹⁹Амитмоқ — орзу қилмоқ. ²⁰Юкинмоқ — эгилмоқ, ҳурматламоқ. ²¹Ялламоқ — артмоқ.

[Унинг севгиси мени ҳаяжонга солди. Бошимни қайғулар ўраб олди. Кўнгил унга боғланиш билан, юзим сарғайди].

Юкнуб²⁰ манга имлади.
Кўзум ёшин ямлади²¹,
Бағрим бошин¹ эмлади⁴,
Алкин бўлуб ул кўчар.

[Менга эгилиб, ишорат қилди, шу билан кўз ёшларимга даво қилди, кўнглим ярасига малҳам қўйди. Бироқ, яна узоқлашиб азоблайди].

Йиғлаб узу³ артадим⁴,
Бағрим бошин қарчадим⁵,
Қочмиш қутуғ иртадим⁶,
Ёғмур кунни қон сочар.

[Ёрни эслаб йиғладим. Юрак бағримни яраладим. Бахт қочган эди, уни излаб қийналдим. Кўзимдан ёш ўрнига қон оқади].

Авлаб мани қўймангиз⁷,
Айиқ айиб⁸ қаймангиз⁹,
Оқар кўзум уш¹⁰ тангиз,
Тагра¹¹ юра қуш учар.

[Кўнглимни овлагач, ташлаб кетмангиз. Айтилган сўздан қайтмангиз. Кўз ёшларим дарёси атрофида қушлар учаётир].

Узик¹² маши¹³ кучаюр¹⁴,
Тун, кун туруб йиғлаю,
Кўрди кўзум товроқин,
Юрти қолиб оғлаю.

[Севги дарди манга ғалаба қилиб тун-кун тинимсиз йиғлатмоқда. Унинг бошқа томонга кўчганини кўрган кўзимнинг ёшлари тинимсиз оқмоқда].

Орди¹⁵ сани қизиқ бўди¹⁶ онг тол,
Ёйилур¹⁷ анг артучи¹⁸ бурни тақи қовол¹⁹.

¹Бош — яра. ²Эмламоқ — даволамоқ. ³Узу — кетидан. ⁴Артамак — ахтармоқ. ⁵Қарчимоқ — боқизмоқ, даволамоқ. ⁶Иртаммак — истамоқ, изламоқ. ⁷Қўймоқ — ташлаб кетмоқ. ⁸Айиб — айтиб, айиқ айиб — ваъда қилиб. ⁹Қаймоқ — қайтмоқ. ¹⁰Уш — худди, уш тангиз — худди дарёдек. ¹¹Тагра — атроф. ¹²Узик — айрилиқ. ¹³Мани — манга. ¹⁴Кучаюр — кучли қилаётир. ¹⁵Орди — чарчатди, асир қилиб қийнади. ¹⁶Бўди — бўйи. ¹⁷Ёйилур — жилваланур, нозланиб юрур. ¹⁸Артуч — арча дарахти. ¹⁹Қовол — қирра бурун.

[Сани асир қилган қизнинг қомати санубар дарахти каби барнодир. У юрганда ҳар томонга эгилиб-эгилиб юришни шундадир. У қирра бурундир].

Таркан¹ қотун² қунтинга
Токур³ мандин қўнуғ,
Айил сизинг тобуғчи⁴,
Ўтнур⁵ янги тобуғ.⁶

[Малика таркан қотунга мандан шу қасидани топшир ва унга сизинг содиқ қулингиз, сизга янги бир хизмат арз қилаётир дегин].

Урмуш ожун⁷ бусуғин⁸ қилмиш ани болиғ⁹,
Эм-сем¹⁰ ангар¹¹ тиланиб сизда бўлур ёқиғ¹²,
Тутчи¹³ ёғор булити олтун томар ариғ¹⁴,
Оқса анинг оқини қонли манинг қониг¹⁵.

[Замони кутилмаганда уни яралади. Унга даво сиздагина топилди. Маликанинг ҳимматидан доим соф олтин томади. Унинг ҳиммати мени тамом мамнун этади].

Илм ҳақида¹⁶

Ўгран анинг билигин,
Кунда ангар бору,
Қутиқлиқин¹⁷ топингил,
Қўзғил¹⁸ гаваз¹⁹ нару²⁰.

¹Таркан — эй, бизлар бўйсунган, шоҳ. Таркан хотун — шоҳ хотин. ²Қотун — Афросиёб авлодидан бўлган қизлар—малика. ³Токурмак — етиштирмоқ. ⁴Тобуғчи — хизматчи—севғувчи. ⁵Утинмоқ — арз қилмоқ, орзусини билдирмоқ. ⁶Тобуғ — хизмат. ⁷Ожун — дунё. ⁸Бусуғин — яшириниб туриб. ⁹Болиғ — ярадор. ¹⁰Эм-сем — эми, деми, дори-дармон. ¹¹Тиланиб — истаб. ¹²Ёқиғ — даво. ¹³Тутчи — муттасил, доим. ¹⁴Ариғ — фақат, ёлғиз, ҳар вақт. ¹⁵Қониг — мақсад, истак, яранинг давоси. ¹⁶Илмга тарғиб қилиш у даврнинг анча муҳим темаларидан эди. Шунинг учун бу темага у давр асарларининг ҳар бирида озми, кўпми ўрин берилган. Девонда ҳам бу темага доир бир қанча парчалар учратилади. Лекин уларнинг ҳаммаси бир бутунлиқни ташкил қилувчи парчалар бўлмай, уларнинг бир қисми илм ҳаваскорлари, ўқувчиларнинг илм олиш мақсадидаги орзуларини аңлатса, бир қисми, айрим илм олимларнинг кўпгина асарлар ёзиб умр кечирганликларини, бутун умрларини шу йўлга сарф қилиб қартайганликларини аңлатувчи парчалардир. Бу парчаларнинг жуда озлигига қарамай намуна сифатида бериш мувофиқ кўрилди. ¹⁷Қутиқлиқин — камтарлик билан. ¹⁸Қўзғил — қўйғил. ¹⁹Гаваз — такаббурлик. ²⁰Нару — нарига.

[Олим одамни топиб доим ундан фойдалан, зинҳор катталиқ, такабурлик қилиб қуруқ қолма, унга ҳурмат кўрсат].

Кучанди¹ билагим,
Ёғуди² тилагим,
Талинди³ билигим,
Тағруб⁴ ангар жартилу⁵.

[Кўп ёзиш натижасида қўлларимнинг дармони қуриса ҳам мақсадимга етдим. Илму ҳикмат чашмалари дилимга жойлашди. Бироқ, энди умр охирига етиб қолди].

Биликни ирдадим⁶,
Букуни⁷ узурдим⁸,
Ўзумни азирдим⁹,
Ёлғил¹⁰ отим ёзлинур¹¹.

[Илм истадим. Ҳар вақт олимлар, донолар таълимларини ўрганишга тиришдим. Бу ишм билан ажралиб турдим. Оқ ёлли отим қақат шу йўлга сафар қилди].

Улуғни тиларман.
Товарин юларман¹²,
Тилакни бўларман¹³,
Йилқим ангар ўбланур¹⁴.

[Буюклик, олимликни истайман, бор нарсаларимни шу йўлга сарф қилиб бўлса ҳам тилагимга эришаман].

Марсия

Алб Артунга¹⁵ ўлдиму,
Эсиз ожун қолдиму,
Узлак¹⁶ ўчин олдиму
Эмди юрак йиртилур¹⁷.

¹Кучанди — куч келди, зўр келди, зўр келиб чарчади. ²Ёғуди — яқинлашди. ³Талинмоқ — муяссар бўлмоқ. ⁴Тағруб — етишиб. ⁵Жартилноқ — ажралмоқ, бекор қолмоқ. ⁶Ирдамсоқ — истамоқ. ⁷Буку — олим, доно, етук. ⁸Узурмақ — кетидан юрмоқ, пайнга тушмоқ. — ⁹Азирмақ — айирмоқ, фарқланмоқ. ¹⁰Ёлғил — оқ ёлли от. ¹¹Ёзлинмоқ — ешилмоқ. ¹²Юламоқ — уламоқ, бирлаштирмоқ. ¹³Бўлмоқ — эришмоқ. ¹⁴Ўбланмоқ — сарф бўлиб кетмоқ. ¹⁵Алб Артунга — Афрасиёбнинг лақаби — йўлбарс каби кучли баҳодир демакдир. ¹⁶Ўзлак — замона. ¹⁷Йиртилмоқ — ачинмоқ, қайғурмоқ.

[Ҳоқон Афрасиёб ўлдими. Дунё ундан қутулдими, замон ундан ўчини олди. Бугун унинг юртида дил унга қайғиради].

Яғи¹ ўтин ўчурган,
Тўйдин² ани кўчурган,
Ишлар³ тузуб кечирган,
Тегди ўқи ўлдурур.

[У одам душман оловини ўчирувчи, уруш сафларида тартиб ўрнатувчи, душман одамларини сафдан чиқарувчи, қийин ишларни қилувчи эди. Унга замон ўқи тегди].

Турғон улуғ ишлақа⁴,
Терчи⁵ уруб ошлақа⁶,
Тумлуғ⁷ қадир⁸ қишлақа⁹,
Кўзти¹⁰ эринг умдуру¹¹.

[Улуғ ишларга чидам билан бардош берувчи эди, дастурхони очиқ эди, ёзиғлик эди, шундай қаттиқ совуқда одамларни умидлантириб кетди].

Беклар отип арғуруб¹²,
Қазғу¹³ ани турғуруб,
Мангзи¹⁴ юзи сарғариб,
Қурқум ангар туртулу¹⁵.

[Амирлар Афрасиёб ўлимига отларини чарчатиб келдилар. Қайғу амирларни ҳушларидан оздирди, ҳатто юзлари заъфарон билан бўялгандек бўлди].

Улишиб¹⁶ эрон бўрлаю¹⁸,
Йиртин ёқа урлаю,
Сикриб¹⁷ уни юрлаю.
Сигтаб¹⁸ кўзи ўртулу¹⁹.

[Одамлар бўриларча увлашдилар. Ёқа йиртқудай бакиришдилар. Баъзан музикачиларнинг музикаси каби овоз чиқардилар. Кўз ёшларидан кўзлари ҳеч нарсани кўрмас эди].

¹Яғи — душман. ²Тўй — из, асар. ³Иш — уриш. ⁴Ишлақа — ишларга. ⁵Терчи — дастурхон. ⁶Ошлақа — олимларга. ⁷Тумлуғ — совуқ. ⁸Қадир — қаҳратон. ⁹Қишлақа — қишларга. ¹⁰Кўзти — қўйди. ¹¹Умдуру — умидлантириб. ¹²Арғурмоқ — чарчатмоқ. ¹³Қазғу — қайғу. ¹⁴Мангзи — ранги. ¹⁵Улишмоқ — уф тортиб йиғламоқ. ¹⁶Бўрлаю — бўрилардек. ¹⁷Сикриб — фиғон, нола қилиб. ¹⁸Сигтамоқ — қаттиқ йиғламоқ. ¹⁹Ўртулмоқ — парда босмоқ.

Узлак¹ яроғ² кузатти,
Уғри тузоқ озитти
Беклар бекин озитти³,
Қочса қали⁴ қуртулур⁵.

[Замонанинг беклар беги (Афрасиёб)ни хўрлаш учун фурсат кузатти, яширин тузоқ қўйди, ундан қандай қилиб қочиб қутулади].

Узлак⁶ кунн товратур⁷
Эрдин⁸ очун⁹ совритур¹⁰,
Ялинғуқ¹¹ кучин ковратур¹²,
Қочса тақи ортилур.

[Замон одам кучини пасайтиради, дунёни одамдан (Афрасиёбдан) бўшатишга ҳаракат қилади. Қочгани ҳам у топади].

Ўграюғи¹³ мундоғ ўқ,
Мунда¹⁴ азин¹⁵ тигдағ ўқ,
Отса ожун ўғраб¹⁶ ўқ,
Тоғлар боши¹⁷ кертилур¹⁸.

[Замонанинг одати (тартиби, қондаси) шундай, унинг ҳар хил баҳоналари бор. Дунё мўлжаллаб ўқ отса, тоғ бошларини ҳам учириб юборади].

Эрди онин тотурғон,
Ўғроқ¹⁹ сўсин²⁰ қайтарғон.

¹ Узлак — замона. ² Яроғ — фурсат, пайт. ³ Озитмоқ — оздирмоқ, йўлдан чиқармоқ. ⁴ Қали — агар. ⁵ Қуртулмоқ — қутулмоқ. ⁶ Узлак — замона. ⁷ Товратмоқ — айланиб ўтмоқ. ⁸ Эрдин — одамлардан. ⁹ Очун — дунё. ¹⁰ Совритмоқ — айилтирмоқ, бўшатмоқ. ¹¹ Ялинғуқ — одам, инсон. ¹² Ковратмақ — камайтирмоқ. ¹³ Ўграюғи — одати, тартиби. ¹⁴ Мунда — бундан. ¹⁵ Азин — бошқа. ¹⁶ Ўғраб — мўлжаллаб. ¹⁷ Боши — учи. ¹⁸ Кертилмоқ — учиб кетмоқ. ¹⁹ Ўғроқ — туркий қабилалардан бири бўлиб, Қораёғоч деган жойда яшаганлар. Ўғроқлар яғмо қабиласи билан жаруқ қабиласи орасида турганлар. Улар фақат туркий тилда сўзлашганлар. Тиллари асосан жикил, яғмо, тухси қабилаларининг тили билан бирдир. Ўғроқларнинг баҳодирликлари ва улар бошқарган жанглар ҳақида кўпгина парчалар бор. Биз бу ерда улар ҳақидаги биргина рубойи билан чекланамиз.

Ўғроқ эри тигроқ
Ёми анинг ўглағ
Сути уза сағроқ
Эри тақи оғлоқ

Ўғроқ одамлари шижоатли одамлардир, ейдиган овқатлари энг лаззатли. Ўғроқ деган овқатдир. Қимизлари ҳеч камаймайди ва унинг устидан коса ҳеч аримайди. Ҳолбуки ерлари сувсиз, ўтсиз қурғоқдир. ²⁰ Сўсин — аскарини.

Ёвлоқ¹ ёғиғ² қочурғон,
Бости³ улум охтару.

[Унинг дастурхони очиқ эди. У ёмонларнинг, душманларнинг жазосини бериб дафъ қилувчи, ўғроқ қабиласининг хужумини қайтарувчи эди].

* * *

Налук⁴ ангар билиштим,
Қучушуб⁵ тақи — қовуштур⁶,
Тузунлугин⁷ қойиштим,
Алқти⁸ манинг ёйими⁹.

[(Афсус) нега ҳам у билан дўстлашдим, апоқ-чапоқ бўлиб меҳрибонлик кўрсатдим, бутун ёз вақтимни унга зое қилдим].

Ўртоқ бўлуб билишди,
Менинг товар сотишди,
Биста¹⁰ била ярашти¹¹,
Қизлаб¹² тутар тойими.

[Бироқ, дўстлашгач, мани молларимни сотишга ёрдам бермоқчи бўлди-да, саройбон билан тил бириктириб тойимни яширди].

Ёроғ¹³ бўлуб ёғушди¹⁴,
Ортиқлуқин¹⁵ сўкушди¹⁶,
Қулун¹⁷ қопуб кетишди,
Сурда манинг қўйини.

[Яхши шароитда менга яқинлашди, тиз чўкиб қаттиқ ҳурмат кўрсатди. Сўнгра қўйини ўғирлаб кетди].

¹ Ёвлоқ — ёмон. ² Ёғиғ — душманни. ³ Босмоқ — тутиб олмоқ. ⁴ Налук — нега, нима учун. ⁵ Қучушмоқ — дўстлашмоқ. ⁶ Қовушмоқ — апоқ-чапоқ бўлмоқ. ⁷ Тузунлугин — дўстлик билан. ⁸ Алқмоқ — побуд бўлмоқ, бекор кетмоқ. ⁹ Ёйими — ёзимни. ¹⁰ Биста — саройбон. ¹¹ Ярашмоқ — топилмоқ, тил бириктирмоқ. ¹² Қизламоқ — яширмоқ. ¹³ Ёроғ — роғлик, фойда берувчи. ¹⁴ Ёғушмоқ — яқинлашмоқ, дўстлашмоқ. ¹⁵ Ортиқлуқин — ҳаддан ортиқ. ¹⁶ Сўкушмоқ — чўкка тушмоқ, ялинмоқ. ¹⁷ Қулун — икки ешли той.

Келса санга юлғира¹,
Узун² они узғура³,
Борсун нару қазғура⁴,
Сотти манинг ойими⁵.

[Сенга келиб қолса, уни уйқудан уйғот, кўзини оч, қайғуриб
узоқлашсин. Чунки у менинг ой каби чиройли одамимни сотиб
юборган].

¹Юлғира — йўл юриб. ²Узун — уйғот. ³Узғура — уйғониб. ⁴Қаз-
ғура — қайғуриб. ⁵Ойими — чўримни.



ЮСУФ ХОС ҲОЖИБ



70

суф Хос Ҳожиб XI асрда етишган олим ва адиблардан бири бўлиб, Болосоғун (ҳозирги Қирғизистон территориясидаги Тўқмоқ) шаҳрида яшаб, ижод этган.

Юсуф Хос Ҳожиб ўз даврининг етук олимларидан эди, у тарих, риёзиёт (математика), табиёт, фалакиёт (астрономия), адабиёт ва бошқа фанлардан етарли даражада хабардор эди.

Унинг бизгача етиб келган бирдан-бир асари «Қутодғу билик» («Бахтли бўлиш тўғрисида билим») китобидир. Автор XI асрнинг энг муҳим ёзма адабий ёдгорликларидан бўлган бу йирик асарини 1069 йилда ёзган.

Асарда давлат обрўсини кўтариш соҳасидаги тадбирлар, давлат обрўсига халал берувчи ҳоллардан тийиш, иқтисод ва хўжаликни тиклаш ҳақида кўрсатмалар ва турмушга доир бошқа қатор масалаларни автор алоҳида бобларда кенг изоҳлаб берди. Натижада, 73 бобдан иборат сиёсий, илмий, адабий асар майдонга келди.

Тил, адабиёт ва умуман жамият тарихи учун жуда муҳим бўлган бу асарни илмий асосда жиддий ўрганиш асосан Улуғ Октябрь революциясидан сўнггина бошланди.

«Қутодғу билик» китобининг бизгача уч қўл ёзма нусхаси етиб келган. Биринчиси XV асрда Ҳирот шаҳрида уйғур ҳарфи билан ёзилган, Вена шаҳрида сақланади. Иккинчиси Қоҳирада ва учинчиси Тошкентда бўлиб, бу қўлёзмалар араб ҳарфи билан ёзилгандир.

Биз бу ерда ундан баъзи намуналар берамиз.





„ҚУТОДҒУ БИЛИК“дан

Билиб сўзлаган сўз биликка¹ сонур,²
Биликсиз сўзи ўз бошини еюр.

Ўгуш³ сўзда ортуқ осиг кўрмадим,
Яна⁴ сўзламишда осиг⁵ бўлмадим.

Ўгуш сўзлама сўз бирор сўзла оз,
Туман⁶ сўз тугунин бирор сўзда ёз⁷.

Киши сўз била қўбти⁸, бўлди малик⁹,
Ўгуш сўз бошиғ ерга қилди кулик¹⁰

Тилиғ каз¹¹ кудозгил¹² кудозилди бош,
Сўзунгни қисарғил узатилди тош.

Биликсиз қароғу¹³ турур белгулук,
Юри¹⁴ ан биликсиз билик ол улук¹⁵.

Туғуғли¹⁶ ўтар кўр қолир белги сўз,
Сўзунг азгу сўзла ўзунг ўлгусўз¹⁷.

¹Билик — илм. ²Сонур — саналади. ³Ўгуш — кўп. ⁴Яна — қайта-қайта. ⁵Осиг — фойда, осиг бўлмоқ — фойда кўрмоқ, фойда тоимоқ. ⁶Туман — кўп, ҳар хил, минг-минг сонсиз, саноксиз. ⁷Ёз — ёзгин, ешгин, ҳал қилгин. ⁸Қўбти — кўтарилди, баланд мартаба топти. ⁹Бўлди малик — шоҳ бўлди. ¹⁰Кулик — кулгили, масхара. ¹¹Каз — жуда, энг (Бу сўз «Девону луғотит турк»да кад, ёки каз бўлиши мумкин деб изоҳланган). ¹²Кудозгил — тийгин. ¹³Қароғу — кўр. ¹⁴Юри — озод бўл, қутул. ¹⁵Улук — ҳисса. ¹⁶Туғуғли — туғилган одам. ¹⁷Ўлгусўз — ўлмайдиган.

Ўқушқа, биликка бу тилмочи¹ тил,
Ёруточи² эрни йўриқ тилни³ бил.

Кишинг⁴ тил оғирлар⁵ бўлур қут киши⁶
Кимиғ тил ужузлар⁷ борир⁸ эр бошк

Тил арслон турур кўр ишикда ётир⁹,
Аё евлук¹⁰ арсиг¹¹ ишингни етур.

Тилин¹² эмгамиш¹³ эр негут ер эшит,
Бу сўз ишга¹⁴ тутғил ўзунга иш эт:

«Мени эмгатур тил изи¹⁵ ул талим¹⁶,
Бошим кесмасуни¹⁷ кесайин¹⁸ тилим».

Сўзунгни кудозгил¹⁹ бошинг бормасун,²⁰
Тилингни кудозгил тишинг синмасун.

Будун тили ёвлоқ²¹ сени сўзлагай,
Киши қилғи киртуч²² этингизни егой.

Биликлик билик берди тилқа бошиғ²³,
Аё тил идиси²⁴ кудозгил бишиғ²⁵.

Эсонлик тиласа²⁶ сони бу ўзунг,
Тилинждан чиқорма яроғсиз сўзунг.

Ики нанг била ар қаримаз²⁷ ўзи:
Бир азгу²⁸ қилинжи бир азгу сўзи.

¹Тилмоч — восита, қурол. ²Ёруточи — ёритувчи, танитувчи. ³Йўриқ тил — ширин тил, ёқимли ва фойдали сўзлар сўзловчи тил. ⁴Кишинг — кишини. ⁵Оғирлар — исқори даражага етказди. ⁶Бўлур қут киши — (тил билан) одам бахт топади, бахтга эришади. ⁷Ужузлар — хўрланди, хўрликка элтади. ⁸Борир — кетади, кесилади. ⁹Тил туриш жойда ҳам оғиз эшигинда бекиниб турган арслон ўрнидадир. ¹⁰Аё евлук — уй эгаси. ¹¹Арсиг — эркак киши. ¹²Тилин — тили билан, тили орқасидан. ¹³Эмгамиш — қийинилган. ¹⁴Ишга тутғил — амал қилгин. ¹⁵Тил изи — энгил тил. ¹⁶Талим — кўп. ¹⁷Кесмасуни — кемасин. ¹⁸Кесайин — тийай. ¹⁹Кудозгил — сиқла, ўйлаб сўзла. ²⁰Бормасун — кесилмасун. ²¹Ёвлоқ — ёмон. ²²Киртуч — ёмон қилиқли. ²³Тилқа бошиғ — тилга — тил учун бош — пил берилган, ақли бир егда қолдириб сўзлама, ²⁴Идиси — эгаси. ²⁵Адоғил бишиғ — (бу қондани) пишиқ кузат. ²⁶Тиласа — тиласанг, хоҳласанг. ²⁷Қаримаз — қаримайди, унитилмайди. ²⁸Қилинж — феъл-анг ор.

Киши туғди, ўлди, сўзи қолди кўр,
Ўзи борди,¹ ялинғуқ² оти қолди кўр.

Тириклик тиласа ўзунг ўлмагу³,
Қилинжинг, сўзунг азгу тутгай бўку⁴.

Санга сўзладим ман сўзум ай ўғул.
Санга берди⁵ бу панд ўзум ай ўғул.

Кўмуш қолса олту⁶ манингдин санга,
Ани тутмоғил сан бу сўзга тенг-а⁷

Тилагим сўз эрди ай билка⁸, бўку⁹,
Ўқушлуғ, биликлик ўзум сўзлагу.

Уқуш ул йўла¹⁰ так қоронғу туши,
Билик ул ёруқлуғ ёрутти сани.

Ўқушин¹¹ оғор¹² ул биликин¹³ базур¹⁴,
Бу икки била ар оғирлик¹⁵ кўрур.

[Элчилик ҳақидаги бўлимдин]

Қамуғ ардам¹ ўтрум² ёловач³ керак,
Биликлик уқушлуғ талу азгурак⁴.

Баёт қуллариндан энг ўтру⁶ дўси,
Ёловочлар эрди киши азгуси.

Ёловочтин этилу⁷ қамуғ турлуким,
Ёловочтин артар талим кўрклу⁸ им.

Уқушлуғ керак кат⁷ ёловоч ўз-уқ
Биликлик керак бўлса сўзга йўруқ⁸.

Яма билса сўзнинг ичими тоши⁹,
Этилса нанг ўтру абурмиш иши¹¹.

Нагу тер эшитгил очунчи¹¹ бак эр,
Будун бошлоғучи биликлик, э¹² эр.

Ўғушта¹³ — талу¹⁴ эр уқушлиқни бил,
Будунда бадукрак биликликни бил.

Қаю ишта ашну¹⁵ ажнуса ўғуш¹⁶,
Ул иш бошқа борди¹⁷ синадим ўғуш.

¹ Борди — йўқ бўлди. ² Ялинғуқ — одам болалари, инсон. ³ Ўлмагу — ўлмайдиган, доим сақланиб қоладиган. ⁴ Бўку — илму ҳикматни эгаллаган, доно, етук. ⁵ Берди — бердим. ⁶ Кўмуш қолса олту — олту, кўмиш қолса. ⁷ Тенг-а сўзидаги «а» уни санга сўзига ҳам қофия қилиш маҳсадида «а» орттирилгандир. а, ай-ай ўғул деган ундовдир. ⁸ Билка — олим, илми. ⁹ Бўку — доно етук. ¹⁰ Йўла — чироғ, лампа. ¹¹ Ўқушин — ўқиш билан, ўқиш натижасида. ¹² Оғор — юқори кўтарилади, мартаба топади. ¹³ Биликин — илм билан, илм орқали. ¹⁴ Ба ур — бўйида — катта бўлади. ¹⁵ Оғирлик — иззат, ҳурмат.

¹ Ардам — адаб, қоида. ² Утрум — фойдали, даво. ³ Ёловач — элчи. ⁴ Азгурак — яхшироқ. ⁵ Баёт — худо. ⁶ Утру дузин — фойдалиси. ⁷ Кат — жуда. ⁸ Йўруқ — утга, чаққон. ⁹ Бу мисраъ маъниси: сўзи шитунчиларга ёқимли бўлса-ю, мазмундор бўлса. ¹⁰ Бу мисраъ маъниси: у орқали тескариланиб бузилган нарсатузатилса. ¹¹ Очунчи — давлатни идора қилувчи. ¹² Эг — яхши. ¹³ Ўғушта — кўпчилик орасида. ¹⁴ Талу — танланган, айрилган. ¹⁵ Ашну — олдин. ¹⁶ Ўғуш — кўш. ¹⁷ Бошқа борди — ахиринга етди.

Қаю ишга билка¹ етурди билик²,
Ани³ етти тутти тагурди⁴ илик.

Уқуш ишка тутса билик босласа,
Ўгуш ишлар этилур киши ишласа.

Бағирсоқ⁵ керак ма⁶ кўзи кўнгли тўқ,
Будун чин⁷ ма кўнгли кўни⁸ бўлса ўқ⁹

Бағирсоқ табуқча¹⁰ бак осғин¹¹ тилар,
Бак осғи тилакли¹² багин чин севар.

Багинга осигчи¹³ бағирсоқни бил,
Бағирсоқни билса¹⁴ ўзунг бағри қил¹⁵.

Бағирсоқ табуқчи багир сони¹⁶ ул,
Бағирдан яқинроқ юрак кони бил.

Кўзи суқ киши ўзга арксиз¹⁷ бўлур,
Бу суқ ар ёловочқа тенгсиз¹⁸ бўлур.

Кўзи тўқ жиғой¹⁹ эрса бойга сонур²⁰,
Боюса киши тагма²¹ ишга онур.

Суқ ар умдучи²² ул ёвуз²³ умдучи,
Киши умдучини оди қолғучи.

Жиғой қилса кимни кўзи суқлуғи,
Боютмас ани бу очун тўқлуғи²⁴.

Кимарсани, умду қилур эрса қул,
Анинг бўшлуғи кўр ўлим бирла ул²⁵.

Начама қул арса кўзи тўқ бой ул,
Суқ ўз беклигинда бу қуллуқ бак ул.

Қаю бек суқ эрса жиғой ул жиғой,
Қаю қул, кўзи тўқ бекул кўнгли бой.

Укуш бирла уққил билик бирла бил,
Кунунг бўлсу қутлуқ қутадқуни бил.

Тадиклик¹ била билса турлук битик²,
Битик билса утру бўлур эр тадик.

Қамуғ турлук ардам бу билса туғал
Бу ардам била ул мангиз қилса ол³.

Ўқир эрса дафтар⁴ уқар эрса сўз,
Билир эса шеър, қўшар⁵ эрса ўз.

Нужум⁶ билса, тиб⁷ ма⁸ ёрар⁹ эрса туш.
Анинг йўрмиши так сўзи келса туш¹⁰.

Билир эрса соғиш¹¹ яма ҳандаса¹²,
Адад¹³ жазри¹⁴ қилса масоҳат¹⁵ басо.

Яна нарду¹⁶ шатранж билир эрса кат¹⁷,
Ҳарифлари андин ўлур эрса қат.

[Деҳқонлар билан муносабат ҳақида]

Тариқчи турур кўртачи бир қади¹⁸.
Кераклик кишилар турур бу бўди.

¹Билка — олим. ²Билик еткурмак — илм билан ишла. ³Ани — анга, унга. ⁴Тагурмак — етишмоқ. ⁵Бағирсоқ — пок кўнгли. ⁶Ма — ҳам. ⁷Будун чин — ҳақиқий инсон. ⁸Кўни — тўғри, соф. ⁹Ўқ — фақат. ¹⁰Бағирсоқ табуқчи — соф кўнглили фуқаро. ¹¹Осғин — фойдасини. ¹²Тилакли — истовчи одам. ¹³Осигчи — фойда берувчи. ¹⁴Билса — топа олсанг. ¹⁵Ўзунг бағри қил — ўз жонингдек ҳисобла. ¹⁶Багир сони — ўз жигарингдай. ¹⁷Арксиз — эини тута олмовчи. ¹⁸Тенгсиз — номуносиб. ¹⁹Жиғой — камбағал. ²⁰Сонур — саналади. ²¹Тагма — ҳар бир. ²²Умдучи — тамағир. ²³Ёвуз — ёмон. ²⁴Бу мисраънинг маъноси: Оч кўз одамни бутун дунёнинг моли ҳам тўйдирмайди. ²⁵Бу мисраънинг маъноси: Оч кўз одамни бу ёмон қилиқдан фақат ўлимгина қутқаради.

¹Тадиклик — ҳушёрлик. ²Битик — ёзув. ³Ол — юз. ⁴Дафтар — ёзилган нарса. ⁵Қўшмоқ — шеър ёзмоқ, бирор нарсани тўқиб ёзмоқ. ⁶Нужум — юлдузлар илми. ⁷Тиб — илми тиб. ⁸Ма — ва. ⁹Ёрмоқ — йўймоқ, таъбирини айтмоқ. ¹⁰Туш — тўғри, тенг, мувофиқ. ¹¹Соғиш — ҳисоб илми. ¹²Ҳандаса — геометрия. ¹³Абад — Абжад сики адад бўлса керак. ¹⁴Жазр — риёзиёт илмида бир сонни ўзига кўпайтириб натижа чиқариш. ¹⁵Масоҳат — ерни ўлчаб, миқдорини аниқлай олмоқ. ¹⁶Нард — шашкага ўхшаш шобур бинни Ардашер томонидан тузилган ўйин. ¹⁷Қат — жуда маъносидаги бу сўз Деънонда қад шаклида ҳарфлар — ҳамкасб, ўзишидаги шериклари. ¹⁸Бу мисраънинг маъноси: Жамиятдаги касб эгаларидан яна бир топфаси дон экувчи — деҳқонлардир.

Қамуғ тебранурга¹ булардин озик,
Тузига² тегир ем, ичимдин тадик³.

Буларнинг била ма қодил ай қадош,
Ариқ бўлға бўғзунг, ҳалол бўлғо ош.

Кўнгул йўл тудойин тесанг инчколик,
Буғузунг ари⁴ ай қилиғи⁵ силик⁶.

Соғи юк бўлойин теса белгулук,
Буғусқа, эгинга ҳалол бер улук⁷.

Оғирлиқ⁸ бўлойин теса сан ўзунг,
Фасотқа⁹ ёғума ай қилғи тузунг.

Тариқчи кишилар бўлур илги¹⁰ кенг,
Баёт бермининдин бўлур кўнгли кенг.

Қамуқ тебраникли тўзу¹¹ ер ани,
Юриқли¹² оши ул, учикли¹³ манги¹⁴.

Буларға қотилғил қорилғил ўзунг.
Тилин яқши сўзла очик тут юзунг.

[Сотувчилар билан муносабат]

Мунундан басоси¹⁵ сотиқчи турур,
Сотиқ бирла тинмас осигчи турур.

Очун¹⁶ тиз гинурлар¹⁷ тирилгу¹⁸ тилаб,
Оги¹⁹, кўнгли ятру²⁰ баётқа улаб.

Буларға қодилғил калиш, ҳам бориш,
Нагу қўлса бергил олиш ҳам бериш.

¹Тебранурга — қимирлаган жонга. ²Тузига — эл, юртга. ³Тадик — лаззат. ⁴Инчколик — покиза. ⁵Ариқчу — покизалаш зарур. ⁶Қилғи — қилчи. ⁷Силик — ёқимли. ⁸Бу мисраънинг маъноси: Ейдиган овқатингни, киядиган кийимингни ҳалол қил, ўзинг меҳнат қилиб е. ⁹Оғирлиқ — баланд мартабалик. ¹⁰Фасот — бузуқ, бузуқчилик, ёмонлик. ¹¹Илги — қўли. ¹²Тўзу — тўйиб. ¹³Юриқли — бурадиган, яъни одамлар хили, қора мол ҳам. ¹⁴Учикли — учадиган қушлар. ¹⁵Манг — қадами, қаноти. ¹⁶Басоси — кейингиси. ¹⁷Очун — дунё. ¹⁸Тизгинмоқ — кезиб юрмоқ. ¹⁹Тирилгу — ризқ. ²⁰Оги — ақли, фикри. ²¹Ятру — етказида.

Булардан бўлур бу жаҳон орзуси,
Будун кўрки ўрдум талу қатқуси.

Туғордин¹ боторға² юриб тизгинур³,
Тиламиш тилагин⁴ санга келдурур.

Туман⁵ ту⁶ оғирлар⁷ очун тизгувчи,
Уларда бўлур ай биликлик ағи⁸.

Сотиқчи йўқ эрса очун кезгучи,
Қачон⁹ катгай¹⁰ эрдинг қороқиш ичи.

Сотигчи юримеди эрса кезиб,
Кўзин ким кўрар эрди инжу¹¹ тизиб.

Бу янглиғ бўлур бу сотиқчи қамуқ,
Қотилғил буларга очуқ тут қобуқ.

Қатиклоп булариг ема азгу тут,
Санинг одинг азгунг йироқ борғи бут.¹²

Булар ул очунда одинг эйткучи,
Азис азгу арса чобинг¹³ ёзғучи.

[Уйланиш ҳақида]

Қали¹⁴ овлуқ¹⁵ олмоқ тиласа¹⁶ ўзунг,
Тўлусин¹⁷ тила катийди¹⁸ қил кўзунг.

Туби азгу бўлсун уруқ¹⁹ ҳам туруқ²⁰,
Убутлук²¹ соғи²² йўқ²³, тилаги ариқ²⁴.

Базо²⁵ ав қизи эл илик тагмадик²⁶,
Санингдан адин²⁷ эр юзин кўрмадик²⁸

¹Туғор — кунчиқш, шарқ. ²Ботор — ғарб. ³Тизгинмоқ — айланмоқ. ⁴Тиламиш тилаги — сенга керак нарсани. ⁵Туман — кўп. ⁶Ту — хил. ⁷Оғирламоқ — қийинчиликлар. ⁸Ағи — хазинада сақланадиган қимматли нарсалар. ⁹Қачон — қаердан, қандай қилиб. ¹⁰Катмак — киймак. ¹¹Инжу — марварид. ¹²Бутмоқ — ишонмоқ. ¹³Чоб — шухрат. ¹⁴Қали — агар. ¹⁵Овлуқ — хотин. ¹⁶Тиласа узунг — тиласанг. ¹⁷Тўлусин — тулуқ. ¹⁸Катниди — жуда хушёр. ¹⁹Уруқ — уруғи. ²⁰Туруқ — турқи. ²¹Убутлук — хаёли. ²²Сағи — ақли. ²³Йўқ — юқори. ²⁴Ариқ — пок, соф. ²⁵Базо — кўп. ²⁶Тевмадик — тегмаган. ²⁷Адин — бошқа. ²⁸Кўрмадик — кўрмаган.

Сани савга¹ санда² ядин билмага³,
Яроқсис на тенгсис қилиқ қилмага.

Ўзунгда⁴ қуди⁵ ол киши⁶ олсасан,
Будун⁷ тупга⁸ ягма⁹ булун¹⁰ бўлгасан.

Негу тер эшитгил синомиш¹¹ киши,
Синомиш кишининг бишиқ ул иши.

Киши олса ўздин қуйи ул кўни¹²,
Савинчин кечургайсан ўтлуқ кунни.

Юзи кўрки қўлма¹³ қилинж¹⁴ азгу¹⁵ қул,
Қилинж азгу бўлса ёрутқой¹⁶ сани.

Ким авлук¹⁷ олойин теса тўртта таш¹⁸,
Адин ўлмас авлик аё арда бош.

Бирогу бой авлик тилар ўз тагип¹⁹,
Таги бири кўруклук тилар кўз тикиб.

Таги бир туп асли уруқлик қўлур,
Улуқлуқ одинга²⁰ қувонур бўлур²¹.

Тоғи бири янчка²² сағи²³ юқ²⁴ тилар,
Апи бўлса таргин²⁵ ангар ўз улар.

Булардан тўлусин²⁶ аёйин²⁷ сенга.
Киши олғу эрса қулоқ тут манга.

¹ Савга — севгай. ² Сонда — сондан. ³ Билмага — билмагай.
⁴ Ўзунгда — ўзунгдан. ⁵ Қуди — мартабада кичик. ⁶ Киши — сўзи
ХІ аср кўпчилик қабилалар тилида эрга ҳам, хотинга ҳам тенг
қўлланган яғмо қабиласи тилида фақат хотингагина қўлланган,
бу ерда ҳам хотин маъносидадир. ⁷ Будун — халқ. ⁸ Тупга(?). ⁹ Ягма
— бўюн эгмоқ. ¹⁰ Булун — асир. ¹¹ Синомиш — тажрибалик. ¹² Кўни —
тўғри. ¹³ Қўлмақ — суриштирмоқ. ¹⁴ Қилинж —
қилиқ. ¹⁵ Азгу — яхши. ¹⁶ Ёрутмоқ — севинтирмоқ. ¹⁷ Авлук —
хотин. ¹⁸ Тўртта таш — тўрт нарсдан ташқари. ¹⁹ Бу мисраъ
маъноси: бир хил одамлар бой — баҳру бисотлик хотинга етишмоқ
истайдилар. ²⁰ Одинга — номига, овозасига. ²¹ Қувонур бўлур —
шодланадиган бўлади. ²² Янчка — нозик, келинган. ²³ Сағи — ақлли
зийрак. ²⁴ Юқ — юқори. ²⁵ Таргин — тезда. ²⁶ Тўлу — тўлуқ, мукам-
мал. ²⁷ Аёймоқ — айтмоқ.

Аё бой тилакли сан авлук талу,
Булун бўлғамусан айбилги тўлу.

Бадуткой¹ тилин, кўнглин нанг — а бўлуп,
Кудургу керак нанг тиласа қўлуп².

Аё кўрк тилакли киши азгуси,
Киши кўрки қўлма будун³ қулгуси.

Оё кўрк тилакли муни қўлмоғил,
Қизил мангзини сан сариф қилмоғил⁴.

Тузи халқ севар ул киши кўркини,
Магар тангри фазли кудозса ани.

Аё туп тилакли бадуклук била,
Ужус қилмоғу ўз бадук туп била⁵.

Уруклук тарихлик падуқлар тили,
Бадукроқ бўлур бўлма овчи қули.

Аё инчка соғи юқ тилакли инол⁶
Муни бўлса бўлдинг бу тўртнинг тугал⁷.

[Ўғдулмиш⁸ Аликка⁹ панд бермишин аюр]

Янут¹⁰ берсу ўғдулмиш айди Алик,
Баёт¹¹ берсу¹² борча тилакка илик.

¹ Бадуткой — ўзини катта олади, тилини узун қилади. ² Қўлмақ —
сўрамоқ, истамоқ. ³ Будун — халқ. ⁴ Бу байт маъноси: фақат ҳусн
истаб ўзинини ташвишлантириб, рангини сарғайтирма. ⁵ Бу байт
маъноси: эй катталики истаб юрувчи одам — у катталарга тенг
келолмай ўзинини хўрликка солма. ⁶ Инол — отаси оддий халқдан-у,
оласи бекзодалардан бўлган бола. ⁷ Бу байт маъноси: эй, нозик тий-
рик, ҳушёрни истовчи баланд зот, агар шундай хотин топа олсанг,
юқоридаги тўрт фазилатли хотинни топган бўласан. ⁸ Асарда савол-
жавобларга иштирок этувчи символистик шахсларнинг бири бўл-
ган вабир ўғлининг мажозий лақаби. ⁹ Алик — мажозий шахслар-
дан бирининг лақаби. ¹⁰ Янут — жавоб. ¹¹ Баёт худо. ¹² Берсу —
берсу.

Бу қипчоқ¹ қуви² дунё кечкай очун³,
Талим бек⁴ қаритги қаримас⁵ узун⁶.

Санингтак талим бек кечурди севиб,
Санга ма анунди⁷ кечургой ўбуи.

Бомоғил⁸ мунгарсан ҳақиқат кўнгул,
Вафо қилғу эрмас⁹ ҳақиқат тўнгул¹⁰.

Санингдан ўзоғи¹¹ очун тутғувчи,
Қани қанча борди қани ул кучи.

Санга текти эмди бу беклик қури¹²,
Узун қолғу эрмас¹³ ишинг эт юри.

Уларға нағу¹⁴ қилди эрса осиг¹⁵,
Буқун сан ани қил ярин¹⁶ бўлт тадиқ¹⁷.

Нағуга¹⁸ ўкунди ўлурда улар,
Сан андин йироқ тур тила эзгулар¹⁹,

Ади²⁰ яқши аймиш биликлик²¹ бўку²²,
Биликлик сўзи йинжу²³ ёқут так — у.

Ўлугич кўрукли ай қолмиш тирик,
Ўлумга анун²⁴ тутма қилгинг ирик²⁵.

Улушинг биликли ай қилғи ўсал²⁶,
Кечар бу тириклик ўзунг улки²⁷ ол.

Ўсониб¹ юриғли айорзу қули,
Ўлумга бозиқма² келур олғоли.

Боға кўр кечирмиш кунингни буқун,
Тугол бўлди туштик соғинғил³ ўкун.

Қали⁴ қилдинг эрса ўзунг адгулук⁵,
Осиг⁶ қилдинг ўзга ачу⁷ мангулук.

Ево⁸ қилдинг эрса тириклик қали,
Ўкунч бирла тун-кун удима⁹ ули¹⁰.

Тилаб бўлғу эрмас тириклик тучи¹¹,
Яна ёнғу¹² эрмас тириклик кучи.

Бу бўлмиш ўдиг¹³ бори¹⁴ қилма ёва¹⁵,
Ўлумга анунғил¹⁶ тобурқ¹⁷ қил ива¹⁸,

Ай Алик боғо кўр соғингдан уза¹⁹,
Бек эрди адинг элда эрк турк туза.

Қозина ҳамам сув²⁰ идиси²¹ бўлиб,
Тирилди бир анча тилаги бўллуб.

Ўлум тутти охир илатти²² ани,
Осиқ қилмоди ул бадумиш²³ уни.

Аданг ўлди борди санга берди панд²⁴,
Анинг панди тутса шакар бўлға қанд²⁵.

¹Қипчоқ — қабила ном. ²Қуви — сахро. Бу сўз Вена нухасида каби тарзида янглиш берилган. Қипчоқ қуви — қипчоқ саҳроси демакдир. Бу текст қипчоқ қабиласининг мавқе у даврда бўшашганидан ҳам дарак беради. Девони луготий-туркдаги изоҳлар ҳам шунни тасдиқлайди. ³Очун — дунё. ⁴Талим — кўп. ⁵Қаримас — қаримайди, унитилмайди. ⁶Узун — бу сўзни аниқлаш қийин бўлди. Узоқ вақт, ёки ўзи маъносида бўлиши мумкин. ⁷Анун — ҳозирланмоқ. ⁸Бомоғил — боғламағил. ⁹Қилғу — эрмас, қилмайди. ¹⁰Тўнгул — умид уз. ¹¹Ўзоғи — олдинги, ¹²Қури — вази-фаси, мартабаси. ¹³Қолғу — эрмас, қолмайди. ¹⁴Нағу — қандай, қан-чалик. ¹⁵Осиг — фойда. ¹⁶Ярин — эртага, келгуси учун. ¹⁷Тадиқ — тетик, ҳушёр. ¹⁸Нағуга — нимага. ¹⁹Эзгу — яхши, яхшилик. ²⁰Ади — қандай. ²¹Биликлик — олим. ²²Бўку — доно, етук. ²³Йинжу — дур, қиммат баҳо тош. ²⁴Анун — ҳозирлан. ²⁵Ирик — кўпол, дағал. ²⁶Ўсал — кўзи юмиқ, рафлат босган. ²⁷Улки — ҳисса. *Ўзунг улки ол* — ўзингга муносиб иш қил.

¹Ўсониб — кўз юмиб, ўсониб юриғли — кўз юмиб юривчи. ²Бозиқма — алданма. ³Соғинғил — ҳисобга ол, тушин, ўйлаб кўр. ⁴Қали — агар. ⁵Адгулук — яхшилик. ⁶Осиг — фойда. ⁷„Ачу“ сўзи Вена нухасида «ачи» тарзида берилган. «Ачу» Девони луғоти туркда «кекса хотин. Ачи катта ёшли эркак деб изоҳланган. Шунга кўра бу ерда эй буви, эй бува маъносидадир. ⁸Ёва — беҳуда ўтказмоқ. ⁹Ўдима — ухлаб ётма. ¹⁰Ули — фарёд қил, ачиниб қайғир. ¹¹Тучи — доим, ҳамиша, ¹²Ёнғу — эрмас, қайтиб келмайди. ¹³Ўдиг — вақтни. ¹⁴Бори — ҳаргез, зинҳор. ¹⁵Ёва — бўш, бекор. ¹⁶Анунғил — тайёрлан. ¹⁷Тобурқ — хизмат, товуқ қил — хизмат қил, ҳаракат қил, тириш. ¹⁸Ива — шошқинч. ¹⁹Уза — олдинги. ²⁰Қозина ҳамам сув — ҳар уч сўз бирликда бойлик, мол-ҳол, ер-сув маъносидаги таъбир. ²¹Идиси — эгаси. ²²Илатти — элтди, олиб кетти. ²³Бадумиш — баландлашган; Бадумиш уни — баланд чиққан товуши, оху зори. ²⁴Панд — насиҳат. ²⁵Шакар булға қанд — шакар қанд бўлади, яъни қилинган меҳнат бекор кетмайди, натижаги бўлади деган маънода қўлланувчи идиоматик таъбирдир.

Мунгар мангзар, эмди эшит ушбу сўз,
Осиғ қилға тутсанг аё, ўзга кўз¹,

Атанг ўлди эрса қали на ўдун².
Санга айдуғи ул: ўғил кўр удун³.

Улум тутти борди қалир уш⁴ санга,
Қадиқлан⁵ кедин азгу одинг қўдун⁶.

Аданинг ананинг улуми тугал⁷,
Ўғул-қизга панд ул уқуб ўзга ол.

Адангни, анангни улум кўзмади⁸,
Саниму қўдур⁹ кўр едилса уди¹⁰.

Аларга жафо қилди дунё тедиб,
Санга му вафо қилға¹¹ қилғин итиб¹².

Кечут¹³ тут¹⁴ тириклик керак ишга эт
Уланинг¹⁵ кишига муён¹⁶ ўзга эт¹⁷.

Кечар кун ичинда¹⁸ керагинг олин¹⁹,
Кечургай сони ўз этгинг²⁰ қилин.

Ўзунг ютти мунча будун²¹ юқлари²²,
Удук²³ тур ўсал бўлма соғну²⁴ юри.

Қалин¹ оч бўрилар еилди санга,
Қабуқ кат² кудосгил ай элчи³ тунга⁴.

Алингдан берагу⁵ қачон келса оч,
Ани сандан айтур⁶ баёт⁷ кўзни оч.

Тириклик ужуқса⁸, ядилса ёшинг,
Нагуға⁹ тўсулғу¹⁰ санга бу кишинг.

Кони бўл кўнилик¹¹ уза қил тўру¹²,
Узун турға баклик адогин уру¹³.

На азгу билик берди билги улук,
Бу сўз ишга туткил йўри бу йўлук.

Багутмак¹⁴ тиласа бу баклик уйи;
Тўру¹⁵ берғу¹⁶, тутқу¹⁷ кўнилик йўли.

Тоғи бир очунуғ¹⁸ тудойин теса,
Кониликни тутғу¹⁹ суз айдим кеса.

Ай бак ман тегучи бадутма²⁰ кўнгул,
Вафосиз турур дунё — давлат тўнгул²¹.

Бу дунё қудиға²² ишонма айиқ²³,
Инончсиз турур кўр қилинжи ёйиқ²⁴.

Ай Алик бу қарши²⁵ бу ўрду сарой²⁶,
Сани тутмаз-а²⁷ бу кечар йил кун ой.

¹Ўзига кўз тутмак — ўзига керак, ўзига муносиб иш қилиш.
²Ўдун — чора, илож. ³Удун — уйғон, ҳушёр бўл. ⁴Уш — Ле-
вони луғати турк*изоҳига кўра, бу сўзга икки хил маъно бериш мум-
кин. 1 — ҳозиргина, 2 — ўшандоқ. ⁵Қадиқлан — ҳаракат қил, тириш.
⁶Қўдун — кўнишга ўрин, қўй, қолдир. ⁷Тугал — бутунлай. ⁸Кўз-
мади — қўймади. ⁹Қўдур — кўяр, кўядими? ¹⁰Уди — вақти. ¹¹Қил-
ға — қилгай. ¹²Итиб — ташлаб, қилғин итиб — қилғини ташлаб.
¹³Кечут — ўтувчи, ўткинчи. ¹⁴Тут — хисола, фараз қил. ¹⁵Ула —
етиштир, камчиликларини тўлдир. ¹⁶Муён — савоб. ¹⁷Бу сўз Ве-
на нусхасида «тит», наманган нусхасида «тек шаклида берилган.
Эт бўлса тўғрироқ бўлар». Яъни ўзинг учун яхши ишлар. ¹⁸Ичин-
да — ичиндан. ¹⁹Олин — уни ол, керагинг олин — керагингни ол.
²⁰Этгинг яхшилигинг. Аслида бу сўз «эдгунг» бўлиши керак эди,
эдгунг қилин — қилган яхшилигинг демакдир. ²¹Будун — халқ,
мунча будун — кўп халқ. ²²Юк — хизмат, вазифа. ²³Удук — уйғоқ,
ҳушёр, ²⁴Соғну — сезгир, айғоқ.

¹Қалин — тўда, гуруҳ. ²Кат — жуда пухта. ³Элчи — сўзи,
алчи равишида хато ёзилган. Чунки элчининг маъноси алдоқчи
демакдир. ⁴Тунга — кучли, ҳайбатли бек. ⁵Берагу — бериш ке-
рак. ⁶Айтур — сўрайди, талаб қилади. ⁷Баёт — худо. ⁸Ужуқ-
са — яқинлашса. ⁹Нагуға — нимага. ¹⁰Тўсулғу — фойда беради.
¹¹Кўни — тўғри. ¹²Тўру — қонда, туру қил — қонда туз. ¹³Уру —
ёпишиб, мустаҳкам. ¹⁴Багутмак мустаҳкамламоқ. ¹⁵Тўру — қонда.
¹⁶Берғу — бериш. ¹⁷Тутқу — тутиш, сақлаш, яъни бекликни мустаҳ-
камлаш учун қонунда, олиш-беришларда тўғрилиқни сақла.
¹⁸Очунуғ — дунёни. ¹⁹Тутғу — тутиш керак. ²⁰Бадутма — кўнгул —
кибрланма, ошиб кетма. ²¹Тўнгул — умид уз. ²²Қудиға — бах-
тига. ²³Айиқ — ҳайиқ. ²⁴Ёйиқ — саботсиз бесубут. ²⁵Қарши — шоҳ
уйи. ²⁶Сарой — шоҳ уйи. ²⁷Тутмаза — ай бек, сани сақлаб қол-
майди.

Ай Алик бу қарши бу ўрду¹ ўрун².
Санга тегмиши бир тушун ул қўрун³.

Санингдан ўзоғи тушуб кечтилар,
Тинунмади⁴ туштак уду⁵ кечтилар.

Санга текти эмди бу ўрду ўрун,
Кўчунгни узунгдак уза эт⁶ бурун.

Бугун мунда этма бу қарши сарой,
Сани кутмагай бу кечар йил кун ой.

Ўзунг ётқу ўрни кўр ул белгулук,
Ани этку эзгу тила айкулук⁷.

Манинг теб билирсан бу қаршиг⁸ букун,
Ҳақиқат боқа кўрса эрмас ўкун⁹.

Нагу тер, эшиткил бу қарши санга
Бога кўрса¹⁰ чип ўқ¹¹ аюр, ай тунга¹².

Муни сан аюрсан манинг теп манинг,
Нагуга аюрсан нагу так санинг.

Санингдин басоғи¹¹ санга чиқ теюр,
Анушди кирур ўш манинг тер манинг.

Тунак ул бу дунё ай дунё беги,
Тунак ичра бўлмас соқинчта¹⁴ ўнги¹⁵.

Тунактин сан ортуқ тилама савинч,
Савинч ўрни учмоқ турур кўр авинч.

¹Ўрду — шоҳ шаҳри. ²Ўрун — тахт. ³Қўрун — кўрни, мартабани. ⁴Тинунмади — тинчи олмади. ⁵Уду — уйғоқ. ⁶Уза эт — олдин қил, олдиндан юбор. ⁷Айку — лук — бу сўзни икки хил изоҳлаш мумкин: а) ай кулук — ай кул каби кўп нарсаларни тушунувчи, б) айгулук — мақтарлик. ⁸Қаршиг — қаршини. ⁹Ўкун — пушаймон бўл. ¹⁰Бога кўрса — текширилса, сурштирилса, ўйлаб кўрилса. ¹¹Чинўқ — чиппа-чин, тўппа-тўғри. ¹²Тунга — ботир, баҳодир. ¹³Басоғи — сўнгилар, сўнг келганлар. ¹⁴Соқинч — қийинчилик. ¹⁵Ўнги — бошқаси, бошқа бир нарса.

Бу ер тер аричиг¹ арич тутмағил,
Ё кўчку соғинчиқ соғинч темағил.

На осғи бу давлат турумас кечар,
Терилмиш² нангингни³ тугал ул сочар.

Бу беклар бош ул қанча⁴ борса боши,
Удула⁵ борир бэрча ўтмиш⁶ киши.

Сан ўз қилғинги⁷ эт қилинжинг⁸ кўн⁹ эт.
Будун қилғи атлур сан ўзни овит.

Яроқсиз ёвузлук ўзунг қўлмаса¹⁰.
Ероқсизни қилма сўз айдим кеса.

Удунга¹¹ қотилма фасоддин йира¹²,
Бу икки қилиқтин бўлур эл қора.

Аринчқа¹³ овинма¹⁴ сан ичма сучик¹⁵
Тенгис¹⁵ ул бу икки бунгар йўқ кечик¹⁷.

Қилиғинг¹⁸ кўни¹⁹ тут қилинжинг силик²⁰,
Уқуш йўлчинг²¹ эткил, кенгашчинг билик.

Кўнгул тил кўни тут кўр ардам улуғ,
Ўзунгни унутма янгилма йўлуғ²².

Қудурма кўнгул²³ сан қудосланмағил²⁴,
Ер, ўт, сув талим теб кўкис кермағил.

¹Аричиг — сафар учун олиб юриладиган сахтнёндан қилинган тўрва чамадон. ²Терилмиш — тўпланган. ³Нангингни — нарсангни. ⁴Қанча — қандай. ⁵Удула борир — улгайиб боради, хушёрлиниди. ⁶Ўтмиш — ухлаган. ⁷Қилғинг — ишларингни. ⁸Қилинжинг — хулқингни. ⁹Кўн — тўғри, содиқ. ¹⁰Қўлмаса — истамасанг. ¹¹Удун — ёмон. ¹²Йира — узоқ тур. ¹³Аринг — жиноят. ¹⁴Овинма — шодлилма. ¹⁵Сучик — май, ичкилик. ¹⁶Тенгис — дарё, киши тушса қутулиши қийин нарса. ¹⁷Йўқ кечик — кечиги йўқ, кўприксиз, ундан ўтиб қутулиш мумкин бўлмаган, хавфли. ¹⁸Қилиғинг — ишнинг. ¹⁹Кўни — тўғри. ²⁰Силик — тоза, ёқимли. ²¹Йўлчинг эт — ўзингга раҳбар қил. ²²Йўлуғ — йўлни унутма, қоидадан чиқма. ²³Қудурма кўнгул — мағрур бўлма. ²⁴Қудосланмағил — ўзингни бошқалардан юқори ҳисоблай бошламагин.

Неча кўр кўгуслик¹ қувонур² ариг³,
Ўлум ерга кўмди ашуди⁴ тириг.

Ади⁵ яқши аймиш биликлик бадук,
Биликлик сўзин тутса ташлур⁶ кад-ук⁷.

Хазинам ўгуш теп қувонма нангин,
Ҳамер сув талим деб қудурма эгин.

Кучига қувониб кўкис кергучи,
Юридулмади⁸ бир чибунға алин.

Буши⁹ бўлма иштан сан анга йигин,
Қали келса ўпканг¹⁰ ўзунг қил агин¹¹.

Сучук сўзла борча кишига тилин¹²,
Очуқ тут юзунгни йўруқ¹³ тут олин.

Қали¹⁴ азгу тутса бу беклар қилинж¹⁵,
Қомуғ элга азгу бўлур минг савинч.

Абанг¹⁶ бўлса беклар қилинжи азис¹⁷,
Азислар кучаюр бузар азгу ис.

Азис бўлма одинг азис қилмағил,
Азис эрни қисқил¹⁸ йўлу бермағил.

Азислик¹⁹ агу²⁰ ул ема бу агу,
Агу якли²¹ бўлмас тириклик ягу.

Нагу тер эшитгил билик тўлмиш эр,
Билик бирла элда оғир²² бўлмиш эр.

¹Кўгуслик — керилган. ²Қувонур — мақтанган. ³Ариг — одамларни. ⁴Ашуди — ошиб кетди, кўпайиб кетди. ⁵Ади — қандай. ⁶Ташлур — юмшайди. ⁷Қадоқ — қаттиқ. ⁸Юридулмади — кўтари олмади. ⁹Буши бўлмоқ — хафаланмоқ. ¹⁰Ўпканг — ғазабинг, аччиғинг. ¹¹Агин қилмоқ — кенг тутмоқ, оғир бўлмоқ. ¹²Тилин — тилинг билан, тилинган. ¹³Йўруқ — яхши хулқ. ¹⁴Қали — агар. ¹⁵Қилинж — қилиқ. ¹⁶Абанг — агар. ¹⁷Азис — ёмон. ¹⁸Қисқил — жазола, жазо бер. ¹⁹Азислик — ёмонлик. ²⁰Агу — заҳар, ²¹Якли — зарарли, хавфли. ²²Оғир — иззат, ҳурмат, оғир бўлмиш, иззат топган.

Ай Илик¹ удочи² сони³ сан бугун.
Будун борча иклик⁴ санга мунглуғ ул⁵.

Қаюси кудурмиш бўлур кўч аринж⁶,
Қаюси жиғойлиқ⁷ била ер соғинч⁸.

Қою оч, қоюси ялонмиш бўлур,
Қою қадқу⁹ бирла уланмиш¹⁰ бўлур.

Санингдан турур кўр бу нанглар¹¹ эми¹²,
Удоғил¹³ тўру¹⁴ бирла бўлгил ками.

Қали¹⁵ қилмаса сан эми¹⁶ ё удн¹⁷
Будунға бўлурсан тириклик юди¹⁸.

Азисқа кодилма кўюргай¹⁹ сани,
Одинг атқу бўлса қолир атку ис²⁰.

Ай Алик қодиқлан²¹ удуқ²² тур удук,
Усоюқ²³ кишига тагир²⁴ ул юдуқ²⁵.

Бу беклик кўги²⁶ барча соқлиқ²⁷ турур,
Тағи бир очун қўлса²⁸ шундан бўлур.

Ҳаромга қодилма кудос²⁹ ўз қудуқ³⁰.
Ҳаром якли ўрни тамуғ ул бадук.

Боғирсоқ³¹ бўлун барча ялингүк³² уза,
Киши ёзи³³ қилма юрима аза³⁴.

¹Асардаги қахрамонлардан бирининг лақаби. ²Ўдочи — табиб, доктор. ³Сони — қаторидаги, даражасидаги. ⁴Иклик — касал одамлар. ⁵Мунглуғ — мунтазир, сонок ўтиб туришичиги. ⁶Аринж — орзу. ⁷Жиғойлиқ — қашшоқлик, камбағаллик. ⁸Соғинч — қийинчилик, азоб. ⁹Қадқу — қайғу. ¹⁰Уланмиш — ўралашиб қолган. ¹¹Нанглар — ипрелар. ¹²Эми — илож, чора. ¹³Удоғил — давола, даво қил. ¹⁴Тўру — қонда. ¹⁵Қали — агар. ¹⁶Эми — иложини. ¹⁷Уди — дивосини. ¹⁸Юди — вабо; ҳаммани ҳалок қилувчи ют касаллиги. ¹⁹Кўюргай — кўндирад. ²⁰Ис — иш. ²¹Қодиқлан — ғайрат қил. ²²Удуқ — улчоқ, хушёр. ²³Усоюқ — гофил одам. ²⁴Тагир — етказ. ²⁵Юдуқ — ютин, ўлим жазосини. ²⁶Кўги — қондаси. ²⁷Соқлиқ — хушёрлик, айғоқлик, сезгирлик. ²⁸Қўлса — исталса. ²⁹Қудос — сақла. ³⁰Бу сўзнинг казик — жасорат, далиллик, ёки қудуқ — мартабангини маъносидан ўқниш мумкин. ³¹Боғирсоқ — раҳмдил, ғамхўр. ³²Ялингүк — одамлар. ³³Ёз — зарар, зиён. Бу сўз девонда ёс тарзида берилган. ³⁴Юрима аза — зулм қилма.

Бўр¹ ичма фасодқа қодилма йира²
Бу икки бузар қарши³, ўрду⁴, тўра⁵.

Боқа тур нағу тер соғи йўқ⁶ киши,
Соғи йўқ сўзин тутса итилу⁷ иши.

Азислар⁸ азисликларин ишласа,
Сан этма, қийин бирла тутқил кеса.

Алик⁹ бўлса азис очуну¹⁰ бузар,
Қизиқи¹¹ йўқ эрса йўриқ¹² йўл озар¹³.

Оғирла¹⁴ сан атгуг¹⁵ тагур¹⁶ атгудук,
Туру этки бўлғай¹⁷ будунга кўлук¹⁸.

Кўнилик¹⁹ уза сан туру кал туру:
Туру бирла беқлик турур, ал²⁰ ўру.

Ўгуш²¹ каснак²² урма сан олтуш кўмуш,
Нағу бўлмишиг халққа қилғил улуш.

Ош оз е ай Алик ўгуш²³ қил тобуқ,
Сўз оз сўзла ўгран сан ардом²⁴ қомуқ.

Ай Алик бу нафсинг ёгила²⁵ кадик,
Тилагини берма тўдурма²⁶ тодиқ²⁷.

Қамуқтан²⁸ азисроқ²⁹ яғи³⁰ бу турур,
Мунгар атгу³¹ қилса бу азис³² қилур.

Ай Алик кат ўтрум¹ тила уч кишиг,
Анингдан басо² бер аларга ишиг.

Булардан бири инчка³ қози ариқ⁴
Соғи ўқ карак такса халққа озиқ⁵.

Иккинчи халифат керак чин будун⁶
Будун⁷ бўлса инчлик⁸, тирилса қудун⁹.

Учунчи кат¹⁰ ўкрук¹¹ керак бу вазир.
Будунга нағу тегса мундин тагир¹².

Бу уч ишта бўлса йўриқсиз кишиг,
Йўриқсиз бўлур барча этгу ишинг.

¹Ўтрум тила — диққат қил. ²Басо — сўнг анингдон басо — шундан кейин, шунинг натижасида. ³Инчка — кўнгли тинч, оғир, субутли, қаноатли. Бу сўз шу маънода „Девони луғоти турк“да инч тарзида берилган. ⁴Ариқ — покиза, софдил. ⁵Озиқ — осиг, фойда. ⁶Чин будун — ҳақиқий инсон. ⁷Будун — халқ. ⁸Инчлик — хотиржам, тинч, мамнун. ⁹Қудун — бахтли. ¹⁰Кат — жуда. ¹¹Ўкрук — ақлли. ¹²Тагир — тегади, ундан келади.



¹Бўр — ичкилик, май. ²Йира — йироқ тур. ³Қарши — шоҳ уйи — сарой. ⁴Ўрду — қарши қўлланадиган воситалар. ⁵Бу маънода бу сўз «тўра қалқон» деб берилган. ⁶Соғи йўқ — гофил одам, рафлатда қолган одам. ⁷Итилу — йитилади, йўққа чиқади. ⁸Азислар — ёмонлар. ⁹Алик — бошлиқдан инсон. ¹⁰Очун — дунё. ¹¹Қизиқ — қисик — текшириш. ¹²Йўриқ — юрвчи. ¹³Озар — озади, адашади. ¹⁴Оғирла — ҳурмат қил. ¹⁵Атгуг — яхшиларни. ¹⁶Тагур — етқаз, тагуратгудук — уларга яхшилик қил. ¹⁷Будунга — халққа. ¹⁸Кўлук — соябон, кўлук бўлғай — соябон бўлади. ¹⁹Кўнилик — тўғрилиқ. ²⁰Ал ўру — қўл баланд бўлади. ²¹Ўгуш — кўп. ²²Каснак — қаттиқ яшириш. ²³Ўгуш — қил — кўп қил, кўпайтир. ²⁴Ардом — турмуш қондаларни. ²⁵Ёгила — душман ҳисобла, унга алданма. ²⁶Тўдурма — тўйдирма. ²⁷Тодиқ — лаззатли, ширин. ²⁸Қамуқтан — ҳаммадан. ²⁹Азисроқ — ёмонроқ. ³⁰Яғи — душман. ³¹Атгу — яхшилик. ³²Азис — ёмонлик.



АҲМАД
ЮГНАКИЙ





Аҳмад бинни Маҳмуд Югнакий тил, адабиёт тарихи учун муҳим ёзма адабий ёдгарликлардан бири бўлган «Ҳибатул-ҳақойиқ» («Ҳақиқатлар ҳадяси») номли асарнинг авторидир.

Аҳмад Югнакийнинг таржимаи ҳолига оид етарли маълумотга эга эмасмиз. Асарнинг ўзидан ва асар охирига илова қилинган баъзи материаллардан ёзувчининг Югнак деган жойда туғилиб ўсгани, Адиб Аҳмад номи билан машҳур бўлгани ва «Ҳибатул-ҳақойиқ» асарининг автор томонидан XII аср охири XIII аср бошларида ёзилгани аниқланган, холос. Югнак аталган жойни Фарғона ёки Туркистон территориясида деб тахминланади. Айрим манбаъларда Самарқанд атрофида дейилган.

Адиб Аҳмаднинг бу асари «Қутодғу билик»дан сўнг XIII асрга қадар бу территорияда яшаган халқларнинг адабий тил ва адабий услубларининг намунаси сифатида нечоғлиқ муҳим бўлса, у XIII асрдан бошлаб Лутфий, Навоий даврларига қадар ўтган муддатда бу ўлкаларда яшаган халқларнинг адабий тил ва асарларига намунаси сифатида ҳам, тил тарихи ва адабиёт тарихи учун жуда қимматли ҳужжат.

Бу асар Алишер Навоийга ҳам манзур бўлган эди. Навоий ўзининг «Насоимул-муҳаббат» асарида уни алқаб тилга олади. Ҳатто Бадиуззамонга ёзган мактубида асардан парча келтиради. Шунинг ўзи ҳам асарнинг ўзбек адабиёти тарихида салмоқли ўрни бўлганини эслатади. Асарда автор илмнинг аҳамияти, тилни тийиш, сахийликнинг яхши хислат экани, бахилликнинг зарари ва бошқа

бир қанча масалалар ҳақида сўз юритган. Асарнинг кенг тарқалган нусхаси 11 бобдан иборатдир. Лекин унинг ўн тўрт бобдан иборатлиги ҳақида ҳам маълумотлар бор.

Туға кўрмас эрди адибнинг кўзи
Тўзотти бу ўн тўрт боб ичра сўзи.

«Хибатул-ҳақойиқ» асарининг 1444/45 ва 1480 йилларда кўчирилган икки қўл ёзмаси Истамбулда сақланади. Бу қўл ёзмалар луғат, изоҳ ва туркча таржимаси ҳамда асл қўл ёзманинг копияси билан нашр этилган. Бу нашрлар ССР Фанлар Академияси Шарқшунослик институти ва 1480 йил нусханинг нашри ЎзССР Фанлар Академияси Шарқшунослик Институти фондида мавжуддир.

Асарни ўрганиш иши эндигина бошланди. Биз бу ерда асардан айрим намуналар келтирдик.



„ХИБАТУЛ-ҲАҚОЙИҚ“дан

[Илм манфаати ва жаҳл зарари ҳақида]

Биликтин аюрман¹, сўзумга² ула³,
Биликка, ё дўст, ўзунгни ула³.

Билик бирла билнур саодат йўли,
Билик бил саодат йўлини бўла⁴.

Баҳолиқ динор⁵ ул биликлик киши,
Бу жоҳил биликсиз — баҳосиз биши⁶.

Сўнгакка йиликтак эранга⁷ билик,
Эран кўрки ақл, ул сўнгакнинг йилик.

Биликсиз — йиликсиз сўнгактак қоли⁸,
Йиликсиз сўнгакка сунулмас алиқ⁹.

Билик билти бўлти¹⁰ эран белгүлук,
Биликсиз тирикла йитук¹¹ кўркулук.

Биликлик эр ўлти — оти ўлмату,
Биликсиз эсан эркан оти ўлук.

Биликлик биринга биликсиз мингин¹²,
Тенгакли тенгади биликнинг тенгин.

¹Аюрман — айтурман. ²Ула — улан, улаш, қулоқ сол. ³Ула — улан, улаш, ёпиштир. ⁴Бўла — топгин, эришгин. ⁵Баҳолиқ динор — қимматли маблағ. ⁶Биши — ярамас нарса. ⁷Эран — эр киши. ⁸Қоли — ҳоли. ⁹Алиқ — илик, қўл. ¹⁰Билиқ бўлти — билди, бўлди. ¹¹Йитук — йитган, йўқолган. ¹²Бир билимлига минг билимсиз.

Боқа кўргил эмти уқа¹ синаю²,
Нананг бор биликтин асиглиқ³ ўнгин⁴.

Билик бирла олам юқар йўқлади⁵,
Биликсизлик эрни чўкарди⁶ қуди.

Билик бил ўсанма⁷ бил ул ҳақ расул,
Билик кимда эрса сиз арқанг⁸ теди.

Биликлик биликни адаркан⁹ бўлур,
Биллик татгин, эй дўст биликлик билур.

Биликсизга ҳақ сўз татиқсиз¹⁰ эрур,
Анга панд, насиҳат осигсиз эрур.

На турлук ориқсиз¹¹ орир юдиса¹²,
Жоҳил юб оримас, ариғсиз эрур.

Биликлик киши кўр билур иш ўзин,
Билип этар ишни, ўкунмас кедиш.

На турлук иш эрса биликсиз ўнги¹³,
Ўкунч¹⁴ ул анга йўқ ўнг¹⁵ анда адин¹⁶.

Биликлик кераклик сўзин сўзлаюр,
Кераксиз сўзини кўмуб кизлаюр¹⁷.

Биликсиз на айса аюр уқматиш¹⁸,
Анинг ўз тили, ўз бошини еюр¹⁹.

Билик бирла биллур тўратган²⁰ иди²¹,
Биликсизлик ичра хайир²² йўқ деди.

¹Уқа — уқиб, тушуниб. ²Синаю — синаб, тажриба қилиб.
³Осиглиқ — фойдали. ⁴Ўнгин — бошқа. ⁵Йўқлади — юқорига ош-
ди. ⁶Чўкарди — чўктирди. ⁷Ўсанма — ғофил бўлма. ⁸Арқанг —
мақтанг. ⁹Адаркан — ахтарган, излаган. ¹⁰Татиқсиз — тотимсиз,
лаззатсиз. ¹¹Ариқсиз — понак, булғонч. ¹²Юдиса — ювса. ¹³Ўнги —
олдида. ¹⁴Ўкунч — пушаймон. ¹⁵Ўнг — осон. ¹⁶Адин — бошқа,
пушаймонликдан бошқа. ¹⁷Кизлаюр — яширади. ¹⁸Уқматиш — уқмай.
¹⁹Еюр — ёйди. ²⁰Тўратган — яратган. ²¹Иди — эга (тангри). ²²Хайр —
яхшилиқ.

Биликлик сўзи¹ панд, насиҳат, адаб,
Биликликни ўғди ажам² ҳам араб.

Товарсизга³ билги⁴ туганмас товар,
Ҳисобсизга⁵ билги йирилмас⁶ ҳисоб.

[Тил сақлаш ҳақида]

Эшитгил биликлик нагу теп аюр⁷
Адаблар баши тил кутамак⁸ турур.

Тилинг бекта⁹ тутгил тишинг синмасун,
Қали¹⁰ чиқса бекта тишингни сиюр.

Санип¹¹ сўзлаган эр сўзи сўз соғи¹²,
Ўкуш¹³ янгшаған¹⁴ тил эйалмас яғи¹⁵.

Сўзунг бўшлуғ эзма йиға тут тилинг,
Етар бошқа бир кун бу тил бўшлуғи.

Хирадлиқму¹⁶ бўлур тили бўш киши,
Талим¹⁷ бошни еди бу тил, сўз бўши.

Бир ул янгшар¹⁸ эрса кераксиз сўзин¹⁹,
Икинг ялғон эрса ул эрнинг тили.

Тили ялғон эртин йироқ тур теза²⁰,
Кечур санма умрунг кўнилик²¹ уза.

Оғиз тил безаки кўни²² сўз турур,
Кўни сўзла сўзни дилингни беза.

Кўни сўз асалтек, бу ялғон басал²³,
Басал еб ачитма оғизни асал²⁴.

¹Ўғди — мақтади. ²Ажам — араб халқидан бошқа ҳамма халқлар.
³Товарсиз — молсиз. ⁴Билги — илм. ⁵Ҳисобсиз — даража-
сиз, мартабасиз. ⁶Йирилмас — битмас-туганмас. ⁷Аюр — ай-
тади. ⁸Тил кутамак — тилни тиймоқ, тилни эҳтиёт сақла-
моқ. ⁹Бекта — пишиқ, пухта. ¹⁰Қали — агар. ¹¹Санип — ўйлаб,
фикр қилиб. ¹²Соғи — тўғриси. ¹³Ўкуш — кўп. ¹⁴Янгшаған —
янглишган. ¹⁵Яғи — душман. ¹⁶Хирадлиқ — ақлли. ¹⁷Талим — кўп.
¹⁸Янгшар — янглишади. ¹⁹Сўзин — сўз билан. ²⁰Теза — тез-а. ²¹Кў-
нилик — тўғрилиқ. ²²Кўни — тўғри. ²³Басал — пиёз, аччиқ. ²⁴Оғиз-
ни асал — асал оғизни.

Ё ёлгон сўз ик¹ так кўни сўз шифо²,
Бу бир сўз ўзоғи³ урулмиш масал⁴.

Кўни бул куни қил отин кўни⁵,
Кўни тею билсун халойиқ сени.

[Сахийлик ҳақида.]

Аё дўст, биликлик изин⁶ излагил,
Қали⁷ сўзласанг сўз билиб сўзлагил.

Ахи⁸ эрни ўккил⁹, ўкар¹⁰ эрса сан,
Бахилға қатиқ ё ўқун кизлагил.

Қамуғ тил ахи эр саносин¹¹ аюр,
Ахилиқ қамуғ эр кирини ююр.

Ахи бўл санга сўз сўкунч келмасун¹²,
Сўкунч келгу¹³ йилни ахилиқ тиюр¹⁴...

Эгилмас кўнгулни ахи эр эгар,
Тегилмас¹⁵, муродқа¹⁶ ахи эр тегар.

Бахиллиқни қони ўкар тил¹⁷ қаю,
Ахилиқни ҳам хос¹⁸ туруҳақ¹⁹ ўкар.

Ахи эр билиқни ета²⁰ билди кўр,
Отин²¹ сотти, молин сано²² олди кўр.

Кўшилиқ тўнин кий қўюб эгрилик,
Кийим тўн тўлуси²³ кўшилиқ туни.

Қатиғ кизла²⁴ розинг киши билмасун,
Сўзунгтин ўзунгга ўкунч²⁵ келмасун.

Қамуғ яшру¹ ишинг бўлиб ошкоро,
Бу кўрган, эшитқан санга кулмасун.

Эшим² теп инониб, сир айма соқин³,
Нечама⁴ инончиқ эш эрса яқин.

Сариб⁵ санда розинг⁶ сингиб турмаса,
Сариюр⁷ эшингда муни кат соқин.

«Тирилди ўлам⁸ сўз ўламай⁹ бўлуб,
Очунда¹⁰ от адгу кўтуб¹¹ борди¹² кўр.

Бахил йиғди зар¹³ сим ҳаромтин ўгуш¹⁴,
Вубол¹⁵ кўтру¹⁶ борди узала¹⁷ сўкуш.

Улуш¹⁸ бўлди моли кишилар аро,
Бахил олди андин сўкунчтин¹⁹ улуш²⁰.

Бахиллиқ уталаб²¹ ўнгалмас йик²² ул,
Беримдин бахил илки кат²³ берклик ул.

Йиғиб кўнгли тўймаз кўзи суқ бахил,
Кул ул молғамали ангар эрклик²⁴ ул.

[Насихатлар]

Йима пандим олғил узотма амал²⁵,
Амал асрасинда пусуқли²⁶ ажал.

Аюрсан кидим²⁷ тўн шароб ош керак,
Тилим мол ўгуш қул қарабош²⁸ керак.

Агар йиғдиғинг эрса умрлиқ товар,
Бурун бошқа бўркни кияр бош керак.

¹Ик — касаллик. ²Шифо — саломатлик. ³Ўзоғи — илгариги. ⁴Масал — мақол. ⁵Отин кўни — тўғри, содиқ деб от чиқар. ⁶Изин — йўлини. ⁷Қали — агар. ⁸Ахи — сахий, меҳрибон, ғамхўр. ⁹Ўккил — мақтагин. ¹⁰Ўкар эрса сан — агар мақтайдиган бўлсанг. ¹¹Саносин — мақтовини. ¹²Сўз сўкунч келмасун — сўз тегмасин, ҳақорат етилмайдиган. ¹³Келгу — келадиган. ¹⁴Тиюр — қайтаради. ¹⁵Тегилмас — мақсадга. ¹⁶Ўкар тил — мақтайдиган тил. ¹⁷Хос — махсус одамлар, катта одамлар. ¹⁸Туруҳақ — умум халқ, ҳамма. ¹⁹Ета — яхшилаб, керагича, оша-тоша. ²⁰Отин — отини. ²¹Сано — мақтов. ²²Тўлуси — қимматлиси. ²³Кизла — яшир. ²⁴Ўкунч — пушаймон.

¹Яшру — яширин. ²Эш — дўст — ўртоқ. ³Соқин — сақлаш. ⁴Нечама — нечоғлик, қанчалик. ⁵Сариб — сингиб. ⁶Роз — сир. ⁷Сориюр — сингади, сингиб қолади. ⁸Ўлам — ўладиган, ўлувчи. ⁹Ўламай — ўлмовчи. ¹⁰Очун — дунё. ¹¹Кўтуб — куйиб. ¹²Борди — кетди. ¹³Зар — сим, олтин, қумуш. ¹⁴Ўгуш — кўп. ¹⁵Вубо — қарғиш, ёмон ном. ¹⁶Кўтру — кўтариб. ¹⁷Ўзала — устига. ¹⁸Улуш бўлди — тақсим бўлди. ¹⁹Сўкунч — қарғиш, ҳақорат. ²⁰Улуш — ҳисса. ²¹Уталаб — даволаб, даво қилиб. ²²Йик — касаллик. ²³Кат — жуда. ²⁴Эрклик — унга хўжайин, ундан устун. ²⁵Амал — орзу, тилак. ²⁶Пусуқли — яширинган. ²⁷Кидим — кийим. ²⁸Қарабош — халқ оммаси.

Ҳарислиқ¹ма² эрга ёвуз ҳислат ул,
Ҳарислиқ сўнги ғам ўкунж ҳасрат ул.

Бу бойлиқ жиғайлиқ иди³ қисмати,
Ҳарислиқ так эрга қуруғ захмат ул.

Ҳарис — тўймас очун нангини териб,
Ҳарислиқ қаримас идиси қариб.

Ҳарислиқни қўюр, ҳарис эр қачон,
Ўлуб ётса тупроқ ичига кириб.

Ҳарис териб эрмас, ўсанмас бўлур,
Ҳарислиқ икнининг эмин ким билур.

Тор⁴ арса, кенг⁵ арса битилди рўзунг⁶,
Ҳарислиқ қилмушуни азгурак⁷.

Кўки⁸ кўрклик⁹ эрнинг хўйи¹⁰ кўрклик¹¹ ул,
Бу кўрклик қилиққа кўнгил эрклик¹² ул.

Бир эртин бир эрга тафовут тилин,
Ва лекин кўр эрга тузи¹³ бурлук¹⁴ ул.

* * *

Уқуб сўзла сўзни эва сўзлама¹⁵,
Сўзунг кизла¹⁶ катин¹⁷ бошинг кизлама.

Минг эр дўстунг эрса ўгуш¹⁸ кўрмагил,
Бир ар душман эрса ани озлама¹⁹.

Неча татик²⁰ эрдин бирар сахв²¹ келур,
Неча²² пур ҳунарда бирар айб бўлур.

¹ Ҳарислиқ — очкўзлик. ² Ма — ҳам. ³ Иди — худо. ⁴ Тор — кам.
⁵ Кенг — мўл. ⁶ Рўз — ризқу рўз. ⁷ Азгурак — яхшироқ. ⁸ Кўки —
ўзи. ⁹ Кўрклик — яхши. ¹⁰ Хўйи — феълу хуйи. ¹¹ Кўрклик — ёқимли.
¹² Ирклик — дўст. ¹³ Тузи — туси, тури. ¹⁴ Бурлук — яширин бурканмоқ
сўзи шундандир. ¹⁵ Ива сўзламоқ — шошиб, ўйламай сўзламоқ.
¹⁶ Кизламак — яширмоқ. ¹⁷ Катин — керак. ¹⁸ Угуш — кўп. ¹⁹ Озла-
мак — оз кам ҳисоблама душман биттагина бўлса ҳам, хавф қилиш
керак, демакдир. ²⁰ Татик — ҳушёр, ақлли. ²¹ Сахв — камчилик, хато,
айб. ²² Пур ҳунар — ўтакетган мутахассис, ўз ишининг зўр билимдони
бўлган одам.

Бу бир айбдан ўтуру¹ бошин кескучи
Очунда² тирилгу кишисиз қолур.

Тирил эзгу фиълин кўнгуллар олиб³,
Асизлик⁴ тин ўзни⁵ сарангу⁶ солиб⁷.

Этар бўлсанг ишни сониб⁸ соғниб⁹ эт,
Керакму кераксизму киртув¹⁰ билиб.

На иш ўтру келса¹¹, санга кат яқин,
Ул ишнинг ўнгини сўнгини соқин.

Иши адгу бўлса, ар адгу бўлур,
Эр иш адгусидин ўгуш хайр¹² келур.

Асизга¹³ ёвума¹⁴ асиз суҳбати,
Сани таркин¹⁵ асиз қилиғлиқ қилур.

Мажоз¹⁶ бўлди дўстлиқ ҳақиқат қани,
Минг эр дўстда бири бўлунмас кўни¹⁷.

Ўгушрак кишининг ичи ғадр¹⁸ эрур,
Кўни дўстунг эрса, тоши бил мунн¹⁹.

Букун бу очунда²⁰ кишлик азиз²¹,
Қани қанча²² борди кишилик эсиз.

Вафо кўли суғилуб²³ қуруб йўллари,
Жафо тўлди, тошти тенгсизтин одиз²⁴.

Қани аҳд амонат, қани эзгулук,
Куни келтугинча, хайир кетгулук.

¹ Ўтуру сабабли. ² Очун — дунё. ³ Бу мисра маъноси: яхши муомала
билан кўп кишиларни шодлантириб ҳаёт кечир. ⁴ Асизлик — ёмонлик.
⁵ Ўзни нужудинини. ⁶ Сарангу — бахиллик. ⁷ Солимоқ — ташламоқ.
⁸ Соғниб ҳисобламоқ. ⁹ Соғинмоқ — мўлжалламоқ, ўйламоқ. ¹⁰ Кир-
тув рост сўзлаш ўрни, ёлгон сўзлаш мумкин бўлмаган жой.
¹¹ Ўтру келмак тўғри келмоқ. ¹² Хайр — яхшилик. ¹³ Асиз — ёмон,
ақлсиз. ¹⁴ Ёвумоқ — яқинлашмоқ. ¹⁵ Таркин — тезда. ¹⁶ Мажоз — юзаки,
ҳақиқатга хилоф. ¹⁷ Кўни — тўғри. ¹⁸ Ғадр — вафосизлик, ваъдани
буғиш. ¹⁹ Би мисраънинг маъноси: агар тўғри дўстинг бор эса
уни фақат таниқ кўринишигина деб ҳисобла. ²⁰ Очунда — дунёда.
²¹ Азиз — камёб. ²² Қанча — қаёққа. ²³ Суғилмоқ — суви, қуримоқ.
²⁴ Одиз — адир, баландлик.

Очун тўлди удвон¹ жафо жавр била,
Қани бир вафолик бор эрса тила.

Ким ул йўллуғ эрса анинг йўли йўқ,
Ким ул йўлсиз эрса анга кенгр уйўл.

Убут² кетти индаб бўлунмас йитти³,
Олол⁴ йикли⁵ қони кўрунмас бўди⁶.

Олол қанду қайда букун қани ким,
Оромни еюрди ҳалол теб йеди.

Будун⁷ моллик элга уруб юзларин⁸,
Тузу⁹ қул қилурлар озод ўзларин.

Ким ул молсиз эрса, ул эрни кўруб,
Юз авруб¹⁰ кечирлар юмуб кўзларин.

Аё молға суқ эр яқин бил бу мол,
Букун қатғу соқинч¹¹ ярин¹² юк вабол¹³.

Налук молға мунча суқ ул бу ўзунг,
Қўнгулда гаминг ул, тилингда сўзунг,

Санинг молинг ул мол ошин¹⁴ турдуғунг,
Санга ҳасрат ул бек¹⁵ тутуб турдуғунг.

Бу очун мазаси қатиғлик¹⁶ маза,
Азаси ўгушрак мазаси оз-о¹⁷.

Асал қайди бутса, била¹⁸ ариси,
Ари захри тотар асалдин узи.

Битидим китоби мавоиз¹ масал²,
Ўқуса тотир тил емиштак асал...

Алиб Аҳмад отим, адаб, панд сўзум,
Сўзум мунда қолур, борур³ бу ўзум.

Келур куз, кечар ёз, борур бу умур,
Тугатти умурни бу ёзим, кузум.

Оннин⁴ уш⁵ чиқартим бу туркча китоб,
Керак қил таййиб⁶ э дўст керак қил итоб⁷.

Бититим бу тангсуқ туроқ⁸ сўзларин,
Қали⁹ борса ўзум отим қолсу теп.

Наводир¹⁰ сўзуг оз бўлур азл¹¹ ўгуш,
Жуз атлас бўлур қиз¹² ужузи¹³ бўзук.

Аё мандан кедин келикли мунни,
Ўқусанг дуодин унутма мани.

Санга адя қилдим бу тансуқ китоб,
Манга адя қилсу¹⁴ дуо теб сени.

¹ Мавоиз — ваъз, насиҳат. ² Масал — ўхшаш. ³ Бормоқ — кетмоқ, ўлмоқ. ⁴ Оннин — шунинг учун. ⁵ Уш — бу. ⁶ Таййиб — яхши. ⁷ Итоб — қилмоқ. ⁸ Туроқ — ҳар хил мавзудаги. ⁹ Қали — агар. ¹⁰ Наводир — камёб, қимматли. ¹¹ Азл — ҳазил. ¹² Қиз — қадрли, қимматли. ¹³ Ужуз — арзон, жўн. ¹⁴ Адя қилсу — ҳадя қилсин.



¹ Удвон — душман. ² Убут — уят. ³ Бу мисраънинг маъноси: уят, қақирган билан кўриб бўлмайдиган бўлиб йўқолиб кетди. ⁴ Олол — ҳалол. ⁵ Йикли — яширинган. ⁶ Буди — бўйи, ҳиди. ⁷ Будун — одамлар. ⁸ Юзурмоқ — сиғинмоқ, жуда ҳурмат қилмоқ. ⁹ Туз — зот, яъни у билан тенг бўлган ўзларини. ¹⁰ Авурмоқ — ўчирмоқ, тескари қилмоқ. ¹¹ Соқинч — ташвиш. ¹² Ярин — эртага, кейин, сўнг. ¹³ Вабол — азоб, алам. ¹⁴ Ошин турдуғунг — еб сингдирганинг. ¹⁵ Бек тутмоқ — яшириб қўймоқ, тўплаб сақламоқ. ¹⁶ Қатиғлик — қийинлик. ¹⁷ Оз — овозз биродар. ¹⁸ Била — унинг билан биргадир.



АҲМАД
ЯССАВИЙ





Аҳмад Яссавий — ҳозирги Туркистоннинг Ясси қишлоғида XI асрнинг охирларида туғилиб, 1166 йилда вафот қилган. Яссавий тахаллуси билан шеър ёзган бу шоир Иброҳим деган шайхнинг ўғли эди. Аҳмад Яссавий отасининг вафотидан сўнг Арслонбоб деган катта эшоннинг тарбиясини олади. Арслонбоб вафотидан сўнг эса Бухорога бориб, машҳур мутасаввиф Юсуф Ҳамадонийдан сўфийлик таълимотини ўрганди. Юсуф Ҳамадоний ўлгач, унинг ўрнида бир неча йил халфалик қилиб, сўнг Туркистонга катта мутасаввиф сифатида қайтади.

Аҳмад Яссавий сўфийлик адабиётининг йирик намоёндаларидан бўлиб, алоҳида адабий мактаб яратди. Яссавий ўз ижодида золимларга бўйсунуш, бу дунёдан воз кечиш каби ўта реакцион ғояларни илгари сурди. У ўз асарларини содда тил билан ёзган. «Яссавий ҳикматлари» Тошкентда ва Қозонда бир неча мартаба нашр қилинган. Аммо, Яссавий асарларининг ишончли қадимий қўл ёзма нусхалари бизгача етиб келмагани туфайли, Яссавийга нисбат берилиб келинаётган кўп асарлардан унинг ҳақиқий асарларини ажритиб олиш қийин. Проф. А. Қ. Боровковнинг фикрича, **охириди** «Қул Хожа Аҳмад» исми келган шеърларнинг Яссавийга тегишлилиги эҳтимоли кўпроқ. Умуман, Яссавий ижоди Урта Осиё халқлари тарихи ва адабиётларида реакцион роль ўйнади.

Аҳмад Яссавий ижоди диний-мистик характерга эга бўлиши билан бирга, кўп асрли ўзбек адабиёти тарихида ўзининг маълум ўрни ва роли бор. Шунинг учунгина унинг асарларидан айрим парчалар берилди.



Ў

ҲИҚМАТЛАР

Ун биримда раҳмат дарё тўлуб тошти,
«Олло» дедим, шайтон мандин йироқ қочти,
Ҳою ҳавас моу манлик турмай кўчти,
Ун иккимда бу сирларни кўрдум мано.

Ун учимда нафсу ҳаво қўлга олдим,
Нафс бошига юз минг бало қармаб солдим,
Такаббурни ерга уруб босиб олдим,
Ун тўртимда тупроқ сифат бўлдум мано.

Ун бешимда ҳуру гулмон қаршу келди,
Бошин уруб, қўл қовшуруб таъзим қилди,
Фирдавс отлиғ жаннатидин маҳзар келди,
Дийдор учун барчасини қўйдум мано...

Ун тўққузда етмиш мақом зоҳир бўлди,
Зикрин айтиб ичу тошим тоҳир бўлди,
Қайда борсам Хизр бобом ҳозир бўлди,
Ғавсул-Ғиёс май ичурди — тўйдум мано.

Ешим етти йигирмага этдим мақом,
Биҳамдиллаҳ пир хизматин қилдим тамом,
Дунёдаги қурт ва қушлар қилди салом,
Ул сабабдин ҳаққа ёвуқ бўлдум мано...

* * *

Уттуз бирда Хизр бобом май ичурди,
Вужудимдин азозилни ҳақ қочурди,
Савдо қилдим, ёзуқларим ҳақ кечурди,
Андин сўнгра ҳақ йўлига солди, дўстлар.

Уттуз икки ёшда етти ҳақдин фармон,
Бандалиғга қабул қилдим — қилма армон,
Жон берурда бергум санга нури имон,
Ғариб жоним шодмон ўлуб кулди, дўстлар...

Уттуз учда соқий бўлуб май улаштим,
Жоми шароб қўлга олиб тўя ичтим,
Лашкар тузаб, шайтон бирла ман уруштим,
Шукр-лиллаҳ, икки нафсим ўлди, дўстлар.

Уттуз тўртда олим бўлуб, доно бўлдум,
«Ҳикмат айт!» деб субҳон айтди, гўё бўлдум,
Чилтан бирла шароб ичтим, ҳамроҳ бўлдум,
Ичу тошим ҳақ нурига тўлди, дўстлар.

Уттиз бешда масжид кириб даврон сурдум,
Толибларга иш дўконин тўло қурдум,
Эгри йўлга ҳар ким кирди — сўктум, урдум,
Ошиқларга ҳақдин мужда етти, дўстлар.

Уттуз етти ёшга еттим уйғонмадим,
Инсоф қилиб оллоҳ сари тўлғонмадим,
Саҳар вақтда зори қилиб ингранмадим,
Тавба қилдим, хожам қабул қилди, дўстлар.

Уттуз саккиз ёшга кирдим — умрум ўтти,
Йиғламайму — ўлар вақтим яқин етти,
Ажал келиб паймонасин менга тутти,
Билмай қолдим — умрим охир бўлди, дўстлар.

Уттуз тўққуз ёшга кирдим — қилдим ҳасрат,
Водариғо, ўтти умрум, қани тоат,
Тоатликлар ҳақ қошида хуш саодат,
Қизил юзум тоат қилмай сўлди, дўстлар...

Қиёматнинг шиддатидин ақлим ҳайрон,
Кўнгул қўрқон, жоним ҳурқон, хонавайрон,
Сирог отлиғ кўпрукидин дилим ларзон,
Ақлим кетиб, беҳуш бўлуб қолдим, дўстлар.

Қул Хожа Аҳмад, қирқга кирдинг, нафсингни қирқ,
Мунда йиғлаб, охиратда бўлғил ариқ,
Нўсти имон, шариатдур мағзи тарийқ,
Тарийқ кирган ҳақдин улуш олди, дўстлар.



НОСИРИДДИН РАБҒУЗИЙ

* * *

...Дунё менинг деганлар, жаҳон молин олғонлар,
Каркас қушдек бўлубон ул ҳаромга ботмишлар.

Мулло, муфти бўлғонлар ёлғон даъво қилғонлар,
Оқни қаро қилғонлар ул томуғга кирмишлар.

Қози, имом бўлғонлар, ноҳақ даъво қилғонлар,
Ҳимор янглиғ бўлубон юк остида қолмишлар,

Ҳаром еган ҳокимлар, ришва олиб еганлар,
Ўз бармоқин тишлабон қўрқуб кўруб қолмишлар.

Тотлиғ-тотлиғ еганлар, турли-турли кийганлар,
Олтун тахтада ўлтургонлар туфроқ аро ётмишлар,

Мўмин қуллар, содиқлар сидқи бирла турганлар,
Дунёлигин сарф этиб учмох ҳурин қучмишлар.





Носириддин (қисқа равишда Носир) Бурҳониддин ўғли Рабғузий Хоразмнинг Работ ўғуз деган жойидан бўлиб, XIII—XIV аср ораларида яшаган. Унинг ҳаёти ва ижоди ҳақида етарли маълумот сақланмаган. У Работ ўғузда қози бўлган, араб тилини яхши билган. Шунинг учун у пайғамбарлар ҳақидаги диний, афсонавий қиссалардан фойдаланиб, «Қиссаи Рабғузий» номли¹ бир китоб тасниф этган (1309—1310 й.) Қиссалар ўзбек тилида наср билан ёзилган бўлиб, мадҳиялар, баъзи қиссаларнинг хулосалари, ора-сира лирик кечинмалар ва китобнинг хотимаси шеър билан ёзилган.

Шеърларнинг кўпчилиги ўзбекча бўлиб, баъзиларигина араб тилидадир. Бу асар XIII—XIV аср ўзбек адабиётида мавжуд проза ва поэзиянинг баъзи хусусиятларини ўрганиш учун материал бўлиши билан бирга, ўша замон Хоразм адабий тили учун қимматли манбаълардан биридир.

Асарнинг асл нусхаси сақланмаган. XV асрда кўчирилган бир нусхаси Лондонда, Британия музейида, XVI аср нусхаси Ленинградда СССР Фанлар Академияси

¹ Бу китобнинг Қозонда босилган тўлиқ нашрларида ва ундан олиниб, Ўзбекистонда ҳозиргача нашр этилган парчаларда асар номини, хато равишда, «Қисасул-анбиё» деб аталган. Лекин авторнинг ўзи китобига ном қўйиш сабабини айтганда шундай дейди: «Мақсуд мунда пайғамбарлар қиссаси эрди ва лекин Одамдин бурун яратилғонлар бор учун ондин оғоз қилдим, истакликка осон бўлсун теб, «Қиссаи Рабғузий от қўйдим». Шунинг учун биз ҳам автор қўйган номини олдик.

Шарқшунослик институтининг қўл ёзмалар фондида, кейинги асрларга оид бир неча нусхаси ЎзССР Фанлар Академиясининг Шарқшунослик институтида сақланади. Китобнинг бир оз суқутли эски бир нусхаси Ҳоди Зариф томонидан Хевадан топилганки, уни XV—XVI асрларга оид деб тахмин қилинади. Бу нусха ЎзССР Фанлар Академияси тил ва адабиёт институтининг Адабиёт музейида сақланади (инв № 180). Китоб, «Қиссасул-анбиёи Рабғузий» номи билан Қозонда 1859—1881 йилларда беш мартаба нашр этилган.

Тўпламга киритилган намуналар Адабиёт музейидаги қўл ёзма ва 1859 йил Қозон босмасидан олинди.



«ҚИССАИ РАБҒУЗИЙ»дан

Хабарда андоғ келур: кема ичинда икки нарса йўқ эрди: бири ушоқ сичқон, бири кўнғузғон. Аймишлар, йиғоч орасинда ушоқ сичқон пайдо бўлди, кемани тешди, сув чиқа бошлади, халойиқларга гарқ бўлмоқ хавфи кўнгулларига тушди. Сув ичинда неча жаҳд эттилар, кеманинг тешукин топмадилар. Нуҳ айди:— Ҳар жонивор бу тешукни топса, ҳар на тилаги бўлса, мен анга берайин — деди.

Йилон айди:— Мен ул тешукни топайин.

Нуҳ айди:— На тиларсен?

Айди:— Манга тотлиғ эт керак.

Нуҳ қабул қилди. Йилон сувга кирди, ул тешукни топти, чуракдек ҳалқа бўлди ётти, сувни киргали қўймади.

Кирган сувни тўктилар, йилон еринга мўм бирла беркиттилар. Сўнгра сув сингиб, туфон рафъ бўлгондин сўнг йилон келди. Нуҳга айди:— Ваъдага келибман — теди.

Нуҳ алайҳиссалом сингакка айди:

— Борғил ер юзинга, ҳар нерсанинг эти тотлиғ бўлса, йилонга бералинг.

Сингак борди, кеч қолди. Йилон яна изтироб қилди. Нуҳ алайҳиссалом шарманда бўлди; қарлуғочга айди:— Борғил, сингакни топармусен.

Қарлуғоч борди, сингакни топти. Сўрди:— Не учун кеч қолдинг?

Сингак айди:— Ер юзи бисёр кенг эрмиш, эврулгунча кеч қолдим.

Қарлуғоч сўрди:— Этларни тоттингму?— теди.

Айди:— Тоттим. Одамнинг этидин тотлигроқ эт кўрмадим,— теди.

Қарлуғоч айди:— Ул этнинг мазаси ҳануз оғзингда бор бўлгай, мен они ислайин,— теди.

Сингак оғзин очти, қарлуғоч тумшуғи бирла қоқти; сингакнинг тили узулди. Икогу талаша Нуҳға келдилар. Нуҳ сингакдин хабар сўрди. Сингак қаттиг-қаттиг ун қилур. Қарлуғочдин сўрди:— Бу, нечук сўзламас?

Қарлуғоч айди:— Бу манга йўлда хабар берди, ҳоло сиздин, кеч қолғониға, утониб, сўзламас. Манга айди: «Йўлда жонворлар этин тотдим, ҳеч қайси қурбақа этидин тотлигроқ эт кўрмадим» теди.

Нуҳ алайҳиссалом бақа этини йилонға таъйин қилди, қиёматға текру йилоннинг ризқи бақа эти бўлди. Ул кун қарлуғоч ул яхшилиқни қилмаса эрди, одам ўғлонлари йилонға ризқ бўлгай эрди.

* * *

Юсуфнинг оғалари кенгаш қилдилар: «Отамизға бориб, ол бирла Юсуфни олалинг». Келдилар. Айдилар: «Эй ота! Ез кунни бўлди, бу Кун отлиғ султон Хут отлиғ қишлоқни кўюб, Ҳамал отлиғ яйлоқға ўгради. Одиз кўк йиғлар, яғиз ер кулар. Булут кўзларидин ёш оқса, ер юзинда кўк чимгонлар кулар. Усрук сабо иснаб тўяр. Бўстон тоба йўлдин сабо кириб, кўруштуруб, йиғочлар бошида тугма тугар. Чечаклар тугмасин йиртиб бузар. Лола кўйлаки яқосин тортиб узар. Ер юзига нақшин безар. Барча гуллар тун қаросидин қош-кўзига сурма тортар. Кундуз нуриндин киршон суртар. Бутоқлар солиниб ўйнар. Сандувоч қуш севунуб сайрар. Қумрилар муқри бўлуб унун чарлар. Тўти қуш зокир бўлуб мажлис тутар. Эмди қиш кўчти. Ез қози қўнди. Торилмиш қушлар йиғилди. Улук ерлар тирилди...

Кун ҳамалға кирди эрса, келди олам наврўзи,
Кечти Баҳман замҳарир қиш, қолмади қори, бузи.

Кун кела минг кўрки ортиб, тирилур ўлмиш жаҳон,
Тонг пазирлаб нақши бирла безанур бу ер юзи.

Тонг отарда тўрт саридин эснаюр боди сабо,
Кик¹ юрур, киндик йипортек исланур ёбон-ёзи.

Терлиги бикин яғиздин уюғи яшил, қизил
Ораси бутоқ, япургоқ тўл чечаклар тўп тузи.

Урласа йиғлаб булутлар, гул чиқар бўстону боғ,
Тол йиғочлар енг солишур, ўйнаюр бек, бой қизи.

Қиршони, қирқони энглик ёқса тоғлар сурати.
Тўнлуғи тансуқ тавардин Рум, Хитай атлас жузи.

Лола сағроқин ичарда сайраб эсрур сандувоч,
Турна ун тортиб ўтарда сакришур боқлон қўзи.

Кўкда ўйнаб, қўл солишур кув, қоз, қил, қарлуғоч,
Ерда ўйнаб, жуфт олишур ос, тин, киш, қундузи.

Найшакарлар минбаринда тўти қўш мажлис тутар,
Қумри, булбул муқри бўлуб ун тузар тун-кундузи.

Бир яғиз ер кўк мингизлик яшнаюр майдон бўлуб,
Ўграшур ойтек чечаклар теграсинда юлдузи.

Ҳури ийн учмох ичинда енг солиб, таҳсин қилур.
Ез уза мундоғ ғазални айди Носир Рабғузий.

Айдилар: «Эй ота! Мундоғ софий кунда юзи сўлур
Юсуфни бизнинг бирла йиборгил, ёбон-ёзини кўрсун,
боқлон қўзиларни кўруб, кўнгли очилсун, қайғулари со-
чилсун» теб, ёлғон тил бирла оталарин йиғлатиб, тинч
кўнглин толғатиб... қўла келдилар.

¹ Кийик.

* * *

Зулайхонинг кундан-кун ишқи ғолиб бўлди. Бир кун Юсуфни бўстонга кигурди, айди:—Эй Юсуф! Менинг кўнглумда бир нерса бор, ҳеч ўзумга сингура олмай-мен.

Юсуф айди:— Мен не билайин кўнглумда не бор. Зулайхо айди:— Менинг кўнглумда сенинг ишқинг бор. Эй Юсуф, сени бисёр севармен.

Юсуф айди:— Мени севгунча ўз эрингни севгил! Зулайхо айди:— Ҳеч сабрим, тоқатим йўқ, нечук қилайин? Менга бир насиҳат бирла панд уграткил.

Юсуф айди:— Онинг иложи сабр турур, сабр қилғил, менинг юзумга боқмағил!

Зулайхо айди:— Менинг кўзум ёруғи сенинг дийдоринг турур, тириклигим мазаси санга хизмат қилмоқ турур.

Юсуф бу сўзларни эшитти, эрса Зулайходин қочти, ул кун қотиға келмади. Сабоҳи Зулайхо Юсуфни чарлатти. Эрса Зулайхо айди:—Эй Юсуф! Бўстон бисёр кўкармиш, турлук чечак очилмиш, неъмаглар ҳосил бўлмиш, қўпғил бўстонга борали. Назм:

Сабо эснаюрда, йиғоч бонг солар,
Булут йиғлаюрда чечаклар кулар.
Бўстон ичинда кириб доимо,
Сенинг бирла кўнглум овунмоқ тилар.

Юсуф айди:—Эй Зулайхо! Менинг бўстоним Қанъонда қолди, менга бўстон керакмас!

Ҳикоят

Бир кун Луқмон экин экмакка борур эрди, хожаси айди: «Буғдой экил». Луқмон борди, арпа экти. Хожаси айди: «Буғдой нечук экмадинг?»

Луқмон айди: «Арпа эксам, ул буғдой бўлмазму?» Хожаси айди: «Ҳаргиз арпа экиб, буғдой бўлмади».

Луқмони ҳоким айди — «Бас гуноҳ қилурсен, ул хайр ерин туторму?».

Ҳикоят

Луқмони ҳакимнинг хожаси бир кун айди: «Яхши эт келтургил, йияйин».

Луқмон бир қўй ўлтурди; тилини, юракини пишуруб келтурди. Яна бир кун хожаси айди: «Манга қўйнинг ямон этларидин пишуруб келтургил», теги. Луқмон яна қўйнинг тилини, юракин пишуруб келтирди.

Хожаси айди: «Яхши эт келтур тесам, тил, юракни пишуруб келтурурсен; ямон эт тесам ҳам муни келтурурсен?»

Луқмон айди: «Қўй этининг яхшиси ҳам тил тақи юрак турур, ямони ҳам тил тақи юрак турур» теги.

* * *

Аймишлар, Фиръавн балхлиқ, Ҳомон кирмонлиғ эрди. Юшағдин эрди. Хабарда андоғ келмиш: Хуросон вилоятида қаҳатлик бўлди, Мисрда ужузлу, бўлди, Фиръавн Мисрға тебради, йўлда Юшағга текди. Бир нонво дўкониға келди, нон тилади. Ҳомон Фиръавни кўруб:— Қайдин келдинг?— теги.

— Балхдин келдим — теги.
— Қайда борурсен?

Айди:— Мисрға борурмен — теги.

Ҳомон мунажжим эрди, нужумда кўрмиш эрди: бу замон бир малик қўпғай, Ҳомон анга вазир бўлғай, Тақи онинг сурати мундоғ бўлғай. Ҳомоннинг ул соатда кўнглига тушти, «бу ул киши бўлғайму?» Айди: Ман санинг бирла барайин, қўлдош бўлайин.

Фиръавн айди:— Бўлсун — теги... Икоғу Мисрға бордилар. Анда Ҳомон бирла Фиръавн полиз эктилар. Фиръавн бир юк қоғун юклади, Ҳомонга берди. Ҳомон элтиб бозорда тўкти. Ҳар ким қовунни тилади эрса, анга берди. Тонгласи кун яна қовун тўктилар. Эл келиб, таллашиб, олдилар, ҳеч баҳо бермадилар. Бир кун Фиръавн айди:— Эй Ҳомон, ҳар ким қовун олса, бошиндин дасторин олғил теги. Ҳомон келган кишининг дасторин олди, улар қовунни бебаҳо олдилар. Бозорда ул дасторларни соттилар; силоҳлар эттилар; қўлдошлар ҳосил қилдилар. Андин сўнг дарвоза сақлаб, ҳар ўлукдин бир олтун олдилар. Бир кун маликнинг қизи ўлди, жанозасин чиқардилар, эрса, туттилар. Улар айди:—Бу расм йўқ эрди, муни ким чиқорди?— тедилар. Улар ҳар сўз айдилар эрса, булар бир олтун юқори тилади. Мундагин юз олтунға етти. Келиб, маликка айдилар.

— Ман мундоғ ҳукм ҳеч кимарсага бермишим йўқ. Уларни манга келтурунг — теди.

Келтурдилар. Малик Фиръавнга айди:

— Санга ким айдики ўлукдин бир олту олғул теб?

Фиръавн айди:—Бу чоқға текинча «олмағил» дегувчи йўқ эрди, олдим. Эмди «олма» дегувчи зоҳир бўлди, эрса, ҳеч олмайин — теди.

Малик айди:—Бу девона турур, муни сақланг—теди.

Тонгла келтуруб, «не ерликсан?» теб, Фиръавндин сўрди. Сўзидин онглади. «Бу тентак эрмиш» теб, улуфа берди. Неча кундин сўнг ҳожиблиқни берди. Қамуғ ишкучга дахл қилди.

Кунларда бир кун Фиръавн маликка айди:—Эй малик, билибмусен, вилоят улуғлари кучланиб турур? Санга қасд қилиб, ўзга малик бирла тил бирикиб, дарвозани анга очарлар. Ман уларнинг фикрини онглаб туруман — теди.

Малик айди:—Эй Фиръавн, сен биликликсен, бу иш яроғи начук турур?

Фиръавн айди:—Маноди қилдурғил, «Миср улуғларин тўйларман» деб. Эл келмишда улуғларин тутуб ўлтурғил — теди.

Малик айди:—Сен бориб, элни ундаб келтурғил — теди.

Фиръавн отланиб, Миср улуғлариға келди. Айди:—Эй хожалар, эй садрлар! Мен сизнинг туз-нонларингизни еб турурман, сизга бир сўзум бор айтайин — теди.—Маликнинг хаёли андоғ турур «Миср улуғларин тутуб ўлтурайин, манга қасд қилғутек турурлар» теб, мани изти.

Улар айдилар:—Эй ҳожиб, бу ишнинг яроғи нечук турур? Бизнинг илкимиз сенинг этакинг.

Фиръавн айди:—Тонгла малик сизларни «тўй қилурман» теб, чорлар. Онда борур бўлсангиз, жабаларингизни тўнларингиз ичинда кийиб-боринг. Малик «Тутунг» теб ҳукм қилғонда, сизлар йигилиб, маликни тутуб ўлтурунг.

Булар Фиръавндин миннатдор бўлдилар. Фиръавн келди, яна маликка айди:—Миср улуғлари сабоҳ келмакчи бўлдилар. Буларни бир йўли ўлтурса бўлмас, анинг учун: қамуғи бир ерга сиғмас. Бир улуғ бўстонға солғил, онда тутуб ўлтурмак керак.

Тонгласи малик Миср улуғларин йиғдурди, бир улуғ бўстонға киюрди. Малик отланиб келиб, тахт уриб ўл-

турди. Эрса, Миср, улуғлари тўш-тўшдин қилич тортиб маликни тутдилар. Ул ишни Фиръавндин бисъёр улуғ миннат тутдилар. Фиръавн буюрди:—Маликни ўлтурунг! Ўлтурдилар. Яна иттифоқ қилдилар. «Бу ҳожиб яроғлик киши турур, муни малик кўтаралинг» теб, Фиръавни тахт уза ўлтургуздилар, Фиръавн малик бўлди, Ҳомон вазири бўлди.

Отлар ҳикояти

Бир кун Сулаймон пайғамбар отланиб борурда Ковон отлиғ одоқға етти. Мингдин ортуқроқ отлар кўрди, ўтлаур. Қачон Сулаймонни кўрдилар эрса, ҳавоға учтилар. Сулаймон они кўруб, ҳайрон қолди, ҳеч андоғ от кўрмиши йўқ эрди. Сулаймоннинг ул отларға беҳад рағбати бўлди. Уйига келди. Бир Ковус отлиғ йилдам, кучлик дев бор эрди, анга айди:—Минг қанотлиғ от кўрдум, Ковон одоқида, они тута билгаймусен?—теди.

Ковус айди:—Ман ул ишни битурга билмагайман, ammo бир дев бор, ул битургай — теди.—Қим?—тию сўрди. Айди:—Ул Самандун отлиғ дев турур — теди.

Сулаймон айди:—Ман ҳам Самандунни эшитибман, ул манга бўюнсунмай турур.

Аймишлар: бу Самандун отлиғ дев андоғ қочқоқ эрди, ҳар қачон Сулаймон они тутқоли киши йиборди эрса, қочиб, булутға чиқар эрди. Онда борсалар, дарёға чумар эрди. Агар дарёда тиласалар ерга кирар эрди.

Сулаймон девларга айди:—Не ҳийла бирла Самандунни тутқайсиз?—теди.

Айдилар:—Они Ковус билур.

Сулаймон Ковусға сўзлади. Эрса, Ковус айди:—Ул манинг дўстум турур, ўзгалар сўзига инонмас, ёлғуз манинг сўзумга инонур. Ман бориб, анга ҳийла қилайин, сиз оғриғ бўлуб ётинг. Қоч кундин сўнг «Сулаймон ўлди» теб, хабар чиқсун. Ул хабарни ман анга айтайин, ул ҳам инониб ер юзига келгай.

Бир майдонда бўлжар қилдилар; ул ерда юз дев пусуб тургай. Ондин сўнг Сулаймон юз девни Ковусға берди, ўзи оғриғ бўлуб ётти. Қоч кундин сўнг «ўлди» тию жар солдурди.

Бу хабар Самандунға етти. Самандун айди:—Эй Ковус, Сулаймонни ўлди тюрлар, таҳқиқму турур?

Ковус айди:—Агар ўлмаса; ман мунда тура олмағай эрдим, ўлган учун мунда келдим, сенинг бирла тамошо

қилайин — теди. Яна айди:—Эй Самандун, қурт-қушлар торилди, майдонлар холи қолди. Бу кеча борали, ул майдонларда хамр ичиб, жавлон қилали—теди.

Самандун ҳам қабул қилди. Ковус Самандунни ул нусқон девларга келтурди. Ул юз дев чиқа келиб, Самандунни туттилар, Сулаймонға келтурдилар. Сулаймон айди:—Эй Самандун! Эмди нечук кўрарсен?

Самандун айди:—Эй Сулаймон! Сен эрикликсен, агар уқубат қилсанг, турубман: агар лутф кўрсанг, мухторсен.

Сулаймон айди:—Кечурайин, бир шарт уза.

Самандун айди:—Не шарт?

Сулаймон айди:—Ковон одоғида қонатлиғ отлар кўрдум, они манга тутуб келтурсанг, сендин афв қилгайман — теди.

Самандун айди:—Бу иш осон турур — теди. Манга юз ботмон юнг керак, яна юз харвор хамр керак, яна минг дев керак, ҳар дев бир отни тутса. Юз ботмон юнгни ул отлар сув ичар чашмага тиқиб, ул чашманинг кўзин боғларман. Ул юз харвор чағирни ул сувға қуярман. Ул отлар келиб, ул сувдин ичарлар, маст бўлурлар, ондин сўнг қанотлари бўшар, уча олмаслар, ондинг сўнг девлар ҳар бири бир отни тутқайлар — теди.

Сулаймон буюрди, бу тилаган нерсаларни ҳозир қилдилар. Самандун борди, ул ҳийлаларни қилди. Ул отлар келиб, хамр исини олдилар, сув ичмадилар, қайтдилар. Иккинчи кун келиб, заруратдин узоқ ичтилар, маст бўлуб, юхшадилар, исурдилар, қанотлари бўшади, уча билмадилар. Самандун девлар бирла қўпуб, отларни туттилар, Сулаймонға келтурдилар.

* * *

Уш тугаттим бу китобни, эй ёронлар, эр юзи,
Бир йил ичра кечти онинг ёй, қиши, ёз, кузи.

Ой қўпордум, ўзум уздум, сўзни туздум тунла
мен—
Эрта турдум, хома урдум эмганиб тун-кундузи.

Боғ қўпордим тол йиғочлиқ, ёш япурғоқ, ол чечак,
Емиши ҳикмат, фазойил оят-ахбор юлдузи.

Қон қуруттим, жон тўзаттим, кон чиқардим тош
қазиб.
Соф қизил олтун сочиғлаб, безадум бу ер юзи.

Хотирим бикрини эктим парда йчра тугмадек,
Ғизладим мен тегмалардин тегмасун теб ёт кўзи.

Кўрки етти кунда оти кўз-қулоқға жовуқуб,
Тўнадим турлук тавардин Рум, Хитой атлас жузи.

Моҳир эран миҳри тушти, миҳрини берган талим,
Миҳри бирла қолди солим, йўқ ўнгинда туғ-тузи.

Ёзиб элттим Носиридин Тўкбуға тобуғина,
Тилаюрму, тиламасму, билгулук билсун ўзи.

Оёт-ахбор асли онинг, ўзи оз, оти Қисас,
Бош оёқға текру кўрсанг туб паямбарлар сўзи.

* * * * *

Етти юз ўн эрди йилғаким битилди бу китоб,
Туғмиш эрди ул ўғурда Ҳут-саодат юлдузи¹.

Ўзгалар кўп аламунча турдилар эл тизгиниб,
Гавҳариндин инжу тиздум кезибон ёбон-ёзи.

Кун туғардин кун ботарға текти эрса сўзларим,
Онда қўпти Миср шаҳру мунда Носир Рабғузий.

¹ 710-хижрий йил Ҳут ойининг боши (туғилиши) милодий 1311 йил март ойининг бошларига тўғри келади.





ДУРБЕК





Д

урбек — XIV асрнинг иккинчи ярмида яшаб, ижод қилган ўзбек шоиридир. Бизга унинг «Юсуф ва Зулайҳо» номли достони етиб келган. Унинг ҳаёти ҳақида ҳозирча дуруст маълумот йўқ. «Юсуф ва Зулайҳо» достонининг кириш қисмидан маълум бўлишича, бу достоннинг ёзилиш вақти Балх шаҳрининг душман томонидан қамалда қолган даврига, яъни темурийларнинг ўзаро урушлари авж олган вақтларнинг бирига тўғри келган.

Дурбек «Юсуф ва Зулайҳо» ҳақидаги қадимги шарқ афсонасини биринчи бўлиб ўзбек тилида назм билан ҳикоя қилиб берганлардандир. Дурбек бу афсонага дунёвий тўн кийгизишга интилган. Юсуф ва Зулайҳо образлари ҳақиқий ошиқ-маъшуклар образи бўлиб қолди.





«ЮСУФ ВА ЗУЛАЙХО» ДОСТОНИДАН

Китоб назмининг ибтидоси

Балх эрур даҳрга уммул-билод,
Мазҳари ислом тақи адлу дод.

Жумла ақобирнинг эди манзили,
Сокин эрур анда набию вали.

Бўлди фалак гардишидин дори зулм,
Хаяқи анинг бўлди гирифтори зулм,

«Зод» эди тарих яна «ҳе»ю «дол»,
Муддати ҳижратдин ўтуб моҳу сол.

Қалъаи Балх ўлди чу дарвоза банд,
Пояи зулм ўлди бағоят баланд.

Айлади қаҳҳор чу изҳор қаҳр,
Бўлди гирифтор халойиқ башаҳр.

Ҳукм била кирди улус ичкари,
Ҳосили умрин қўюбон ташқари.

Шаҳр чу дўзах киби зиндон эди,
Ташқари бир равзаи ризвон эди.

Ташқари эрди бори нозу наим,
Шаҳр ичида эрди азоби алим.

Ташқари эрди бари полизу боғ,
Шаҳр ичида эрди баса дарду доғ.

Ташта эди сабзау оби равон,
Шаҳр ичида эрди юз оҳу фиғон.

Ташта эди неъмат ила киштигоҳ,
Шаҳр ичида шарбат эди оби чоҳ.

Ташта ўшал суҳбати гулзор эди,
Шаҳр ичида меҳнату булжор эди.

Ташта эди жумлаи айшу тараб,
Шаҳр ичида эрди баса сўзу таб.

Халқ бу шаҳр ичра базиндон эди,
Меҳнат ўтидин бари бирён эди:

Учар эди кўзларидин нақши нон,
Кўз ёши эрди магар оби равон.

Барчаси мафлуку теҳи даст эди,
Барча узум ҳасратидин маст эди.

Барчанинг ул тоқатидин тоқ эди,
Барчаси ун ғуссасидин қоқ эди.

Барчанинг ул жони ба бонги суруд,
Дер эди шафтолию себу муруд.

Барчаси ҳасрат била лайлу наҳор,
Дер эдилар олуви обию нор.

Ушбу қабола ичра уч ойи тамом
Ер эдилар ғуссаву ғам суҳбу шом.

Банда алар бирла гирифтор эдим,
Барчасидин воқиф асрор эдим.

Қулбаи эҳзон қилиб эрдим ватан,
Қўнгул эди дар ғаму жон мумтаҳан.

Гоҳ эдим жон била машғули зикр;
Гоҳи эдим ғарқай андуҳи фикр.

Ғаҳ ўқур эрдим зи каломи илоҳ,
Ғаҳ кутуб ичра қилур эрдим нигоҳ.

Гаҳ боқар эрдим зи китоби қисас,
Гаҳ ичар эрдим зи шароби ғусас.

Лек қисас ичра вале майли жон
«Қиссаи Юсуф»та эди ул замон.

Ул эди, ул ҳолда маҳбуби дил,
Ул эди, ул қиссаи матлуби дил.

Бандаи бечораға шому саҳар,
«Қиссаи Юсуф» эди андар назар,

Наср эди бу қисса дағи форси,
Эди анга жон кўзи наззораси.

Бор эди кўнгулда бурундин бу азм,
Турки тили бирламу қилсам бу назм.

Ушбу маҳалда анга бос магар
Бўлди яна бир неча соҳиб назар.

Бандага дедилар аларким бу дам,
Бўлғил ўшул қавлунға собит қадам.

Қўйма талаб устида табъингни суст,
Айла бу азмингни тамоми дуруст.

Қиссаи Юсуфни тамои айла назм,
Турки тили бирла қилиб азми жазм.

Қолга[й] охир сафҳасида ёдгор,
Сендин ўшал қисса, ўтуб рўзгор.

Банда ўшал ҳолда қилдим шуруъ,
Шукр қилиб тангрига айлаб ружуъ.

Олдим ўшал даҳза давоту қалам,
Сафҳаи қоғаз уза урдум рақам.

Давлати тавфиқни истаб мудом,
Тенгри таолодин ўшал субҳу шом.

Ушбу мушавваш кўнгул айёми чанд,
Қилди қалам иўти била сўзни банд.

Эрди чу хотирга мусаммам бу азм,
Айлади бу қиссани дар силки назм.

Кимки ўқусаю битиса муни,
Фотиҳае бирла соғинғай мени.

*Мағриб модшоҳининг қизи Зулайхо деган ҳазрати
Юсуфни тушида кўргони*

Бор эди Мағрибда шаҳи номвар,
Ҳамраҳ эди чун анга фатҳу зафар.

Қофир эди ул, вале одил ўзи,
Бўлмас эди икки онинг бир сўзи.

Эр кишининг сўзи агар бўлса бир
Хоҳ ғани бўлсуну хоҳи фақир.

Эрди онинг оти чу Таймус шоҳ,
Беҳад анга бор эди хайлу сипоҳ.

Бир қизи бор эрди маҳи ховарий,
Оразиға шамсу қамар муштари.

Юзи қуёш эрди вале безавол,
Барча фунун бобида соҳиб камол.

Ҳосили умри эди ул шоҳнинг,
Оти Зулайхо эди ул моҳнинг.

Бир кеча Юсуфни магар кўрди хоб,
Кирди онинг қўйнина чун офтоб.

Шамсу қамардек тоибон иттисол,
Бир-биридин айлади себи висол.

Деди Зулайхоки:—«Аё гулбадан,
Менга де отингни — недур? Қайдасан?»

Қайда тилай йўқласам охир сени?
Мунда топарсан чу тиласанг мени».

Дедики:— «Юсуфдур отим, гул узор,
Мен эрурам Миср элида шаҳриёр.

Меҳнату дарду аламу ранжу ғам,
Етгусидур мунча бало дамбадам.

Оқибат ул тенгри иноят қилиб,
Сени менга, мен сенга бўлғум насиб».

Ушбу сўз устинда Зулайхо равон
Сесканиб уйғонди магар ул замон.

Эрди анинг оғзида Юсуф оти,
Уртади бошдин-оёғи ишқ ўти.

Бошдин-оёқ қилди яқосини чок,
Суртар эди юзини ҳар дам бахоқ.

Қилди аносига бу тушдин хабар,
Деди аноси атосига магар.

Фикр ичида қолди алар субҳу шом.
Бўлди очун айши аларга ҳаром.

Лек Зулайхо эди бехўрду хоб,
Бағри эди ишқ ўтидин кабоб.

Юсуф эди зикри анинг ҳар нафас,
Булбул эди бўлгон асири қафас.

Ишқ ўтининг шуъласи ўртар жаҳон,
Ким тутар, эй дўст, бу ўтни ниҳон.

Оқибатул-қисса, чу Таймус шоҳ,
Деди эрур Миср чу шаш моҳа роҳ.

Йиғди улуғ бекларини ул замон,
Деди қилинг Мисрға элчи равон.

— «Номау таҳсин битингиз бу дам,
Миср Азизи ул эмиш муҳтарам,

Номани таъзим ила иншо қилинг,
Васл мадиҳин доғи имло қилинг.

Яъни ўгуллуққа қилурбиз қабул,
Бизнинг орамизда юурсун расул.

Мисрда улдур чу шаҳи комгор,
Анга эрур яхши-ёмон ихтиёр».

Гарчи улус ҳокими райён эди,
Ушбу Азиз олдида ҳайрон эди.

Ганжу хазойин ангадур беадад,
Билки бу райёнга қилур ул мадад».

Жумлаи беклар йиғилиб сарбасар
Нома битидилар тўла оби зар.

Битидилар дарж қилиб шарҳи васл,
Жумла ҳикоятни зи фаръу зи асл.

Буткариб элчига бериб ул замон,
Миср сари қилдилар элчи равон.

*Ҳазрати Юсуфни Зулайхо қўшиқ устида даричадин
кўргони*

Эрди Зулайхо ҳарам ичра ниҳон,
Кўрдикки шаҳр аҳли қилурлар фиғон.

Эв қизидин сўрди бу хоси ҳарам,
Недин эрур халқ аро сўзу алам?

Деди бу эв қизи:— «Аё гулузор,
Жумлаи Миср эли эрур беқарор,

Турфа қулидур-сотадурлар бу дам,
Кўр бу равоқ устида қўюб қадам.

Халқ эрур барчаси ғавго билан.
Кўнгул очилсун бу тамошо билан».

Чиқти равоқ узра Зулайхо магар,
Қилғали ул қулға ниҳони назар.

Кўрди ўшул ҳолда Юсуф юзин,
Бехуд ўлуб билмади ўзга ўзин.

Торттио гулдек ёқосин қилди чок,
Тушди ўлуклар каби бар рўйи хок.

Келди энасига бўлуб беқарор,
Йиғлар эди они кўруб зор-зор.

Жумлаи эв қизи ўшул лаҳза пок
Сочларин ёйди, юзин қилди хок.

Энагаси эрди чу бағри кабоб,
Сетип Зулайхо юзига чун гулоб.

Топди Зулайхо чу ўзидин хабар,
Деди энагасига: «Е бехабар,

Улки тушумга кириб эрди ниҳон,
Кўрдум ўшул ой юзини аён.

Ушбу қуликим сотадурлар бу дам,
Жонима қўйгон эди минг-минг алам.»

Энагаси деди: «Ҳала айла сабр,
Қилмағил ўзунга, аё моҳ, жабр.

Тутгил ўшал розни мастур сен,
Қилма бу асрорни машҳур сен...

Топмасун ул Миср азизи хабар,
Бизни қилур ушбу улусдин бадар.

Барчани ўлумга берурсан бу дам,
Қил бу бало ичра таҳаммул, балам.

Деди Зулайхо ҳала:—«Бераҳм онам,
Ўртанадур жону куядур танам.

Ўт ичида сабр нечук айлаюн?
Кима дейин, не қилаюн, найлаюн!..»

Ушбу сўз устинда эди можаро,
Чиқти халойиқ орасинда нидо.

Юсуф агарчи, дури шаҳвор эрур,
Миср азизига сазовор эрур.

Миср азизи эшитиб ул замон
Дедики хозинга:— «Равон тут, равон,

Оч бу хазойин эшигин сарбасар,
Жумла жавоҳирни равон қил бадар».

Хозин ўшул лаҳза жавоҳирни чош
Қилди азиз олдида у қўйди бош.

Барчаси ёқут ила лаълу гуҳар,
Чиқди бу Юсуф бўйидин ҳам бадар.

Олди бу қиммат била Юсуфни шоҳ,
Сотти бу молик доғи беиштибоҳ.

Айлади Юсуфни зи хоси ҳарам,
Дедики:— «Сен бўл сарихайил ҳашам.

Мен сени фарзанд дедим ушбу дам,
Сен доғи қўй ростлиқ узра қадам».

Қилди Зулайхоға сипориш ани,
Дедики сен бил доғи ҷасра муни.

*Ҳазрати Юсуф Зулайхо тобуғинда
субҳу шом хизматда турғони*

Боғлади хизматқа чу Юсуф камар,
Юрур эди ғамзада шому саҳар.

Ишқ ўтидин эрдч Зулайхо кабоб,
Йўқ эди бир лаҳза анга хўрду хоб.

Деди энагага: «Аё ҳамдамим,
Бўлди фузун меҳнату дарду ғамим.

Ишқ ўти ўртар мани ҳар дамбадам,
Жон ичдин шуъласи тортар алам.

Барғину Юсуфни кўр ушбу замон,
Қил бу тушум қиссасин анга баён.

Жумлаи ҳолимдин анга қил хабар,
Кўз учидин бир манга қилсун назар».

Борди чу Юсуфга энага равон,
Дедики: «Юсуф, сенга айлай аён,

Секиз йил эрурки, Зулайхо алам
Билки фироқингда чекар дамбадам.

Сени тушунда кўруб ул сийим бар,
Қилди атоси, аносидин гузар.

Сени тилай Мисрға тушти асир,
Қилди фироқинг ани зору заҳир,

Солғил ўшул сўхта дилға назар.
Яхши эрур вуслати шамсу қамар».

Дедики Юсуф:— «Ҳоло неку паём,
Мен эдим озод, бўлубмен гулом.

Мен эдим ўз мамлакатимда амир,
Мунда букун хор эрурмен, ҳақир.

Мени фалак қилди атомдин жудо,
Шоҳ эдим, эмди бўлубмен гадо.

Кўрса тушунда чу Зулайхо мани,
Мен доғи тушумда кўрубмен ани.

Баски фалак гардишидин ранжу-ғам
Кўргумиз ул меҳнату дарду алам.

Баски халойиқ ичида хор-зор
Бўлғумиз, ул жону кўнгуллар фиғор...

Қилғусидур тенгри чу лутфу карам
Оқибатул-амр бўлурбиз баҳам.

Сабр била айлалани андешани,
Урмалинг ўз оёғига тешани».

*Энага ҳазрати Юсуф деган сўзларни
келиб Зулайхога дегони*

Келди энага деди: «Эй гул узор,
Жони азизим сенга бўлсун нисор.

Кўрдум ўшул Юсуфи дилхастани,
Чархи фалак жабриға вобастани

Жумла ҳикоятни анга сарбасар
Дедим, эса дедики, шому саҳар

Мен дағи ҳижрон ўтидинмен кабоб,
Сабр қилиб менки ёмондур шитоб.

Мен доғи тушумда кўрубман ани.
Андаки Мағрибда эди маскани.

Лек баса меҳнату ранжу жафо
Чеккумизу кўргумиз охир вафо.

Сабру гаҳаммулда топармиз висол,
Вақт етиб ўтса баса моҳу сол».

Бўлди Зулайхо эшитиб беқарор
Йиғлар эди кўзлари қон, зор-зор.

Деди: «Тушум қиссасидур сарбасар,
Рост эмиш, эмдики топдим хабар.

Оҳ, қачон бўлғуси айёми васл,
Жону кўнгул нақд эрур фасл-фасл».

Деди энагасики:— «Жону жаҳон
Тенгриға шукр айлаву, қилма фиғон.

Юсуф эрур хизматинга субҳу шом,
Сабр била етгасен охир баком.

Сабр била тенгри берур коми дил,
Сабр қилу, сабр қилу, сабр қил».

Оқибатул-амр Зулайхо мудом
Ёнар эди ишқ ўтиға субҳу шом.

Жон била боғлаб эди Юсуф камар,
Хизмат учун олдида шому саҳар.

Муддате айём ўтуб бу қибал
Васл учун қилди Зулайхо ҳиял.

Килмас эди Юсуф анга эътибор
Топди орода бу ҳадис иқтидор.

*Барча бекларнинг хотунлари йигилиб келиб,
Зулайхога насиҳат қилгонлари*

Жумлаи беклар хотуни сарбасар
Топди Зулайхонинг ишидин хабар.

Келдилару қилди маломат бари,
— «Яъники сен — сен баримиз сарвари:

Ўз қулунга ошиқу ошуфтасен.
Ноғу бу Лайли киби олуфтасен,

Жумлаи номусинга айлар зиён.
Сени не дер билсаки халқи жаҳон?»

Деди Зулайхоки: «Борингиз бу дам
Ранжа қилиб қўйдунгиз эрса қадам.

Барча менга носиху дилбандсиз,
Бахту саодат била пайвандсиз.

Сухбати хоси туталинг ушбу рўз,
Неча мен ичимга солай дарду сўз».

Барча ҳарамга келиб ўлтурдилар,
Барча маишат ерини қурдилар.

Ҳар бирига берди турунжу пичоқ.
Деди, Зулайхо: «— Кесинг айлаб мазақ»

Деди энагагаки: «Жон раҳбари,
Борғину Юсуфни кетур ичкари.

Ушбу жамоат бари кўрсун юзин,
Сарви сиҳи бўйину наргис кўзин».

Юсуфи сиддиқ алайҳис-салом
Кирди ҳарам ичра чу моҳи тамом.

Талъатидин бўлди мунаввар ҳарам,
Тушти хотунлар ичина минг алам.

Барча анинг юзини олдурди кўз.
Барчасининг оғзйда қолмади сўз.

Бори турунж деб илигин сарбасар
Кесдию бўлмади аларга хабар.

Барча ўшул лаҳза бўлуб фарқи хун,
Тушти Зулайхо қатида сарнигун.

Чунки алар топди ўзидин хабар,
Кўрдилар аъзойиниким қон оқар.

Бўлди хижолат юзидин тўкти ёш,
Барча Зулайхо қотида қўйди бош.

Дедилар:— «Эй боғи саодат гули,
Барча қотингда ўлоли бир йўли.

Сенга маломатгар эдук боримиз.
Кўрдуку кўргинки, недур ҳолимиз».

Тузди Зулайхо яна оҳанги сўз,
Деди: бу ишқ ўтида куймай ҳануз

Бир йўли тушдунгуз аёқдин тамом,
Оҳ менинг ҳолим ўшал субҳу шом,

Ишқ ўти ўртар ҳала бил хонумон,
Ўртар ўшул ишқ ўти жону жаҳон...

*Зулайхо ҳарамни хилват қилиб, энагасин юбориб,
ҳазрати Юсуфни тилатиб келтургони*

Оқибатул-амр Зулайхо мудом
Ишқ ўтида куяр эди субҳу шом.

Йиғлар эди ҳажр ўтидин зор-зор.
Қолмади жонида саботу қарор.

Деди энагасига:— «Жон ҳамдами,
Ўртади жон нақдини Юсуф гами.

Неча фироқ ўтида куйсун бу жон!
Оҳ, бу ўтни тута олмон забон.

Борғину Юсуфни кетур ушбу дам:
Келсуну кўзум уза қўйсун қадам.

Айлади ҳижрон мени жондин батанг,
Қолмади манга гами номусу нанг».

Келди бу Юсуфга энага равон,
Дедики: — «Юсуф, ҳоло кўп дар замон.

Сени Зулайхо деди келсун ўзи;
Бордур анинг санга чу хилват сўзи».

Юсуфи бечораи бехонумон
Бўлди Зулайхо табуғида равон.

Келди сарой ичида қўйди қадам,
Кўрди эрур мисли биҳишти ҳарам.

Эрди Зулайхо ўзи чун ҳури ийн.
Мамлакати ҳусн анга зери нигин.

Тахти мурассаъки қилиб муттако,
Ултуруб эрди ясаниб дилрабо.

Хилвати хос эрди ўшул дам сарой,
Ҳеч аҳаде йўқ эди ғайри худой.

Қўпди ўшул лаҳза Зулайхо нахуст,
Жумла ҳарам эшигини қилди руст.

Юсуф илигин тутубон даст-бадаст
Бордилару тахт уза қилди нишаст.

Хилвати хос эрди саройи сурур,
Топти йигитлик била Юсуф гурур.

Ўртада Иблис бўлуб жилвагар
Деди: «Қотилғайму бу шаҳду шакар.»

Шаҳват ўти ўртади ул нарм-нарм.
Еқтию Юсуфни базе қилди гарм.

Юсуф ўшул лаҳза Зулайхога майл
Қилдики жамъ, ўлса бу моҳу суҳайл.

Ногоҳ ўшул ҳолда боқди кейин,
Кўрди чу Яъқуб наби суратин,

Дедики:— «Юсуф, ҳала қилма гуноҳ,
Номаи аъмолни этма сиёҳ».

Юсуф ўшул номани кўргач аён,
Тутти ўзин, қилмади шарҳи баён.

Лаҳзаи ишқ ўти яна қилди зўр
Шаҳват ила ушбу азозилни кўр.

Қасди гуноҳ айлади Юсуф яна,
Шаҳват ўти бирла куяр ўртана.

Ўтрусидин бўлди Азиз ошкор,
Деди:—«Ҳоло Юсуфи нозътибор,

Мен сени фарзанд дедим, эй беадаб.
Сендин эрур барча ёмонлиг, ажаб».

Юсуф ўшул лаҳза топиб интибоҳ,
Дедики: «Фарёдима ет, ё илоҳ.

Бўлмаса лутфу караминг дастгир.
Мени қилур шаҳвати шайтон асир».

Ушбу муножотни босўзи дил,
Қолди гуноҳинда базе мунфаил.

Тенгри иноят қилибон ул замон,
Берди анга шаҳват ўтидин амон.

Юсуф ўшул лаҳза бўлуб беқарор
Қўйди Зулайхонию, қилди фирор.

Қўнди Зулайхову ани тутди чуст,
Деди:—«Не бўлди сенга, эй аҳди сушт?»

Неча қилурсан мени ҳар дам ҳалок?»
Тортти яқосини тақи қилди чок.

Юсуф ўшул лаҳза қочиб ташқори,
Чиқти Зулайхо кейин, ул илғари.

Миср Азизи эди тошда ўзи,
Тушти Зулайхога баногаҳ кўзи.

Кўрди Зулайхони эрур бемажол,
Бош ялаён, оёқ яланг, ошуфта ҳол.

Миср Азизи қўпубон ҳавли жон,
Келди Зулайхо ҳарамига равон.

Кўрди Зулайхоки эрур беқарор,
Абр киби йиғлар эди зор-зор.

Деди:—«Недур навҳаи зоринг сенинг,
Қони ўшул сабру қароринг сенинг».

Деди Зулайхоки:—«Тек ўлтур бу дам;
Сендин эрур манга бу дарду алам.

Бир қули Қанъонийи айёрни
Олдинг ўшул фосиқи бадкорни.

Қилдинг ўғул деб они сен муҳтарам,
Келди бугун, айлади қасди ҳарам.

Тутти иликимни ўшул нобакор,
Қолмади жошимга саботу қарор.

Урдум анинг кўзина бир мушт хок,
Туттум урай деб яқосин — бўлди чок.

Ваҳм қилиб қочти равон танқари,
Мен эдим ортичаву ул илгари.

Ҳеч киши йўқ эдики тутса ани,
Тошқори чиқтим эса кўрдум сани».

Миср Азизи эшитиб, ул замон,
Дедики Юсуфни кетурунг равон.

Дедики жаллодни келсун бу дам,
Бошини қилсун танасидин адам.

Юсуф ўшул лаҳза бўлуб беқарор,
Ўпти Азиз оёғини хор-зор.

Дедики:— «Тутсун бу кўзумни тузунг,
Мени ўзўнг сўргилу ўлтур ўзунг.

Гаврима ет хисрави гетипаноҳ,
Бордур аромизда бизнинг бир гувоҳ.

Шаш моҳа тифликим, эрур ширхор!
Тилга келиб сўзласа қил эътибор».

Тифлни келтурди шул дам Азиз
Дедики:—«Юсуф, ҳала эй бетамиз.

Сенки тануқликка қилурсан талаб,
Ушбу нечук сўзласун эй беадаб?»

Юсуф ўшул ҳолда деди:— «Шаҳриёр,
Барчани яратгон эрур биру бор.

Тенгри эрур ҳозир нозир бу дам,
Сўзлатур ул тифлни — сан ема гам».

Ҳазрати ҳақ амри била ул замон
Бошлади сўз туфл чу тўти забон,

Деди:—«Азизим, сенга айлай хабар,
Келтуру Юсуф яқосин қил назар.

Илгаридин бўлса аломоти чок,
Юсуф эрур мужриму аҳли ҳалок.

Чок агар бўлса кейиндин бадар,
Билки Зулайхо ишидур сарбасар».

Тифлдин Азиз эшитиб ул паём.
Деди: «Эрур мухбири содиқ калом».

Солди чу Юсуф яқосига назар,
Бўлди ўшул чок кейиндин бадар.

Қилди Азиз ушбу аломат нигоҳ,
Билди Зулайходин эрур бу гуноҳ.

Кирди ҳарам ичра қилиб инфиол,
Деди:—«Ажаб ҳол эрур ушбу ҳол!»

Деди Зулайхоға:—«Аё булфузул,
Сен ноғу жонингдин эрусен малул.

Сендин эрур ушбу гуноҳи азим,
Тиф била сени қилайин, ду ним.

Деди Зулайхоким эрур сеҳр бил,
Сўзлар учун тифлға ким берди тил?

Соҳир эрур рост бу Қанъони қул,
Айла, Азизим, они сан банди гул.

Солғин ани зиндон аро бу замон,
Тухмат ила бузма бу дам хонумон.

Борди ўшул лаҳза Зулайхо магар,
Ҳазрати Райёнға дегай бу хабар.

Қилди бу Юсуф ишини ошкор,
Йиғлади онинг қотида зор-зор.

Айлади райён сўзин онинг писанд,
Дедики бу банда асари айла банд.

Банд ила зиндонга солғил ани,
Ултирур ўлсанг бору ўлтир ани.

Чарих ситамгар яна бошлади жабр,
Бир печа вақти чу қилиб эрди сабр.

Бошлади аввалғи ёмон пешасин,
Урди аёғина бу ғам тешасин.

Урдию қилди яна оҳанги зўр,
Солди жаҳон ичра туман шурру шўр.

Келтуруб ул Юсуфи сиддиқни,
Подшоҳи олами таҳқиқни.

Банд ила зиндон ичина солдилар,
Миср улуси — барча фиғон қилдилар.

*Зулайхо ҳазрати Юсуфни банд қилиб, зиндонга
солдурғони*

Қўйди чу зиндонга Юсуф қадам,
Сояи ҳақ маъдани лутфу карам.

Қирди чу зиндон ичина ул наби,
Бўлди чу зиндон ичи жаннат каби.

Бўлди анинг туфроқи мисли абир,
Равшану покизау бал дилпазир.

Бор эди зиндонда халқи худо,
Банду балолар ичида мубтало.

Барчаси Юсуфни чу кўрди ҳамон,
Топти аларнинг бадани тоза жон.

Бил важҳ деди қилди иноят худо,
Бўлди чу зиндон ичи жаннат саро,

Барчалари онинг учун тўкти ёш,
Барчаси Юсуфға тақи қўйди бош.

Юсуф алар ҳолина солғач назар,
Бўлди яна банду балодин бадар.

Топти чу зиндонда Юсуф қарор,
Бўлди Зулайхо ғам ила беқарор.

Йўқ эди бир лаҳза анга хўрду хоб,
Бағри эди ишқ ўтидин бал кабоб.

Куяр эди ишқ ўтидин мудом,
Юсуф эди зикри анинг субҳу шом.

Дер эди: «Ҳолийг на эрур Юсуфум,
Меҳнати зиндонда кўрур кўзум.

Бўлмағасен оч-яланғоч сен,
Қайсиға бўлдинг яна муҳтож сен.

Ҳажринг ўти ўртади жонимни пок,
Мени ижал қилса не бўлғай ҳалок!

Билмамишам эй кўзуми равшани,
Тухмат ила бандга солдим сани.

Найлайин эй маъдани лутфу карам,
Ҳийлаву тадбирни бўлмон бу дам».

*Зулайхо чорбоғқа гулгашт баҳонаси қилиб
Юсуфнинг унин эшитай деб борғони*

Бор эди бир боғ бамисли эрам,
Миср Азизи ясаб эрди ҳарам.

Эрди тафарруж ери гаштгоҳ,
Анда келур эрди алар гоҳ-гоҳ.

Бор эди ул боғда зиндон яқин,
Анда муқайяд эди Юсуф жанин.

Гоҳ Зулайхо қилса гулгашти боғ,
Юраги юз пора доғи бағри доғ.

Ишқ йўлинда эди жондин батанг,
Йўқ эди анга ғами номусу нанг,

Чорлади зиндончини, деди равон:
«Борғину, зиндонға кир ушбу замон,

Бир неча Юсуфни таёқла бу дам,
Андин эрур жонима юз минг алам.

Берғил адаб шарти била додини,
Эштайин нолау фарёдини»

Қилди тобур тебради зиндонбон,
Қилғоли Юсуфни иза ул замон.

Дедилар ичкилари:— «Эй гул узор,
Жони азиз айлалди сенга нисор,

Негаки Юсуфни қилурсан изо,
Банд ила зиндон ангадур ҳам жазо.»

Деди Зулайхо: «Мани нори фироқ
Уртади у тоқатим айлади тоқ.

Ой юзини кўра олмон нетай.
Бори йироқдин унини эштай.»

Кирди чу зиндонга зиндонбон,
Дедики:— «Юсуф, санга айлай аён.

Қилди Зулайхо манга ҳукми ажаб,
Дедики Юсуфни бориб қил адаб.

Нолаву зорин эштай мен бабор,
Эмди на дерсен, на кўрарсен яроғ.»

Дедики Юсуф ҳала:— «Зиндонбон,
Бандамену ожизу бал нотавон.

Бандаву зиндонийи бечорамен,
Мамлақати хешдин аворамен.

Ҳукм ила зиндон чу эрур ихтиёр,
Бандаи бечораға на чора бор!»

Хозини зиндон деди:— «Султондин
Кишвари дониш сенга зери нигин.

Бошдин аёқ сояи лутфи худо,
Ман начук айлай санга, эмди изо.

Лек қилай ушбу ишингга илож,
Мен урайин тўн уза муддат яғоч,

Сен бу унинг бор неча фарёд қил,
Тенгри таолонинг отин ёд қил.

Нолаву зорингни эшитсун ўзи,
Боғ ичида сени чу кўрмас кўзи».

Деди чу Юсуф: «Сенгадур ихтиёр,
Нолаву зоримни билур биру бор.»

Хозин ўшул ҳолда урғоч яғоч,
Чунки ура бошлади беихтиёж,

Юсуф ўшул лаҳза кўтарди фиғон,
Қўпти Зулайхо эшитиб ҳавли жон.

Деди:— «Унунга қилойин жон фидо!
Оҳ юзинг тушти кўзумдин жудо.»

Хозини зиндонға чу етти хабар,
Дедики:— «Юсуфға етурма зарар.

Нолаву зорини эшиттим аён,
Бўлди қаронғу манга ёруқ жаҳон».

Топти чу Юсуф ўзидин зарра баҳр,
Қилди Зулайхо яна оҳанги шаҳр.

Қолди чу зиндонда Юсуф муқийм.
Меҳнат эди ҳамдаму ғусса надим.



ҚУТБ





Кадимий маданият ўчоқларидан бири бўлган Хоразмдаги маданий ва адабий ҳаётнинг кўп ерларга, шу жумладан, Дашти қипчоқда яшаган халқларга таъсири кучли эди. Хоразмли олим, шоир ва санъаткорлардан бир қанчасининг ҳаёти ва ижодий фаолияти баъзан Дашти қипчоқнинг сиёсий ва маданий марказларида ўтган.

Ана шулардан бири хоразмли шоир Қутбдир. Қутбнинг «Хисрав ва Ширин» номли биргина достони сақланиб қолган. Бу асар асосан Низомий Ганжавийнинг худди шу номли достонининг ўзбекчага эркин таржимасидан иборат бўлиб, асл оригиналдан анчагина фарқ ҳам қилади. Асар 1340 йилда Олтин Ўрда хонларидан Ўзбекхон (1312—1340) ўғли Тинибек ва бунинг хотини Малика отига атаб ёзилган.

Бу асарнинг ягона қўл ёзма нусхаси Парижда «Национал библиотек»да сақланади. Бу нусха 1383—84 (ҳижрий 785)да, Барка ибни Бароказ ибни Қондуд ибни Эдгу қипчоқ томонидан Искандарияда кўчирилган. У достонни кўчирганда эътиборсизлик кўрсатган ва шунинг натижасида жуда кўп хатога йўл қўйилган.

Тўпламга кирган парчалар ана шу ягона нусханинг фотокопиясидан олинди.

Қутбнинг муҳим тарихий хизмати шундан иборатки, у ўзбек тилининг қудрати ва бойлигини шундай нодир ва шоҳ асар мисолида биринчи бўлиб кўрсатди, ўзбек маданияти хазинасини бойитди; ўзбек халқи билан озарбайжон, эрон ва тожик халқлари орасидаги дўстлик, маданий алоқа ва ҳамкорликнинг ўсишига ўз ҳиссасини қўшди.



«ХИСРАВ ВА ШИРИН» ДОСТОНИДАН

Китоб назм қилмоққа сабаб баён аюр

Н

еча йил бўлди жоним ускар эрди,
Кўнгулда ушбу андиша бор эрди.

Нетак шоҳ табғинга бир борғаман теб,
Бу кўнглум қазғусини тарғаман теб.

Кўруб кўнглум ким асру рағбатим бор,
Буюрди ким қатиглон эмди э ёр.

Равон э Қутб таркин кеч бўлур бил,
Не билгайлар сени сўзлатмасанг тил.

Низомий назми янглиғ туз сўзунгни,
Анин билгут хонингга бу узунгни.

Хоним бирла малика отинга бир,
Китобе қилғуға қил, теди тадбир.

Бўюм шаҳринга кўнглум эрди султон,
Жоним андин қабул қилди бу фармон.

Кўнгул фармонини жон бирла туттум,
Азин соқинчни бир йўли унуттум.

Қазонтек қайнаб уш савдо пишурдум,
Низомий болидин ҳалво пишурдум.

Хоним отингга ушбу порси тилни,
Чевурдум, туздум уш назм узра қилни.

Чиқордим хуш йизиглиқ сув бу кўлдин,
Кўнгуллар қонсу теб бу соф сувдин.

Қилиб хон давлати бу қулға ёрий,
Кеторди тангри табъимнунг ғубори.

Тузуб тил булбули бу назм уза соз,
Бу парда ичра келтурдум хуш овоз.

Муродим эрди улким бу қабуғда,
Келиб йўл топсаман теб ул табуғда.

Сафар ранжин кўрум ўзум қоч айём,
Табуғқа еттим эмди уш саранжом.

Неча ким келдим эрса ман валекин,
Тугал келдим, тугаллик яхши иш чин.

Не хуш айди ким ул бир пири комил,
Етизгил неча кеч келсанг, э оқил.

Бу келмакликда мақсуд эрди буким,
Етургай ҳақ тию мунда тилаким.

Биҳамдиллаҳ, тилакка ҳақ етурди,
Тилак илги ўминч ёсини қурди.

Бу кўнглумнунг қушиким топти хуш боғ,
Керак булбул ўқуб, урсун керак зоғ.

Яна кўнглум сўз оро қилди овоз,
Ким э булбул очилди гул, келиб ёз.

Жаҳон бўстони қайра бўлди хуррам,
Бор эрса ишқинг эмди сўзла сан ҳам.

Уш андин бу ошиқларнинг сўзини,
Тузуб мунтек безадим сўз юзиви.

Кишинингким кўнгулда ишқи бўлса,
Нетонг булбул менгизлик (ул) зори қилса.

Фалак меҳроби ишқ эрмиш хуш англа,
Ошиқларнинг сўзин ишқ бирла тингла.

Кишиким ошиқ эрмаз жони йўқ бил,
Ўлукни борму тер очунда оқил?

Агар ит кўнглига ҳақ ишқи кирса,
Келур ул тилга, кетмаз урса, сурса.

Агар бўлмаса ошиқ чархи бадром
Не саргардон юрир, қилга эди ором.

Ошиқ бўлмаса ушбу етти қат ер,
Недин мунча халойиқ захмини ер?

Тенгизлар ошиқ эрмаз эрса бир сўр,
Недин қайнар, не ғуррушлар қилур кўр?

Қаюнингким бу олам ичра кўрдум,
Недин мунтек тию ақлимга сўрдум.

Аюр: ишқ бирла тирик ушбу олам,
Агар ишқ бўлмаса бўлмас (эр)ди одам.

Жоним ишқдин фараҳ топти (э)са билдим,
Кўнгул бердим, еринга ишқ олдим.

Бу ишқим бирла бошлаб дostonни,
Сало теб ишққа ундадим жаҳонни.

*Хисрав Ҳурмуздин қочиб Арманга борурда
чашмада Ширинга йўлуққони*

Яна порси тилинча ул Низомий,
Аюрким ул шоҳи Хисрав асомий.

Уш андин баруким Арманга Шовур —
Ни издиким манга Ширинни келтур.

Куяр эрди хабар келгай тию шоҳ,
Фироқ туинда бир тутгай тию моҳ.

Кеча, эрта атосининг қатинда,
Белин боғлаб турурди хизматинда.

Атоси танглаб онинг хизматини,
Уруб ярмоққа зарб онинг отини.

Қамур элларга ул ярмоқни ёйди,
Яна бўлди пушаймон, ўзи куйди.

Қари бўри йигит арслондин кўрқти,
Соқинмадин иш этти сўнгра уқти.

Соқиндиким ўғул мансуба ўйнаб,
Мени мот қилга тию шоҳ ўйнаб.

Айитти бу яғонни банд қилғу,
Емон тушти ўйин огоҳ бўлғу.

Ўкуш соқшаб бу янглиғ қилди тадбир,
Не ўйнар бўлди билмаз ишда тақдир.

Кишиким ростлиғ кўнглинда тутти,
Очун шатранжин ўйнаб сўнг ул утти.

Бузург Уммид бу маънодин огоҳ,
Бўлуб, Хисравни ундаб айди:— эй шоҳ!

Ким энди юлдузунг ботти болқа,
Ўзунгни сақла (ю) воқиф бўл бу жонқа.

Отанг қасд этти жонинга, яроғ эт,
Кўрунма кўзга неча кун, равон кет.

Сўз эштиб айди Хисрави замона:
Яроқсиз, чоқда топтунг бу баҳона.

Чиқиб андин равон қасринга борди,
Табуғчиларга сўз топшурди, сорди.

Сориб қўшкіндаки ой юзларинга,
Васият қилди жоду кўзларинга.

Ким:— уш ман ҳоли овқа отланурман,
Бир-икки ҳафта саҳрода бўлурман.

Бу ёнқа ногоҳ ул ой юзлу келса,
Ушул товус янглиғ отли бўлса.

Ани тушруб қамуғ иззат қилинг ким,
Йўқ андин ўзга оламда тилаким.

Агар хуш келмаса бу қасри хазро,
Тиласа кўнгли хуш чимгонли саҳро.

Езиларқа чиқоринг фуржа қилсун,
Кўруб турлук чечак кўнгли очилсун.

Қаю ерниким ул тилар билингиз,
Уш анда бир бузук қарши қилингиз.

Мунингтек берди ўз кўнгли тануқлуқ
Ким они келга теб қилди ануқлуқ.

Тамом айтиб сўзип иш маҳкам этти,
Олиб кўп эш, иўкар отланди кетти.

Чиқиб Арман йўлинга азм қилди,
Сулаймон янглиғ ул ел бирла елди.

Ики манзилни бир манзил қилиб ул,
Атоси хавфидин тутти узоқ йўл.

Қазоқа отлари ул ерда орди,
Ким ул ой анда бошин юор эрди.

Буюрди қулларингаким қўнунг теб,
Тиниб, от тебрагаймиз, теда, ош еб.

Ўзи ёлғуз ўшул чимгонга борди,
Кезиб ул ерда бир хуш чашма кўрди.

Йироқдин кўрди шоҳ бир шахси мавзун,
Яна арслонтек от, ранги қаро тун.

Не бўлғай эрди ул давлат ҳумойи,
Меним бўлса, тер, ул тун бирла ойи.

Эрур гофил ўшулким ул тўлуи ой,
Анинг буржинда бўлғай бу очун ёй.

Талим маъшуқ келур ошиққа ногоҳ,
Ушул эсрук уюр ҳеч бўлмаз огоҳ.

Бу давлат ёри бермаз бўлса, оқил,
Бўлур аблаҳ ё иш вақтинда гофил.

Яқинроқ келди от бирла туруқти,
Тангирқаб кезлану юзинга боқти.

Кўрарким сувқа кирмиш бир юзи кун,
Ияри, боғи, чуғи барча олтун.

Гулоб узра туруртек мағзи бодом,
Ўзин юр чашма ичра ул гуландом.

Олиб суттек алинга ож тарғоқ,
Қилиб тарғоқни элчи, элни басқоқ.

Хирож олғоч келур ҳардамда элчи,
Фалак тинмаз сочар ой узра юнжи.

Ариф зоти тамом бир ганжу контек,
Ики зулфи ма ганж узра йилонтек.

Фусунчи мол учун тан ичра жондин —
Кечиб, қўрқмадин ул ики йилондин.

Минг ол бирла келидин элдин олмиш,
Анин ул ганж мунтек хуш очилмиш.

Кўруб шоҳ чашма ичра ул юзни
Юзиндин ҳеч кетармаз бўлди кўзни.

Қароқлар кўнглини онинг қароқи,
Юракин куйдурур нортек янгоқи.

Боқиб онинг булур янглиғ танинга,
Булурдин ўт ёқилди шоҳ жонинга.

Ул ой гофил бу Хисрав боққаниндин,
Бўлуб машғул тараюр эрди сочин.

Қиши келмасу теб кўнглинга тушди,
Боқиб ногоҳ кўзи Хисравқа тушди.

Кўзин суртуб назар юзинга солди,
Кўруб кунтек юзин ҳайрон қолди.

Қатиг боқдиса шоҳ, Ширин уялди,
Не қилғу эмди теб андиша қилди.

Қолиб бечора, излаб, чора топти,
Булут янглиғ сочин ой узра ёпти.

Чечак узра ёпуб ул мушк сочин,
Яшурди обнус остинда ожин.

Кўнгулда айди Хисравким борайин,
Париму одамиму бир сўрайин.

Яна айди уялғай ул юзи кун,
Турайин ончаким ташқару чиқсун.

Забун тутмоқ мунигдек ерда Парвиз,
Эранлар иши эрмас, теди, ҳаргиз.

Сабр қилди, ул ишдин тийди ўзин,
Чевурди бир замон андин ма юзин.

Адабни ўз жонинга ғул қилди,
Азин ерга ўзин машғул қилди,

Ошуқуб чиқти Ширин кийди тўнин,
Шошиб Шабдизни отланди таркин.

Кўнгулда соқшаб айтур бу йигит ким,
Адаб сақлади, бўлғайму билишим.

Ажаб эрмас агар бу бўлса ёрим,
Агар бўлмаса тек кетти қарорим.

Эшиттим лаъл кони тию они,
Агар ул эрса, қани ул нишони?

Ани фикр этмадиким йўлда шоҳлар,
Ёмон соқинғучидин ўзни гизлар.

Жонинга кўнгли айтурким равон тур,
Чечакингни бу шаккарга қориштур.

Ушул худ сурат эрди ушбу жон ул,
Хабар эрди ул уш маъни аён ул.

Яна айди қайт, қилма фузуллуқ,
Муни тарк эт, равон бор, кет ангар-ўқ.

Бу улму, ё дегулму билса бўлмас.
Ики эркликга қуллуқ қилса бўлмас.

Ман ўз йўлумча тўғру-ўқ борайин,
Бошимга ҳақ на келтурса, кўрайин.

Тию соқшаб кўнгул бир ёру қилди,
Отинга қамчи урди, сурди елди.

Ул ойни кўтариб Шабдиз учти,
Пари янглиғ парини олди қочти.

Яна шоҳ чиқти бўлғай тию боқти,
Ани кўрмади жонин ўтқа ёқти.

Бу янглиғ оқил эркан ул шаҳаншоҳ,
Ани кўра кўнгли йитлатти ногоҳ.

Чопуб тўрт ёру ҳеч топмади ёрин,
Куюб бағри, олиб борди қарорин.

Мунигтек кетти тез бу елму бўлди?
Тию танглаб таажжуб ичра қолди.

Тушуб чашма яқосинда отиндин,
Куюб барри ўшул ой фўрқатиндин.

Гаҳ ул гаввостек сув ичра чўмар.
Тилаю ёрини ул сувда издар.

Гаҳ ул қуштек тераклар узра ани,
Тилаб айтур қани ул сарв, қани?

Тилаб Шабдиз уза ул тўлун ойни,
Қаро зоғ қаноти узра ҳумойни.

Аюр сўнғқур ўзумга ул қаро зоғ,
Боқиб ўқтек юракка урди бу доғ.

Очун зоғтек узасинга қоронғу,
Бўлуб, ортурди қазғу узра қазғу.

Бўзин толин фироқ чавгон қилди,
Куни ўқтек бўзи ётек эгилди.

Ичи куюб кўнгулдин қилди бир оҳ,
Тутушти теб бў ўт жонимга ногоҳ.

Яшармаз бу умунжумнунг бутоқи,
Қурутти ёш ўзумни ёр фироқи.

Фироқда қурумаз ёшдан қароқим,
Бу ҳасрат бирла сўлди ол янгоқим.

Йўлуқти эрди ул жоним муроди,
Усал қилдим яна мендин йироди.

Чечакни тоза эркан термадим мен,
Ел элтти ногаҳон гизланди кўздин.

Ҳумой қуш сояси устумга тушди,
Севундумким ўзум давлатқа тушди.

Қўюб они назар тошларқа солдим,
Анинг-чун соятек тош узра қолдим.

Бу кундин сўнғ қурирмағай ичурғум,
Ани издаю бор умрум кечурғум.

Тушумму эрди билман ё хаёлим,
Ким уш мундоғ паришон бўлди ҳолим!

Кўзум бу чашма ичра кўрди бир гул,
Жоним рағбат била бўлди анга қул.

*Хисрав Фарҳод бирла мунозара қилиб,
Фарҳод тоғ қазмоқлиқи сўзи*

Бурун сўрди: не ерликсан тию сан?
Айиттиким: ошиқлар шаҳридин ман.

Айитти: анда не санъат қилурлар?
Айитти: жон сотиб, қазғу олурлар.

Айитти: жонни сотмоқлиқ хато ул,
Айитти: ишқ йўлинда ҳам раво ул.

Айитти: кертиму ошиқ эрурсан?
Айитти: бор кўзунг охир кўрурсан.

Айитти: не қадар севдунг сан они?
Айитти: сўзга сиғмаз ҳеч баёни.

Айитти: кўрдунгму (ул) кунтек жамолин?
Айиттиким: бали кўрдум хаёлин.

Айитти: меҳридин бўлғаймусан пок?
Айиттиким: магар бўлсам ўлуб хок.

Айитти: гар йўлуқсанг кўрса сени?
Айитти: кўзга сурғум тупроқини.

Айитти: гар кўзунгни хаста қилса?
Айитти: розиман тек кўзга илса.

Айитти: гар азин эр сунса илкин?
Айитти: тилгаман тош бирла бошин.

Айитти: топтунг ул йўл ул ҳумойқа?
Айиттиким: йироқдин боқғу ойқа.

Айитти: гар таласанким борайин,
Айитти: ҳақдин издарман тилорин.

Айитти: гар уқиса, қилса хушнуд?
Айитти: бўлғай эрдим барча мақсуд.

Айитти: кес кўнгул, ул дўстни қўйғил!
Айитти: дўстдин келмаз бу иш бил.

Айитти: бу тамаъни тутма, хом ул!
Айитти: онсизин тинчлик ҳаром ул.

Айитти: кел бу ишдин юв элингни!
Айитти: сўзлама кўп, тиз тилингни.

Айитти: қилмағил, қўй, қури ғавғо!
Айитти: не (так) бўлур (чу) ўт тутти қавғо.

Айитти: сабр қил, тиз кўнглунг ондин!
Айиттиким: нетак сабр этку жондин.

Айитти: сабрсузлуқ жаҳл эрур бил!
Айитти: сабр қилмоққа керак дил.

Айитти: иймонурмусан кишидин?
Айиттиким: магар ҳажри қишидин.

Айитти: ҳеч керакму ёр, ҳамдам?
Айиттиким: бўлурман бўлмасам-ҳам.

Жавоблар эш(и) ту Хисрав бўлди ожиз,
Айитти: осғи йўқ не сўзласабиз.

Айитти: Хисрав ушбу тонг эмазму,
Сўз уқ(и)мадин жавобин айтур ошну?

Эшитингиз не сўзлар аймишини,
Мунунгтек кўрмадим тиллик кишини.

Иш олтун бирла битмаз, не қилойин?
Муни тош бирла олтунтек синойин.

Тию тил очти сўзға, қилди бунъёд,
Ким, эй устоди чин фарзона Фарҳод.

Бир улур тош бор кесмакка душвор,
Яна кечмакка айр от асру эмгор.

Керакким бизга бир йўл қазсанг андан,
Ким ул бўлса бориб келгуга осон.

Ким эрсанинг бу ишга илги эрмаз,
Бу иш сендин азиннинг иши эрмаз.

Баҳаққи ҳурмати Ширини хуш хў,
Ким онт билмазман уш ҳеч мундин эзгу.

Ҳожатлиғман, раво қил ушбу ҳожат,
Яна бу ҳожатимға айма ҳужжат.

Жавоб айди: кесайинман теб ул тош,
Бу ишда қилнойим, боринча бу бош.

Ушул шарт узраким ман иш битурсам,
Малик фармонин ўрнинға кетурсам,

Керакким эмгакимни шоҳ билғай,
Шириннинг шаккарини тарк қилғай.

Уқуб Хисрав анингтек ўфқаланди,
Тилади чопса бўйнин қайра ёнди.

Айитти (ким) ушбу шартимдин не қазғу?
Қатиг тош ул охир, тупроқ эмаз бу.

Нетак қилғай ҳалок тупроқ, тут они,
Қазиб тупроқ тошию чиқға жони.

Айитти: шарт қилдим, қаз они сан,
Бу шартимдин қайитсам эр эмазман.

Белинг боғла силоҳингни ол элга,
Бу ишда ардамунгни кўргуз элга.

Севунди, сўрди ул Фарҳоди бедил,
Ким ул тоғ қанда теб, эй шоҳи одил?

Солиб ул тоғни Хисрав айдиким, бор,
Ким эмди Бесутун теб отаюрлор.

Бу ҳукм узраким ул тош эрди хоро,
Қатиғлиқи юзиндин ошкоро.

Туруб Хисрав қатиндин чиқти тарк ул,
Равон бўлди тутуб ул тоғ тоба йўл.

Елиб елтек равон ул тоғқа етти,
Белин боғлади истиъдодин этти.

Уш андин тешасин илка олиб тез,
Суратлар йўнди шакли шоҳу Шабдиз.

Яна бир курси йўнди қайра тошдин,
Ушул курси уза Ширин шаклин —

Қилиб кўргазди ул тош узра санъат,
Талим эмганди, қилди кўркли сурат.

Ахир эштурсан ул суратни қилғон,
Ошиққа не жафолар қилди даврон.

Анинг ҳаққинга ул бир шум аврат,
Нелар қилди, қамуғ эрмазму ибрат?

Қари хотунтек ул бу дунё маккор,
Сучуклук бирла аввал сени алдор.

Уш андин сўнгра аччиғ захрин ичрур,
Тириклик тотиндин сени кечрур.

Жафоси кўл, йўқ ул бир зарра меҳри,
Тегарму лутфинга охир бу қаҳри.

Бўғоз тутмаздин ошнуроқ, қўй охир,
Бўри изинга борма, эй қўй охир.

*Фарҳод тоғни қазарда Ширин суратинга
қаршу зори қилғони*

Тугалким қилди ул суратни Фарҳод,
Қуруғ сурат била кўнгли бўлуб шод.

Ер илка кирга теб андиша бирла,
Кеса бошлади тоғни теша бирла.

Қулангин қаю бир ташқаким урди,
Бир урмоқ бирла бир бурчин емурди.

Узун тун тинмадин, кўздин соча ёш,
Кесар эрди Ширин ишқинда ул тош.

Қочиб гизланса суглунтек яна кун,
Очунга тўлса қайра зоғу қузғун.

Бориб сурат қатинга йиғлаю зор,
Тонг отғунча юзин тупроққа суртар.

«Ким эй кўнглумга эк, экимга ҳам эм,
Бошимга мунг, яна бошимга марҳам.

Санинг ишқинг мени бу ишга илди,
Кетурди ушбу тош кесмакка солди.

Бу янглиғ ранжим ортти, иш узоди,
Қарорим қолмади, сабрум йироди.

Сан анда бир ариғ гавҳар менгизлик,
Турурсан тошлар орасинда гизлик.

Уш андин ўтру мен бу тош кесарман,
Гуҳар илгимга киргай теб кусарман».

Бу сўзларни ўшул суратқа айтур,
Жавоб этмаз яна инграю қайтур.

Мунар ул тоғ тўбасинга ошуқуб,
Турур йиғлаю бир тош узра чўкуб.

Боқиб қарши тоба айтурким: — «Эй ёр,
Жаҳон бўлди узамга сансизин тор.

Улум бағрим-юрагим бўлди уш қон,
Қил охир ошиқинг экинга дармон.

Муродсизнинг муродин бир раво қил,
Уминжсизнинг ўминжига вафо қил.

Билурман [ким] сенинг ўкунга тушмон,
Ким эзгурак ёринг бор, ман не тўшман.

Вале сан ҳеч кетмазсан ўкумдин,
Кўрарман тун ма кун орзунгда бу қин».

Хабарсиз Ширин анда фориг ўтрур,
Кууб Хисрав ёдинга умр кечрур.

Анинг ишқинда бу Фарҳоди мискин,
Берур Ширин тио ул тотли жонин.

Аюрким: — «Эй тамом юзи тўлун ой,
Нечага тегру мунтек қилгаман вой?»

Ким уш мум шамътек ёндим, ёқилдим,
Туганмакка сизиб ҳам оз қолдим.

Бу ишқинг бўлмишиндин беру ишим,
Кеса тош, иғламоқ ўқ бўлди ишим.

Ажаб, ҳақ мени тошдинму яратти,
Ким уш мунтек ичимга ўт қотти?

Неча сени йироқдин кўзлагайин,
Неча тош ичра гавҳар излагайин.

Нечага тегру бу тоғ, тош қазойин,
Неча кўз ёши ичра мен юзойин?

Кел оз қил бу жафо, ёшим сил, эй ёр,
Ғарибни тош била ўлтурма зинҳор.

Санга не қазғу, бор, иззатинг ортар,
Матоинқа бор ул шоҳтек харидор.

Ман-ўқ ман хору саргардон ёлғуз,
Кўзумга уйқу кирмаз туну кундуз.

Қуюрман дойимо ишқингда, эй ҳур,
Нетакким куйса парвона кўруб нур.

Йироқдинким бу янглиғ уш куярман,
Яна кўнглум ёвуқроқ тио ёрман.

Анинг ҳаққиким уш қадринг билурман,
Узукда тун ма кун зори қилурман.

Мени бу қазғудин озод қилғил,
Охир кўнглумни бир гез шод қилғил.

Йўқ эрса чора қилким тарк ўлойин,
Бу қазғу-қузғудин бир қуртулойин.

Ким ўлмак ек мунунгтек тирлигимдин,
Не ёру не қадош, не дунё, не дин.

Манимтек бўлмасун ҳеч одамизод,
Бу давлатсизлигимдин вой фарёд.

Агар адл этса ушбу чархи ғаддор,
Мени нек ўлтурур, не мунча қийнор?!
Агар майл этмаса гардуни гардон,
Недин ичрур санга сут [у] манга қон?!

Онанг сути менгсизлик ул ариқдин,
Ичарсан сут ахир, бир мени соқин.

Ўшул шаккарли сутдин онг мени бир,
Ким эксар сусолиқни шаккару шир.

Еш ўлғон янглиғ иглотма, элим тут.
Вафонгни доя қил, берсун манга сут.

Вафолиғ қулни бир йўли унутма,
Сут ўрнинга яна оғу тотутма.

Билурсан сандин ўзга йўқ ёрим,
Бори сан бўлма (ғил) ағъёр, эй нигорим.

Юзунг кўргуз, ёрутғил бу кўзумни,
Карам қил, оз қийна мунглуғ ўзумни.

Бу бечора ишинга чора қилғил,
Туганди тоқатим, бир йўли билғил.

Раҳм қил, тўкмагил онгсизда қоним,
Ғарибман охир, эй жону жаҳоним.

Равомуким ғариб қони тўкулса,
Ман игларман, азинлар барча кулса.

Букун чун сан ғариб эрмазман, эй ёр,
Ғариблар оҳидин кўрқ, қилма озор.

Не ёдим хизматингдаким қийнарсан,
Ёзуқум бор эса айғил, билай ман.

Кел эмди бу жафо қилмоқни қўй бир,
Вафо қилмоққа қилғил эмди тадбир.

Тиларман бу кеча ҳолимни кўрсанг,
Бу зори қилғонимни эшту турсанг.

Агар тош бўлса кўнглунг, бу қулунгни —
Кўруб, раҳм этгасан бу мунглуғунгни.

Мажоз эрмаз ҳақиқат бил ишимни,
Уюн сонма бу зори қилмишимни.

Ким уш ишқ ўтида қовтек куярман,
Тану жон бирла васлингни сўярман.

Агар йўқ эрса менда молу динор,
Ким изсам табгинга харвор-харвор.

Уш олтун рангин олди ушбу юзум,
Кумуш сизрур узукда икки кўзум.

Кел олтун ўрнинга жоним беройин,
Бори бир кун жамолингни кўройин.

Дев эрмазман кишидин қочсам охир,
Не кўрқуб қуш эмазман учсам охир.

Кишидин ул киши қочгайму, эй бек,
Суратлар йўнса тошдин одамитек.

Не анча дўст борким [ул] ғамум еб,
Озоқдин тушсам, илгим тутса кўп теб.

Не онча қобқадошим теграда бор,
Ким ўлсам қазғуруб йигласалар зор.

Ўзум сўқ ёлғуз ушбу мунгда тушгум,
Бу қазғу-қузғунга онгсизда туштум.

Агар юз йил қузуғда ётсаман зор,
Юқору кўрман оҳимдин азин ёр.

Агар елсам ёзилар тингмадин ҳеч,
Сўнгумда йўқ кўликамдин азин ҳеч.

Не ит жонлиғ кишиман эрки билмон,
Ким уш бу мунгда ёлғузлуқдин ўлмон.

Очунда итнинг ўрни бор, маним йўқ,
Не одам ўғлиман итча соним йўқ.

Киши бўлмасу мантек хонумонсиз,
Не дунё [у], не дин, ики жаҳонсиз.

Ахир ман қандин, ушбу иш қандин?
Ким эриктурди мени тотли жондин?

Еқилдим, тутшу кул бўлғинча ёндим,
Бу куюкда тирикликдин ўсондим.

Ўзумни бу яроғсиз ишга солдим,
Ўз-ўз ишимдин эмди ибрат олдим.

Агар кўнглум яна илгимга кирса,
Бу йўндин қўймагайман ким дам урса.

Ўз ишимнинг сўнгин тутғайман ондин,
Кўзумни юмғаман эзгу, ёмондин.

Қилиб ўз тўрт ёнимга тошдин том,
Кечургайман уш анда боқи айём.

Киши юзинга ҳаргиз боқмағайман,
Неким сўзласалар ҳам уқмағайман.

Бу суратқа боқа-ўқ уш йўқолдим,
Азин сурат тобунмоқ тавба қилдим.

Бу янглиғ сўзлар айту, йиғлаю зор,
Юзин сурат ўнгинда ерга суртор.

Нетакким кўч кўтурса қайра бу тун,
Туғуб кун сочса ер юзинга олтун.

Икинж илка олиб ул тешасини,
Яна бошлар ўзоқи пешасини.

Оқитур кўзлариндин тун қота ёш,
Ўзун кун бир замон тингмаз кесар тош.

Бу янглиғ ишлари машҳур бўлди,
Халойиқлар аро жовуқти тўлди.

Келиб эл тонгламоққа текма ёндин,
Боқиб ибрат олурлар эрди ондин.

Кўруб ул тоғда қилмиш ишларини,
Тонгирқар эрдилар қилмишларини.

Ширин Бесутун тоғинга Фарҳодни кўрмакга боргани

Ўтурмиш эрди бир кун шод Ширин,
Қамуғ йиғлиб қатинда қизу қирқин.

Қилур эрди бири кечмиш тараб ёд,
Анинг бирла бўлурлар эрди дилшод.

Кечар эрди ҳикоя текма ёндин,
Нетакким келса сўз эзгу, ёмондин.

Бери келгай яна бахту саодат,
Тию сўзлаштилар тангсуқ ҳикоят.

Бу янглиғ текма бири сўзлар айтур,
Ҳикоят бирла Ширин кўнглин овтур.

Мусалсал бўлди сўз сўзга улошти,
Ногаҳ Фарҳод ҳоли ўкка тушди.

Эшитмиш эрдилар онинг ишини,
Ўзун кун тингмадин тоғ қазмишини.

Кулуб Ширин айттиким борайин,
Букун ул Бесутун тоғин кўрайин.

Боқайинким не янглиғ ул кесар тош,
Нетак ишқимда кўздин оқ(и)турур ёш.

Магар бу тош кўнглум раҳм қилгай,
Эсиркаб ошиқиндин узр қўлгай,

Буюрди от изарланг тию Ширин,
Изарлаб ақтачи от, тортти тизгин.

Йўқ эрди ҳозир ул соатда Гулгун,
Азин бир от изарланди ўшул кун.

Хиромлаб тошқа чиқти ул бути чин,
Равон отланди, сурди изди тизгин.

Анингтект чуст эди от узра ул ой,
Ким эранларда онтек оз бўлгой.

Эранлартект тугуб ул икки сочин,
Соча бошлади ерга анбару кин.

Учар қуштект отин сурди тутуб йўл.
Елиб бел янглиғ ошти кўп тўба, кўл.

Жамолиндин очунқа балқину[r] нур,
Хиромлаб етти ул тоғларқа бу ҳур.

Анинг ёдинға ул Фарҳоди мискин,
Кесар тош тингдадин, ёлғуз кўруб кин.

Қазар ул тош кўнгуллуқ ёр учун тош,
Оқитур кўзлариндин тутшу қон ёш.

Лаъл тош оро издаб йитруб ўзин,
Лаълтект ёш била юб тош юзин.

Кетиб кўнглиндин орому қарори,
Қилурда оҳу вайло, тиурда зори.

Эшитти келди Ширин теб хабар ул,
Тош оро топти сонғосан гуҳар ул.

Севунмакдин эли кучланди қайра,
Кеса бошлади тоғни евра-ебра.

Кўруб Шириннинг ой янглиғ юзини,
Мунаввар қилди ул юздин кўзини.

Кетурмиш эрди бора сут бирга,
Ол ич ёдимға теди тўкма ерга.

Олиб Ширин элиндин сутни Фарҳод,
Шакартект ичти, Ширин айди:— Хуш бод!

Айитти:— Соқи сансан бу эрур хуш,
Сут эрмаз, оғу бўлса қилгаман нўш.

Негакким ичти ошиқ жоми боқи,
Яна ўгради кетмакликға соқи.

Йироқ ер келмиш эрди қайра сурди,
Гуҳар чекмакдин оти қолди, турди.

Не от гар фил бўлса орғай эрди,
Кумушдин қубба кўтруб тоғай эрди.

Чун ошиқ кўрди ул маъшуқнинг оти.
Юримаз, эмганур ул ой зоти.

Оти бирла ани бўйнингга ердин —
Кўтурди, йўлга кирди югру таркин.

Етурди қасринга юз ноз бирла,
Тушурди бўйнидин эъзоз бирла.

Ани ўлтуртуб ўрнинда Фарҳод,
Қайитти оҳ, тию, қилну фарёд.

Яна ул тош кеса оғоз қилди,
Яна зорию навҳа соз қилди.

*Хисрав фитналар қилғони, тақи Фарҳод вафоти
сабабин баён қилур*

Ҳамиша Хисрав ул Ширин иштини,
Сўрар издар [э] ди не қилмишини.

Хабар келтургучи жосус юз минг,
Бор эрди текма бир ишларда онинг.

Агар илкин юзинга урса Ширин,
Хабар тегрурлар эрди шоҳқа андин.

Авал муддаттаким Фарҳодқа борди,
Бориб ул қалъаи фўлодни кўрди.

Хабар келтурдиларким билгил, эй шоҳ,
Хабарсиз турма бу ишдин бўл оғоҳ.

Ширинни кўрмишиндин беру Фарҳод,
Эмурди тоғни, тошлардин олур дод.

Мунигтек қоч кун урса тешасин ул.
Қилур оз вақт ичинда тоғдин ул йўл.

Қатиф кучланди, севнуб, кўнгли ма ҳам,
Кулангин тошқа урур асру маҳкам.

Малик қазғурди ул тош кесганиндин,
Ким ул шарт этмиш эрди лаъл таркин.

Уқуб ёранларин айди: — Ойинг бир,
Не тадбир қилғу бу ишга, не тадбир?

Айиттилар: Чун қазғу бўлди ишинг,
Тилар эрсангким осон бўлғай ишинг.

Изабер қосидиким анда борсун,
Ушул тоғ қазғучи Фарҳодни кўрсун.

Айитсунким, дариғо Ширин ўлди.
Анинг ул ол чечактек энги сўлди.

Ажаб йўқ Ширин ўлди тио билса,
Кучи кетиб, ишини тарк қилса.

Тилаб бир топтилар қуртқа кишини,
Тили аччиғ, юзи хафриқ тишини.

Емон сўзлар анга ўргатиб ул кун,
Айиттилар берурбиз теб кўп олтун.

Изиб, ул Бесутун тоғинга они,
Қилу кўр тедилар ушбу жафони.

Жафо отин суруб ул менгзи сори,
Етиб келди равон Фарҳод сори.

Айитти: — Эй биликсиз, не билурсан,
Азиз умрунгни тек зойеъ қилурсан?

Бу айдиким: — Уминж бирла бу ишни,
Қилурман топғаман теб ул билишни.

— Билишинг ким? — теса ул айди: Ширин!
Фидо бўлсун анга юз жони ширин.

Ул аччиғ сўз (ли), оғу тилли қари ҳам,
Ачиғлиқ бирла Шириндин уруб дам.

Қилиб оҳ, айдиким: — Эй ёрли Фарҳод,
Ширин худ ўлди, кимни қилғасан ёд.

Дариғоким анингтек ёри хуш хў,
Улуб, қўзти очунлуғларқа қазғу.

Қамуғ эл халқи зорин йиғладилар.
Дариғо нозанин Ширин тедилар.

Қайиттилар кўмуб тупроққа они,
Иккинчи бўлди ҳайф ул йўқ сони.

Бу сўз аймишда ул ҳол, эй дариғо,
Тилинг бўлмади [ким] лол, эй дариғо.

Киши айғойму ҳеч мундоғ сўз охир,
Зеҳи сувсиз юз, ўтонмаз кўр охир.

Уқуб Фарҳоднинг аччиғ сўзини,
Броқти тоғ бурчиндин ўзини.

Дариғо теди кўп заҳматда бўлдум,
Бу заҳмат роҳатин кўрмадим ўлдум.

Ачиб бағри, анингтек оҳ қилди,
Багирқа ханжар урмиштек йиқилди.

Агар бўри ўнғинга келса юз қўй,
Тутуб дарвеш қурбонин қилур тўй.

Не хуш айди гулобчи гулситонқа,
Ненангким қайра бергу, они олма.

Қаро тупроққа кирмиш тўлун ойим,
Налук бошимға тупроқ қўймағойин?

Тўкулмиш ол чечагим уш бутоқдин,
Налук бўлмасун онсиз боғ манга қин?

Учуб қолмиш, жаҳон кўрмиш чароғим,
Налук сизғурмағайин кўзда ёғим?

Қунум битмиш, қаронғулуқдаман уш,
Нетак тирлурман онсиз бир замон хуш?

Не тириклик манга, таркин кетойин,
Адамда югру Ширинга етойин.

Мувингтек айту тарк этти жаҳонни,
Ер ўпти, дўст ёдинга берди жонни.

Азин ҳеч иш билмаз бу замонда,
Жафо қилмоқдин ортуқ жовидона.

Бериб қазғу еринга жон, олур жон,
Қутулмоққа элиндин йўқ ҳеч имкон.

Тошар бўлса ногаҳ бир мубталони,
Ангар тегрур қамуғ ёндин балони.

Агар илкин чечакга сўнса мискин,
Чечак ўрнинға тош ёғрур бошиндин.

Анингтек кеторур хушлуқни ондин,
Ким оғзинда шакар оғу бўлур чин.

Анингтек тор қилур бу кенг жаҳонни,
Ангор ким тарк этар эрксизда жонни.

Инонса бўлмаз уш очунқа ҳарғиз,
Нелар эштиб боқинг, нелар кўрарбиз.

Уюма, эй кўз, охир бўлма ғофил.
Уёғ бўл, бу тириклик қадрини бил.

Ким онча ётғасан тупроқ бўлуб хор,
Сени соқинғучи-ўқ бўлга дайёр.

Бу эллик йилқи ёшқа бўлма мағрур,
Ўюнқи қўй, узима кўп, уёғ тур.

Қатигроқ эрмаз одам ўғли тошдин,
Кўрарсан бузлур ошланғон тош ошдин.

Неча кўп одамилар ерга кирди,
Неча кўп дўстни бу дўстдин азирди.

Неча шоҳман деганни еди бу ер,
Тақи тўймади тутшу тингмадин ер.

Ҳавода текма зарраким учар бил,
Фаридун ул ё Кайхисрав фикр қил.

Овуч тупроқ бу ер узра тобулмаз,
Ким анда одамнинг қони бўлмаз.

Ким ул билган бу эски дунё розин,
Неча кўп муддати ё кўп, ё озин.

Қишини қўймаз ул ким кўрса даврин,
Ишимнунг билмасунлар тию ғаврин.

Неча кун давра бирла югруб онинг,
Нетак билгу ишин бу бевафонинг?

Мунунг бу даврининг жаври элиндин,
Роҳатлиғ оз эрур, кўргувчи кўп қин.

Қуну тун тухшун отға ўшар, эй ёр,
Бу тухшун отға тизгин берма зинҳор.

Агар кўргузсанган юз турлу ардам,
Башармазсан бу тухшун от била ҳам.

Агар бу ерда ҳар кун ганж топсанг,
Анга тегмаз бу ганж, бир ранж топсанг.

Надоматдин азин йўқ мунда ҳосил,
Талоқин бер мунга, орсиқма ғофил.

Уманмагу бу дунё ичра роҳат,
Жонингга тегмасун тесанг жароҳат.

Кетар кўнглумдин очун меҳрини сан,
Уш андин жонга ул ишқ муҳрини сан.

Чиқарғил жондин иблис жосусини,
Тиморларингга тўлдур ишқ сусини.

Бу ишқсиз урмағил зинҳор бир дам,
Яқин бил, сонлиғ ул, бизга бу дам ҳам.

Қатиглон ишқда Фарҳод бўлғил,
Уш андин хуш ўлумга шод бўлғил.

Эшиттимким ман ул Фарҳод ошиқ,
Ким онтек кечмади ишқинда содиқ.

Кулангинга соп ул ёш нор оғочин.
Кесиб соп қилмиш эрди ул ёғочдин.

Қатиг тутмоққа осон бўлса тию,
Эл эмгатмасу, фармон бўлсу тию.

Негакким Ширин ўлди теб эшитти,
Кулангин ул юқору тоққа отти.

Соби синди, темури тошқа ботти,
Соби тупроққа кўмлуб, ерга ботти.

Аюрларким ўшул тупроқ ёш эрди,
Ёғоч ёш ерда ётмоқдин ёшарди.

Унуб ул нор йиғочи, ундуруб нор.
Аюрларким, талим йил берди теб нор.

Нечаким ул ёғочин кўрмадим ман,
Ўқидим нусха ичра, ҳам ўқи сан.

Ушул дам кўнгли торлиқи торилди,
Бу боғлиқ ишинга очғуч берилди.

Яна давлат чечаги хуш очилди,
Яна ширин бу аччиғдин сочилди,

Ниёзи, сўзи Хисрав кўнглинга ҳам.
Асарлар қилди куйдурди ҳам ул дам.

Нетак олтун алам тиктиса олам,
Ким андин тарғаюр бу лашкари ғам.

* * *

Малик ов овламоққа рағбат этти,
Толёдин ошиқиб тақсир кетти.

*Хисрав овқа отланиб, Ширин
қатинга борғони*

Буюрди лашкаринга отланинг теб,
Неча кун қўшлалинг, сайр қилалинг теб.

Нетак отланди эрса шоҳи олам,
Соқиндиларким ирғонди ер улдам.

Чалинди бурғу, кўрулар урулди,
Аламлар ҳам ҳаво(лар)қа кўтурулди.

Нетак отланди эрса шоҳзода.
Қатинда шоҳлар туруб пиёда.

Човушлар тарқу айту ўнгинда(?),
Соқишсиз беклар отланди сўнгинда.

Қўрирлар эрди элни бир ёғоч ер,
Евуқ ким келса ул керу ёғоч ер.

Чиқиб элдин бу тартиб бирла Парвиз,
Суруб қўшлоғу ерга ҳам, бориб тез.

Буюрди келтурунг қушлар солонинг,
Қуш олсунлар тамошолар қилолинг.

Уруб кунгира, уркуб ўрдаку ғоз,
Ҳавода қилди лочинлар ма парвоз.

Қаю бир қушким ул шоҳ солди,
Бири ёзмади(н) солғонни қуш олди.

Солар қушлар қуш олмоқдин ўсонди.
Чарик қушлар олиб қўшларға ёнди.

Бу янглиғ бир ҳафта овлаб ул шоҳ,
Укинга ўзга соқинч тушти ногоҳ.

Кўчунг теб, арқун-арқун овлаю ул,
Отин Ширин тоба сурди тутуб йўл.

Ироқдин кўрдиса Ширин саройин,
Қўшун қўндурдиким тонгда боройин.

Қўруб зоғларни қочмиш эрди суглун,
Қазоқа ҳам совуқ эрди ўшул кун.

Сочар эрди ҳаво ер узра кофур,
Сабр қилмоқи андин эрди маъзур.

Буюрди шоҳким чақмоқ чақилди,
Ушотиб уд хом ўтқа ёқилди.

Димоғи хуш йизиглар бирла тўлуб,
Имизғонди малик хушвақт бўлуб.

Тонг отғунча уюб осойиш этти,
Ҳам ортуқ хасталиқи борди — кетти.

Нетак кун лаъл чиқти эрса кондин,
Қарориб юзи, тун қочти жаҳондин.

Қўпуб ўлтурғоч айди:— Қани соқи?
Юруттилар уш андин давр аёқи.

Сусун феъли нетакким бошқа ошти,
Яна ишқ ўти жонинга тутошти.

Чиқиб Шабдизинга отланди таркин,
Ширин қасри тоба равон изти тизгин(?)

Неча хизматчи хосуслхос бирга,
Ким онлар воқиф эрди ушбу сирга.

Хабар Ширинга текурди рақиблар,
Ким уш Хисрав келур, йўқ ҳеч нақиблар.

Недин вақтсиз келур бу теб соқинди,
Ариғ кўнгли ёмон отдин соқинди.

Саройи эшигин боғлатти маҳкам,
Табуғчиларинга фармонлади ҳам.

Чиқиб сиз тош эшикда ўлтурунгуз,
Ёвуқ етса боқиб яхши кўрунгуз.

Узасинга сочингиз сонсиз олтун,
Озоқинга тўшангиз атлас уксун.

Тию буйруб учакка мунди ўзи,
Эшигинда қулоқи, йўлда кўзи.

Кўзи бир нур кўрди тўтётек,
Жароҳатлиғ бағирға мўмётек.

Туман янглиғ торилди тўз ногоҳ,
Чиқа келди булутдин кун менгиз шоҳ.

Қўрар от узра бир сарви равон ул,
Сарв жонсиз бўлур, бу кертү жон ул.

Очилмиш нор чечагитек янгоқи,
Кумушдин олма янглиғ оқ сақоқи.

Сочиндин сочлур ерга мушку анбар,
Тўкар ҳам лаъл эриндин шаҳду шаккар.

Етиб келди юзиндин қўмаю нур,
Ўзи эсрук, вале кўзлари махмур.

Кўруб Хисравни ул ҳол узра Ширин,
Озоқдин тушти оҳ теб, борди элдин.

Қони қайнади, бошдин ақли кетти,
Хабарсиз бир замон беҳуш ётти.

Замондин сўнг яна ақлинга келди,
Қилиб андиша, кўп фаръёд қилди.

Агар йўл бермасам маҳрум қолурман,
Йўл очсам пистатек русвой бўлурман.

Ажаб иш тушти не чора қилойин,
Бу ишимга билик кимдин қулоёин,

Тию ўз кўнглидин андиша қилди,
Теди эди сабр қилмоқ пеша қилди (?)

Букун ҳам сабр отинга отланойин,
Кучум етмишча бирдам қотланойин.

Табуғчилар кўруб Хисравни хуррам,
Тўшаб атлас, кўп олтун сочтилар ҳам.

Малик Шабдизни атлас узра суруб,
Ёвуқ етти сарой қотинда туруб.

Кўрарким эшиги боғлиқ темуртек,
Хижил бўлди, муаттал қолди ул бек.

Не кўнгли бориб, эшикдин қайитур,
Не ҳукм этиб бузўнг тию айитур.

Табуғчиларда бирин ундаб айди:
Недин қулни ул ой эшикда тийди.

Ахир мендин не аччиғ кўрди Ширин,
Эшик боғламоқи юзумга недин?

Кириб ой қўшлаю бу тўшқа ногоҳ,
Етиб келди, қўнуқ борму тию шоҳ.

Шоҳ эрмаз бўлса ҳам эксук табуғчи,
Равому теб айитғил, эй қабуғчи.

Сан аймасанг айит қизларга айсун,
Қаю бири сўзин эштурса, тесун.

Кўноқ келса эшик боғлиғ бўлурму,
Ажаб ҳеч одами мунтек қилурму.

Эшик очсунким охир подшоҳман,
Ўзи ҳаққинга не қилдим гуноҳман.

Ёзуқум бор эрса айсун билёйим,
Тўлону сўзлашиб, узрум қўлоёйим,

Эшикда турмадинг қарғу, айитсун,
Не буйрур кирсуму ё тез қайитсун.

Билур худ ўзи сизга айту билмон,
Ўзини кўрмайин ҳам қайту билмон.

Маним бирла керакким хуш боришгай,
Зиён қилмагай ўзинга, ярашгай.

Мени ул турмасун теб қилса тадбир,
Ороқ устунда бори кўршалинг бир.

Бу сўзлар айту зорилик қилур шоҳ,
Учакдин эшту Ширин ҳам қилур оҳ,

Буюрди кўп тию бир қизга ул ой,
Яраштур, бор тақи шоҳқа сўзум ай.

Фалон чодирни тиктиргил равон бор,
Анинг теқин бу тоқимқа баробар.

Гулоб сочтур, йипак қоли тўшатғил,
Яраштурғил тўшак, яхши ўрун қил.

Қўй олтун сандали устунда минбар,
Тутуздуз заъфарону мушку анбар.

Уш андин қовшуруб қўл, табғинда тур,
Айит Ширин қаровашингиз ўтнур.

Яраштурдум, қўноқ анда этингиз,
Йироқдин келдингиз, бирдам тинингиз.

Қўноқ эрсанг тегилким ноз оз қил,
Не ерда қўн тесаби анда қўнғил.

Қўноқман теб босинмангиз бизни,
Ероғинча қўноқлалинг ма сизни.

Агар айса азин турлук жавоб ул,
Айитким мунда қўнмоқлиқ савоб ул.

Учакка ман мунуб кўргайман ўзин,
Эшитгайман неким сўзласа сўзин.

Буюрмиштек тўшаб чодирни ул қиз,
Сўзин еткурди эрса тушти Парвиз.

Хижил бўлуб еди Ширин бу қазғу,
Нетак ўзинга лойиқ хон қўзғу.

Тузатиб изди турлук ошу неъмат,
Суроҳилар била ош сингу шарбат.

Уш андин сўнг [ким ул] соқшаб ўтурди,
Утурмоқ яхши эрмаз теди турди.

Тилади тўн беринг тию, тутуб фол,
Мурассаъ тўн кизурдилар, ўнги ол.

Соринди кўрклук оқ ҳулла бошинға,
Яна кийди мурассаъ тож бошинға.

Тулуллар тугди икки зулфи морин,
Чечактек гулчиратти энги норин.

Учакка чиқти Ширин ул ниқобдин,
Нетакким чиқса кун ногоҳ ҳижобдин.

Хиромлаб илгару келди бути чин,
Ер ўпти, шоҳқа узр айди учакдин.

Нисор қилди ўкуш лаълу жавоҳир,
Нетаким бор эди ул дамда ҳозир.

Нетакким кўрди шоҳ ул ой юзини,
Равон тоғдилди йитлатти сўзини.

Кўрар тоғ узра боқмиш бир ҳумойи,
Е кўкдин тушмиш ул хуш тўлун ойи.

Уси энтикти, йиқлу ёзди тўнди,
Ўзин айёрлиқ этти сезди теди.

Ўтурғон сандалидин секру турди,
Ўз илгин ўтру ўптию ўтурди.

Уш андин сўзлаб айдиким:— Эй жоним,
Санинг бирла ёруғ жону жаҳоним.

Маним учун ҳамиша бор бўлғил,
Бу кўркунгдин ма бархурдор бўлғил.

Ҳамиша гулчиросун гул чиройинг,
Мувофиқ тушсу ман қул бирла ройинг.

Бу қазғудин жонинг озод бўлсун,
Нозик кўнглунг улошу шод бўлсун.

Қишиликингдин асру уш уёлдим,
Кўзум тузмаз хижолат узра қолдим.

Маним учун жавоҳир ганжин очтинг,
Ўзамга лаълу дур, ёқут сочтинг.

Лаъл янглиғ қизорттинг бу юзумни,
Неча қийнарсан охир бу ўзумни.

Табурдин қилмадинг бир зарра тақсир,
Вале нек қилдинг ушбу рой тадбир?

Недин боғладинг эшикинг равому?
Хато айдимму ё сендин хатому?

Мени ертек озоқ остинда солдинг,
Узунг кунтек ҳаво устингда қолдинг.

Керакмаз эрди эшик боғламоқинг,
Маним бағримни ўтсиз доғламоқинг.

Ажаб не соқшадинг билмон не билдинг,
Мени мунтек эшикда хор қилдинг.

Қишиларким қўноқ қадри билурлар,
Қилинжин мундин азгурак қилурлар.

Жавоб айди Ширинким:— Эй жаҳондор,
Ҳамиша бу жаҳон тутмоққа бўл ёр.

Улош давлат санга-ўқ ёр бўлсун,
Қўралмағон кўзинга хор бўлсун.

Қаюким буйруқунгдин юриса тош,
Шоҳ эрса бўлмасун эгни уза бош.

Юқори, остинг уш теб таъна урма,
Яна бўлмачи соқинч соқну турма.

Алам бўлдум санинг ишқингда илка,
Алам юксақда екрак билгил элга.

Санинг йўлунгда тўзғон тўз манман,
Агар тўз йўқлатса айб этмагил сан.

Сан ўз шоҳлиқинда ирғою уш —
Туурсан қазғусуз, ишрат қилу хуш.

Қилурман уш экинг, ишқингда афғон,
Учакда ҳиндутек ким бўлса посбон.

Нечаким шоҳқа хизмат қилса олам,
Учак соқчиси бир ҳинду бўлур ҳам.

Ман ул кўзлари ҳинду туркманким,
Санинг ҳиндунг тию [ман] от атандим.

Агар кўк узра худ бўлса турушум,
Малик ҳукминда бўлғай ўлтурушум.

Яна Хисрав аюрким:— Эй Ширин, бил,
Эшик боғлаб қўноққа оз узр қил.

Айтти:— Сен қўноқ эрмазсан, эй ёр,
Ҳумой қуш тўрға илгу рағбатинг бор.

Қўноқ эрсанг ўрун қилдим, ўтур хуш,
Турурман қовшуруб қилмон тақи уш.

Қилойин ўз кучум етмишча қуллуқ,
Қўноққа тегмаз ортуқси фузуллуқ.

Сан эсрук келмагинг мунда хато ул,
Ман эшик боғламоқим ҳам раво ул.

Мани сан хилват эвда топсанг эсрук,
Халойиқ туҳмати бўлғайму эксук?

Керак эрди қилибсан яхши тадбир,
Иза берсанг бу ишга бир неча пир.

Тўра бирла киши изсанг қабуғқа,
Лойиқму тушмагай эрдим табуғқа,

Санга Шаккарча ҳам бўлмади Ширин,
Шакар ҳеч осғи йўқ, бўлмаса ширин...

Чечактек йизлаю илкинга олсанг,
Олиб хуш йизғим, андин ерга солсанг.

Маним бирла мунунг тек макр қилма,
Мени қўй ўз мунгум бирла, қотилма.

Етар Шаккарни онтек қилғонинг шўр,
Ахир бор кўзларим, эрмазман уш кўр.

Неча султон эсанг ҳам бир сан ўзунг,
Ўзунг янглиғ яна бир бўлсу сўзунг.

Агар бир эрса кўнглунг, бирга бўл бир,
Не бўлсаму киши бир меъдага ер?

Маним қиблам санинг юзунг-ўқ уш бир,
Санинг қибланг юз ортуқроқтур охир.

Агар эксилдиса Марям қатингда,
Юз андин яхшироқ бор хизматингда.

Саройинг тўп-тўлуқ кўрклик эвуқлар.
Итизма бу заиф оҳуда, қўй бор.

Ман эмди тўтитек ёлғиз қафасда,
Нетакким ёлғузин тирилса анқа.

Сан ирғол бирла дойим, ман йиғида,
Булун тушмиш менгиз ёлғиз йиғида.

Одат қилдим захм емак тикон — хор,
Не Марям бўлсун очунда, не гулзор.

Умур қоч кун, не қисматким берилди,
Кечар онтек нечукким қўл тирилди.

Зарури кўчку эмиш бу жаҳондин,
Ўминжим кесса ек, қўл барча ёндин.

Кимунгким моли, мулки бор бўлур,
Қўюб кетмак агар душвор бўлур.

Яна бўлса кимунг ҳоли манимтек,
Ўлум осон анга, билгил, эйбек,

Кишиким ўз сўзинга қарғу тинглар,
Биликлик разм бирла маъни онглар.

Сучук тил бирла алдамоқ тиларсан,
Ёш эрмазманким алдансам санга ман.

Манга бу тилку макрин оз қил, оз,
Қим арслон тилкулуқ қилса ярашмаз.

Не ишким Зухра чангитек тузарман,
Ярашмаз қилларин ўнгдин узарман.

Бузулмас сўнг қил ўнг озорламаса,
Ачиғ тотқу уза сўнг егу ҳалво.

Тутун берур ўт, сўнг берур нур,
Булут ҳам ўт чақиб ёмғур изортур.

Изиким хор била хурмо яратти,
Яна тунни қарортиб, кун ёритти.

Анинг ҳаққиким эксук қулларибиз.
Манга ҳурмонгни ол темаз тикансиз.

Тикансиз онча хурмо завқи бўлмаз,
Яна кундуз бу ойнинг нури қолмаз.

Шакар бордур табуғчинг қўби лекин.
Билурсан бўлмағайлар манча Ширин.

Маним ишқимдин айғилким не кўрдинг,
Улош шоҳлиқдан ўзга не кечурдинг?

Қаю соатда мени ёд қилдинг,
Қачон кўнглумни сендин шод қилдинг?

Қаю кўнглак маним ишқимда йирттинг,
Қаю эмгак маним йўлимда торттинг?

Қаю кун бир саломи айтиб издинг,
Қаю тун хуш каломи айтиб эдинг?

Сан ирғолда эдинг дўстлар била шод,
Қалам Шовур урурди, болта Фарҳод.

Нўкарлар тарғасун теб берди дастур,
Қамуғлар кетти, қолди шоҳ, Шовур.

*Ширин Хисравқа адл дод қилғуқа панд
бергонининг сўзлари*

Утурмиш эрди бир кун шоҳу Ширин,
Кечар эрди сўз ул доду адлдин.

Угутлаб айди Ширинким, аё шоҳ,
Тамоша қўй, адл қил, бўлғил огоҳ.

Жаҳонни ободон қилдинг бурун хуш,
Хароб қилма зулм бирла яна уш.

Укуш ирғол кечурдунг хуш жаҳонда,
Кел ўз вақтинга охир бу замонда.

Нетак [ким] бир инак сут берса ўнгдин,
Тебуб сўнг ўзи ерга тўкса сутин.

Соқинким ногаҳон зулмунгда мазлум,
Сўнгунча қарғамасунким бўлур шум.

Қари хотун саҳарда ўқ нишона —
Уруб тегурмасун ишингни жона.

Не фойда қилғай андин сўнг пушаймон,
Мулк бермишда сўнг илгингдин осон.

Неча кўзгуким ул шоҳлар элиндин,
Қарортиб солди мазлумлар оҳи чин,

Қачонким эрга давлат ёри қилмаз,
Не иш қилнур ул ҳеч ишга келмаз.

Қачон боғ япроқиким бўлса кучсиз,
Хазон андин уруб, очлур анга куз.

Қачонким ул чароғ ўчмакка ёвушур,
Бурунқитек бул ул бермаз бўлур нур.

Тўлуким дона боши узра ёғвой,
Шаки йўқ дона йизғи йўқға оғвой.

Оғочким аввалинда эгри битса,
Ани ўт бўлмаса, бўлмаз туз этса.

Укуш эл қарғишин олма соқинғил,
Раият асрамоқ яхши эрур бил.

Уш андин қўрқар уш кўнглумким, эй ёр,
Узоқи билкаларнинг бир сўзи бор:

Қаю хоңдин раият бўлса озор,
Темишларким қолур ёлғуз бўлуб хор.

Жаҳонда сантег уқ бир йўқ соқинма,
Яратгонга шукур қил, асру қайтма.

Сан ўз фойданг учун бир пандим олғил,
Раиятга зулм қилма, адл қил.

Ушул хоңлиқда ман ҳеч фойда кўрмон,
Ким эрким бор теб эл озорласанг сан.

Сан ушбу давлатингга бўлма мағрур,
Ким онгланмаз бу давлат бошда турур.

Ўқи Дороу Жамшед қиссасин бил,
Ҳам онлартек неча кечти, соқиш қил.

Уқуб Ширин сўзин шаҳ онгладиким,
Тилар тию маним бу эзгу отим.





ХОРАЗМИЙ





Хоразмий XIV аср ўзбек адабиётида дунявий лириканинг ривожига катта ҳисса қўшган шоирлардан биридир. Тахаллусидан хоразмлик экани кўриниб турган бу шоирнинг ижодий фаолияти асосан, XIV асрнинг биринчи ярмига тўғри келади. Шоирнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида озгина маълумот унинг бизгача етиб келган асари «Муҳаббатнома» да бор, холос. Бу асардаги маълумотга кўра, Хоразмий XIV аср ўрталарида Олтун Урдада яшаган ва масжид ҳужрасида фақирона умр кечирган.

Хоразмий ўзбек ва форс-тожик тилларида шеърлар ижод этган бақувват шоирдир. Ўзбек адабиёти тарихида дастлаб нома жанрини бошлаб берган шоир Хоразмий бўлди.

Хоразмийнинг «Муҳаббатнома»си ошиқнинг ўз маъшуқасига ёзган шеърий мактублари тарзида тузилгандир. Бу асар 11 номадан иборат бўлиб, шундан 8 таси ўзбекча ва 3 таси (4,8 ва 11 номалар) форс-тожик тилида ёзилган; ора-сира газаллар ҳам киритилган. Асарнинг ёзилиши 1353 (ҳижрий 754) йил.

«Муҳаббатнома» нинг уйғур ва араб ҳарфлари билан кўчирилган икки нусхаси бор. Тўпلامга кирган парчалар шу асарнинг XVI аср бошларида кўчирилган, Британия музейида сақланиб турган нусхасининг фотокопиясидан олинди.



«МУҲАББАТНОМА»дан

М

Аввал кўришканин айтур

ун оқшомким кўрунди байрам ойи,
Муҳаммад-хўжа бек давлат ҳумойи.

Буюрди ўзга шодурвон урулди,
Қадаҳ келтурдилар, мажлис қурулди.

Хусайний парласи узра тузуб соз,
Муганний бу ғазални қилди оғоз.

Ғазал

Чи маҳ рўйи ту, эй сарви сарафроз,
Ки мемонад барўят гул даҳан боз.

Баёди қоматат мебўсамаш пой,
Ниҳолероки мебинам сарафроз.

Бадон монад туро дур дар баногўш,
Ки гардал Зухра бо хуршед ҳамроз.

Хати сабзат базери жаъди мушкин,
Чу тути баччаэ дар чангали боз.

Чи монад бо лабат ҳар лаълу ёқут,
На дар ҳар хотами мебошад эъжоз.

Ту бомо го тавони ноз мекун,
Ки хуш бошад зи ёри нозанин ноз.

Қаманд афган чу зулфат ҳиндуи нест,
Чу чашмат тез турки новак андоз.

Ту султони сарири мулки ҳусни
Бамо бечорагон гаҳ-гоҳ пардоз.

Гулистон кай бувад ҳоли зи булбул,
Жамоли рўйи хубон беназар боз.

Хушо рўзеки Хоразмий бимолад,
Қадамҳойи туро бардидаҳо боз.

Баёнивоқинн айтур

Табассум қилди, айди: «Эй фалони,
Кетургил бизга лойиқ армуғони.

Кўнгул баҳринда кўп гавҳарларинг бор,
Очунда порсий дафтарларинг бор.

Муҳаббат нардини кўплардин уттунг,
Шакартек тил била оламни туттунг.

Тиларманким, бизинг тил бирла пайдо,
Китобе айласанг бу қиш қотимдо.

Қим уш елтек кечар айёми фоний,
Жаҳонда қолса биздин армуғоне».

Қабул қилдим, ер ўптим, айдим: «Эй шох,
Эшикинг тупроғи давлатли даргоҳ.

Кучум етмишча кўп хизмат қилойин,
Жаҳонга эзгу отингни ёёйин.

Букун тонқа тикин май нўш қилгин,
Бадиҳа бу ғазални гўш қилгин».

Ғазал

Юзунгда кўрдум, эй жон, байрам ойин,
Мунунг шукронаси қурбон бўлаойин.

Агар кун туғмаса ҳам ёқту қилгай,
Юзунг нури бу дувёнинг саройин.

Гар Афлотун сенинг ишқингда тушса,
Берур елга қамуқ тадбиру ройин.

Шакартек тил била тўти тилингиз,
Неча кўп сайд этар жонлар ҳумойин.

Саодат бирла бахт иккиси бичти,
Бўюнғизға латофатнинг бу қойин.

Ижозат берсанғиз тонг ёқтуситек,
Жаҳонға ҳуснунғиз човин ёёйин.

Сиза теб келди Хоразмийни асранг,
Ким асрарлар қамуқ шаҳлар гадойин.

М а с н а в и й

Довисқинча ғазал, шаҳ гўш тутти,
Манга хилъат киюруб, қўш тутти.

Бир оз кечти дағи мажлис исинди,
Қадаҳ чаврулдию май бошқа минди.

Яна фурсат била бўлдум маҳални,
Уқудум хизматинда бу ғазални.

Ғ а з а л

Яратқонким тан ичра жон яратти,
Сени кўрклуклар узра хон яратти.

Қуёш янглиғ юзунғизни ёрутти,
Фалактек бизни саргардон яратти.

Халойиқ қибласи бўлди жамолинг,
Ушал кунким сени яздон яратти.

Тўлун ой таъбия сарв узра қилди,
Ой ичра ғунчай хандон яратти.

Жамолингни жаҳонга жилва қилди,
Мени ул сурата ҳайрон яратти.

Эшиттинг эрса Юсуфнинг жамолин,
Сени ҳусн ичра сад чандон яратти.

Карим тенгри камолин қилса изҳор,
Сен ойни бўйла бенуқсон яратти.

Зиҳи қодирким ул бир қатра сувни
Муҳаббат гавҳаринга кон яратти.

Азалда қилди Хоразмийни муҳтож,
Тағи манзурини султон яратти.

Аввалғи номани айгур

Аё кўрк ичра олам подшоҳи,
Жаҳон тутти сенинг ҳуснунг сипоҳи.

Пари рухсораларнинг кўркабойи,
Юзунг наврўзу, қошинг байрам ойи.

Кўнгул ширин сўзунгга бўлди Фарҳод,
Кўзунг Кашмир жодусиға устод.

Қаро менг ол янгоқингда ярошур,
Бошим дойим адоқингқа ярошур.

Бўйунг сарву санубартек, белинг қил,
Вафо қилгон кишиларга вафо қил.

Ақиқинг суҳбатиндин жон бўлур сўз,
Қамартек чеҳрангга боқса қамар кўз.

Урур наргисларинг новакни жонға,
Кулар чеҳранг чечактек аргувонға.

Муҳаббат нори жондин кетмади ҳеч,
Қўлум сим олманғизға етмади ҳеч.

Саройдин¹ борди Чин-Мочинга човинг
Қиё боқсанг бўлур арслонлар овинг.

¹ Сарой шаҳри.

Табассум қилсангиз шаккар уёлур,
Тишинг инжусидин гавҳар уёлур.

Жамолинг етти оламга сипаҳлар,
Қатингда ер ўпарлар жумла шаҳлар.

Фалак ишқинг йўлинда бесару пой,
Исирғанг донаси Зуҳра, юзунг ой.

Латофат мулкида султонсен, эй жон,
Қамуқ бошдин-оёққа жонсен эй жон.

Қатиқ кулсанг магар оғзинг билургай,
Пари кўрса сени, мендак тилургай.

Сочинг бир торина минг ҳур етмас,
Юзунгнунг нурина минг нур етмас.

Агар берса суюрғаб ҳақ таоло,
Керакмас сенсизин фирдавси аъло.

Кўнгулнинг қони қайнаб барча тошқай,
Кўзумнинг ёшидин кавсар бўлошқай.

Кишининг сенсизин не жони бўлсун,
Анингтеқ умрнинг не сони бўлсун.

Шакар эрнинг наботи хизра ўхшар,
Оёғинг кимки ўпса мангу ёшар.

Жамолингтеқ кишининг йўқ жамоли,
Дариго, бўлмаса эрди заволи.

Қиёмат кўркласен ҳуснунга не сўз,
Йироқ бўлсун жамолингдин ёвуз кўз.

Букун йўқтур, сен ойтёк кўкта, асра,
Қулунг бечора Хоразмийни асра.

Маснавий

Кел, эй соқи, кетургил бодаи ноб,
Кула-ўйнаю ичсунлар бу асқоб,

Ким уш елгек кечар айёми фоний,
Ажалдин ҳеч кишининг йўқ амони.

Сабурдин яхши йўқтур пеша қилсам,
Бу йўлда сабр йўқ андеша қилсам.

Иккинчи номасин айтур

Саломим гулга элт, эй тонг насими,
Ким эрур ой қули, ахтар надими,

Саломиким кўнгул жонона айса,
Эрур кўзлар саводидин битиса.

Саломимни тегур ул дилситонга,
Раҳмсиз бевафо жону жаҳонга.

Саломимни тегур ул кўркабойга,
Ким урур чеҳраси минг таъна ойга.

Саломимни тегур ул хушлиқога,
Қамуқ бошдин-оёқ оби бақога.

Айитқил, эй бўюнги туби тибоқи,
Қулунг [нинг] ҳаддин ошти иштиёқи.

Айитқил, эй висолинг умр боғи,
Эшигинг тупроғи кавсар булоғи.

Айитқил, эй сўзи ёлгон-жафокор,
Қароқлари қароқчи, ўзи айёр.

Айит, эй миҳринг оз, ишванг фаровон,
Нетадур ул оғизда мунча ёлгон.

Айт мендинким, ул мискин урур оҳ,
Қачон энгай гадонинг эвина шоҳ.

Қачон қилгай кўзумни ёқту ул ой,
Эрур юзи қуёштеқ оламорой.

Қачон лаълинг қадаҳлар нўш қилгай,
Қарашманг бандани мадҳуш қилгай.

Зиҳи фарҳанда толиъ бахтиёри,
Ким ул ҳазратта бир кун топса бори.

Юзунгдин билгурур давлат нишони,
Урамунг тупроғи, бахт ошиёни.

Жаҳон тутти жамолинг, дод қилгил,
Бу мискинни бирар ҳам ёд қилгил.

Сенингдек подшонинг марҳабоси,
Менингтеки минг гадонинг хун баҳоси.

Кучум етгунча кўп қилдим вафолар,
Вафолиқ қулни асрар подшолар.

Манга сенсиз ўлумдур бу ҳаётим,
Сенинг меҳринг била йўғрулди зотим.

Кўнгулга ўзганинг меҳрин ёвутмон,
Йироқлиқ бирла мен сизни унутмон.

Эрурман васлингга дойим талабгор,
Нечаким тун узун бўлса тонги бор.

Топилгай мақсудум табқунгда бори,
Саодат қилса Хоразмийга ёри.

Оғир уйқучи бахтим неча ётқай,
Висолинг машриқиндин ҳам тонг отқай.

Маснавий

Кел, эй соқи, кетургил жоми жамни,
Кишининг кўнглидин май юр ғамни.

Ким ошти кўкка оҳим ихтироқи,
Куюрди кўнглуми дилбар фироқи.

Сабурдин яхши йўқтур пеша қилсам,
Бу йўлда сабр йўқ андеша қилсам.

Бешинчи номасин айтур

Аё гулчеҳралар молик риқоби,
Қамуқ олам сенинг ғамзанг хароби.

Латофат мулкининг соҳибқирони,
Мувофиқ суратинг бирла маони.

Хираддин оздурур ғамзанг хумори,
Янғоқларинг Халилдуллоҳ нори.

Сенинг ҳуснунг қамуқ оламда машҳур,
Юзунгдин кизланибтур хулд аро ҳур.

Кўнгулга жондин ортуғроқ кераксен,
Парию ҳурдин ҳам кўрклураксен.

Фаришта кўрса бўлғай сизга мойил,
Сизингтеки кимда бор шаклу шамойил.

Ярар жон десалар ёқутунгизга,
Тенг этмон Зуҳрани Ҳорутунгизга.

Мен асру бенаво, сиз муҳташамсиз,
Латифу нозику зебо санамсиз.

Қилур ўз жонига қасд, ўзи бойиқ,
Гадоийким бўлур султона ошиқ.

Менинг дардимга дармон васл эрур бас,
Вале ҳаргиз улашмас гавҳари хас.

Саботек билмас охир ўз чоғини
Босар ҳардам эшигинг тупроғини.

Куяр кўнглум сабонинг ул ишидин,
Нечукким куйса хирманлар яшиндин.

Кулар ой ҳуснунга гултек энгингиз,
Қародур лола кўнглитек мефгингиз.

Менга учмоқ эрур васлинг ҳузури
Юзунгдин шуъла урур тенгри нури.

Урамунг итларининг иттиҳоди
Кўнгуллар мақсуди, жонлар муроди.

Чечак дермен юзунгизга, қамар ҳам,
Халойиқ севганин холиқ севар ҳам.

Сенинг ишқинг каманди бизни тортар
Жамолинг равнақи оламни ўртар.

Ушул кунким, сени холиқ яратти,
Сени дилбар, мени ошиқ яратти.

Манга табқунгда ҳаргиз бўлмади сон,
Киши ул салтанатни бўлмас осон.

Анингким сидқи бўлса сизга зоҳир,
Ани сизтеклар асрар бўлур охир.

Нечаким берса чеҳранг кўзлара нур,
Чечактек бўлмағил ҳуснунгга мағрур.

Сенинг ишқингда Хоразмий йўқолди,
Валекин ер юзинда оти қолди.

Маснавий

Кел, эй ой юзлу дилбар, тут бирор қўш,
Бирор қўш бирла қилғил бизни мадҳуш.

Бўлоли айшу ишрат пешалардин,
Қутулсун кўнглумиз андешалардин.

Сабурдин яхши йўқтур пеша қилсам,
Бу йўлда сабр йўқ андеша қилсам.

Олтинчи номасин айтур

Аё бўйи санубар, чеҳраси ой,
Қуёш янглиғ жамолинг оламорой.

Хатинг тўтиси лаъл узра қўнуб бор,
Берибтур пистага қанду шакарбор.

Турубтур кўзда қаддингиз хаёли,
Анингдекким сув узра тол ниҳоли.

Сенинг чеҳрангда, эй фирдавс сарви,
Экин қон бирла юр чимгон тазарви.

Юзунг нури қуёшнинг нурин ўртар,
Сақоқинг шуъласи оламни ўртар.

Ўтурсанг ўлтурур фитна, кетар ғам,
Агар қўпсанг қиёматлар қўпор ҳам.

Сумантек оразинг гулдур тикансиз,
Манга дўзах эрур учмоқ сенсиз.

Ю[зун]гузда кўрунур кўзгутек нур,
Бўюнгузга латофат кисвати туз.

Тишинг, лаълинг гуҳар жон дуржи ичра,
Юзунг, қошинг қуёш ой буржи ичра.

Не билур қадрингизни текма нодон,
Гуҳар қадрини аъмо билмас, эй жон.

Кўзумдин ҳар замон йўлтек фаровон,
Висолинг орзусиндин оқар қон.

Кўнгуллар оҳидин иймангил, эй шоҳ
Ким ойина тўнар кўп қилсалар оҳ.

Жаҳон тутти қаро зулфунг балоси,
Куюрди халқни чеҳранг юлоси.

Бўюн сундум бу йўлда минг балоға,
Кўнгул парвона бўлди ул юлоға.

Билурсизким эрур айём фоний,
Негук ҳаддин ошурурсиз жафони.

Жаҳонда салтанат роқул била хуш
Чаманнинг гуллари булбул била хуш.

Қачонким шод эсанг гамгина раҳм эт,
Агар султон эсанг мискина раҳм эт.

Сенинг зулфунг каманди бизни тортар,
Жамолинг равнақи оламини ўртар.

Бўлур, ҳаққо зиёдат дийда нури
Қачонким бўлсамен дилбар ҳузури.

Севармен кўзни сизни кўрмак учун
Юрурмен ерда изни кўрмак учун.

Қулунг не қилсун ўз ҳаддини тақсир,
Кўнгул бир, қибла бир, жонона ҳам бир.

Муҳаббаттин туғар минг турли асрор,
Кўнгул асрорини жон бирла асрор

Чечаксен, банда сайрар булбулунгдур
Неча боринча Хоразмий қулунгдур.

Маснавий

Кел эй соқи кетургил лолагун май,
Ким ул май қилди кўпни Ҳогами Тай.

Суроҳи тўлса куб оғзин очалинг,
Букун майхонада ёрмоқ сочалинг.

Сабурдин яхши йўқтур пеша қилсам,
Бу йўлда сабр йўқ андеша қилсам.

* * *

Унунчи номасин айтур

Аё номехрибон аҳди бақосиз,
Жаҳон елтек, умр гултек вафосиз.

Қамуқ ёқут эринли, сўзи дурлар
Вафосизлиқни сиздин ўгранурлар.

Умр меҳнат била поёна келди,
Кўнгул жавринг элидин жона келди.

Мени ўлтурди ишқинг, бермадинг дод,
Борурмен остонангдин ёр, хайр бод.

Кўзум кўрди жамолинг шевасини
Кўнгул тотмади боғинг мевасини.

Эрур жон мақсуди эрнинг наботи,
Ҳусуннунг ҳам бўлур охир закоти.

Сенга то бўлдум, эй жон, ошномен,
Жафонг илгиндин усру мубталомен.

Салойин ўзуми ўзга диёра,
Кўнгулни боғлағойин ўзга ёра.

Талим гулчеҳра наргис кўзлилар бор,
Шакар дудоғли, ширин сўзлилар бор.

Вале кўнгул қутулмас домингиздин,
Қамуқ шаккар томар дашномингиздин.

Бағишласанг қоним, султонсен охир,
Кўзумга нур, танимга жонсен охир.

Давр сизнинг дурур даврон боринча,
Қулунгизмен танимда жон боринча.

Билурменким сизингдек бўлмай, эй жон,
Бўюнсундум жафоға, қулмен, эй жон.

Киши қайда ўларин билса бўлмас,
Ҳақиқат ёридин айрилса бўлмас.

Хирад бирла жаҳон афсонаси мен,
Вале занжирингиз девонаси мен.

Ўлумдур бизга жононсиз тирилмак,
Маҳол эрур тана жонсиз тирилмак.

Кўнгул меҳри назар йўлиндин ортар,
Нигори жаврини жон бирла тортар.

Хусунни то ҳувайдо қилди холиқ,
Хусн бирла вафо бўлмас мувофиқ.

Жафодин инграмас бу йўлда ушшоқ,
Вафодин жаврингиз минг қатла хушроқ.

Аюрмен, юз нечаким келса меҳнат,
Жафо сиздин, тағи биздин муҳаббат.

Ўғон Юсуф жамолин сизга берди,
Муҳаббат кимёсин бизга берди.

Бу Хоразмий «Муҳаббатнома»сини
Аторуд кўрди, солди хомасини.

М а с н а в и й

Кел, эй соқи, кетургил хуш сабуҳи,
Ким ушбу дам эрур жоннинг футуҳи.

Ичолинг бодани гуллар сўлиёр
Танимиз оқибат тупроқ бўлиёр.

Бу ерга етти сўз таъхир бўлди,
Бурун ўн дедим у ўн бир бўлди.

М у н о ж о т

Илоҳи, оқту қилгил жонимизни,
Халалдин сақлагил имонимизни.

Тикандин қудратинг пайдо қилур гул,
Хато кўп келди мен қулдин, кечургил.

Аё фарханда толиъ талъати кун,
Сени тенгри муродингга тегурсун.

Муҳаммад хўжа бек Жамшеди соний
Жаҳоннинг орзусию халқ хони.

Саодатни ҳунарга ёр қилгил,
Хунардин бизни бархурдор қилгил.

Сўзум бикрини кўргуз шаҳға ширин,
Шаҳиким қилди Хисравларни Ширин.

Аёйин эмди бир қитъа эшитгил,
Нечукмен ҳолу аҳволимни билгил:

Қ и т ъ а

Тамаъ доминда қолур қуш эмасмен,
Талим айвон уза учқон ҳумомен.

Қиличгек тил била туттум жаҳонни,
Қаноат мулки ичра подшомен.

Ҳаробот ичра масжидда ерим бор,
Ким уш ҳам риндмен, ҳам порсомен.

Неча ҳашматли султон бўлса бўлсун,
Айитмон мол учун мадҳу сано мен.

Қиёматқа текин қолсун отинг теб,
Сенинг табқунгла бўлдум ошно мен.

Х о г и м а т у л - к и т о б

«Муҳаббатнома» сўзин мунда йиттим,
Қамуғин Сир ёқосинда битийдим.

Назар бирла агар Жам сен гар Осаф,
«Муҳаббатнома»[ни] қилсанг мушарраф.

Уқиғил фотиҳада қибла ёни
Севунсун банда Хоразмий равони.

Бу дафтарким, бўлубтур Миср қанди
Ети юз элли тўрт ичра туганди.

Хушо вақтат ки айши тоза дори,
Бисоти нек беандоза дори.

Мабар савдойи ҳоми кон газофаст,
Дами обу лаби нонат кафофаст.

Илтимосин айтур

Муни ким ишқ бирла бир ўқуғай,
Ҳақиқат оламини мунда бўлғай.

Айитқон бу китебни ҳам битийғай,
Тиларменким дуода ёд қилғай.

Ф а р д

Ниёзим бу турур сендин, нигоро,
Унутма бандани баҳри худоро.



ХУЖАНДИЙ





Ш оир Хўжандийнинг ҳаёти ҳақида ҳеч қандай маълумотга эга эмасмиз. Тахаллусига қараб, хўжандлик дейиш мумкин¹. Хўжандийнинг биргина «Латофатнома» номли асари сақланган бўлиб, унинг XVI аср бошларида кўчирилган ягона нусхаси Британия музейида. Асар Хоразмийнинг «Муҳаббатнома» сидан таъсирланиб ва унга эргашиб ёзилган. Ана шунга қараганда, «Латофатнома» XIV асрнинг иккинчи ярми ёки XV асрнинг бошларида ижод этилган деб тахмин қилинади. «Латофатнома»дан тўпلامга кирган парчалар Британия музейидаги нусханинг фотокопиясидан олинди. Фотокопия СССР Фанлар Академиясининг Шарқшунослик институтида ва Ўзбекистон ССР Фанлар Академиясининг А. С. Пушкин номли Тил ва адабиёт институтида бор.

¹ Хўжандийни машҳур тожик шоири Камол Хўжандий билан аралаштирмаслик керак.





«ЛАТОФАТНОМА»дан

Сабаби назми «Латофатнома»

С аҳар вақтиндаким хуршеди ховар
Жамолиндин жаҳон бўлди мунаввар,

Олиб найза иликка хисрави чин,
Ҳабаш султонини қувди жаҳондин.

Шаҳи машриқ алам оламга урди,
Сипоҳи занги қўрқуб юз ёшурди.

Чиқорди эрса шаҳ ханжар белиндин,
Ҳабаш султони қочти Рум элиндин.

Сипоҳи турк бўлдиса сиёҳи,
Азимат тутти ҳиндулар сипоҳи.

Хурусн субҳдан фарёд ошурди,
Кеча зоғи юмуртқасин ёшурди.

Тафаккурда турур эрдим саҳаргоҳ,
Эшиктин бир жувоне кирди ногоҳ.

Фироқ ўтинда бағри пора бўлғон,
Элиндин ишқ учун овора бўлғон.

Анингким, ишқи йўқ андин не ҳосил,
Севар жононасиз жондин на ҳосил.

Анингким бир севар жонони йўқтур,
Ҳақиқат бил, танинда жони йўқтур.

Не билсун текма нодон ишқибози,
Ҳақиқат бўлмаса бори мажози.

Аюр:— «Эй сўз ичинда ўд бағоят,
Не бўлғай қилсангиз бизга иноят.

Сени шоир теб айтурлар халойиқ,
Сўзунгдин туҳфа келтур бизга лойиқ.

Тилармен сендин, эй кони малоҳат,
Ки берсанг сўз билан жонимга роҳат.

Муҳаббат жомидин ичсанг шаробе,
«Муҳаббатнома»га айсанг жавобе»

Қабул эттим, қабулият йўқ эркан,
Сало урдум, салоҳият йўқ эркан.

Боқиб сўз шоҳидининг юзин очтим,
Бошиға дурру жавҳар, инжу сочтим.

Тафаккур баҳриға боттим ҳижобсиз,
Чиқардим дурру жавҳар кўп ҳисобсиз.

Риёзат баҳрина солдим ўзумни,
Иборат силкига тортидим сўзумни.

Тилимда сўз, элимда хома бўлди,
«Латофатнома» ҳам ўн нома бўлди.

Табиатдин чиқордим назм бисёр,
Очунда бўлмадим ўдгу харидор.

Сўзум чун донадур, нодон не билсун,
Вале ҳайвон суйин ҳайвон не билсун.

Номаи панжўм

Аё дилбар, кел эмди ёз очилди,
Гулистон шонида гуллар сочилди.

Қаро ерга менгизлик бўлди хазро,
Чаман шоҳидлари бўлди мусаффо.

Етиб келди яна фасли баҳор ул,
Дами Исодин эмди ёдгор ул.

Чечаклар хони урди тахти мино,
Гулим теб қумри гулшан Тури сино.

Бинафша зулфидин анбар сочилур,
Кўруб гул гунчанинг оғзи очилур.

Мурассаъ хай суйиндин лола тожи,
Жавоҳир инжуга йўқ эҳтиёжи.

Иликта жоми жам олмиш шақойиқ,
Эрам боғи бикин бўлмиш ҳадойиқ.

Гулистон қушлари гулгул қилодур,
Йиғочлар ўйнаюр-да енг солодур.

Чин-уқ маъшуқу ошиқдек чибуқлар
Бири бирини ўйнарда чобуқлар!

Эрур бизга юзунгиз мусҳафи фол,
Муҳаббат давлатина зулфунгиз дол.

Тор оғзинг мушкилин ҳал қилса бўлмас,
Лабингдин сўрмагинча билса бўлмас.

Сўзунгдин билгурур оғзинг, демишлар,
Бўлур мантиқ билан ҳал мушкил ишлар

Лаби лаълинг сўзунгни турфа дилбар
Шакар десам, бўлур сузум мукаррар.

Қаро менг эрнингиздин холи эрмас,
Кўнгуллар доғидур ул холи эрмас.

Раҳим қилмасмусен, эй бағри тошим,
Ичим куйди ғамингда, ёнди тошим.

Бегим сенсиз бу мискин қул не қилсун?
Чечаксиз бенаво булбул не қилсун?

Чечаксиз булбулунг иши наводур,
Ошиқлар ҳар неким қилса раводур.

Мени ишқинг айирди хонумондин,
Юзунг шавқинда жон кечти равондин.

Юзунг ишқингда жон бермак тиликдур,
Санга ошиқ бўлон жондин иликдур.

Мени ишқинг очунда фош қилди,
Юракимни фиरोқинг пош қилди.

Бу ишқ эрмас, ҳақиқат, бир балодур,
Ошиқларни тутуб, ўтқа солодур.

Не истарсен менинг жонимдан, эй ишқ?
Не келгай бир овуч қонимдан, эй ишқ?

Сенинг ишқинг мени девона қилди.
Муҳаббат жомини паймона қилди.

Муҳаббат жомини ул ошиқ ичгай,
Ким аввал жонидин ишқида кечгай.

Қишиким жонини жононга берса,
Ҳақиқат жон берур гар ошиқ эрса.

Агар сен ошиқ эрсанг, сўзлама ҳеч,
Фидо қил бошнию жондин равон кеч.

Хўжандий, мухтасар қилғил сўзунгни,
Ошиқларқа қота кўргул ўзунгни.

Кел, эй соқий, шароби ноб келтур,
Фақирлар кўнглини дарёб келтур.

Номаи шашишум

Аё сарви сиҳи бўйлуқ, бели қил,
Уладурмен фиरोқингда раҳим қил.

Раҳмсиз бевафо, номеҳрибоним,
Фироқинг ўтида ўртанди жоним.

Унуттунг бир йўли аҳду вафони,
Фалактинму сабақ олдинг жафони?

Сизингтек кўрмадим турфа нигоре,
Эурсиз бевафолиқта диноре.

Лабинг шаккар тўкар дашномингиздин,
Киши бир журъа тотмас жомингиздин.

Шакар эрнинг дўкон қурмиш давоға,
Вале тегмас менингтак бенавоға.

Товонгарсиз, бегим, ҳусн ичра комил,
Гадоға манфаат тегмас, на ҳосил?

Ганийсен ҳусн мулкинда бағоят,
Фақирларға бирор қилғил иноят.

Нисоби ҳуснунгиз етмиш қамола,
Закот бермасмусиз мундоқ жамола.

Соғинмассен бирор, эй кўркабойим,
Қаён борди эшигимдин гадойим.

Гадо ҳолин ғани билмас бўлурму?
Фақирларға раҳим қилмас бўлурму?

Кўзум тўймас юзунгга боқса тун-кун,
Гадонинг кўзи тўймас, бўлса Қорун.

Бегим, неча бахил бўлсанг, вафода —
Очуқтур қўлларинг илги дуода.

Тилар бўлсанг жаҳон ичра аморат,
Фақирлар кўнглини қилғил иморат.

Ғанимат тут ҳусн даврони беш кун,
Кечар дунё, қани Лайлию Мажнун?

Бадал қил шодиға дунё ғамини,
Ғанимат тут йигитлик мавсумини.

Йигитликни ғанимат тут, мудом ич,
Ўсал қилма, кеча-кундуз давом ич.

Муфарриҳ бирла ғам ўтин ўчургил,
Кечар дунёни беш кун хуш кечиргил,

Муҳаббат бирла суруб ишларингни,
Ғанимат тут, бегим, дарвешларингни.

Замона бевафодур, така қилма,
Букунги яхши кунни тонгға солма...

Фалакнинг гардишидин бўлма ғофил,
Пушаймон бўлғасен охир, не ҳосил?

Жафо ҳаддин ошурма қулларингга,
Чечаксен, раҳм қил булбулларингга.

Кўнгул экинга бол эрнинг даводур,
Раҳим қилким, Хўжандий бедаводур.

Кел, эй соқий, шароби арғувон бер,
Кўнгулдин ғам кетар, жонға равон бер.





САЙФ САРОЙИ





ҲАЗАЛЛАР

Эй кўрклилар хаёли билан мубтало кўнгул,
Кўзи билан кетурган ўзини бало кўнгул.

Не ерда бир қамар киби юз кўрижак, равон,
Кўзунг юмуб тушарсан анинг устино кўнгул.

Бир гул янгоқли, жоду қароқлиға ўғрасанг,
Жонинг фидо қилурсан ўшул анго кўнгул.

Султонлар ўғли зулфина густоҳ қўл сунаң,
Сан-сан алинда бир шўли йўқ бенаво кўнгул.

Улким сани жафо била ўлтурмага тилар,
Минг жон билан қилурсан анга хуш дуо, кўнгул.

Тортиб замона хўбларининг жаврини мудом,
Кўрдунгми ҳеч биринда булардин вафо, кўнгул.

Куйдум санинг била неча гез фурқат ўтина,
Йиллар чекиб санинг била жавру жафо, кўнгул.

Қози эви на ерда ажаб, муфти қайдадур,
Қилгай эдим санинг била хуш можаро, кўнгул.

Сайфи Саройини бу қароқида боғласанг,
Хўблар жафоси бирла бўлурсан фано, кўнгул.

Топулмас ҳусн мулкинда санга тенг бир қамар ман-
зар,

На манзар, манзари шоҳид, на шоҳид шоҳиди
дилбар.

Бу кун Юсуф жамолини қилубдур ҳақ санга бахшиш,
На бахшиш бахшиши давлат, на давлат давлати мафхар.

Сўзунг дурру жавоҳирдур кўнгуллар ганжина лойиқ,
На лойиқ лойиқи хисрав, на хисрав хисрави кишвар.

Шакардин тотлудур хулқинг, ғарамда хотиринг матлаб,
На матлаб матлаби маъдан, на маъдан маъдани жавҳар.

Зиҳи давлатлу ошиқким санинг бирлан қилур ишрат,
На ишрат ишрати жаннат, на жаннат жаннати кавсар.

Бу ҳуснинг шавқи завқини кўнгул тўтилари топди,
На топди топди хуш лаззат, на лаззат лаззати шаккар.

Жамолинг нақшина Сайфи Саройи боғлади сурат,
На сурат сурати ҳасно, на ҳасно ҳусни жонпарвар.





«ГУЛИСТОН» ТАРЖИМАСИ МУҚАДДИАСИДАН
(шоирлар таърифида)

Жаҳон шоирлари, эй гулшани боғ,
Кими булбулдурур сўзда, кими зог.

Кими тўти тикин чайнар шакарни,
Кими лафзи билан ўртар дурарни.

Кимининг сўзлари мавзуну ширин,
Кимининг лойиқи таърифу таҳсин.

Кими ўзганинг ашъорин меним дер,
Кими ҳайвон киби шалғам чўпин ер.

Кими маъни қўюб, лафзин тузотур,
Кими вазнин бузуб, санъат кўзотур.

Уларнинг уш бири Сайфи Саройи,
Жаҳон орифларининг хоки пойи.

Ани сан жумла шоир камтари бил,
Қамар юзга ҳамниша муштари бил.



ҲАЙДАР ХОРАЗМИЙ





Ҳайдар ёки Мир Ҳайдар хоразмلى шоирлардан бўлиб, бунинг ҳам ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида керакли маълумотга эга эмасмиз. Шоир Ҳайдарнинг «Маҳзанул асрор» номли биргина асари сақланган, холос. Бу китоб Низомий Ганжавийнинг худди шу номли асари-дан илҳомланиб ва кенг фойдаланиб ёзилган. Унинг ёзилиши 1409—1414 йиллар орасида дейиш мумкин. Бу асарнинг 1508/1509 (ҳижрий 914) йил Ҳиротда кўчирилган нусхаси Британия музейида сақланади. Ҳозирча қардалиги маълум бўлмаган иккинчи қўл ёзма нусхасининг тўлиқ тексти 1858 йилда Қозонда нашр этилган. Ҳар иккала нусханинг текстлари орасида анчагина фарқлар бор. Тўпламга кирган парчалар Британия музейидаги қўл ёзманинг фотокопиясидан олинди ва Қозон нашрига солиштириб ишланди.





О «МАХЗАНУЛ-АСРОР»дан

қил агар сўз била сўзни ёпар,
Ориф ўшул сўзда ўзунни топар.

Улки билур сўз гуҳари қийматин,
Сўзда топар сўзлагучининг отин.

Аҳли назар шевасини сўз билур,
Нури басар мевасини кўз билур.

Сўз кўзидур улки кўрар ҳолни
Ўз сўзидур улки сўрар ҳолни.

Сўзда кўзу сўзлагучида назар,
Йўқ эса сўз гизлагучида хабар.

Зоҳиру ботин хабари сўздадур,
Ўзгада йўқ ҳар неки бор ўздадур.

Ул кишиким топмади сўз ганжини,
Қилди ҳабоу ҳадар ўз ранжини.

Қимки назар мазҳаридин юмди кўз,
Қўймади мерос ўзидин ғайри сўз.

Умр гаронмоя чу бўлғай талаф,
Сўздуру сўз дунёда қолғай халаф.

Мусаннифнинг васфил-ҳоли

Бир кеча ғам бирла эдим ҳамнафас
Мунису дамсозим ул эрдию бас.

Кўз ёшидин бода, бағирдин кабоб,
Дарди дилим нуқлу фиғоним рубоб.

Қайдағи андешаларим жўш уруб,
Бўюми бошдин-аёқ оғуш уруб.

Оҳи жигар сўз сўнуб дасти зўр,
Нолаи дилсўз қилиб шарру шўр.

Сиина бароз дарди бало хонидин
Сер бўлуб ўз юраги қонидин.

Дард сепиб эски жароҳатга туз,
Шўришу шўробаси тинмай ҳануз.

Шамъи сифатлик юрагим шуълазан.
Дуд бошимда, аёқимда лакан.

Жон тиламай бир йўли тан сиҳҳатин,
Ўйлаки, тан гўру кафан суҳбатин.

Кўзума кенг дуня бўлуб тангу тор
Рўзи қиёматни кўруб ошкор.

Ҳар даму ҳар лаҳза бир ўтқа ёниб,
Ғояти йўқ ўт била ўртониб.

Ўт ичида муфлису бечоравор,
Нолаи жонсўз тузуб сад ҳазор.

Ҳар нафас оҳанг қилиб бир наво,
Дуняда ҳар лаҳза солиб бир садо.

Умр ўтуб, кўрмайин уйқуда туш,
Нолаларимдин уюмай қурту қуш.

Чархи фалак ташна бўлуб қонима,
Дуняйи дун қасд қилиб жонима.

Сабр биносини бакуллий бузуб,
Ҳосили йўқ умридин уммид узуб.

Тойири андеша уруб болу пар,
Фикр аёқи бирла кезиб ҳушку тар.

Гоҳи малак авжида тайрон этиб,
Гоҳи фалак буржида сайрон этиб.

Гоҳи тилаб дарди дилимға даво
Гоҳи сўруб ранжу ғамима шифо.

Мен бу даму тоса била тимсаниб,
Ғайрат ачиқ устида берди наҳиб,

Неча бу бесабрлиқ эй носабур.
Эр керак эмгак била топса ҳузур.

Банду бало дуняда эрга тушар,
Мунча бало эр кишига не бўшар.

Эр эсанг эрдек юрагинг тишлагин,
Кечган эранларнинг ишин ишлагин.

Маъниси йўқ лофни қўй, эй фузул,
Рақсга шойиста дагул най усул.

Қисса узун қилма, кўтарма алам,
Торт бу даъви рақаминға қалам.

Зарра киму кунга ҳаводорлиқ,
Сен киму ул жузъга сазоворлик

Лойиқ эмассен бу шараф буржина,
Муштари ўлма бу гуҳар дурина.

Моя қаниким, тиласанг судни.
Билсанг ишинг ғояти беҳбудни.

Йўлга қадам қўймаки бегонасен,
Силсила тебратмаки, девонасен.

Чунким эшиттим бу бузургона сўз,
Тушти вужудумға бир ўт ўздин-ўз.

Телбалигим тутти димоғим йўлин,
Тўлғади бу нағма қулоғим йўлин.

Тортти ул пояи ҳушёрлиқ,
Жон кўзини сурмаи бедорлиқ.

Атса уруб нотиқа мустаъжили,
«Ярҳамакаллоҳ» деди жон тили.

Бош чиқариб ишқ кўнгул жайбидин,
Бошлади сўз нусхаи лорайбидин.

Завқу ҳавас тилга равонлиқ берур,
Сўз дамина руҳ нишонлиғ берур.

Гарчики андеша итик сурди раҳш,
Фикр бу таркибға боғлади нақш.

Орадаким тушти бу гулбонг тез,
Нотиқа «лаббайка» уруб қилди хез.

Маънийи бикр олди юзиндин ниқоб,
Жилва қила бошлади хуш беҳижоб.

Жоми сабуҳий қилибон рафи шарм,
Соқийи ғайб айлади ҳангома гарм.

Тушти харобот ичида ҳойу ҳуй,
Солди менинг бўйнума бу гуфту гўй.

Мен тағи мастона чоғим чоғладим,
Сўз юзин очтиму белим боғладим.

Ёйдим улус ичра бу хона сафо,
Икки жаҳон халқина урдум сало.

Кимдаки бор иштаҳи эттим ҳалол,
Қурсоғина нўши бу жоми зулол.

Ҳазм қилабилмаса, кўп емасун,
Куч била ҳалвони ачиқ демасун.

Менки бу ният била қўйдум қадам,
Жон тамури учини қилдим қалам.

Хос кўнгул нақдидур ушбу румуз
Гавсда кўрсатма гуҳарни ужуз.

Ақл тенгиз эрдию андеша кон,
Уртасида гавҳари маъни ниҳон.

Жон тиши бирла қазиб ул конни,
Қилдим узуб¹ гавс бу уммонни.

Ул киши қўйғай чу Низомий бу ганж,
Қазғана олғай гуҳари даст ранж.

Йўқ эса ҳар муфлиси бедастгоҳ,
Ҳеч топа билгайму бу маҳзанға роҳ.

Ганж ияси кон ила дарё керак,
Жумлаи асбоби муҳайё керак.

Берса неким, издаса ҳар жавҳарий,
Харж била ўксумаси гавҳари.

Ҳар нечаким сочса яна қилса жўш,
Баҳрасидин бойиси гавҳарфуруш.

Гар тиласанг саъи била бу сифат,
Саъинг эрур ҳарзаи бемаърифат.

Эр назариндин очилур эр кўзи,
Эр нафаси бирла юрур эр сўзи.

Ҳукм била донада бордур шажар,
Феълга келтурса, егайлар самар.

Тўкмаса деҳқон арақи пой, бил,
Емишининг фойдасин топмас эл.

Тарбияту саъи қилур боғбон,
Тоза бўлур, мева берур бўстон.

Йўлни қуловуз била топса бўлур,
Рамзни ҳикмат била билса бўлур.

Пир дами етса қуруғон ўлук,
Руҳ топибон тирилур, билгулук.

Улким, эрур нашъу намосиз жамод,
Боғламагай номияға эътимод.

Гарчи қилур табл ўзиндин хуруш,
Лек урар тош қазон ўртукли жўш.

Қайда дағи бордур улук болу пар,
Борму ҳумо хосиятиндин асар?

Улким урур лоф бу даъви била,
Рост керак даъвиси маъни била.

Улким, анга муъжизатек сўз керак,
Ё кўрубон англагутек кўз керак.

Сўз била ҳам бўлса не бўлғай эди,
Мендин очун сўз била тўзғай эди.

Сўзда керак маънию маънида завқ,
Сўзлагучида сўз учун дарду шавқ.

Ораға кирса маҳаки имтиҳон,
Сўзи иёри бўлур улдам аён.

Бу не фусуну бу не афсонадур,
Бу не уну нағмаи мастонадур.

Тутти жаҳон замзамаи Ҳайдарий
Тўлди садо гунбази нилуфарий.

* * *

Ганж эшигин очти иноят қўли
Бошлади гавфиқ ҳидоят йўли.

¹ Узуб — юзиб, сузиб.

Қунж нишин орифи соҳиб сарир,
Ганж ичининг кунжидин урди сафир.

Ташнасифат бўлдум аёғида паст,
Журъасидин қилди димоғимни маст.

Бу қора тупроққа қилиб журъа рез,
Лутф била тутти қўлумники, хез.

Турки зуҳуридур очунда бу кун,
Бошла улуг йир била туркона ун.

Рост қил оҳанги навоу ҳижоз,
Туз ётугон бирла шудургуни соз,

Турк сурудини тузук бирла туз,
Яхши аёлғу била кўкла кубуз.

Сўзда менинг таврум эрур дил писанд,
Табъға гулқанд бикин судманд.

Мен битиган хат била йўнғил қалам,
Мен юруган йўл била қўйғил қадам.

Чиқма изимдинким, эрур жаъда рост,
Йўл юрумак бор эса кўнглунгда хост.

Нақд сенингдурки, сазоворсен,
Ганжни сен сақлаки, бедорсен.

Арсада сен-сен букун ул шахсувор
Ким санга бердук баримиз ихтиёр.

Сендин адаб бирла белинг боғламоқ,
Мендин адаб қоидасин сақламоқ.

Сендин аёқ босмақу биздин нуфус,
Тенгридин илҳому ҳунардин жулус.

Чун назари гайб ёрутти чироғ,
Паргавидин бўлди мунаввар димоғ,

Топти кўнгул кулбаси нуру сафо,
Берди ҳунар тахтина нашъу намо.

Менки пишурдум бу лазиз ошни,
Шайх Низомийдин олиб чошни

Шайх Низомий дамидин жон топиб,
Маънисидин ярлуқу фармон топиб.

Кўптум эса ўпти элимни билик,
Ганж фишонлиқ била очтим илик.

Келдим этаклаб гуҳари шоҳвор,
Қилса қабул ўз қулидин шаҳриёр.

Жубсали бўлса, сочайин онча дур,
Уйлаки, бўлсун ети иқлим пур.

Дуняда чун Ҳайдари соҳиб ҳунар,
Ким жуводи мунча туганмас гуҳар.

Ҳар неки қазғондиму йиғдим тамом,
Қилдим олиб сайпағучиға ҳаром.

Ошин ичиб, ўтини сўндурмангиз,
Суфра бошидин иясин сурмангиз.

Мол иясиндин аяманг бир дуо,
Фотиҳа такбир йиборинг манго.

Ҳикоят

Кўфада бир пири ладуни сабақ
Сайр эта бозорға қўйди аяқ.

Маъни била ганж, вале танг даст,
Тим ичида кирдию қилди нишаст.

Хожаи баззоз анга рўбарўй,
Билгучи савдо ишини мў бамўй.

Олида ҳар жинсдин ажноси хос,
Ўзгадин ўзгача топиб ихтисос.

Сарф қилиб умр тижорат била,
Қилни ёрар эрди басорат била.

Ногаҳ ўшул ҳол ичида бир ажуз,
Бўйи ики қат бўлуб арқоси кўз,¹

Бўйи боши раъша била беқарор,
Дам уруши, йўл юриши мурдавор.

Не юзида нуру не оғзинда сўз,
Дунёсидин қўйнида бир васла бўз.

Бўзни бу баззозға бердиким:— Ол,
Ҳарне баҳо бўлса илгимга сол.

Кўрди бу баззоз бўзини очиб,
Пурқиради бир неча тукрук сочиб.

Ким, момуғи сусту йипидур йўғон,
Бўзчи, ошуқуб не керак тўқуғон?!

Тўнға ярамаски, бўятса киши,
Ювса худ онжоқ эрур онинг иши.

Кўнглаку иштонға чу лойиқ дагул,
Ҳар не баҳо бирла мувофиқ дагул.

Қайси харидорға бўлсун писанд,
Қайда топайин мунга мен бир лаванд.

Хожа сўзига қилибон эътимид,
Кести ажуз ўз нимасиндин умид —

Дедиким: эй Хожан соҳиб карам,
Чархи фалак гардишидин ема ғам.

Тулману бечораи соҳиб аёл,
Ожизу мискину пароканда ҳол,

Саъй қилиб бердим ики ҳафта жон,
То санга келтурдум ани бу замон.

¹ Кўз — букур.

Бир сурук ўғлон ушоғим хору зор,
Йўлга боқиб, телмурадур интизор.

Ҳарне десанг, тенгрига солдим сени,
Ҳарне баҳо бўлса узотғил мени.

Газ била ҳам келтуруб ул бўзни кам,
Берди анга хожа бир-икки дирам

Тортиб аёқ устида турлук малол,
Йиқла — қўпа ўз уйина борди зол.

Билгулади бўзни ул абдоли роҳ,
Кўз учидин боқ туруб кинахоҳ.

Келди бўз олмоққа биров ногаҳон,
Дедики:— Эй хожа, равон бўл, равон,

Бўз керак андоқки, катондин фареҳ
Бўлмағай андин бу жаҳон ичра беҳ.

Инчкаву нозику ҳамвору пок,
Бўлмасун иплигида ҳеч айбнок.

Хожа на бўз берса харидорина,
Айблар айтур бўзининг борина.

Хожа айттиким:— Узатма сўзунг,
Бўз берайин кўрмамиш ўлсун кўзунг,

Ким помуғи пилладин ортуқ зариф,
Йипи катоннинг йипидин ҳам латиф.

Пухтаву ҳамвор тўкулғон бўзи,
Кўрмака рўсидин ариғроқ ўзи.

Кўрмас экач бўлди харидор лол,
Тиладию қилди баҳосин савол.

Урди баҳосини тенгиздин тиранг,
Сотти ўшул бўзни катон бирла тенг,

Пири муҳаққиқ кўруб ул турли ҳол,
Келди сотиқчи қошини бемалол.

Деди бу сандуқ ичида, эй фалон,
Бергин ижозат кирайин бир замон.

Ким тиласанг саъи била сарбасар
Топмоғасен дунёда мендин асар.

Зоҳиру ботин била ошуфта мен,
Муъмин эгач кофири нуҳуфта мен.

Мунча савомиъғаки қилдим гузор,
Саъй била топмади нақдим иёр.

Ҳарнеча кездим бу улуг дунёни,
Қутби мукамал сени топдим, сени.

Бўзким, эрур момуғи худ бесафо,
Йиплиги бетобу ўзи бўриё.

Сенким анга бир нафас эттинг назар,
Бўлди катондин доғи ҳам муътабар.

Ким помуғи пийлалек ўлди йипак,
Суфталиғи русию ҳамвор так.

Лол бўлуб хожаи ошуфта дил,
Қолди хижолат уйида мунфаил.

Жазб қилиб топди муаммо қушой,
Урди неким ҳосилини пушти пой.

Мавъиза

Эмдики бозор эрур гарму тез,
Суд рабоянда бўл, эй субҳ хез.

Ком ила топсанг доғи бозорни,
Бир йўли куйдурма харидорни.

Хожаки ортуқси тамаъ қилди суд,
Моясидин ювғай илик зуд-зуд.

Арпа экиб бугдой ўрармен деган,
Кўрмадук ошлиқчини бугдой еган.

Туз бўлубон тилни тузуклукка оч,
Тушса дағи теша емас туз йиғоч.

Одамига яхши қилиқтур биҳишт,
Етти тамуғдин ёмон ул хўйи зишт.

Суд кўруб қилма зиёнинг унут,
Судни савдода зиён бирла тут.

Хайр этагина узун тут қўлунг
Мўру малахдин аяма сарқутунг.

Жомда шарбат нечаким бўлса кам,
Ерга тўкар журъани соҳиб карам.

Ҳар неча торожи хазон кўрса раз,
Ерга тўкар атласу иксуну хаз.

Хуштур эранларга карам давлати,
Ўлса дағи ўлмас эмиш ҳиммати.

Бухл азиз одамани хор этар,
Эл кўзида ит киби мурдор этар.

Улки тилар хайр учун дастгоҳ,
Сен ани билгилким эмас хайрхоҳ.

Эмдики кечмас қора пулдин кўнгул,
Ганж тақи топса сен андин тўнгул.

Бой дагулдур дирами бор эса,
Фақр ганийдур карами бор эса.

Муфлису озод ганий моя бўл,
Йўқки йилонларни йиғиб доя бўл.

Ярим аёқ ошки топарсен насиб,
Яримини берки есун бир ғариб.

Меъда тамуғиким, эрур душманинг,
Қонмағусидур агар ичса қонинг.

Ҳар нимаким тонг тилаки юрт учун,
Ўздин ўғурлаб ўзунга бергучун.

Сарф қил ортуқсини сарроф эсанг
Дурдни соф айла агар соф эсанг.

Чун қара тупроқдин эрур ногузир,
Танға не атлас, не катон, не ҳарир.

Ҳар неча тўн бўлса тура упранур
Упрамағон хулқу карам тўнидур.

Улки бу хилъатқа сазовор эрур
Таблкаши Ҳайдари каррор эрур.

Одам атанғонға мурувват керак,
Орифу омиға футувват керак.

Сарвтек озода бўлу росткор,
Е ўруку олма бикин мевадор.

Нафъ текур барчаға ёмғур бикин,
Е тенгиз ўртасида жўмдур бикин.

Бордуру бермас не едурур, не ер,
Ўзи била гўрғаму элтур, не дер?!

Эрди Сулаймон бу улус султони,
Будур улус, сўрки Сулаймон қони.

Йиғди Фаридун ҳашаму молу ганж,
Нени олиб борди бажуз дарду ранж.

Гар ўзун онглатмаса бу хонасўз,
Эртагилар демағай эрди бўғуз.—

Хор қилур эрни бўғузунг ғами,
Шум бўғузун бўғса узар одами.

Чархки қон бирла тилар гардишин,
Қўймағай эл кўнгли учун ўз ишин.

Гарду губорики топар ер юзи,
Бир қара сочининг юзидур ё кўзи.

Сунбули тарким сочар ул мушкӣ ноб,
Токи на сож рангидин олди ҳузоб.

Кўрди қаро ерда санамлар юзин,
Наргис ўшул сурмадин очти кўзин.

Кимки нечук йиғди анингтек қўяр,
Ортуқ усурган қусар итлар тўяр.

Олмоқу бермак била хуштур жаҳон,
Олғину бергинки будур қути жон.

Мақолат

Бўл нафасе дунё ишидин малул,
Оқил эсанг қил бу насиҳат қабул.

Сийнада савдо уруғин элмагил,
Ҳиммат этагидин илик чекмагил.

Ҳеч нимага топмасанг эй дўст, даст,
Ҳиммат аёғинда бўл, эй дўст, паст.

Эр кишига ҳиммат агар бўлса ёр,
Оқибатул-амр муродин топар.

Эр киши эмгакта тетикрак бўлур,
Шйша неча синса итикрак бўлур.

Қолмас аёқ остида дурри ятим,
Қиймати ўксурму неча синса сийм?

Текса бутун лаълдин элга футуҳ,
Синса муфарруҳ дуру тафриҳи руҳ.

Ўтқа ёқар анбари сорони шоҳ,
Тобишидин тоза бўлур боргоҳ.

Куймаса мажлис ичида шамъ шом,
Бўлмас эди меҳрга қойим мақом.

Кимгаким иш бўлмаса пеш **уфтод**.
Ҳеч иши ҳеч иш била топмас кушод.

Тажрибасиз эрмудур, эй ҳамнафас,
Тажрибадур эрга мурабию бас.

Ҳар ғалат эр ўғлиға бир панд эрур,
Ўз ғалатин билса хирадманд эрур.

Эр керак ўз жаъдасини ёзмаса,
Борса тақи йўлға, ёниб озмаса.

Ғафлат ўлумдур тақи навмид ўлук,
Гофилу навмид недур билгулук.

Ҳар неча кунким фалак этгай ситез,
Қилма забунлар киби азми гурез.

Шабъбадалар ғайба бордур ниҳон,
Бир чоғи бирлан кима қолди жаҳон.

Қилма енгиллик била кўнглунгни реш,
Ким биладур хору гулу нўшу неш .

То ҳаракат қилди фалак гардиши,
Қолмади жовид ғам ичра киши.

Сўз боши

Эйки бу маънида талабгорсен,
Тебран агар воқифи асрорсен.

Борғонича йўлдур улукдин улук,
Бошдин-аёқ келгулуку борғулуқ.

Гарчи санга асру йироқдур бу дам,
Рағбат этар бўлсанг эрур бир қадам.

Қилгин эранлартек ўзунгни фидо,
Ошиқи мажнунға етар бир садо.

Ишқ этагин қўйма агар борса бош,
Бошни қочурмағил агар ёғса тош.

Дур кони қийматки бутундур садаф,
Қон ичида лаълга борму шараф.

.....

Дард керак жондаки кўргай сафо,
Меъда керак токи сингургай бало.

Сувға балиқ, ўтқа самандар керак,
Ғамға муҳиб, даруға ҳайдар керак.

Эйким эрур қурсоғинг асру заиф,
Борки бу мажлисда дагулсен ҳариф.

Эки қўярсен аёғинг йўлда чап,
Бу йўл эрур боштин-аёқ булбажаб.

Қўрқар эсанг қилма ўзунгга ситам,
Билки бошинг устидадур ул қадам.

Йўлда турур юз маҳаки имтиҳон,
Захми парокандау неши равон.





ЮСУФ
АМИРИЙ





Ҳ

суф Амирий талантли шоирлардан бўлиб ижодий фаолиятининг самарали даври XV асрнинг аввалига тўғри келади. У, Улугбекнинг акаси Бойсунқур (вафоти 1434/35) й. мирзонинг ҳимоясида яшаганини ўзи айтади.

Амирий асарларини асосан, ўзбек тилида, қисман форс-тожик тилида ёзган. Унинг ўзбекча асарларидан бизга маълуми ва бизгача етиб келганлари: 1) Девон, 2) «Даҳнома», 3) «Банг ва Чоғир мунозараси».

Амирий асарларининг ўзи ёзган асл нусхалари сақланмаган. Шоир Девонининг қўл ёзма бир нусхаси Туркияда Дорулфунун китобхонасида. Тўпламга киритилган ғазал, таржеъбанд ва туюқлари ўша нусхадан кўчириб нашр этилган намуналардан иборат.

«Даҳнома» ҳам «Банг ва Чоғир мунозараси»нинг XVI аср бошларида кўчирилган ягона нусхалари Британия музейида сақланади. Бу қўл ёзмаларнинг фотокопиялари СССР Фанлар Академиясининг Шарқшунослик институтида ва ЎзССР Фанлар Академиясининг Тил ва адабиёт институтида.

Тўпламга киритилган парчалар шу фотокопиядан олинди.

Юсуф Амирийнинг форс-тожик тилида ёзган шеърларидан ҳозиргача 2 байтгина маълум бўлиб, бир байт Алишер Навоийнинг «Мажолисун-нафоис»ида, иккинчи байт шоир Яқинийнинг «Ўқ ва ёй мунозараси»да қайд этилган.



«Д Е В О Н»дан

Ғазаллар

Э й кўзда юзунг ҳайрати осори тамошо,
Наззораи ҳуснинг гули бехори тамошо.

Кўнглум тапиши айлади савдо элини хуш,
Девона эрур равнақи бозори тамошо.

Муфт ўлди ҳавас аҳлина савдойи висолинг,
Бемся топар суд харидори тамошо.

Кўнглум қушини зоғларинг қилди музайян,
Шавқ этти бу товусни гулзори тамошо.

Моҳияти хуршедни хуффош на билсун,
Ҳар дила эмас маҳрами асрори тамошо.

Дил дийдаси бирла кўрайин ёр юзини,
То ўлмая агъёр хабардори тамошо.

Кўнглумни қилиб, қасри вафо ишқ, Амирий,
Кўз манзарасин айлади анвори тамошо.

Вафо то бўлди жононимға махсус,
Жафову жавр эрур жонимға махсус.

Хирому жилвау нозу малоҳат,
Эрур сарви хиромонимға махсус.

Гулистон бўлди кўнглум лола янглиғ,
Вафо доғи гулистонимға махсус.

Кеча тонг отқуча кўнглум чекар оҳ,
Эрур бу шамъ вайронимға махсус.

Кўнгул конидадур лаълинг хаёли,
Бу гавҳардур Бадахшонимға махсус.

Ғамингда ишқ ранжи роҳатимдур,
Бу дардинг ўлди дармонимға махсус.

Ғубори тўтиёйи ҳоки пойинг,
Бўлурму чашми гирёнимға махсус.

Керак шаҳдин гадо ҳолини сўрмоқ,
Бу давлат келди султонимға махсус.

Кўнгул хуштур висол уммиди бирла,
Бу марҳам доғи ҳижронимға махсус.

Шаҳиди нози мужгонинг эрурман,
Бу ханжардур менинг қонимға махсус.

Эрурман ишқ мулкининг Амири,
Жунун авбоши дарбонимға махсус.



Шароби ноз то базм ичра рухсорингни ол этмиш.
Хижолат барги гулни поймоли ишфиол этмиш.

Кўтармас бошини сарви сиҳи бори хижолатдин,
Хироми ноз то гулшанда ул зебо ниҳол этмиш,

Бўлуб Мажнун кийиклар суҳбатини ихтиёр этмон,
Мени девонани то вола бир ваҳши ғазол этмиш.

Ҳазин кўнглум қуши парвоз этар кўюнг ҳавосида,
Уқунгдин пар чиқориб, ҳартараф жисмина бол этмиш.

Нетай гар жоми Жам бирла Скандар кўзгуси бўлса,
Букун дайр ичра соқий қисматим синган сафол этмиш.

Фалак ҳар ой бошинда бир ҳилолин ошкор айлар,
Магар кўнглум киби юз узра қошингни хаёл этмиш.

Дема ҳолим кўруб не важҳдин бетоб эрур кўнглунг,
Муҳаббат дарди онинг потавону бемажол этмиш.

Таманной сари зулфинг тушуб бошимга ҳайронман,
Жунун кўйида бу савдо мени ошуфтаҳол этмиш.

Ҳазар айлангиз, эй ушшқ, ул бераҳм қотилдин,
Букун қиш бўркини эгри кўюб зеби жамол этмиш.

Мени жоним олурға, эй ажал, кўп чекмагин захмат,
Ки бир сўз бирла лаъли манга ўлмоки маҳол этмиш...

Амир оламга берса ишқ иршодин тонг эрмаским,
Муҳаббат пирига хизмат қилиб, касби камол этмиш.

ТАРЖИЪБАНД

Доғи фурқат ичра Мажнун намадпўш ўлмишам,
Ишқ аро оворалиқға хона бардўш ўлмишам.
То ани ёд айладим элдин фаромуш ўлмишам.
Базми ҳайрат ичра то ринди қадаҳнўш ўлмишам.
Маҳви ҳайрат тифл сурат ўхша хомуш ўлмишам.
Раҳм қил, ёрабки, ҳажр илгида беҳуш ўлмишам.
Ҳолатим бад, ғусса беҳад, васл мақсад, нола беш,
Бахт вожун, дард афзун, дийда пурхун, сийна реш.

Баски бир кофир ғами кўнглумни беҳол айлади.
Риштаи жонимни бу бетоблиғ нол айлади,
Қоматимни ғам юки меҳнат аро дол айлади,
Дарди меҳнат сабр ила тоқатни поймол айлади.
Сўзламак имкони йўқ, ҳайрат тилим лол айлади,
Жон куюб, тан поймоли доғи беҳол айлади.
Ҳолатим бад, ғусса беҳад, васл мақсад, нола беш,
Бахт вожун, дард афзун, дийда пурхун, сийна реш.

Эгма қаддим заъфин ул сарви хиромон билмади,
Бўлди жон ошуфтаҳол ул лаъли хандон билмади,
Ҳажр аро то қилмадим фарёду афгон билмади,
Нола қилдим кечалар ул номусулмон билмади,
Лаззати тиғи шаҳодат шарбатин жон билмади,
Ҳажр аро жон чекканимни баски жонон билмади,
Ҳолатим бад, ғусса беҳад, васл мақсад, нола беш,
Бахт вожун, дард афзун, дийда пурхун, сийна реш.

Қилди саргардон жунун водисини расволигим,
Солди ўт аҳли жаҳонга шўриши шайдолигим,
Даҳр аро афсона бўлди бесару савдолигим,
Обру мулкини торож айлади яғмолигим,
Қиссан Мажнунни мансух этти бепарволигим,
Будур онсиз кулбаи ғам ичра базморалигим,
Ҳолатим бад, ғусса беҳад, васл мақсад, нола беш,
Бахт вожун, дард афзун, дийда пурхун, сийна реш.

Ҳолима ул шўхи бепарво недин раҳм айламас,
Балки бир соат ғами тарки тазаллум айламас,
Раҳм ёдин ҳаргиз ул ошуби мардум айламас,
Лаълидин бир сўз эди комим, тақаллум айламас,
Йиғласам девоналиғ бирла табассум айламас,
Турфадур гар қулзуми ашким талотум айламас,
Ҳолатим бад, ғусса беҳад, васл мақсад, нола беш,
Бахт вожун, дард афзун, дийда пурхун, сийна реш.

Жонда то ул ҳусн шоҳин нозу истиғносидур,
Бошима тушган жунун бозорининг савдосидур,
Ким усурмиш телбадек ишқ аҳлининг расвосидур,
Даҳр аро ҳарён менинг расволигим ғавғосидур,
Банди занжири жунуним зулфи аждарҳосидур,
То кўнгул бир кофири бебокни шайдосидур,
Ҳолатим бад, ғусса беҳад, васл мақсад, нола беш,
Бахт вожун, дард афзун, дийда пурхун, сийна реш.

Даҳр аро мендек киши ҳажр илгида зор ўлмасун,
Мубталову хаставу мажруҳу афғор ўлмасун,
Ҳеч кофир ишқ дардиндин хабардор ўлмасун,
Мен киби андуҳ домиға гирифтор ўлмасун,
Бедилу овораи ҳар шаҳру бозор ўлмасун,
Қулбаи эҳзонда мендек зору бемор ўлмасун,
Ҳолатим бад, ғусса беҳад, васл мақсад, нола беш,
Бахт вожун, дард афзун, дийда пурхун, сийна реш.

Қишвари ишқ ичра кўрмас шоҳлар мендек ҳашам,
Чокарим андуҳу меҳнатдур, сипоҳим хайли ғам,
Ҳамдамим оҳу фиғону мунисим дарду алам,
Рўзгорим ҳасрату ҳамсуҳбатим жавру ситам,
Дард иқлимин мусаххар айладим, оҳим алам,
Ишратим хуноба ютмақдур надимимдур надам,
Ҳолатим бад, ғусса беҳад, васл мақсад, нола беш,
Бахт вожун, дард афзун, дийда пурхун, сийна реш.

Йиғламоғдин баски қон бўлди кўзум наззораси,
Лола ранг эрмиш сиришким селининг фаввораси,
Интизоридин оқарди дийдаларни қораси,
Марҳами кофурдин битмас кўнгулни пораси,
Резаи алмосдин лабрез кўксум ёраси,
Топмадим ҳаргиз, Амирий, дарди фурқат чораси,
Ҳолатим бад, ғусса беҳад, васл мақсад, нола беш,
Бахт вожун, дард афзун, дийда пурхун, сийна реш.



III

ТУЮҚЛАР

елбаман шахло кўзунг олусидин¹

Узмадим боғингда васл олусидин².
Ҳажр даштида югурмоғлиғ била.
Етмадим васлингга йўл олусидин³.

* * *

Гар десам боғи висолинг нори⁴ бор,
Олма деб аччиғлаб айтур: нори⁵ бор.
Ишқ нахли кўз ёшимдин сув ичиб,
Баргу борини шарарлиғ нори⁶ бор.

* * *

Эй кўнгул, бу кеча ул ой сори бор,
Оҳ ўтин ёрутмаким, ағёри бор.
Тухми меҳр эктим муҳаббат боғида,
Дард барг очтию гам келтурди бор?⁷

* * *

Шамъ янглиғ ёнадур бошимда ўт,
Кўз ёшимдин ер юзида унди ўт,
Қон ёшим қилди йўлунгни лолазор.
Мунча тақсир айладим қонимдин ўт.

¹ Қиё, қийғоч. ² Олхўри. ³ Олис, йироқ. ⁴ Анор. ⁵ Нари. ⁶ Ут олав. ⁷ Мева.

* * *

Бодасиз бетобман бу кеча ман,
Лаълинг истаб, эмди жондин кечаман.
Соҳили мақсадға етгайманму деб,
Кўз ёшим дарёсида сув кечаман.

* * *

Жилва айлаб сакратурда саркаш от,
Ноз ўқин жавлон этиб жонимға от,
Итларинг хайлиға хизмат айладим,
Қўйдилар аҳли вафо деб манга от.

* * *

Дилрабо, ҳажринг ўтида ёнаман,
Ўртаниб васлинг тиларман ёна ман¹,
Қаъба азмидин манга сан муддао,
Бўлмасанг албатта андин ёнаман².

* * *

Эй ситамгар, ҳолима наззора қил,
Печтобим ўт аро андоққи, қил.
Зоҳидо, пандингни қилмасман қабул,
Телбаларга суд қилмас қолу қил³.

* * *

Ҳамнишин ағъёр то ул ёрадур,
Кўкрагим ҳасрат ўқидин ёрадур.
Май била соқий ҳимоят бўлмаса,
Шаҳнаи ҳижрон юракни ёрадур.

¹ Яна мен. ² Қайтаман. ³ «Қолу қил» арабча сўз бўлиб, гап-сўз демак.





«ДАҲНОМА»дан

Дар сабаби назми китоб

Манга бир дўсте бор эрди жоний,
Кўнгулда меҳри онинг жовидоний.

Қилиб ул ўқтек эл бирла тузлук,
Қиличтек йўқки бўлғай икки юзлук.

Кудурат зулматидин кўнгли форир,
Еруғ кўзгу сифатлиқ ичи орир.

Йўлуқти бир кун, кўргузди таклиф,
Ки: «Келтургил букун уюмга ташриф.

Замоне ўлтуруб, суҳбат тутоли,
Қилоли шишатеқ кўнгулни холи.

Салоли ғам черикина ҳазимат,
Билоли айшу ишратни ғанимат.

Емас оқил букун тонглағи ғамни,
Эшит мендин ғанимат тут бу дамни.

Май ич паймона тўлмасдин бурунроқ,
Бу сувдин ур хирад кўзина тупроқ.

Аёқ тўлдур, қавий тут бода дастин,
Ки то кўргузмасун даврон шикастин.

Чу ул ёре тутар эрди ўзини.
Юрудум, солмадим ерга сўзини.

Бориб хуш-хуш, чу егтим манзилина,
Қилиб васфини талқин жон тилина.

Тузотиб мажлисе ул бетаваққуф,
Такаллуфсиз вале айни такаллуф.

Йиғилиб базм аро Исо нафаслар,
Тирилиб айшдин ўлган ҳаваслар.

Юқори ошуруб мени, оғирлаб,
Аёғ элига олиб, тутти йирлаб.

Қўбузчи завқ бахшу нағма пардоз,
Қилиб паррон эли бўлбултек овоз.

Табуқда не камар ешмай белидин,
Юкунуб чанг, чангилар элидин.

Най ўтин ўчуруб унлар садоси,
Жаҳонни кўчуруб барбат навоси.

Мўоширлар димоғини саросар,
Қилибон мижмар анфоси муаттар.

Самандартек товуқлар ўтқа мойил,
Қилиб шиш бўйниға қўллар ҳамойил.

Муғанний гарм нақшин кўргузурда,
Алар ҳолат қилибон чарх урурда.

Қолибон олма кўнгли бор ичинда,
Ки солди усрук они нор ичинда.

Кўруб нор ичкучиларнинг ишини,
Кулуб андоққи, кургузди тишини.

Упуб соқий аёғин дам-бадам эл,
Кўнгул очилмоғиға боғлабон бел.

Қилиб суҳбатни ҳамдамлар дами гарм,
Тааммул пардасиндин кетиб озарм.

Тараб ишрат хатидин тортмай бош,
Кўнгул чиний суроҳидин бўлуб фош.

Ҳикоятлар улошиб бир-бирига,
Қулоқ солмай йировчилар йирига.

Босиб танбурчи эгри аёгин,
Уруб танбурини, тўлғаб қулогин.

Муғаннийлар чалиб мажлисда хушлар,
Юруб соқий тутуб бергуча қўшлар.

Уланди кеча тегру эл йиғини,
Чиқорди эл чағирдин аччиғини.

Чу май қилди мушавваш эл димоғин,
Дедим:— Тут эмди отланур аёғин.

Аёғ ичиб қўпуб, отландим ондин,
Бағоят хурраму фориг жаҳондин.

Бошимдин элтибон май нашъаси хуш,
Жириб юз шеър баҳри тунду пуржўш.

Мубарро бўлубон дунё ғамидин,
Чиқиб яъни такаллуф оламидин.

Кўнгулда жилва бериб хўбларни,
Соғиниб эртаги маҳбубларни.

Пеш омадани соҳиб жамоле дарроҳ

Бу ҳолатда йўлиқти бир нигоре,
Шакар сўзлук, бути сиймин узоре.

Карашма кўзларига сурма тортиб,
Кўнгул нақдина қосид кўз қаро[r] тиб.

Қоши ошиқ фирибу зулфи дарҳам,
Уруб кирпуклари дунёни барҳам.

Кўзи қон қилғучию ғамзи ғаммоз,
Юруб ул тўкулубон шеввау ноз.

Қилиб ўз боши бирлан зулфи қонлар,
Бузуб жавр илиги бирлан жаҳонлар.

Юз алвон ишвалар бир боқмоғинда,
Фироқи саъй этиб қон оқмоғинда.

Команд эрди сочидин элга сартор,
Менингтек ҳар хамида юз гирифтор.

Етибон ишқи тўлғади илигим,
Янги ой эрди, тутти телбалигим.

Дедим:— Тур, тенгри учун,— турди ул ой,
Ёрутуб эл кўзин ул шўх худрой.

Дедим:— Эй умр ўтарга қилма рағбат.
Деди:— Гар умр ўтар хуш, бил ғанимат.

Дедим:— Турғилки, жоним ичра йўқтур,
Деди:— Жонға борурдин чора йўқтур.

Дедим:— Лаълинг сусағонларға боқмас,
Деди:— Усрукка шарбат онча ёқмас.

— Дедим:— Теккайму сендин ташна сувга,
Деди:— Йўқтур бале айб орзуға.

Дедим:— Зулфингда боғлиқтур жафолар,
Деди:— Олингда бордур кўп балолар.

Дедим:— Сочинг хаёлидур зарарлиқ,
Деди:— Ул мушк бордур дардсарлиқ.

Дедим:— Кўзунг қароси дилрабодур,
Деди:— Усруктуру ичи қародур.

Дедим:— Қошинга элнинг майли ортар,
Деди:— Ёдур, кўнгул ул ёни тортар.

Дедим:— Холинг эрур офат нишони,
Деди:— Келтурмагил юзумга они.

Дедим:— Жонимда шавқунг гулгули бор,
Деди:— Ҳар қанда гулдур, булбули бор.

Дедим:— Олғил мени сен бир қўлунгга,
Деди:— Кўп сўзлама, борғил йўлунгга.

Дедим:— Йўлдур, ёвуқ кел билса бўлмас,
Деди:— Мунда ёвуқлуқ қилса бўлмас.

Дедим:— Турғил, равоне сурди отин,
Кўзум кўрди борадурғач ҳаётин.

Юрурдум эв сори мен зору гирён.
Қилиб парвонатеки ўзумни бирён.

Номаи аввал аз забони ошиқ ба маъшук

Ало эй меҳрнинг тобанда моҳи,
Малоҳат кишварининг подшоҳи.

Жайрон кўзлук, бути мушкин кулола,
Кўзи нарғис, бўйи сарв, энги лола.

Набот оғзинг чу кўргузди шакарханд,
Юзунг берди лабингдин элга гулқанд.

Лабинг таънини лаъл ўзига олмас,
Недир ул сангсор, охир, уёлмас.

Белингни синчилаб топмади кўзлар,
Ки тор оғзинг бикин бор анда сўзлар.

Руху зулфунг сўзи гулшанда бориб,
Қарориб гул, вале сунбул қизориб.

Кўзунг усрук кўпориб фитна қомат.
Қошинг меҳроб этибон юз қиёмат.

Юзунг шамъу анга бир шуъла, хуршед,
Езуғлуққа топиб парвона жовид.

Сипанд этиб кўнгул ўзини ғам еб,
Юзунгга чашм захми тегмасун деб.

Эсиб шавқунг насими жон ичинда,
Шақойиқтек кўнгуллар қон ичинда.

Юзунг ойина, кўптур муштарилар,
Ўтониб, кўзга кўрунмас парилар.

Кўнгул зулфунгдау андин чиқиб дуд,
Наво бирлан тузолиб эгриу уд.

Лабинг ишрат сурудини демакда,
Мен оҳу нола бирлан қон емакда.

Сочинг бирлан белинг бир бўлмаға, ёр,
Паришон фикрларга мен гирифтор.

Мени солди буто, меҳринг букунга,
Улашти хуш-хуш аҳволим жунунга.

Юзунгни кўрубон ошуфталиқдин,
Мен ўзумдин бориб, кўнглум илиқдин.

Кўзунг сеҳри манга уйқуни боғлаб,
Ғаминг меъёрида ҳолимни чоғлаб.

Фаровон панд бердим ўз-ўзумга,
Юзунгдин ўзга кўрунмас кўзумга.

Не ҳосил ошиқи ошуфтаға панд?
Ки зулфунг солди ҳар бандина бир банд.

Юзунг хуршедина кўптур ҳаводор,
Вале бу зарратек йўқтур вафодор.

Камина эшикинда бир гадоинг,
Тутубон эл кўзида хоки пойинг.

Агар фарёд этар бечора булбул,
Сен ул ундин паришон бўлма эй гул.

Париға чора йўқ девоналардин,
Нечукким, шамъға парвоналардин.

Эрур гул қошида булбул нафири,
Шакардин ҳам чибиндин гул нафири.

Букун туттумки кўзунгдур жафолиғ,
Юзунг бергай худ охир ошнолиқ.

Сен ул кунки назарни мендин олма,
Билиб ўзунгни билмасликка солма.

Мени ўтқа солиб турма йироқдин,
Тамошо қилма ёт элтек қироқдин.

Кўрунди то сочингнинг ҳалқа доми,
Кўзумни тийра қилди ғусса шоми.

Қачон етгай манга ул ғамза фарёд,
Ким илингай қуш унин севди сайёд.

Мен ул парвонаменким йўқ саботим,
Вафо ўтина исинди қанотим.

Сенинг кўюнгда саргардон юрурмен,
Юзунг шамъини кўруб, жон берурмен.

На кўнгулдин санга, парвона жондин,
Сени деб кечибон жону жаҳондин.

Ғ а з а л

Хаёлинг хайли, эй жоним чароғи,
Турур кўзимда у кўнглумда доғи.

Юзунг кўрар кўзумдур, гар рақибинг,
Кўра олмас они чиқтек қароғи.

Қачон зулфунг кўнгул бирлан тузолгай,
Ким эGRIDур анинг боштин-аёғи.

Фигонимни рубоб олига, эй дўст,
Не айтойин чу эшитмас қулоғи.

Кўзунг кўнгулда экмас меҳр тухмин,
Ажаб йўқ, тушмади экин йироғи.

Юзунг гулзоридин йўқтур манго ранг,
Очилғил гаҳ-гаҳе, эй ҳусн боғи.

Амирий олидин то ўтти ул зулф,
Насимидин мушаввашдур димоғи.

Ғ а р д

Димоғининг иложин қилғил, эй ёр,
Ки Мажнунтек бўлубтур бесару пой.

Номаи даҳўм аз забони маъшук ба ошиқ.

Ало эй сабр элидин тортқон жом,
Вафо мисрида кўргон кўзлари шом.

Ғамидин оҳ ноқил, нола рови,
Бўлуб умрида меҳнат, ғам...

Қилиб ғам хилъатини ошкоро,
Қизил атлас ичию тоши хоро.

Чиқориб кўкка ҳар кун нолаларни,
Сочиб хайри юзина лолаларни.

Асиқсиз умри савдо кечаситек,
Қаро кунлари ялдо кечаситек.

Тилаб уйқуни, топмай, кўзин очиб,
Юмуб-очқинча кўзин, уйқу қочиб.

Эшитиб кечалар ўтлуғ дамидин,
Табиб олида дам урмай ғамидин.

Аламдин то юзина ўлтуруб ҳай,
Фараҳдин секириб набзи паёпай.

Оғизланмай лаби ишида тадбир,
Бурун чоқтин фиғон бирлан тили бир.

Чиқиб хокитек оҳи ҳардам андин,
Йироқ ташлаб ани яхши-ёмондин.

Бало зиндонида кўзин яшортиб,
Куюб ўзинию оҳини тортиб.

Юзум зулфумга кўргузуб ниёзин,
Узотиб кечалар ҳожат намозин.

Текуруб васл **э**токина ўзини,
Кўюб микро**з**тек икки кўзини.

Келиб сарсар бикин ўтти ситамлар,
Биҳамдиллаҳки кечти борча гамлар.

Бу кундин сўнгра очилди жаҳонинг,
Совуқ дай чилласидин чиқти жонинг.

Булутдек кўзларингдин тўкмагин ёш,
Чиқар чимгон бикин туфроқтин бош.

Ки кўргузди чаман тўти қанотин,
Битиди булбула ишрат баротин.

Ғазалхон бўлди бўстон ичра дуррож,
Кўнгулдин сабрларни қилди торож.

Чиқорди сарв аро қумри сафирин,
Самандартек тузуб ўтлуқ нафирин.

Раёҳин ранги бир-бир бўлди маҳбус,
Чамантек жилвасин кўргузди товус.

Ёвуқтурким кесаклар қилғай овоз,
Қилиб Исо қушитек кўкта парвоз.

Қуруқ қолди бу лаззатлардин агёр,
Асиқ қилмас сағизғон [ға] бу тимор,

Бориб булбулни қилгин мажлис афрўз,
Дегин: «Оҳанг туз»ким бўлди наврўз.

Равон шамшодқа сувни йиборгин,
Ки Монийтек безасун шоҳу баргин.

Хабар қил сарвғаким бўлсун огоҳ,
Узотмасун ўзига ғамни ногоҳ.

Йиғочтин ваҳм бергил норванға,
Ки кунда соясин солсун чаманға.

Ишорат қил суманғаким, очилсун,
Нисор учун дирам янглиғ сочилсун.

Чиқаргил гулни хилватхонасидин,
Ёрутқил шамътек парвонасидин.

Текур савсанғаким, очсун тилини,
Чиқорсун ичидин дарди дилини.

Тилогин лолани, сол сўз ароға,
Башорат бергин ул кўнгли қароға.

Дегин наргисагим, билсун ўзини,
Хумор уйқусидин очсун кўзини.

Буюргил елгагим, фаррош бўлсун,
Кўзунг суйи билан йўлдош бўлсун.

Ғ а з а л

Тузотким мажлисе бўстон ичинда,
Бўюмни элт алифтек лом ичинда.

Юзумдин боғни қил тозагим, ёр,
Ярошур ёсамин райҳон ичинда.

Лабим полудасиндин чошни ол,
Иликингни узотқил хон ичинда.

Висолим ойидин кўзунгни ёрут,
Шафақтек қўйма они қон ичинда.

Шакар эрнимдин эт кўнглунгни холи,
Тузолма най бикин афғон ичинда.

Илик бергинча сўргил май кумайтин,
Мудом асра они жавлон ичинда.

Қадаҳтин тортқил розини андоқ
Ки қолсун шуҳрате даврон ичинда.

Ф а р д

Ичинда ул кишинингким ғами бор,
Не ғам ер, чун менингтеқ ҳамдами бор.

*Мутолаа намудани ошиқ номаи маъшуқ ва ба таҳияи
асбоби суҳбат машғул шудан*

Чиқорди субҳ чун гулгун имори,
Насими куйдуруб уди қумори.

Қўнгулдин учти ғам тун қузғунитеқ,
Қарориб тебради ҳижрон тунитеқ.

Қанотин ёйди кўк узра ҳавосил,
Фароғи бол улусқа бўлди ҳосил.

Қотимға етти ул мурғи ҳумоюн,
Ким они соя янглиғ асради кун.

Бошина қўюбон ҳудҳуд бикин тож,
Шараф ичра олиб семурғдин бож.

Қаноти ичида хатни ёшуруб,
Ишимда жаҳдини ҳаддин ошуруб.

Ҳаминким тиндию олди дамини,
Чиқориб берди ул жон марҳамини.

Қўнгулга ёқтию келдим ўзумга,
Ғуборин тўтиё қилдим кўзумга.

Битикидин саводе олди дийда,
Ким эрди васл тарихи гузида.

Кўзумнинг мардуми чун бўлди қори,
Юзидин пардасин олди юқори.

Бу эрди сўз, чу қилдим эҳтиётин,
Ки ёзлиғ ерда ёй суҳбат бисотин.

Анингтеқ ерга топсун айши равнақ,
Фалак Баҳроми от қўйсун хаварнақ,

Зиёфат фикри чун тушти бошимға,
Табуқчиларни ундадим қошимға.

Буюрдимким: «Қилинг меҳмон яроғин,
Иситинг мажлис ичра хон аёғин.

Арода келтурунг кофурдин шамъ
Йироқ тутманг замоне нурдин шамъ.

Ерутинг ўт ичин товуқ унидин,
Ки то ирикмасун суҳбат тунидин.

Тиланг ўрукни, қўйманг бор ичинда,
Ки солсун олма бошин нор ичинда.

Чаман саҳнида тўкунг меваларни,
Теринг соқи кўзидин шеваларни.

Олинг куб оғзидин балчиқни филҳол,
Лабиндин сўрунгуз сарбаста аҳвол.

Чағир сўйидин этинг шира гардин,
Қуюнг ўртада, қўйманг тийра гирдин.

Қўбузчи бошина солинг ҳавони,
Ки тутсун бўзтўрғайтеқ навони.

Йировчиға денгиз, яхши ясолсун,
Оғирлаб унини юқори олсун.

Мураттаб бўлди чун суҳбат яроғи,
Қўнгул тиндию юз берди фароғи.

Хабар қилди етиб бир Хўжа отлиғ,
Илиги моя соридин уётлиғ,

Ки лаззат неъматин етти ўкулуб,
Машаққат захмати чиқди тўкулуб.

*Расидани маъшуқ ба кулбаи ошиқ ва даст додани
висол*

Жаҳон чун қийрдин ёйди қаранфул,
Ҳаво экти суман устина сунбул.

Фалак қўйди энгина анбарин хол,
Аёғи ой бошидин қилди ҳалхол.

Текурди тун эли зулфина шона,
Кавокиб тоши бўлди дона-дона.

Кириб келди қошимға ул дилорой,
Юзи андоққи мушкин пардада ой.

Сочи умру лаби жон чашмаситек,
Қоронғулукда ҳайвон чашмаситек.

Юзи хуршед янглиғ нур этиб фош,
Юзи оллида бўлуб кеча хуффош.

Салом этмакка чун эгилди қошим,
Аёғиға югуруб тушти ёшим.

Юзини очти ул давлат аруси,
Илик берди саодат пойбуси.

Кўнгул тахтина андин сўнгра ошти,
Ки ўлтурмак анга анда ярошти.

Тузолди олида руду майу жом,
Улошти суҳбату топти саранжом.

Муғанний сеҳр аро бўлди фусунсоз,
Чиқорди ҳар иликидин бир овоз.

Йиғочдин барг олиб тебрлатти бошин,
Биришим важҳидин тузди маошин.

Масиҳо соридин мутриб дам урди,
Унини кўтариб, кўкка ошурди.

Уни ҳар кўккаким юзланди бехост,
Ўзин еткурди, қилди қўлини рост.

Бўлуб булбул чаман ичинда шабхон,
Унидин очилиб гуллар юз алвон.

Аёғтек тезкиниб соқи паёпай,
Оғиздин ўтубу бошқа чиқиб май.

Ародин чун такаллуф расми йитти,
Май ўти эл димоғини иситти.

Деди ул лутф илан сарви гуландом —
Ким оғзи писта эрди, кўзи бодом:

— Амирий! Туз бир оҳанге ўзунгдин,
Ўқи бир неча сўзи ўз сўзунгдин.

Ишорат қилди чун ул ҳусн зайни,
Ироқивор мен туттум Ҳусайний.

Ўқудум лаълитек бир шеъри рангин,
Латифу обдору нархи сангин.

Ҳаминким зиҳни кўргузди тааммул,
Хаёлин белитек қилди тахайюл.

Аёғ олиб ичиб, туркона тилни,
Кўтарди қизлар илан муътадилни.

Тута берди манга ул ҳусн боғи;
Юкунуб тўра бирлан меҳр аёғи.

Элидин олдиму ичтим; тукуб ёш,
Аёғитек элин ўптум қўюб бош.

Газак берди манга оғзи лабиндин,
Дам урди ичгучилар машрабиндин.

Юзидин шавқ бозори бўлуб тез,
Ароға кирди ҳар соат юз ангез.

Гаҳи шавқ ила шафтолуни узмак,
Гаҳи обини нор устина тузмак.

Гаҳи қанду ҳарир ичинда мумтоз,
Гаҳи аттор ул ишдинг гоҳ баззоз.

Гаҳи гул хирманиндин хўша термак,
Гаҳи ўйнамоқу гоҳ айтабермак.

Гаҳи олмоқ назарға гавҳари пок,
Гаҳи сарроф бўлмақ, гоҳ ҳаккок.

Тонг отқинча бу иш эрди саросар,
Ки то муқри деди: «оллоҳу акбар».

Равон қўпти еридин ул сумансоқ,
Азимат нақшини кўргузди офоқ,

Тилади ошуғуб олида шабранг,
Видои кўргузуб отланди дилтанг.

Равон бўлди олиб гул баргини ел,
Илик тишлаб онинг бармоғидин эл.

Кел, эй соқиқи борди жон чароғи.
Тутобергил манга боштинг-аёғи.

Ачиқ сув бер, қилиб девонау маст,
Ки берибтур манга шўробаз даст.

Дар хатми китоб

.....

Бипҳамдуллаҳки, фурсат берди даврон,
Ёзилди номалар бошина унвон.

Бититек эмди тарихини котиб,
Эрур тарихи учун забти вожиб.¹

Илоҳий сендин ўзга йўқ паноҳим,
Исиниб ҳазратингда чиқти оҳим.

Гаҳиким берсанг эзгулук баротин,
Амирийга нишон бер анда отин.

Анга бердинг чу девон дафтарини,
Ато қилдинг маони кишварини.

Низомийтек ишин бедарду ранж эт,
Анинг «Даҳнома»сини «Панж ганж» эт.

Иноят элини ул гулдин олма,
Кўтаргил они, нори-бери солма.

Ким ул жон равзасидин чиқти ногоҳ,
Анга сен бер кўнгуллар ичина роҳ.

Уқуғонға мазид этгил биликин,
Битигонга равон қилғил иликин.

Янги ойтек они кўргуз жаҳонға,
Текургил қирвондин қир[в]онға.



¹ Забти вожиб — абжад ҳисоби билан 833 (ҳижрий) чиқад-
дики, бу 1429/1430 йилга тўғри келади.



«ЧОҒИР ВА БАНГ» МУНОЗАРАСИ

Оғози суҳан: бир кун манга азизеким, балогат Мисрида Юсуф масаллик эрди ва зеҳни эъжози изҳоринда Мусо сифатлик, мутойиба бобинда таклиф билан тарғиб қилдиким, форс услуби билан турк алфозини таркиб этиб, банг ва чоғир орасинда мунозара тартиб қилғилким, бу чоққа тегру ҳеч эрса бу таврнинг уҳдасидин чиқмайтур. Ростини, бу хаёл ажаб кўрунди манга, аммо почор бўлди, яхши бўлғай дедим — алмаъмуру маъзурун! — бу тарихнинг меъмори, бу шаклнинг мухтариини, бу расмининг мубтадиини, бу ҳарфнинг мураккибини, бу лафзнинг мурааттибини, бу сирнинг соҳиб замири, яъни Юсуф Амирий — аҳсаналлоҳу авоқибаҳу! — анингтеки кўргузурким, бир кун асҳоб фурқатидини ва аҳбоб ҳасратидини мутафаккир ва мутаҳаййир ўлтурур эрдим, ичим бушти, ногоҳ бошимда боғ ҳавоси тушти, сайр эта чиқтим. Боғ ичра гашт этиб юрур эрдим сабо бикин, дедимки: «учрағай манга бир сарв қомате!» Ногоҳ бир неча мувофиқи ҳамсуҳбатни кўрдумки, бир гўшада ўлтурур эрдиларким, аларнинг орасида мухолиф рост келмас эди. Назм:

Арода чанг эди эгрию, ҳардам
Ани ҳам эгри деб урурлар эрди,

Борчалари, назм:

Ширу шакартек [бир] бири бирлан қарин,
Ҳамсабақу ҳамнафасу ҳамнишин
Завқу тамошо била мажлис қуруб,
Ичкуга машғул эдилар ўлтуруб.

Ўзум бирла дедим: бу жамоатқа ким, файз алардин хориждур, агар ўзумни дохил қилсам тариқ тутқойлар, ёвуқроқ бордим эрса байт:

Утру келиб борча аёқ туттилар,
Бош қўюб борча кулоқ туттилар.

Ўзр қулуб дархост қилдимким: «Мени маоф тутунг, муддате бўлдики, чоғирни қўюбтурмен». Бориб бир кесак маъжун келтурдилар. Олдим, тошладим. Бирдан ўлтурур буларни синчиладим эрса, назм:

Баъзи шугуфта хотиру хушвақт гул бикин,
Баъзи бинафшатеки солибон бошларин қуйи,
Баъзи гулоча бирла овунуб очуқ-ёруқ,
Баъзи қотиб, тамоғи қуруб оғзида суйи.

Дедим: «Субҳоналлоҳ, на ҳолдур!» Назм:

Бу кайфиятни эмди сўрса бўлмас,
Таоммул кўзи бирла кўрса бўлмас.

Ногоҳ бир яшил хирқалиқ сўфи ва бир гулгун тўнлуқ йигит мунозара ва мубаҳасага машғул бўлдилар. Мажлис ичинда иккаласи яшил, қизил қавс ва қузах бикин бири бирига қотилиб эрдилар. Ул сўфи савол қилди йигиттинким: «Сен не нимасен ва отинг недур ва хосиятинг не?» Йигит жавоб бердиким: «Мен ўзум наслидурмен. Ўзумнинг фахри менинг биландур ва манга сармастлар май от қўюбтурлар. Ҳар қачон отимни оюрсам «ям» бўлурмен. Зоҳиран бу нозукликни кўруб айтибтурлар. Назм:

Бола дарёу эл андин кеча олмас кематек,
Айб қилмасменки, йўқтур элга дарёдин гузар.

Ва баъзи мункирлар мени муттаҳам қилурларким, ақл жавҳарин зойил қилур. Ҳол улким, қазиййи акстур ва Салмон порсида бу диққатни кўруб, мамдуҳ сифатида айтибтур. Мисраъ:

Дили поки ту дурри ақл рўснад зи қалби ям!

Дунёда сўз жавҳарининг саррофлари ва лафз ақиқининг ёмон ва яхшисин тониғучилари менинг васфимда айтибтурлар.

Байт:

Қабо лаълу камар лаълу гулу лаъл,
Лабаш ҳам лаълу, бини лаълу, бў лаъл².

Ва риндлар мазҳабида мен ул маҳбубедурменким, менинг учун чандин қонлар оқибтур ва чандин қонлар чиқибтур. Менинг мажлисимда гоҳ аёқ бошқа қўялар ва гоҳ бош аёққа. Назм:

Турубтурлар аёқим ўпмак учун,
Суроҳитек бори бўйнин узотиб.

Ва мени ҳар қайдаким, тиласалар, топорлар ва ошиқлар бу маҳалда айтибтурлар. Назм:

Эй валвалайи ишқи ту бар ҳар сари кув,
Риндови сари кўйи ту маст аз ту ба бўе.³

Ва зеҳни югурук ширин сўзлуклар манга гулгун от қўюбтурлар. Ҳар кимнинг паймонаси тўлубтур менинг билан ўчашур. Учашгач шаксиз чопарман. Тенгри манга бу даврда онча куч ва таҳаввур берибтурким, агар баҳодирлар бир бирига чиқсалар, мен юзга чиқармен ва жигардори эранлар иш куни менинг сифатимда ўқубтурлар. Байт:

Юраксизли юракликларга қотгон,
Сориқ юзни қизил қилгон чоғирдур.

ва Салмон тағи менинг зўрумни кўруб, айтибтур. Назм:

Зи оби сурхи май уфтодааст Золи хирад.
Чи жойи Зол, ки Рустам бияфтад аз сурх об.⁴

Ва манфаат оламинда ул хизматгоредурмен то жоним бор элга куч берурмен ва ҳақ таоло мени қуръонда зикр қилибтурким, нафъ бобинда оятедурмен ва ҳар нечукким, зикр қилибтур ул ҳурмат манга етар.

Байт:
Ҳайҳотки, номам ба забони ту барояд,
Ё ҳамчу туеро чу мане дар назар ояд.⁵

Ва менинг хосиятимни ул киши билурким ўзини ҳикмат қонунинда Бу-Али тутар. Анинг учунким, муддатлар куб ичинда Афлотун бикин риёзат тортибтурмен ва ҳақим муни кўруб айтибтур, назм:

Эй давоий пахвату номуси мо,
Эй ту Афлотуну Жолинуси мо.⁶

Ва мен авбош истилоҳи билан ул алломае дурурменким, хароботилар менинг қошимда тажрид шарҳин ўқурлар. Чун мабҳас бу ерга етти, йигит ҳам сўрди сўфидинким, сен тағи кайфиятингдин шаммае баён қилгин ва асрорингни ороға келтур. Сўфи теди: менинг турур ерим дарвешлар такясидурур. Вале хирқа ул пири сабзпушким, хиёвон кўчасида ўлтурур, анинг илгиндин кийибтурмен ва мени дардмандлар дору дерлар ва бедардлар банг ва менинг ҳақимда айтибтурлар. Назм:

Сабзе ки шифойи мардуми дилтангаст,
3-у маънавиёнро адабу фарҳангаст.
Ҳар чанд назар ҳаме кунам дар кораш,
Айбаш ба жуз ин нестки, номаш бангаст.⁷

Ажаб ҳолаттурким, бадномдурмен; бовужуди улки, банг нек тасҳифидур. Яна менинг асли отим канабтурким, эл ани эвурубтурлар, «банг» бўлубтурмен. Баъзи орифлар асрор дерлар, ул сабабтинким, ҳар кимни тутсам берк тутармен. Мардона киши керакким, менинг билан турушқой.

Мисраъ:

Масалдур эл оро «гурдию марди»⁸.

На мубошарат бобинда текма киши менинг ёйимни торта олмаским, қаттиқ тортқучидурмен ва маҳкам урғучи ва суҳбат майдонинда ул қадрандоздурменким, баднафслар менинг сифатимда айтибтурлар. Назм:

Ҳар неча ким, бўлса узук айш оро.
Тушмас анинг ҳеч газ ўқи хато.

Ва машҳурдурким, Убайди Зоконий айтибтур: «Ҳар хотун ва отунеким, эллик ўғул, қиз онаси бўлуб юз яшаб, дунёдин нақл қилса, агар банги суҳбатиға мушарраф бўлмайду, таҳқиқ билингим, дунёдин бикр борибтур. Лўттудек полон уруштурмоқликда худ не дерсен, тасбиҳ тошлоғондин сўнгра, агар қовундин тоғтоғ бўлса ва узумдин боғ-боғким, юз эвурмон, андоқким, бангилар айтибтурлар, Назм:

Мо кўхи куличаро палангем,
Мо баҳри муҳичаро наҳангем.⁹

Ва менинг хосиятим кўптур. Баъзи худ мени санг, таржеҳ қилибтурлар, андоқким, айтибтурлар:

Ақле ки, з кавнайи фузун меояд,
Дар дасти майи ноб забун меояд.
Ҳам банг ки, ранги зиндагони дорад
Қаз ранги шароб бӯйи хун меояд.¹⁰

Ҷоғир эшитгач, ачиқ устиндин тедиким, санга те-
гармуким бу сӯзни оғиз тӯла менинг юзумга айтқойсен?
Мен сени пухта соғинур эрдим. Эмди бу хомхаёлни бо-
шингдин чиқорғил, йўқ эрса, онча янчайин сениким,
дудунг бошингдин чиқсун.

Банг эшитгач, калла хушклуқ бунёд қилди — теди: «Не
бӯлубтур санга мени ялмаб, ютқали турурсен? бу оқ-
жумлуқни ўзга ерга элтким, агар букундин сўнгра ўз
иззатингни асрамай, ҳаддин ошурсанг онча тептура-
йин сениким, ширанг остингдин оқсун. Сенинг орта-тоша
ортуқлуғинг йўқтурур, ҳар қайдаким сенинг зикринг
қилсалар, менинг фикримни қилурлар ва ҳар қачонким
сенинг ҳикоятингни қилсалар, менинг ривоятимни қи-
лурлар, бо вужуди улки, Ҳофизи Шерозий сенинг мад-
доҳингдур, менинг риоятимни қилибтур. Назм:

Бошад эй дилки, дари майкадаҳо бикуюоянд,
Гиреҳи кори фурубастайи мо бикуюоянд.¹¹

Хисрави Деҳлавий худ сариҳ қилибтурур:

Бе лаълу зумуррад натавон хуррам буд,
Чун лаъл набошад, ба зумуррад созем.¹²

Муқаррардур ҳар маҳфилдаки, сени лаъл отасалар,
мени зумрад ўқурлар ва ҳар ердаки, сени сув десалар,
мени ўт дерлар ва ҳар мажлисдаки, сени Илёсқа нис-
бат қилсалар, мени Хизрга ташбиҳ қилурлар ва ҳар
мақомдаким, ошиқлар санинг шаклингни маъшук лаби-
га менгзатурлар, менинг рангимни маҳбуб хаттига ўх-
шатурлар, сенинг мендин орланмоғинг бағоят бемаъ-
нидур. Мен сени агарчи яхши билмон, вале яхши би-
лурмен айтибтурлар. Назм:

Эй духтари раз, ту порсойи мафуруш!
Кас нист ба олам ки, туро наниҳодаст.¹³

Албатта то сенинг аёғингни кўтармагин-ча ёронлар
лаззат қилмаслар.

Ҷоғир эшитгач, қони қайнаб инфиолдин қизориб,
теди: Бу не дандонзанлиқтур?! Пўст-пўшлар қўйнида

улғайгон, кўп занах урма ва тек турким, журъадондип
чиққинча сени абнон қилурмен. Сен бир ўтсенки, маж-
муъ эл сенинг илгингдин куюбтурлар. Ҳар кимки, сан-
га ўгранди ўртанди.

Бу фанда сеҳр қилурсенки, одамани бир дамла
эшак этарсен. Фаҳминг охир қилғучиси ва ваҳминг
зоҳир қилғучиси. Мисраъ:

Кимки кўпроқ ер сени бўлур эшак,

Андоқни айтибтурлар. Назм:

Ҳар каски алафвар хўрад хар гардал

Ва шаклинг тағи эшак тезакига ўшар ва борчадин но-
зукроқ буким тўқум ва пордум била тиларсенким, байт:

Тезак янглиқ қуюшқонга қисилиб,

Қўш отлиғлар била йўл тенг юрусанг.

Ва сен бағоят шум гиёҳедурсен. Назм:

Кишиким, бир сенинг юзунгни кўрди,

Ул ўзга яхшилик юзини кўрмас.

Эй лавандлар сармоёси ва эй танандлар пирояси,
эй бад шакл дегдони ва эй бадбахт оташдони, чусту
чолок йигитларни қоҳил ва танбал қилгон сен. Чандин
одами ва одамизодларни қаро ерга ёндургон сен.

Мисраъ:

Илоҳики, тухмунг қуруғай санинг.

Банг эшитгач теди. Мисраъ:

Жоно, зи жамоли хеш огоҳ найи!¹⁵

Ғолибан ул бир неча байтни эшитмайдурсенки, се-
нинг ҳаққингда айтибтурлар.

Қитъа:

Сармоёйи фасоду калиди дари ситам,
Беҳи дарахти фитнау тухми ниҳоли ғам.
Бунёди ҳар палидию қонуни ҳар бади.
Анжоми ҳар шақовату оғози ҳар надам.

Асли фасоду арбадау хасми мулку мол,
Нуқсони ақлу дину балойи зару дирам,

Дар заръи шаръ оташу дар чашми ақл хок.
Боди димоғи нахвату оби рухи ситам.

Хамри палид донки, бувад охираш фасод.
Жоме азу чу хўрди, агар ҳаст жоми жам!¹⁶

Мени таъриз билан ташниъ қилурсенки, элни эшак этарсен. Элни билмон, боре сени эшак эта билурмен. Анинг учунким, сени хамр дерлар, ҳаминки, ўртанг ёриб замири мимини ичингдин чиқорсам, «хар» бўлурсен ва мундин ортуқроқ оюрушсам «тар» бўлурсен.

Чоғир эшиткач жўш ва хуруш этиб теди: Эй кў-кайи кесулгур, сен ёзиларда ўз бошинг билан ўлғай-ғонсен. Кўп кўрмаган ва ҳам одаме сеннинг сарвақтинга тушмайдурким, сени хабардор қилса, бу шохи но-шикасталигидиндурки, ҳар ким тепар сени, чидағинча янчар ва сенинг учун айтибтурлар. Байт:

Эй банги фуруру ба худат фикре кун,
Бо ҳарки раси ту калла хушки нанамойи.

Банг эшитгач, бу сўзга кўнглинда туғулуб, ўзидин тўнгулуб, деди: Сен доим менинг мазамматимга маш-ғулсену мазаллатимга машъуф. Жамоатеки сени ҳалол-дерлар ҳаром. Агар диёнатдин аларга бўё бўлғай ва тоифаеки, сени мубоҳ дерлар, ажаб, агар амонатдин аларга ранге бўлғай. Сени ичган киши мудом бало ва дом оситида ва муҳтасиб дастида. Мени еган кишига ҳеч-нима йўқ, ҳазл варақин очиб қарни тўқ, кула-кула, се-нинг бобингда ўқур. Мисраъ:

Ки кас мабод зикирдори носавоб хижил.¹⁸

Ҳол бу турур, сен ўзингни мендин ортуқ тутарсен.
Назм:

Сен эмди рози бўлгин сар басарга
Тарозитек бош эндур тек турарга.

Тўлуи ойким камолни қилса изҳор,
Бўлуи нуқсон илигига гирифтор.

Чоғир эшитгач мутағаййир бўлуб, теди: «Агарчи, зо-ҳирда ҳайъатимиз муҳолифтур, аммо ботинда ҳолати-миз мувофиқтур. Вале сен қайда мен қайда? Менинг хосиятим юзни қизортмоқтуру сенинг одатинг сарғайт-моқ». Назм:

Кимие хонанд онон каз хирад бегонаанд
Рост мегўянд оре, чеҳраҳошов чун зараст.¹⁹

Банг эшиткач, мутафаккир бўлуб, теди: «Сен меинг хосиятимдин гофил сен ва моҳиятимдин қосир, не қилиб тониғайсен ва не билиб тониғайсен». Шеър:

Руйи зардам рақиб нашиносад,
Хар чи донад ки, заъфарон чи бувад.²⁰

Бу ҳолатда бол Чоғирни сўра келдики, ҳаммашраб эди ва ҳамдамлик даъвосин қилур эрди: Назм:

Чоғир теди: Мени сен сўрма эй бол
Ки эл оғзида туштум банг элиндин.
Менга бу банг доим тил тегурур,
Ўлубтурмен маҳолу нанг элиндин.

Болга кайфият маълум бўлди, ширинкорлик билан орага кириб, аларни бир биринин айирди. Чоғир хуш бўлуб, дуо қилдиким: «Эй бол, тенгри санга учмоқ рўзи қилсун ва ҳурни беқусур қучмоқ...»

Форсча шеърларнинг таржимаси

- 1 Сенинг соф мусаффо дилинг денгиз қалбида ақл дуррини ўс-тиради.
- 2 Қийими лаъл (қизил рангда), камари лаъл, томоғи лаъл, лаблари лаъл, бурни лаъл, (гўзал танидан тарқалган) (ҳид) ҳам лаъл.
- 3 Эй, ишқинг ҳамма ерга овоза бўлган,
Қўйингда юрган риндлар фақат сендан келган ҳиднинг ўзидан маст бўлмиш.
- 4 Майнинг қизил суви ақл Золини йиқитмиш,
Золнинг ҳоли не бўлғайки, қизил сув Рустамни ҳам йиқитади.
- 5 Сен қаердаю, мени тилга олишинг қаерда.
Ёки «сен киму мен ким?!»
- 6 Эй бизнинг виждонимиз, номусимизга даво!
Эй бизнинг Афлотунимиз, Жолинусимиз!
- 7 Дилтанг кишилар [дардига] шифо яшил ўтдирки.
Ундан маъни аҳллари адаб ва илм ўрганади.
Қанчалик унинг қилмишини кўздан кечирмайин,
«Банг» деб аталишидан бошқа унинг ҳеч қандай айби йўқ.
- 8 Эл аро шер ҳам мард.
- 9 Биз кулчалар тоғининг қоплонимиз,
Биз балиқчалар денгизда энг катта балиқимиз.
- 10 Икки дунёда зиёда бўлган ақл
Ўзумдан қилинган май олдида ҳеч нарсага арзимаё қолади.



Агар бангда тириклик ранги бўлса,

Шароб рангидан қон ҳиди келади.

- 11 Эй кўнгил кошки майхоналар эшигини очсалар эди,
Юришмай қолган ишимиз тугунини майхоналарда ечсалар эди.
- 12 Лаълсиз, зумрадсиз хурсанд бўлиш мумкин эмас.
Агар лаъл бўлмаса зумрад билан кўнгул очайлик.
- 13 Эй узум қизи, сен художўйлик тўғрисида сафсата сотма
Оламда ҳеч бир инсон йўқки, сени кўрмаган бўлса.
- 14 Қимки ўт еса у эшак бўлади.
- 15 Жоно, ўз жамолингдин огоҳ эмассан.
- 16 Фасод сармоясини, ситам эшигининг калитини.
Фитна дарахтининг илдизини, ғам ниҳолининг уруғини.
Ҳар қандай палиднинг бунъеди, ҳар қандай ёмонликнинг қонунини.
Ҳар қандай бахтсизликни зоҳир қилувчи, ҳар қандай афсусли ишларни бошлаб берувчи.
Асли фасод, уруш ва жанжалларни уюштирувчи, молу мулк хасминини.
Ақл ва дин нуқсонини, пул ва олтин балосини.
Шариат олдида оташ, ақл кўзини олдида хок.
Ғурурлик димоғининг ели, ситам руҳининг оччиқ сўзини.
Май бир палидурки, охири фасолдур.
Ичсанг ҳамки сен бир пиёла ҳатто Жамшид жомидан.
- 17 Эй юзсиз банг, ўзинг бир ўйлаб кўр,
Охир сен кимга яқинлашмагин, уни ақлдан оздирасан.
- 18 Ки киши носавоб қилмишдан хижолат бўлмасин.
- 19 Ақлдан бегоналар кимё деб атайдилар.
Рост айтмишлар албаттаки, уларнинг юзлари зардур (сарикдур).
- 20 Сарғайган юзимни рақиб билмайди.
Заъфароннинг нима эканлигини эшак қандай билсин?

ОТОЙИ





Отойи — ўзбек адабиётининг юксалишига катта ҳисса қўшган шоирлардан биридир. Отойи ижодининг барқ урган даври XV асрнинг биринчи ярмига тўғри келади. Шоир ўзининг бу самарали даврини Самарқанд, Ҳирот ва Балхда ўтказган.

Отойи Тошкент билан Сайрам оралиғидаги бир қишлоқдан бўлиб, насаб жиҳатидан Аҳмад Яссавий қариндоши Исмоил ота авлодларидан бўлганини сўзлайдилар¹. Бу шоир тахаллусининг Отойи бўлиши ҳам, унинг Яссавий тариқатини элга ёювчи сўфийлардан — яъни Мансур ота, Занги ота, Сулаймон Ҳақим ота, Анбар ота, Иброҳим ота каби мутасаввуф оталар (атолар) оиласидан ва гуруҳидан чиққанлигини кўрсатади. Отойи шеърларидаги айрим сатрлар ҳам шу фикрни тасдиқлайди. Масалан:

«Тувоқун бир файласуфу оқили кўрган киши,
Илғой олмайду буқун мажнуни шайдодин мени»

деб ёзади шоир.

Отойининг таржимаи ҳолига оид аниқроқ маълумотга эга бўлмаганимиз ҳолда, унинг девонидаги шеърларга асосланиб, шунга айтиш мумкинки, шоир гарчи келиб чиқиш эътибори билан сўфийлар (оталар) га мансуб бўлса ҳам, у ижтимоий ҳаётдаги курашда реакцион муҳитдан, сўфийлик тариқатидин ажралиб, ҳаётга прогрес-

¹ Алишер Навоий. Танланган асарлар. Т. III, 1948 й. «Мажолисун-нафоис», 57 бет.

Алишер Навоий. «Насоимул-муҳаббат», қўл ёзма, Исмоил ота боби.

сив қараган дунявий адабиётнинг ривожини учун хизмат қилган йирик шоирлардандир.

Отойининг ўзидан кейин кўчирилган девоннинг ягона бир нусхаси СССР Фанлар Академияси Шарқшунослик институтида сақланади.

Бу нусхадан кўчирилган фотокопия ЎзССР Фанлар академияси Тил ва адабиёт институтида. Отойининг тўп-ламга киритилган шеърлари шу фотокопиядан олинди.



«ДЕВОН» дан

Ғазаллар

Ў

лтурур эрди мени ҳижрон хаёлинг бўлмаса,
Ё умиди давлати субҳи висолинг бўлмаса.

Ою кун зарра муориз бўлғай эрди юзунга,
Муъжизи ҳусну малоҳат зулфу холинг бўлмаса.

Севмагай эрди киши оламда сендин ўзгани,
Гар вафо қилмоқта ошиққа ўсолинг бўлмаса.

Эй жамолинг хисрави сайёра ҳусн афлокида,
Тенгридин тун-кун тиларменким, заволинг бўлмаса.

Беҳабар бўлса малак кўргач сени инсон бикин,
Не ажаб маҳшарда ҳам сўруқ-саволинг бўлмаса.

Одамийликдин эмаским, ул паридин айрилиб,
Бу тирикликдин кўнгил гар инфолинг бўлмаса.

Қийлу қолингдин Отойи маърифат тутма умид,
Ул оғиз, белинг хаёли бирла холинг бўлмаса.

Жамолинг васфини қилдим чаманда,
Қизорди гул уёттин анжуманда.

Таманно қилғали лаълингги кўнглум,
Киши билмас ониким қолди қанда.

Чу жонимдин азиз жонона сенсен,
Керакмас жон манга сенсиз баданда,

Манга ул дунёда жаннат не ҳожат,
Эшигинг тупроги басдур кафанда.

Солиб борма мени эй Юсуфи ҳусн,
Букуи Яъқубтек байтул-ҳазанда,

Узун сочингдин узмасмен кўнгулни,
Аёғинг қанда бўлса бошим анда.

Тилар эл мансаби олий ва лекин,
Отойи сарви озодингга банда.

* * *

Қон бўлди кўнгул фироқи бирла,
Куйди жоним иштиёқи бирла.

Зулфунг черики жамол мулкин,
Олди кўзунг иттифоқи бирла.

Ғунча сўвунуб тўнига сигмас,
Ухшатсам ўқунг башоқи бирла.

Мажлисда чоғирдин эл усурса,
Мен жоми жамоли соқи бирла.

Тўсқу тиламакка ҳаддимиз йўқ,
Соғин бори давр аёғи бирла.

Ишқинда қаро бошим оқарди,
Бир боқмади кўз қироқи бирла.

Кўз ўйнатиб уттилар кўнгулни,
Икки қоши жуфту тоқи бирла.

Ошиққа жафо қилинг ва лекин,
Асру дағи йўқ йироқи бирла.

Хўблардин Отойи лутф истар,
Хонларга не иш ясоқи бирла.

* * *

Кўзунгтек фитна йўқ даври қамарда,
Лабингдек таъма йўқ қанду шакарда.

Юзунгда топтим ҳарне тиладим,
Тилаклар туш бўлур оре саҳарда.

Хатинг фикринда кўнглумни мунажжим
Кўрар ҳар лаҳза юз турлук хатарда.

Топилмас насли одамдин сенингдек,
Юзи ой, кун туғардин кун ботарда.

Белинг фикру хаёлин боғламоқта,
Тасаввур қилмас эл. илло камарда.

Кўзунг кўнглум олурға майл қилса,
Турубтур ушмунок жон ҳам назарда.

Отойини ўшал бемор кўзлар,
Тугубтурлар давосиз дардисарда.

* * *

Гардундин ўтар нолау зорим кечаларда,
Билмас нетай ул моҳ узорим кечаларда.

Заҳра ёрилур дарди фироқинда кўнгулдин,
Оҳеки чиқар ўқ каби ёрим кечаларда.

Йўқтур ғаму ранжу аламу қайғудин ўзга,
Ҳажрингда менинг ҳамдаму ёрим кечаларда.

Оғзи дамидур шому саҳар нуқлу шаробим,
Лаъли ғамидур дафъи хуморим кечаларда.

Ҳижрон черики баски урур жонға шабихун,
Дунёни тутар гарду ғуборим кечаларда.

Ёд айласам ул шўхи қароқчи қара кўзни,
Қолмас нетайин сабру қарорим кечаларда.

Зулфи ғамидин ўлсам Отойи бикин элга,
Бўлғусидур [ур] ёри мазорим кечаларда.

* * *

Эй бегим, валлоҳ, керакмас танда жон сизсиз манга,
Ҳам ҳаёти Ҳизру умри жовидон сизсиз манга.
Эл тирик дерлар мени, кўнглумда фикр этсам вале,
Бу тириклик то бўлур юз минг гумон сизсиз манга.
Сиз санамлар хонидурсиз, бандангиз бир энчу қул.
Бўлмасун ушбу улуста хонумон сизсиз манга.
Жаврунгуз меҳру вафодур, дардингиз айни даво,
Филмасал гар ўлтурурсиз меҳрибон сизсиз манга.
Васлингиз умрум гулидур, шавқида мен андалиб,
Ез фаслинда бўлур вақти хазон сизсиз манга.
Мен бу юз муштоқидурмен, боғу бўстонким бўлур,
Бўлмасун насрину лола арғивон сизсиз манга.
Мен Отойимен Ҳусайний, ҳусн ичинда сен Ҳасан
Қарбалодур равзаи боғи жиғон сизсиз манга.

* * *

Эй соҳиби фан ишва била ноз фанида,
Ғамзанг элидин қолмади жоним баданида,
Етмас мени ғамхорға жуз хори фироқинг,
Ҳар неча гул очилса висолинг чаманида.
Ногаҳ назарим чоҳи занахдонингга тушти,
Боғланди кўнгул Юсуфи зулфинг расанида,
Кўюнгдуру мен ҳожати фирдавс эмаским
Хуштур кишига бўлса муқим ўз ватанида.
Дур тишинг ила лутф талашқон ёзуғиндин,
Пишти суға ғаввос они баҳри Аданида.
Хўблар йиғилиб ҳусну малоҳат майин ичса,
Мажлис беги сендурсен олар анжуманида.
Бешубҳа малак қилгусидур қабрипа сажда,
Хоки қадамнинг бўлса Отойи кафанида.

* * *

Ҳосили умрум туганди ҳасрату қайғу била,
Рўбарў ўтурмадим ул кўзлари жоду била.
Мен нечук ташбиҳ этай ул юзни ою кунгаким,
Нисбати йўқтур тажалли юзининг кўзгу била.
Қоматинг хуштур, вале икки кўзумда яхшироқ,
Сарв чун хушроқ кўрунур бўлса оқар сув била,
Кўзлари кўнглум олур, холи қўяр-жонимға доғ,
Эй мусулмонлар, нетай ул кофири жоду била.
Неча қон йиғлаб Отойи сўзласа дарди дилин,
Ўткарур ул тош бағирлиқ шевачи кулгу била.

* * *

Кўзумки севди юзунгни чин эътиқоди била,
Кўрар бу мушки Хўтанни сочинг саводи била.
Бўюнгни сарв ўқумоқ элга одат ўлди, вале
Эрам ниҳоли не нисбат бу девча оди била,
Жамол мулкани олдинг вафоу меҳринг ила,
Ки мулк боқи бўлур шоҳ адлу доди била.
Муродим ул кўзи айёрадурки бор назари,
Ниҳони ошиқи мискини номурооди била.
Езуқсиз ўлди камон абрулар жафосиндин,
Ичинг пиёлаи сиз ҳамол Отойи ёди била.

* * *

Жоду кўзунгки бордур анинг фитна қошида,
Пайваста нозу шева эрур фикри бошида.
Қирпикларинг тегишса таларлар кўнгул элин,
Толондур оре икки черикнинг савошида.
Эй бағри тош, кўнглум уйин айлама хароб,
Ким суратунг сизилмиш анинг ичу тошида.
Эшикта итларинг манга миннат қилурлар оҳ,
Ҳеч кимса бўлмасун кишининг тўну ошида.
Важҳи маош қилғали ул юз назорасин,
Ҳайрон дурур халойиқ Отойи маошида.

* * *

Не раво бўлғай бўким, меҳроб ичинда ўлтуруб,
Ўлтурадур мен дуочини кўзунг боқиб туруб.
Бир тўя кўргаймумен деб талъатингни тўлун ой,
Тунглукунгда ўлтурур то субҳ мендек телмуруб.
Тишларингдек донае Уммон ичинда топмади,
Ҳар нечаким истади мискин садаф оғзи қуруб.
Неча занжир айласам кўнглум уйининг эшигин,
Найлайн қондин келур зулфунг хаёли бош уруб.
Жавҳари руҳийким аслин билмади аҳли калом,
Банда бир сўз бирла ногаҳ билди оғзингдин сўруб.
Қирпигинг новақлариндин сақланур кўнглум вале
Бир отиб ёзмас нишонин икки айёринг жўруб.
Ғояти билмаслигиндин муддаи кофир бўлур,
Гар сужут айлар Отойи сизга ҳақ нурин кўруб.

* * *

Ҳар замон чиқма хиромон юз уза зулфунг солиб,
Тушмасун ислом ичинда расми зиннору салиб.
Бу лаби жонбахшу бу ҳусну малоҳат сендадур,
Е сени Юсуф десунлар, ё Масиҳо, ё Ҳабиб.
Жаънатул-маъвода кўнглум қилмағай сенсиз қарор,
Найласун гул бўлмаса, алҳақ чаманда андалиб.
Гар борур бўлсанг мени ўлтурғали бўлғил равон,
Бори олингда ўлай, ўлгунча сендин айрилиб.
Кес бошимни ерга сол, ётсун қаро зулфунг бикин,
Гар назар қилсам юзунгдин ўзга юзга қайрилиб.
Дарди ишқинг гар будурким, душти жонимға менинг,
Мен тирилгум йўқтурур беҳуда жон тортар рақиб.
Гарчи эл дерким, Отойи бермагил ёрингға жон,
Мен нетай бошимға ортуқ жонни жонимдин олиб.

* * *

Сенсиз бу жаҳон айши аламдур, манга, эй дўст.
Шодлиғи ҳам меҳнату ғамдур, манга, эй дўст.
Лутфу карамингни сен агар мендин аясанг,
Жавру ситаминг лутфу карамдур манга, эй дўст.
Дийдор ила қониъ эмас эрдим эса ҳажринг,
Бисёр жафо айлади камдур манга, эй дўст.
Кўнглум юзини жавр ила чун сендин уюрмон,
Охир неча бу жавру ситамдур манга, эй дўст.
Одамға сени ўхшата билмонки, парисен,
Нортек янгоқинг боғи Ирамдур манга, эй дўст.
Қўй қиссаи Жамшедни жоми илигиндин,
Гар бўлса даме мулкати Жамдур манга, эй дўст.
Оғзингға фидо жонки, табассум қилиб айгур,
Ҳар лаҳза Отойи не адамдур манга, эй дўст.

* * *

Эй ой юзунг бандалари бахту саодат,
Хуснунг киби меҳрим санга ҳар лаҳза зиёдат.
Гар бўлса санга жавру жафо хўю вазифа,
Бўлди манга ҳам меҳру вафо пешаву одат.
Мен лаъли лабинг даъвисини тарк эта билмон.
Қонимға агар муддаилар берса шаҳодат.
Зулфунгни севубон юзунга сажда қилурмен,
Қилса не ажаб ҳусн элидин бутқа ибодат.
Майхонада лангар солиб ўлтурди Отойи,
То берди санамлар элина дасти иродат.

* * *

Эй мусҳафи хуснунгга менгинг нуқтаси оят,
Ислом элига бўлди юзунг нури ҳидоят.
Сен ҳурмусен ё малак, эй турфаи даврон,
Не хуснунга бор ҳадде не лутфунга ғоят.
Гар ҳусн будурким санга бор, кес бу тилимни.
Юсуф сўзидин қилсам агар зарра ҳикоят.
Зулфунг мададидин қиладур жонга кўзунг қасд,
Чин лашкари кофирға қилур, оре ҳимоят.
Гар жони равон олами арвоҳқа чиқса,
Қилғай лабинг одамға тирикликни кифоят.
Биз барча ҳавосин бу дам оғзингда кўрарбиз,
Воиз неки Исо дамидин қилди ривоят.
Гар жавр этса, агар лутф қилур шукрунг Отойи,
Чун йўқ турур онлингда анга ҳадди шикоят.

* * *

Юзунгни эй малоҳат хони, бир оч,
Тўя кўрсун сени бу мустаҳиқ оч.
Нетай мен ғамзанг илгиндинки ҳардам,
Тегар жонимға кўз кўнглумни олғоч.
Гулистонда чиқор пироханингни,
Саботек ғунча бирла ўйна суймоч,
Бинафша қилди зулфунг бирла даъви
Эгилди бўйни елдин кўп еди коч.
Тиларсанким, жаҳон ошуфта бўлғай,
Замоне сунбулунгни гул уза соч.
Қаро сочинг кўнгулга келса, дермен,
Қароримғаки: бот бўл бошинг ол, қоч.
Отойи севгали оҳу кўзунгни,
Ани сайд этмади ҳеч кўзи қиймоч.

* * *

Эй мусалсал зулфидин жонимда юз минг печ-печ,
Сўрмасанг ҳардам бу қулни бори сўргил кеч-кеч.
Баҳс этар эрди мунажжим сифр оғзинг нуқтасин,
Ҳосили мабҳасни сўрдум эрса айтур ҳеч-ҳеч.
Қулбаи кўнглум сари келса ғаминг таъзим этиб.
Дерман, эй ёри қадимий, хайра мақдам кеч-кеч.
Гар тиларсанг ҳусн мулкин олсанг икки дунёда,
Ошиқи таҳқиқини тақлидилардин сеч-сеч.
Бу Отойи эртаги мухлис қари қулдур санга,
Не йигитлиқтурки, андин ёд этарсен кеч-кеч.

* * *

Ҳар хаста дилким, ул юзи тўлун оё боқар.
Тўймас кўзи куяр тану жони яно боқар.
Топмас юзи гули киби рангину обдор,
Боғу чаманда ҳар неча боди сабо боқар.
Қўймас назарни тўғри манга тенгсаниб, вале
Уғрин боқарда жон тамурини қиё боқар.
Қўнглумни зулфи силсиласиндин олай десам,
Жонимни олғали қара кўзи ало боқар.
Ул шаҳсувор бир назар этмай гузар қилур,
Ҳар неча телмуруб сўнгиндин бу гадо боқар.
Ошиқларинг каминаси кимдур деса киши
Бисёр фикр этар, вале охир манго боқар.
Таъзим этар Отойиға чун пири майфуруш.
Не ғам агар ҳақорат ила порсо боқар.

* * *

Юзунгин равзаи ризвон бўлубтур,
Лабингдин чашмаи ҳайвон бўлубтур.
Жамолинг мусҳафининг оятидин
Ҳадиси Юсуфи Канъон бўлубтур.
Бурун худ бор эди ҳусну жамолинг,
Валекин эмди сад чандон бўлубтур.
Азалда журъае томмиш лабингдин,
Букун оти жаҳонда жон бўлубтур.
Хино рангимудур бармоқларингда,
Е ошиқ ўлтурурда қон бўлубтур.
Мудом усрук ётур меҳроб ичинда,
Магар кофир кўзунг тархон бўлубтур.
Қоронғу кечада киш жубба ичра,
Юзунг ою кўзунг чўлпон бўлубтур.
Таолаллоҳ зиҳи шаклу шамойил.
Ки олам ҳуснина ҳайрон бўлубтур.
Отойи моҳрухлар орзусинда,
Фалактек асру саргардон бўлубтур.

* * *

Дилбаро кел, келки шавқунгдин қарорим йўқтурур.
Тоқати ҳажру мажоли интизорим йўқтурур.
Эй масиҳим мен заифи хаста дилни бир нафас,
Сўрмасанг ўлмактин ўзга қору борим йўқтурур,
Қилча жоним бор, қилай ҳиндуйи зулфунга фидо,
Чун бу савдода бегим, молу таворим йўқтурур,
Неча хоки роҳдек кўрсанг рақиблар кўзида,
Ҳақ билур, бир зарра кўнглумда губорим йўқтурур,
Итларинг чарлар мени кўргач эшикта, айб эмас
Ким улардин ўзга мушфиқ дўстдорим йўқтурур.
Эл юзинда боқма деб ҳардам юзумга сўйлагил,
Сен билурсен худ бу ишта ихтиёрим йўқтурур,
Ўлди ҳажрингдин Отойи, эй жафочи сангдил,
Демадинг бир кун, менинг ул хоксорим йўқтурур.

* * *

Боқар оҳулайин ҳар ён ўшал икки қаро кўзлар,
Хаданги ғамзасин отмоғ учун гўё қаро кўзлар.
Дилу жон сайд қилмоқта киши кўрмайтурур ҳаргиз.
Мунунгдек нозанин қошлар, анингдек дилрабо
кўзлар.
Бу ҳусну шевау шаклу малоҳатни тилаб топмас,
Нечаким нозанинлар ичра ушбу мубтало кўзлар.
Висолинг давлатинда шукр лиллаҳким, бу кун топтук
Биҳиштеким, қиёмат маҳшаринда порсо кўзлар.
Отойининг хаёлотини маҳолин кўрки, хўбларнинг
Вафосизликларин билгач яна меҳру вафо кўзлар.

* * *

Юзунг то пардадин зоҳир бўлубтур,
Санамлар ҳусн даъвосин қўюбтур.
Зиҳи ишрат сенинг усрук кўзунгга,
Ки гулзор ичра хуш мажлис тузубтур.
Шакар оғзинг қошинда лаъл конин,
Менгинг ҳиндулари сақлаб турубтур,
Талошмиш ғунча оғзинг бирла торлиқ,
Сабо ўғрина оғзина урубтур.
Ута чиқти бағирдин тийри ғамзанг,
Вале пайкони жонда ўлтурубтур.
Фироқингнинг магарким жони йўқтур
Мени сенсиз тирик мундоқ тутубтур.
Оттойиға емак, ичмак керакмас,
Ки ҳажринг илгида жондин тўюбтур.

* * *

Бу ҳусну малоҳатки бизинг ёрда бордур,
Ҳошоки гулу долау гулзорда бордур,
Зулфунг кўнгул олур десам, эй жон ажаб
эмас,

Ким юз кўнгул ошuftаси ҳар торда бордур.
Ҳар бириси бир доғ қўяр жони ҳазинға,
Ҳар холки ул оразу рухсорда бордур.
Ҳарне тиласа аҳли назар ҳусн юзиндин.
Жуз меҳру вафо барчаси ул ёрда бордур.
Не ғам агар ўлса ғаму ҳижрондин Отойи,
Чун меҳри онинг хотири афгорда бордур.

* * *

Ҷар кўнгулки жон тилар ҳам васли жонон орзулар,
Аҳли ишқ олинда мушрикдурки, иймон орзулар.
Шарбати ичмайтурур соҳиб назарлар жомидин,
Кимки хўблар дардиға дорўю дармон орзулар.
Бовужуди лаъли жонжахшу ўшул ҳурилиқо,
Одам эрмас ул кишиким обиҳайвон орзулар.
Чун юзин севди кўнгул зулфу занахдонин тилар.
Оре Юсуфни севанлар банду зиндон орзулар.
Бир сен эрмассен ҳавоси бирла хору мубтало,
Эй, Отойи, ул юзи гулни ҳазорон орзулар.

* * *

Дилбар фироқида бу кўнгул хастаҳол эрур.
Ҳамрози дарду ҳамдами ранжу малол эрур.
Шаксиз букун ўлармен анинг фурқатиндаким,
Жонсиз киши жаҳонда тирилмак маҳол эрур.
Боғи биҳишту кавсару тубики. дерлар эл,
Ушшоқ мазҳабинда замони висол эрур.
Юсуф юзи, қудуқ зақани бор, сочи расан,
Исий дамию Хизр хат эрни зулол эрур.
Ҳар маърифатки шайх они таҳқиқ сўзи дер,
Билмас муники, маънийи ул зулфу хол эрур.
Бир қилча ишқ ҳолатидин топмади вуқуф,
Муфтийи мадрасаки, иши қийлу қол эрур.
Ғам кунжида Отойи бикин бўлмайин хароб,
Ганжи висол истамангизким, хаёл эрур.

* * *

Мушкин хатики чашмаи ҳайвон наботидур,
Бир дона жон ангаки тириклик баротидур.
Ул шаҳсувор таркашининг ўқининг юнги,
Жон қушининг тириклата кескан қанотидур.
Ҳар кимки ичмади лаби оби ҳаётидин,
Бир маййити дурурким, онинг ҳайи отидур.
Қўнглумни ўзбак ўлжаси қилди қиё боқиб,
Бу хон уруғи қайси улуснинг қиётидур.
Етмасму бир Отойиға, эй ҳусн ила ғаний,
Қўз учидин назарки жамолинг закотидур.

* * *

Эй бегим, ушбу юз дегул, шамс била қамармудур.
Эй бегим, ушбу сўз дегул, шаҳд била шақармудур.
Қўз учидин қиё-қиё шева била боқишларинг,
Жон тамурин қиёр учун тигму ё назармудур.
Боди сабоки келтурур жонға сочинг насимини,
Шаҳри сабонинг элчиси ҳудҳуди хуш хабармудур.
Зулфи муанбарингким ул кўздин учар узун кеча,
Сарви сиҳининг устида зоғу абири тармудур.
Зорию нола кам қилай, рост айт эй посбон,
Итларинга бу ноладин ҳар кеча дардисармудур.
Лаъли лабинг хаёлидин бир гузар айлайин дедим,
Жони азиздин вале, одамиға гузармудур.
Сўрсанг Отойи ҳолидин нетти, эй подшоҳи ҳусн,
Лутфу карам гадойиға, тенгри учун, зарармудур.

* * *

Бу элда бордур икки моҳ пайкар,
Бири қанду бириси шаҳду шаккар.
Бирининг орази хуршеди тобон,
Бирининг кўзлари куффори Хайбар.
Бирининг зулфу холи дону дом,
Бирининг қомати сарву санубар.
Бирининг лаблари ёқути сероб,
Бирининг тишлари покиза гавҳар.
Бирининг ғабғабидур себи сиймин,
Бирининг икки бодоми муқашшар.
Бири султони иқлими малоҳат,
Бири ҳусн элида хоқону қайсар.
Бирининг ғамзаси жарроҳи устод,
Бирининг кирдуги алмос ханжар.
Бирининг икки қошидур янги ой,
Бирининг талъатидур ийди акбар.
Бирига чоқару банда Отойи,
Бирига ходиму доийи камтар.

* * *

Эй камоли ҳусни Юсуфдин жамолинг ёдгор,
Бўлди ҳажрингдин биайниҳ кўзларим Яъқубвор.
Интизорингда агарчи ўртанур жоним, вале
Ўзгаларнинг васлидин хушроқ манга бу интизор.
Бандани ўлтургали ғамзангға не ташвишдур,
Чунки мен сенсиз тирилгандин ўлубмен шармисор.
Қилсалар маҳшарда эл тақвию тоат бирла фахр,
Мен сенинг ишқинг била қилғумдур ул дам
ифтихор.
Тенгридин йўқму умидинг нетти мен маҳрумни,
Ваъдаи васлинг била қилсанг эди уммидвор.
Таънадин жонға нетарсиз севдунг ул кофирни деб,
Бу кўнгилдур, эй мусулмонлар, манга не ихтиёр.
Ҳар замон чиқсанг хиромон эл кўзи тушса санга,
Ғуссадин ул дам Отойининг магар жони чиқор.

* * *

Не деб тўлун ой юзунг ила ҳусн талошур,
Сен ҳусн иласен чунки қуёшдин доғи машҳур.
Ҳусн ичра қусурин билибон то дами маҳшар,
Ёшунди юзунг хижлатидин жаннат аро ҳур.
Сархушлугининг айнида юз шеваси бирла,
Ўйнарда кўзунг титраса дегай киши махмур.
Жононаи дилдор баче бор бу улуста,
Лекин кўнгул олмоқ сапамо сизга ярошур.
Икки кўзунг устинда қошинг фитнага фитна,
Сарви қадинг устинда юзунг нуран ало нур.
Ўйглаб юзунгуздин олайин зулф ниқобин,
Гул яхши очилмас кечалар ёғмаса ёмғур.
Хўблар юзида чунки кўрар тенгри жамолин,
Гар сажда қилур сизга, Отойиға раводур.

* * *

Сени бир қомати шамшод ўқурлар,
Ғаминг бирла кўнгулни шод ўқурлар.
Мену рухсору зулфунг зикру фикри,
Халойиқ субҳу шом аврод ўқурлар.
Кўнгуллар қушларин сайд этмак ичра,
Кўзунг шаҳбозини сайёд ўқурлар.
Муҳаббат шаръида хўблар қулини
Ниҳоли сарвтек озод ўқурлар.
Насиме ёр кўйиндин топилса,
Сулаймон мулкини барбод ўқурлар.
Даме маҳбубсиз ошиқ ҳаётин
Агар Хизр эрса бечунёд ўқурлар,
Отойини гадолар ичра мазлум,
Сени шоҳаншаҳи бедод ўқурлар.

* * *

Ким кўрди кўзунг ҳасратида мен киби бемор,
Жон ғамзада бағри тўла қон кўнгли гирифтор.
Ул кунки келиб гашти чаман қилдингу бординг,
Насрин яқосин пора қилиб қолдию гул зор.
Учмўқта юз қатла қиёмат бўлур эрди,
Тубида агар бўлса бу қомат била рафтор.
Васлинг талаб этмай нетайин тенгри азалдин,
Матлуб яратти сени, мен қулни талабгор.
Ё ишқ балоси манга ё жаври замона,
Ё ёр жафоси манга ё ғуссаи ағёр.
Ёрим кечаларким, май ичиб оқ урармен,
Билмас киши сирримни, магар олими асрор.
Майл этмас Отойи чаману боғ аро сенсиз,
Жаннатни қачон кўзга илар ошиқи дийдор.

* * *

Юз сори бўлди равон икки кўзумдин жўйбор,
Сарви дилжўюм, не бўлди бир буён қилсанг гузор.
Сен ўшал султони ҳуснесенки, бўстонлар аро,
Давлатингдин гул эшигин ел [ёпибон] ел очор.
Бўлди бағрим сув ғамингдин, яхшилик қил сол
суға,
Охир, эй гул хирмани албатта ҳар эккан ўрор.
Қилди жонимга мени ширин лабинг завқи бале
Бу масалдурким, киши бол тутса бормоғин ялор.
Давлатингдин кўкка етти барча қулларнинг боши,
Ушбу не толийдур ойим бизга етсанг тонг отор.
Оғзингизни ҳар неча сўрдум, тиладим топмадим,
Гўнё бу сўз ғалатдурким, тилаганлар топор.
Зулфунгуздин гар Отойи бошқа кўрса не ажаб,
Қим кўрармен бир синогонни яна икки синор.

¹ Қул ёзмада шу ерда бир сўз тушиб қолган. Бу камчиликни сезган бирор киши сатрдаги икки «ел» сўзи орасига «очибон» сўзини ёзиб қўйган. Биз у сўз ўрнига қавс ичида «ёпибон» сўзини, шартли равишда киритдик. Ҳ. З.

* * *

* * *

Ул санамким, сув ёқосинда паритек ўлтурур,
Ғояти нозуклигиндин сув била ютса бўлур.
То мағарким салсабил обина жавлони қила,
Келди жаннат равсазиндин оби кавсар сори ҳур.
Ул иликким сувдин ориқтур, юмас они суда,
Балки сувни пок бўлсун деб илиги бирла юр.
Эмди билдим рост эрмиш, балки кўрдим кўз била,
Улки дерлар сувқизи гаҳ-гоҳ кўзга кўрунур.
Қошларинг ёсин Отойи кўргали ҳусн ичра тоқ,
Субҳидам меҳробларда сураи ёсин ўқур.

Сочинг чун лайлатул-қадру юзунг чун субҳи содиқтур,
Бу шому субҳунга тун-кун кўнгул жон бирла ошиқтур.
Малоҳат хилъатин хўблар агарчи кийдилар кўрдук,
Уларга қисқадур, аммо сенинг қаддинга лойиқтур.
Манга сенсиз тирилгандин ўлум юз қатла ортуқроқ
Бу сўзда, ҳақ билур, кўнглум тилим бирла
мувофиқтур.

Санга менсиз не ғам жоники, ментек ошиқинг юз минг,
Вале Узродин айрилмоқ балойи жони Вомиқтур.
Муҳаббат даъвисин қилгон кишининг борча манзилда,
Муҳолифлиқни тарк айлаб, мақоми бенаволиқтур.
Бу кун васлингни тарк айлаб, тилар жаннатни
зоҳидлар,
Берурлар насяға нақдин бу не нодон халойиқтур.
Отойи, кеч бу дунёдин, алойиқ таркини қилким,
Салоту савм ошиққа бу кун тарки алойиқтур.

* * *

Сизингтек хурваш одам топилмас,
Пари юзлук Масихо дам топилмас.
Янгоингда арақтек қатра-қатра,
Гули насрин уза шабнам топилмас.
Муҳиб бисёрдур сизга, валекин
Бизингтек аҳди мустақкам топилмас
Ғанимат тут жамолу ҳусн даврин,
Масалдурким, яна бу дам топилмас.
Вафо қилким, йигитлик бўстони,
Ҳамиша тозау хуррам топилмас.
Фироқингда кўнгулга неча боқсам,
Варойи ранжу дарду ғам топилмас.
Отойи худ қилур васлинг таманно,
Вале мискинга мулки жам топилмас.

* * *

Манга сен бўлмасанг жон ҳожат эрмас,
Биҳишту ҳуру ризвон ҳожат эрмас.
Фироқингда кўзум ёши бор эркан,
Баҳору абри найсон ҳожат эрмас.
Юзунгдин шомлар зулфунгни йиғсанг,
Фуруғи моҳи тобон ҳожат эрмас.
Бўюнг сарву кўзинг наргис, юзунг гул,
Сенинг қошингда бўстон ҳожат эрмас.
Агар гашти лаби дарё қилурсен,
Кўзумга келки, уммон ҳожат эрмас.
Рақиб бирла мусоҳиб қилма бизни,
Қутурғон итга сағбон ҳожат эрмас.
Отойиға бўсағангда ўрун бер,
Саройу коки айвон ҳожат эрмас.

* * *

Дилбаро лаълинг шароби оби кавсардин латиф,
Қоматинг нахли доғи сарву санубардин латиф.
Сафҳаи ҳуснунг қошинда мунфаил авроқи гул,
Нуқтаи холинг абири мушку анбардин латиф.
Бир нафас оғзингни келтур сўзга ширинлик била
Ким келур сўз сўзламаклик шаҳду шаккардин латиф.
Сен латофат суйи бирла юғрулубтурсен тамом,
Ўзгаларнинг ҳусни бўлса зебу зевардин латиф.
Юз уза солсанг тараб мушкин сочингни ноз ила,
Гул уза бурқаъ солурсен сунбули тардин латиф.
Истадук одамда умре ғамгусоре топмадуқ,
Ғам кунинда ёру ҳамдам, жому соғардин латиф.
Ҳажрдин етса Отойи ноласи кўкка не айб,
Чун топилмас дунёда ул моҳпайкардин латиф.

* * *

Агар кўнглунг тилар жонимни олмоқ,
Қароқчи кўзларингдин бир қиё боқ.
Жудо бўлғоли мен зулфу юзунгдин,
Кўзумга не қаро кўринди, не оқ.
Фалак айвонина бош эндурурму,
Қошинг меҳробининг тоқина муштоқ.
Кўрармен боғи жаннат мевасиндин,
Янгоқинг норини юз қатла беҳроқ.
Мени девона айлаб ишва бирла,
Недур ҳардам парилардек яшунмоқ,
Агар учмоқ берса тенгри сенсиз,
Дегаймен бизга етти секкиз учмоқ.
Отойи сен киму ул сарв қомат,
Илик етмас не ҳосил қўлни сунмоқ.

* * *

Эй сабо, келтур ўшал гулгун қабодин ийдлиқ,
Лола юзлук, сарв бўйлуқ дилрабодин ийдлиқ,
Чунки зулфунгдин манга етмас, билурмен тор мўй,
Бори бўйи қил равон боди сабодин ийдлиқ.
Ийдгаҳка барча эл элтур намозу рўзасин,
Мен қошинг меҳробина элтай дуодин ийдлиқ.
Кўз тутармен ўқ отиб ёзмас кўзунгдин мунтазир,
Бир ўқ от бағрим [ға] деб ул икки ёдин ийдлиқ.
Чунки мен Фарҳоддек ўлдум мазоримда букун,
Не осиг ҳалво ўшал ширин лиқодин ийдлиқ.
Мағриб олтун шираси узра кумуш кишти била,
Соқиё, султонға тут оби бақодин ийдлиқ.
Қил закоти фитр оғзингдин Отойиға равон,
Ким дариг етмас ғаний ҳаргиз гадодин ийдлиқ.

* * *

Хуршеди ховарида юзунгдек жамол йўқ,
Ким бор анга заволу мунга ҳеч завол йўқ.
Наргис кўзунг менгизли Хўтан лолазориди,
Ўқё қошинда ўйнағучи бир ғазол йўқ,
Юзунг қошинда ой ҳабаши энли доғлиқ,
Қошинг қошинда тўғри турурға ҳилол йўқ.
Жонимни васл учун десам, ол, эй қаро кўзум,
Олким, бу сўзда шаъбадаву макру ол йўқ.
Оғзинг белингни ҳар нечаким, фикр айласам,
Кўнглумда жуз тасавури ваҳму хаёл йўқ,
Маҳбуб учун ўларда манга йўқтурур назир,
Ошиқни ўлтурурда санга ҳам мисол йўқ.
Қўйғил, Отойи мадрасаву хонақоҳни,
Маънида қавли содиқу сўфида ҳол йўқ.

* * *

Оҳ ўлтурди фироқ ул гулузоримдин йироқ,
Лола юзлук, сарв бўйлуқ тўғри ёримдин йироқ.
Нола қилсам ҳар замон айб этманг эй ушшоқким,
Андалиби бенавомен лолазоримдин йироқ.
Ихтиёр эттим ул ойни икки дунёдин, вале,
Нетайин солди фалак ўз ихтиёримдин йироқ.
Саъй этар зоҳид мени жаннатнинг эски боғина,
Мен борурменму юзунгтеқ павбаҳоримдин йироқ.
Менда ҳам сабру қарору ақду ҳуше бор эди,
Не балолиқ ишқ эдиким, солди ёримдин йироқ.
Гар фалак ўлтурса юз қатла мени ҳеч бок эмас,
Бу ўлумдурким, ўлодурмен нигоримдин йироқ.
Кетмагай ўлсам Отойитеқ бўюнг сарви учун,
То қиёмат сояи раҳмат мазоримдин йироқ.

* * *

Эй саодат матлаи, ул орази моҳинг сенинг,
Ҳусн афлокинда йўқтур мислу ҳамтойинг сенинг.
Қаъбаи арбоби ҳожат қошларинг меҳробидур,
Қиблаи аҳли муҳаббат хоки даргоҳинг сенинг.
Бу латофатким, паритеқ сендадур, эй рашки ҳур,
Гўё боғи Ирамдур саҳни хиргоҳинг сенинг
Гарчи мен туштум жамолингдин ёмон кўзтеқ йироқ,
Яхшиким, бечора кўнглум борди ҳамроҳинг сенинг.
Хоҳ васлинг бирла тиргуз, хоҳ ўлтур ҳажр ила,
Мен ризо бердим нечукким бўлса дилхоҳинг сенинг.
Ҳожат эрмас ҳазратингда арзи ҳожат айламак,
Чун тажалли кўзгусидур таъби огоҳинг сенинг.
Не ажаб етсанг Отойи бир тун ул ой васлина,
Ким ўтар етти фалакдин ҳар саҳар оҳинг сенинг.

* * *

Севди хўбларни, айирди хонумонимдин кўнгул,
Узга не истар менинг бу қилча жонимдин кўнгул.
Оҳ мен жонимға еттим, жавр чекмактин, нетай,
Зарра меҳр узмас ўшул номеҳрибонимдин кўнгул.
Бу менинг югрук ёшим, зоримни элга қилди фош,
Ошкоро қилмади сирри ниҳонимдин кўнгул.
Васли ҳажринг қиссасин бир кун санга шарҳ айлагай,
Чунки воқифдур менинг яхши-ёмонимдин кўнгул.
Бўлғали безор мендин ой юзунгнунг меҳрида,
Йил кечар, кечмас менинг бир кун гумонимдин кўнгул.
Битисам бўлғай насиҳатномалар юз «Панж ганж»
Узга қилмас Хисрави Ширин даҳонимдин кўнгул,
Жон берур маҳбуб учун ошиқ Отойи неча сен,
Ҳардам айтурсен айирди хонумонимдин кўнгул.

* * *

Менгларинг мушки Хўтан ё нуқтаи жондур, бегим.
Энгларинг варди Ирам ё боғи ризвондур, бегим.
Журъаи лаълинг суйиндин одамилар жон топар,
Айб эмас сўрмоқ магар ул оби ҳайвондур, бегим.
Ил мени чавғони зулфунг бирла бирдам гўйтек,
Ким фироқинг илгида ҳолим паришондур, бегим.
Бу тириклар сониди тутқон хаёлингдур мени.
Йўқ эса жонсиз тирилмаклик не имкондур, бегим.
Ғорати ҳижрон элиндин муфлису бечорамен,
Хони васлингдин карам қил, вақти эҳсондур, бегим.
Ҳар неким, Юсуф жамолиндин эшиттук сендадур,
Бу Ҳири шаҳри магарким, мулки Канъондур, бегим.
Бу Отойи қулни севдунг деб мени ёзғурмағил,
Ул нечук этсун, кўнгул бир бошқа султондур, бегим.

* * *

Ҳажрингда бегим оҳ дегумдур дағи ўлгум,
Ёд айлагил эй шоҳ дегумдур дағи ўлгум.
Охир дам агар арза қил иймон десалар, мен,
Иймоним ўшал моҳ дегумдур дағи ўлгум.
Сўрса малакулмавт: «Санга ҳур керак?» деб,
Йўқ-йўқ, манга дилхоҳ дегумдур дағи ўлгум.
Эй хирмани гул, дунёда сен боқи бўл, ўлсам,
Бўлсун садақанг гоҳ дегумдур дағи ўлгум.
Жаннатдаким, эл онда бўлур зиндаи жовид,
Сенсиз они ғамгоҳ дегумдур дағи ўлгум.
Хўблар нечаким тутмасалар вақти васият,
Мендин бўлунг огоҳ дегумдур дағи ўлгум.
Ишқингда Отойи ўладур, бўлғуси то ҳашр,
Руҳи санга ҳамроҳ дегумдур дағи ўлгум.

* * *

Қилдим ҳавас лабинг уза ширин наботтин.
Юдум иликни кавсару обиҳаёттин.
Оғзингда муъжиз оятин Исий кўруб зиёд,
Биздин қочиб ёшунди кўк ичра уёттин.
Сен ҳусн ила ғанийсену мен мустаҳиқ фақир,
Йилларда бир назар манга охир закоттин.
Ҳажринг чўлинда сувсаб ўлармен, вале не суд,
Ҳар неча кўз ёшим оқар ортуқ Фироттин.
Маҳбуб вусласинда ўқурмен муҳиб сўзи,
Қатъи тааллуқ этмагунча коиноттин.
Зинҳор ишқ ишини ўсол тутма, эй кўнгул,
Осони мушкил эрур онинг мушкилоттин.
Чун сифлалар насиби бўлубтур Ҳироту тўн учун,
Кел хирқа кий Отойи, равон бўл Ҳироттин.

* * *

Соқиё, келтур майи гулгунки, хуш дамдур букун,
Олами фархундаи наврӯзи оламдур букун.
Накҳати боди сабодин топти ўлганлар ҳаёт,
Ҳаббазо, боди сабо Исйи Марямдур букун.
Қомати гулбун чаманлар саҳнида таъзим учун,
Соқийи гулрух бикин сарв олдида хамдур букун.
Ер юзинда гулшану боғу, баҳору боғча,
Гунбази хазро менгизлик сабзу хуррамдур букун.
Ҳар кишигаким муаяссардур париваш ёр ила,
Журъае нўш айламак, ҳошо ки одамдур букун.
Кимгаким бўлса сафоли бирла майдин журъае,
Ушбу тўққуз шишадин кўнглига не ғамдур букун.
Салсабилу кавсару мои маин келтурсалар,
Жоми май мажлисда борчадин муқаддамдур букун.
Кел даме майхонанинг байтул-ҳиромин қил тавоф.
Ким, санамлар лаълидин май оби замзамдур букун.
Эй Отойи, бўлма ғофил, бир нафас ҳамдам тила,
Умрни ҳамдам кечурмаклик базе камдур букун.

* * *

Бўлголи оғзинг масиҳи ғайб мулкидин аён,
Хизрнинг оби ҳаёти тортадур зулматда жон.
Гар исиргансанг юз узра зулфи пуртобингни ёп,
Барги гул устинда хуштур чатри сунбул соябон.
Йилда бир қатла кўрунур, зарра чиқмас боғдин,
Ўғрилиқ қилғон учун ранги лабингдин арғувон.
Кўр хаёли нозикинким, ўзига ёғлиқ атаб,
Гоҳ оғзингни ўпар, гоҳи илигингни катон.
Эй кўнгул, ул сиймтан васлин қилур бўлсанг ҳавас,
Қил юзунг олтуини ғам бўтасинда имтиҳон.
Қоматинг сарвин агар шамшод мискин кўрмаса,
Тутмағай эрди уётин бешаи Мозандарон.
Лаълидин бағринг қонин ҳардам Отойи сўрмаким,
Чун аримас ҳар нечаким юсалар қон бирла қон.

* * *

Эй сарви ноз, қайси чаман гул узорисен,
Бу шева бирла жону кўнгул ихтиёрисен.
Бу қомату бу юз била фирдавс боғининг
Тубу ниҳоли бирла гулу долазорисен.
Умре дурурки сайд бўлибмен камандинга,
Бир сўрмадинг не бўлдики, кимнинг шикорисен
Даъви қилур муҳаббати ишқингни оламе,
То қайси бахту толии фархунда ёрисен.
Нозук иликларингга нигор ихтиёж эмас,
Боштин-аёқ чу ҳусну латофат нигорисен.
Усрук кўзунг карашмада ҳар лаҳза қон тўкар,
Эй турки шергир, не майдон суворисен.
Дурдек Отойи халқа бағуши бўлай десанг,
Қил кўз ёшингни ҳардам ул ойнинг нисори сен.

* * *

Нечаким дилбар мени куйдурди ҳижрон норидин,
Ҳоша лиллаҳким, шикоят қилсам онинг соридин.
Ишқ Мисринда азиз ўлмас Зулайхотек киши,
Кечмайин Юсуф учун номусу пангу оридин.
Кўзларинг гар тўкса қоним, жон анга бўлсун фидо,
Ким жафо айни вафодур ёрға севган ёридин.
Мен нетай боғи биҳишту қасри хулду ҳурни,
Чун манга бирдам висолинг яхшироқтур боридин,
Ошиқ эрмас ул муҳаввиским, тилар зар бирла васл,
Ошиқ улдурким висолинг нақдин истар зоридин,
То сабо зулфунг насимин Чин элинда ёйғоли,
Мушк савдоси кесилди шаҳри Чин атторидин.
Гар Отойидин муҳаббатнинг нишонин истасанг,
Кирпигинг ўқин чиқорғой синаи афгоридин.

* * *
Эй азалдин ҳамнафас дардинг била жони ҳазин,
Ҳожат эрмастур санга арз айламак кўнглум гамин.
Куфру иймон оятининг шарҳини соҳиб назар,
Кўзларинг оқу қаросинда кўрар айнул-яқин.
Нозу шева бирла хўблар дунёда кўптур, вале
Йўқ сенингтеқ шеvasи пурфитна, нози нозанин,
Хаста кўнглум қошларинг ёсина қурбон бўлғали,
Кўзларинг ҳар гўшадин жон қасдиға қилди камин,
Беқарор эрсам фироқинг дардидин, айб этмаким,
Мен заифи нотавондин сабр қилмоқлик ҳамин,
Эмдиким лаълинг хаёли бирла усрукмен мудом,
Бода гар обиҳаёт ўлса, керакмас баъдазин.
Ёр гамин тарк эт Отойи дерсен, эй носих, вале
Тарк этарму одами ҳаргиз қадимий ҳамдамин.

* * *
Сипехри ҳусн ичинда моҳ сен-сен,
Замона хўблариға шоҳ сен-сен.
Табассум қилса лаълинг жон бағишлар,
Магар Исйи руҳуллоҳ сен-сен.
Агар ҳуру пари бўлса керакмас,
Манга эй жон, бу кун диллоҳ сен-сен.
Бу оқ эвда қаро кўзлар баче бор,
Ва лекин фитнаи хиргоҳ сен-сен.
Тириклик ҳосили, эй ёр, дарди,
Гар ўлсам анда ҳам ҳамроҳ сен-сен.
Кўнгул дардиға бир дармон қил эмди,
Чу жоним дардидин огоҳ сен-сен.
Отойи ул юзи гул ҳасратинда,
Тикан бағринда ранги коҳ сен-сен.

* * *

Эй ҳур ажаб руҳи мусаввар етилибсен,
Жон олғучи бир одами пайкар етилибсен.
Бу оразу зулфу қаду қоматки сенингдур,
Рашки суману сунбулу аръар етилибсен.
Эмди кишида ақлу хирад қолғуси йўқтур,
Бу таврки сен фитначи дилбар етилибсен.
Туби йиғочи эски йиғочтур туман иллик,
Ухшотмон ониким санга, навбар етилибсен.
Ғам тоғида Фарҳод бикин жон берайинким,
Ширин лаб ила маъдани шаккар етилибсен.
Зулфунг черигин юзга солиб икки тарафтин,
Жон ғоратиға кофири Хайбар етилибсен.
Оламда ситамкаш йўқ эди мисли Отойи,
Сен ҳам анга лойиқ не ситамгар етилибсен.

* * *

Бўюнг нахлики рашк элтур баче сарви равон андин,
Дариг этмас менинг кўнглум тану жону равон андин.
Чаманда кўзларим баски юзунг шавқинда қон йиғлар,
Бўлур ҳар субҳда рангин гулу ҳам арғувон андин.
Эшикта тўкма, қонимни йироқ сол, итларинг ичсун,
Ки ногаҳ бўлмасун олуда пок ул остон андин.
Вафо қилмасмусанг ғамгин кўнгулга лутф этиб гаҳ-гаҳ,
Не бўлғай ваъдаи қилсангки бўлғай шодмон андин.
Жамолинг равзасин воиз битиб васф айласун алҳақ,
Эрур бир мухтасар гулшан биҳишти жовидон андин.
Сабо юз аҳли дил кўнгли ўшал зулф ичра боғлиқтур,
Неча густоҳлик бирла ўтарсен ҳар замон андин.
Ўтарда кўз учидин бир Отойи бирла савдо қил,
Чун, эй ҳусн элининг моҳи, санга йўқтур зиён андин.

* * *

Сени мен онгламадим, бевафо эмиштуксен,
Кўнгулга офату жонға бало эмиштуксен.
Бу мунча жонлар олиб, тўймадинг халойиқдин,
Эй хусни бой, не кўзи қаро эмиштуксен.
Азалда не гунаҳ эттинг кўнгулки хўблардин,
Бу мунча меҳнату ғамға сазо эмиштуксен.
Гаҳеки босса оёғин юзумга, ноз ила дер
Аёғим оғриди не бўрьё эмиштуксен.
Юзига кўп тика боқсам манга кулүб айтур,
Отыйи, не кўзи тўймас гадо эмиштуксен.

* * *

Эй менглари мушку энги дола, кўзи оху.
Зулфунг ғамида тутти кўнгулни қара қайғу.
Эйвой қачон шоми фироқинг тонғи отқай,
Ким бўлди манга ушбу ёруқ дунё қоронғу.
Кўнглум киму тўлғошмоқ илондек сочинга оҳ,
Не суд қилур эмди чу билмай едим оғу.
Баҳс этса шакарнай лабингиз бирла сўроли,
Оғзинг била торлиқ толошур писта не ёрғу.
Ғар домани васли сори қўл сунсанг Отыйи,
Бағрингни су айла доғи жонингдин илик юв.

* * *

Менгиз ё равзаи ризвонмудур бу?
Оғиз ё ғунчаи хандонмудур бу?
Қароқчи кўзларин ким кўрса айтур
Ажаб айёри Туркистонмудур бу?
Чиқар ҳар лаҳза юз минг шева бирла,
Малойик хўйлук инсонмудур бу?
Жаҳонни тутти Юсуфдек жамоли,
Малоҳаг мисрида султонмудур бу?
Хатиким, сафҳа гул узра кўрунур,
Ғубори хатму ё райҳонмудур бу?
Мудаввар гўйи симин ё занахдон.
Муанбар зулф ё чавгонмудур бу?
Отойини кўруб, кўйинда айтур,
Ҳамул мискини саргардонмудур бу?

* * *

Манга жавр айлар ул дилбар ҳамиша,
Сучук тилдин ачиқ сўзлар ҳамиша.
Кезиб хуршеди ховар уйдин-уйга,
Юзундин шуълаи истар ҳамиша.
Кўзи қошиндин ўқ-ёни кетормас,
Кўнгуллар қушларин овлар ҳамиша.
Насими зулфидин юз рашк элтиб,
Ўзин ўтқа солур анбар ҳамиша.
Вафосиз сарв қоматлар ғаминдин,
Кўнгул япроқтайин тебрар ҳамиша.
Ажабтур, ўзлари севган кишини
Жафо бирла синар хўблар ҳамиша.
Отойи шеъридин лаззат қилур касб,
Ўшал лаб васфида шаққар ҳамиша.

* * *

Сўзунгдек шаккар, оғзингдек сутуда,
Адамдин келгони йўқтур вужуда.
Лабинг обиҳаёти узра, ёраб,
Бинафша аксидур ё мушки суда.
Хатинг таҳрир этарда котиби ҳусн,
Менинг оҳим ўтиндин олди дуда.
Кўзунг кирлик ўқин отмоқ тиларда,
Йўлуқтум мен қони тўлғон қапуда.
Жамолинг каъбасинда фарз бўлди,
Қошинг меҳробида келмак сужуда.
Уларким сизни меҳри оз дерлар.
Мени дерлар вафода озмуда.
Отойи бағрини кўнглию кўзи,
Тугарлар гоҳ ўтта, гоҳ сувда.

* * *

Жоним садақа ул кўзи бемор санамға,
Боштин уюруб гисуларин солса қадамға.
Каъба ҳарами деб эшиги сайди бўлубмен,
Кофир кўзи не деб ўқ отар сайди ҳарамға.
Мим оғзи била зулфу қади лом-алифдин,
Эй вой нетай хаста кўнгул қолди аламға.
Мен жавр ила сиздин юз ўюргумму? ва лекин,
Ҳадди керак охир севарим жавру ситамға.
Бу дамки латофат улусин ҳусн ила олдинг,
Лутф айлаки етмас киши албатта бу дамға.
Холу хатингиз меҳрини жон лавҳина ёздим,
Ул дамки азал котиби эл сунди қаламға.
Кел, сўр бир оғиз хаста Отойини бегимким,
Лаълинг ғами бирла борадур мулки адамға.

* * *

Сабо агар гузар этсанг ҳабиб ҳазратида,
Бу хаста ҳолини арз эт табиб ҳазратида.
Рақиб таъна қилур бизни бенасиб дебон,
Жафоси бизга не етмас насиб ҳазратида.
Қарорсун ушбу менинг толиимки ҳасрат ила,
Бошим оқардию бўлмон қариб ҳазратида.
Ҳарими катбада итга ҳаромдур кирмак,
Не мунча маҳрам ўлубтур рақиб ҳазратида.
Ниқоб олурда юзунгдин Отойини келтур,
Ки гул очилса керак андалиб ҳазратида.

* * *

Нечаким кездим висолинг орзусинда оҳ-оҳ,
Топмадим васлингга бирдам мен ёмон гумроҳ-роҳ.
Фурқатинг ичрур манга бағрим қонин май ўрнида,
Айш ила ичган кечаларни соғинсам гоҳ-гоҳ.
Тотқоли лаъли лабингнинг шаккарин жон тўтиси,
Ҳар замон тотирғониб дер, қанда бўлса тоҳ-тоҳ.
Сен агар рух кўрсатур бўлсанг бисоти ҳусн аро,
Ўзга хўбларга дегайлар ҳарзамон эл шоҳ-шоҳ.
Ул ҳилолий қошларинга ўхшатай деб ўзини.
Бадр ўзин кўргил не ерга еткурур ҳар моҳ-моҳ.
Сен, рақибнинг итлигин кўрким, кўраолмай келур,
Гар кўруб сориг юзумни айтур эрсанг қоҳ-қоҳ.
Эй Отойи, гар кўзунг Яъқуб янглиғ кўрмаса,
Ёнма ул Юсуф йўлиндин, десалар минг чоҳ-чоҳ.

* * *

Ераб, ул оразмидур ё лола аръар устина,
Ё шақойиқ баргидур сарви санубар устина.
Юз уза солсанг тараб мушкин сочингни, энгларинг,
Есаминдурким тушубтур сунбули тар устина.
Лаъли серобингиз узра бу зумуррад сабзалар,
Тўйтийи гўё кўнубтур қанду шаккар устина.
Кўзларинг етмасмуди жонимни горат қилғоли,
Бирсари ҳиндуйи холинг келди кофар устина.
Хусн ганжидур юзунг гисуларинг соқлар ани,
Ваҳ не афсунлаб борай ул икки аждар устина.
Кирпигинг жарроҳина борса жароҳатлиқ кўнгул,
Марҳаме бермас, урур ништарни ништар устина.
Гарчи булбулдур Отойи, ҳусни васфинда, вале,
Қуш учурмас ул парипайкар ситамгар устина.

* * *

Гарчиким кўздин солибсен журми амдодин мени,
Кўз учиндин бори манъ этма тамошодин мени.
Ҳар кеча то субҳдам зулфунг хаёли уйқуға,
Бир нафас қўймас ғаму ташвишу савдодин мени.
Бўсағангда кўк тирар эрди бошим лутфунг била
Ерга чолдинг шишадек айвони минодин мени.
Бўлди дарё кўз ёшим ҳажрингда бир васлинг сари.
Гайри лутфунг ким кечургай ушбу дарёдин мени.
Дунокун бир файласуфи оқиле кўрган киши,
Илғайолмайдур букун мажнун шайдодин мени.
Кўзларингдек баски туттум гўша узлат қофида,
Фарқ эта олмай дурурлар зарра анқодин мени.
Бўлса жаннатда Отойи сенсизин қилғай фиғон,
Солдилар дўзахқа деб фирдавси аълодин мени.

* * *

Ҳажрингда ғаму ҳасрат куйдурди баче бизни,
Фарёдки ёд этмас фарёдрасе бизни.
Яъкуб бикин бўлдук ғам кулбасида маҳзун,
Эй Юсуфи Исодам сўр бир нафасе бизни.
То боғлади бўйнуми ул зулфи Қаро боғи,
Кўз ёшида ғарқ айлар ҳардам Арасе бизни.
Қўймас сучук уйқуга оғзинг қошида холинг,
Ҳеч уйқуга қўйғайму андоқ мағасе бизни,
Сўз баҳрида чун дурлар гавс эттук Отойитек,
Ғар кўрмаса эл не ғам миқдори хасе бизни.

* * *

Ҳар тунки қилсам ул бўбаки фитна ёдини,
Юрман ёшимдин икки кўзумнинг саводини.
Бўлсун ҳаром, кўнглума дарду муҳаббатинг,
Жаврундин ўзга агар қилсам эътиқодини.
Зулфунг хаёли бўлғоли бошимға соябон,
Илмон кўзумга тожи сари Қайқубодини.
Васл истасанг кўнгул йўлида хоки роҳ бўл,
Ким аҳли диллар онда топибтур муродини.
Эй подшоҳи мулки малоҳат, худой учун,
Бир лутф этиб Отойии мазлум додини.

* * *

Эй менинг қасдимга қўйгон зулфтек қаттолни,
Неча саргардон тутарсен мен паришон ҳолни.
Бир қиё боқмоқ била юз минг кўнгул сайдинг бўлур.
Эй қаро кўз, кимдин ўграндинг бу мунча олни.
Кўзларим дарёсидин ҳардам хаёлинг кечкали,
Қирпигимнинг хаслариндин боғламишмен солни.
Қанди лаълингнинг наботин кўргали жон тўтиси,
Йиғмади парвоздин бир лаҳза парру болни.
Кўзга илмас молу мулку дунёнинг озодае,
Қим ичар маҳбуб элиндин жоми моло-молни.
Ишқ рамзидин агар бир қилча фаҳм этса фақиҳ,
Тарк этар эрди қамуқ фатвию қийлу қолни,
Улгали етти Отойи қул фироқинг илгидин
Бир даме, охир не бўлди, сўр бегим аҳволни.

* * *

Кўнгул олдинг, бегим, ёшурмоғинг не?
Жафони ҳаддидин ошурмоғинг не ?
Рақибларга қилур лаълинг табассум,
Қонимни ғуссадин тошурмоғинг не?
Кўнгул шишасида меҳринг майидур,
Жафо бирла анга тош урмоғинг не?
Юрурда енг била оғзингни тутма,
Нимаким йўқ турур, ёшурмоғинг не?
Отойи, ерга ел зулфин тегурмас,
Қаро ерга сенинг бош урмоғинг не?

* * *

Унутти бир йўли ул ёри бевафо бизни,
Фироқи дарди била қилди мубтало бизни.
Муродим икки жаҳонда будурки гаҳ-гоҳи,
Ўтарда кўз учидин қилса марҳабо бизни.
Муҳаббатингда кўнгул чунки бўлди ўқтек рост,
Айирма эмди ўзунгдин, эй қоши ё, бизни.
Чу қисмати азалийдур шароби ноб ичмак,
Не мунча ёзгурадур шайхи порсо бизни.
Рақиб жонини тандин жудо-жудо қилсун,
Айирди зулм ила маҳбубдин жудо бизни.
Қиши жаҳонда ризо бирла тарки жон этмас,
Магарки сендан айирғай, бегим, қазо бизни.
Итинг Отойиға тунлар ачигланиб айтур,
Сучук уюқлағоли қўйғил, эй гадо, бизни.

* * *

Жаҳондин телба кўнглумнинг бор эрди хуш табарроси,
Узун андешага солди нетай, зулфунг тамонноси.
Агар учмоқ боғинда муяссар бўлмаса васлинг,
Манга дўзах эрур, валлоҳ, анинг фирдавси аълоси.
Бу не юздур, бу не кўздур, бу не ширин-шакар сўздур,
Ки, йўқтур Руму Чуну Миср элинда мислу ҳамгоси.
Қиши кўрмайдурур ҳаргиз кўзунг сайёдитек хуний,
Ки, кетмас қошидин бирдам анинг ул турфа ўқ-ёси.
Агар кўк тўн кийиб чиқсанг хиромон, эй юзи ойим,
Бўлур ул дам равон сорик юзумдин Нил дарёси.
Йиғиб Чин лашкари солса мағулونا кўзунг юзга,
Чиготой бирла ўзбакни олур торожу яғмоси.
Отойи хослиқ даъвий қилурсен яхшилар сиррин,
Кўнгулда соқлаким асру ёмондур ом ғавғоси.

* * *

Эй сочинг занжирининг ақлу хирад девонаси,
Қиссаи «Лайлию Мажнун» камтарин афсонаси,
Ер била ҳамвор бўлди сели ҳижрон илгидин.
Ганжи ҳуснунг орзусинда бу кўнгул вайронаси.
Кўп киши даъви қилур шамъи жамолинг меҳрини,
Йўқ яна мендек бор бир ичкуяр парвонаси.
Ишрату шоди била гулзор ичинда ўлтурур,
Ҳиндуйи соҳиб саодатдур ўшал менг донаси,
Ошнолиқ даъвисин собит қилур ишқинг била,
Кимки ақлу ҳушдин мутлақ бўлур бегонаси
Бодаи ҳуснунг била мағрур бўлма асруким,
Оқибат ғам шарбатин ичрур фалак паймонаси,
Хорлиқ ҳаддин ошибтур, илтифот эт гаҳ-гаҳе,
Эй Отойининг азизроқ жонидин жононаси.

* * *

Кўргали сен кўзлари сайёра юзи моҳни,
Ҳар саҳар етти фалактин ўткарурмен оҳни.
Шаҳсувори ҳусн сен-сен, мен йўлунгда хоки роҳ.
Лутф этиб ердин кўтар бирдам бу хоки роҳни.
Эй кўнгул, гар чиқса жонинг шавқида оздур ҳануз
Сен гадоға ким деди сев деб анингдек шохни.
Анбари соро не ҳожат, нофай тотор ҳам,
Чун муаттар қилди зулфунг хаймаву хиргоҳни,
Қаҳрабо қилдим юзумни рашк элиндин кўргали,
Йўл юрурда домани покингда барги коҳни.
Жаннати аъло кўнгулдин чақти хулду қасру ҳур,
То сенинг кўюнгда қилдим жою манзилгоҳни,
Бу Отойидек гадое кўрмадук ҳиммат баланд,
Ким сенинг сарви қадингдин қилди «шайъанлиллоҳ»
ни.

* * *

Икки лаълина қачонқим дарж эгар ёқутини,
Чашмаи ҳайвон ичинда кўргузур жон қутини.
Хурлар кавсар шаробин ичмагайлар равзада,
Лабларинг жоми майининг топсалар сарқутини,
Ҷоҳи Бобилтек қилиб ғам гўшасин соҳир кўзунг,
Шева бирла мубтало қилди кўнгул Ҳорутини.
Хизрнинг суйин яшурди шаккар оғзинг шарбати,
Сабзаи лаъли лабинг ҳам сабз хат Ёқутини.
Ўлгали етти Отоғи ул қаду қомат учун.
Қилғасиз сарву санубардин анинг тобутини.

* * *

Боғи биҳишт равзаи ҳуснунг кинояти,
Обиҳаёт шаккари лаълинг ривояти.
Васлингдур улки жондур анга қиймату баҳо,
Ҳуснунгдур улки, йўқтур анинг ҳадду ғояти.
Ҳусн элининг суюрғолини чун улоштилар,
Бўлди сеники ҳар бири кўнглум вилояти.
Лаълингга сийм алиф киби бормоқни келтуруб.
Дерсенки, нуқтадур, бале хаттинг ниҳояти,
Солмон назарни ўзга санамлар жамолина,
Бўлди манга чу гўшаи чамшинг инояти,
То подшоҳ бўлғоли сен ҳусн Мисрида,
Афсона бўлди Юсуфи Канъон ҳикояти.
Сўфий Отоғи ҳолатини ўтканур, вале,
Ишқ ишидур кишига азалдин ҳидояти.

* * *

Эй қўйғучи кўнгулга ғами ишқ доғини,
Зулфунг мушавваш айлади жоним димогини.
Боқсун бўюнгни туби ниҳолин кўрай деган,
Кўрсун юзунгни орзулағон равза боғини.
«Нуул-қалам» рамузини қошингдин онглағон,
Илмас кўзига нуқтача юз Коф тоғини.
Маҳзи равону руҳ туруб қадду қоматинг,
Ҳар неча синчилар киши боштин-аёғини.
Толпинди ҳар тараф била қушдек кўнгил, вале
Жон бўйнидин айирмади зулфунг тузоғини,
Ичсун майи муфарриҳи гулранги ғамзудой.
Бу даврда ким истаса хотир фароғини,
Сочи бикин Отойи бошинг қўй аёғина,
Ёнсун десанг қошингда саодат чароғини.

* * *

Эй бегим, йид ўлди кел бир лаҳза сайрон қилғали.
Йидгаҳ халқин менигдек жумла ҳайрон қилғали.
Барча қурбонлиқ қилурлар йид учун, мен хаста дил,
Келтурубтурмен санга жонимни қурбон қилғали.
Боғламайдур ҳусн элинда тоқ меъмори азал,
Қошларингдек то бинойи тўққуз айвон қилғали.
Хотиримдин қилди ғорат дину дунё фикрини,
То хаёлингни кўнгул мулкинда султон қилғали.
Сарв бўйлуқларға йўқтур эътимодим, рости,
Ул сочи мушкин Хито чин ваъда ялғон қилғали,
Ёз фаслидур вале мен ёр васлиндин йироқ,
Не юзим бирла бораймен гашти бўстон қилғали.
Гўйдек бўлди Отойи ҳар тараф саргаштаҳол,
Ул санамлар шаҳсувори азми чавгон қилғали.

* * *

Эй лаблари шаҳду шакару Миср наботи,
Юсуф киби ширин ҳаракоту саканоти.
Чун ҳусну жамолинг тиламай сен садақангдин,
Етмасму гадоларға бирор ҳусн закоти.
Сўзларда кўруб лаълинг дер сайрафийи ҳусн,
Бу лаълда бор хосияти обиҳаёти.
Уммону муҳиту Шату Жайхун тенгизини,
Ешурди фироқингда кўзум ёши — Фироти.
Ҳар лаҳза қилур сажда Отойи бўсағангга,
Чун улдур онинг каъбасию ҳам арафоти.

* * *

Қуяр жоним нетай дилхоҳ унутти,
Қўнгул аҳволидин огоҳ унутти.
Фалакка етса оҳим не ажабким,
Мени ул Зухра кўзлук моҳ унутти.
Қани бир мушфиқеким ёд берса,
Гадойи мухлисин ул шоҳ унутти,
Бу қулға бор экан бисёр лутфи,
Не камлик бўлдиким, ногоҳ унутти,
Не йўлсиз келди мендинким, мунингдек,
Азалдин жон ила ҳамроҳ унутти.
Фироқингда манга тасбиҳ бўлди
Бу сўзким: оҳ унутти, оҳ унутти,
Отойи хайма ур мулки адамда,
Чу сени ул бути хиргоҳ унутти.

* * *

Ало, эй хусну хулқу лутф бойи
Фалак султони ой юзунг гадойи.
Сочингдур анбари жаннат, ани мен,
Хато қилдим дедим мушки Хитойи.
Букун султони мулки хусн сенсен.
Далили давлат уш зулфунг ҳумойи.
Хаёли холингиздин холи эрмас,
Замоне, бу кўнгул хилватсаройи.
Юзунга бўлғали қул банда янглиқ,
Муборакдур ҳамиша байрам ойи.
Мени бир бўрёу шишаи май.
Бор, эй зоҳид, сену зуҳди риёйи!
Ясат шамшоди наврасдин жаноза,
Бўюнғ шавқинда жон берса Отойи.

* * *

Кел, эй дилбарки, бўстон вақти бўлди,
Гул очилди, гулистон вақти бўлди.
Қилай нола, боқиб гулдек юзунгга,
Чу булбулларға афғон вақти бўлди.
Гулу булбул бикин гулбунлар ичра,
Нишоту айши пинҳон вақти бўлди.
Ўқуб гул бахтини мажлисда ҳардам,
Бўлуб сархуш, гул афшон вақти бўлди.
Туруб маҳбуб олида муҳибқа,
Чу гул чоки гирибон вақти бўлди.
Муганнийларға булбуллар бикин зор,
Ҳазорон навъ алҳон вақти бўлди.
Бу дамким гул қилур булбулға алтоф,
Отойиға ҳам эҳсон вақти бўлди.

* * *

Эй орази шамсу қамарим, нетти не бўлди?
Ве, тишлари дурру гуҳарим, нетти не бўлди?
Кўнглум куяриндин санга мен панд берурмен,
Эй марҳами жону жигарим нетти не бўлди?
Сен бор экан ўзга кишига назар этсам,
Чиқсун бу менинг дийдаларим, нетти не бўлди?
Гаҳ жавр ила ўлтур мени, гаҳ ноз ила, сендин
Ҳаққоки менинг йўқ гузарим, нетти не бўлди?
Эй луъбати Ширин, сени Фарҳод менгизлик,
Оламга ёйилди севарим нетти не бўлди?
Умрумни сенинг куллугунга сарф қилибмен,
Эй ўз қулидин беҳабарим нетти, не бўлди?
Бир зарра сучук сўзни Отойидин аярсен,
Э лаблари шаҳду шакарим, нетти не бўлди?

* * *

Юзунгдин гар йироқ солсам назарни,
Нетармен кўзда бу нури басарни,
Лабингни қанда кўрмишким уёттин,
Ешурди банд ичинда най шакарни.
Сени хуршед ўқуғондин ажабтур,
Қи султон бирла тенг дер дарбадарни.
Ғариб эрур гадони сурмоқ, эй шоҳ,
Сўрарлар жумла олам муътабарни.
Бўюн сунсам ғамингга айб эмаским,
Забун айлар муҳаббат шери нарни.
Рақибу зоҳид оҳимдин куярлар,
Бале, ўт куйдурур ҳар хушку тарни,
Отойи севди жондин қоматингни,
Севар ҳақ бийм йўлида ростларни.



САЙИД АҲМАД

* * *
Кўнгулни олғали зулфунг каманди,
Паришон бўлди ғамдин банд-банди.
Неча дафъи хумор этмас кўрунгим,
Лаби лаълингдатур маъжуни қанди,
Мулойимдур бўюнг мадҳин ўқурда,
Мақоми «рост» оҳангги баланди,
Манга дармон ҳамин бас буки дерлар,
Сенингдек марҳами жон дардманди,
Не нисбат сарвға қаддинг биланким,
Эрур ул боғбонларнинг лаванди.
Ангаким, ишқ ҳоли бўлди голиб,
Асар қилмас насиҳатгўй панди,
Отойи шеърининг лутфини билса,
«Латофатнома»дин кечгай Хўжандий.





Сайид Аҳмад—Темурнинг учинчи ўғли Мироншоҳнинг ўғли бўлиб, ижодий фаолияти, асосан, XV асрнинг биринчи ярмига тўғри келади. Тахаллуси Сайиди. Сайид Аҳмад ўзбек ва форс тилларида кўпгина шеърлар ижод этган икки тилли шоирлардандир. Бу шоир «Салим табъ ва пок зиҳн киши эрди,— деб ёзади Алишер Навоий.— Хийли машҳур назмлари бор. Ҳам ғазал, ҳам маснавий, ҳам туркий ва ҳам форсий ғазал таврида девони бор. Бу туркча матлаи яхши воқеъ бўлбтурким:

Сайд этти фироқинг мени мурғи саҳаридек,
Қил одамилиғ, қилма ниҳон юзни паридек»¹.

Сайид Аҳмаднинг девони ҳозирча топилгани йўқ. Унинг асарларидан қўлда мавжуди — «Таашшуқнома» бўлиб, «Муҳаббатнома» ва «Латофатнома»га ўхшатма тарзида 1435 ёки 1436 йилда ёзилган. (Ҳижрий 839 йил). Асар, одатдагидек, тангрига ҳамду сано (9 байт) ва муножот (6 байт), пайғамбарга наът (11 байт) билан бошланади. Кейин ўз асарининг ёзилиш сабабини айтиб, (7 байт), «Подшоҳи ислом мадҳи» сарлавҳаси остида Улуғбекнинг отаси Шоҳрухни мақтаб алқийди, асарга «Таашшуқнома» деб от қўйганини ва ўн номадан иборат эканлигини билдиради (7 байт). Шундан кейин биринкетин номалар ёзилган.

¹ Алишер Навоий. Танланган асарлар, том III, Тошкент, 1948, «Мажолисун-нафоис». бет 133.

Асар, «Китоб хатмин айтур» (6 байт) ва «Илтимосин айтур» (7 байт) боблари билан тугайди. Бунда шоир ўз сўзларининг шоҳга манзур бўлишини истайди:

«Риёзатдин таъ нчра қолмади қон,
Туганса қон, тирик қолғайму инсон?
Басе ошуфтау ҳайрон бўлубмен,
Фалактек бесару сомон бўлубмен»

деб, Шоҳрухдан кўмак тилайди ва асарни 839 йил ҳижрийда, етти кунда ёзганини айтади.

«Таашшуқнома»нинг қўл ёзма нусхаси Лондонда Британия музейида сақланади. Унинг фотокопиялари СССРнинг бир неча илмий ташкилотларида бўлиб, бир нусхаси ЎзССР Фанлар Академиясининг Тил ва адабиёт институтида. Тўпламга киритилган намуналар шу фотокопиядан олинди.



III «ТААШШУҚНОМА»дан Китоб сабаби

Ушумда бир кеча кўрдум сахаргоҳ,
Ки Мажнун бирла бўлдум йўлда ҳамроҳ.

Манга дедиким,— эй шўрида аҳвол,
Чиқар бошдин такаббур, қилма эҳмол.

Ки ошиқлар мақоми Карбалодур,
Кишиким бўлди ошиқ, мубталодур.

Чу сен ҳам мубтало бўлмишсен охир,
Жафодин гул тикин сўлмишсен охир.

Бу йўлда қўй сару сомон, адам бўл,
Агар васл истасанг, собит қадам бўл.

Тахайюл бирла назм эт бир ҳикоят,
Вале неъмат қошинда қил ривоят.

Ҳикоятким таашшуқнома бўлғай,
Улуғлар қошида аллома бўлғай.

Иккинчи номасин айтур

Нигоро, олди кўнглум юзунг оли,
Қилодур қасди жон ҳам кўзунг оли.

Отиб ғамза ўқин пайваста қошинг,
Юрагим қон қилур пайваста қошинг.

Жамолинг шамъиниким, ёндуурсен,
Қамуқ оламни ўтқа ёндуурсен.

Энгингда менгларинг мушки Хитодур,
Қаро зулфунг сари бормоқ хатодур.

Қуёшдур оразинг ё Муштаридур,
Ки жон бирла жаҳони муштаридур.

Висолинг завқин истаб, эй дилором,
Тан ичра топмади мискин дил ором.

Қўнгул қушини ишқинг қилди шунқор,
Бу ғамдин муддаилар бўлди шунқор.

Карашма қилмоқ ичра қил ёрарсен,
Неким жонимға қилсанг, қил, ярарсен.

Анингким, ол юзинда холи бўлғай,
Қачон фитна қилурдин холи бўлғай.

Айтсалар санга ғамзангдин ўқ от,
Ани ўзгага отма, бизга-ўқ от.

Турубтурмен ўқунгнунг қаршусина,
Отар бўлсанг, тутармен қаршу сийна.

Чу тортармен ҳамиша ҳажр борин,
Санга айтай кўнгулда ҳарне борин.

Билурсенким, қулунгдурмен камина,
Карам қил, боқмағил қўлнунг камина.

Тўкар ҳардам фироқинг дийда қони,
Менингдек бир дағи ғамдида қони?

Кўнгулда гарчи ҳажринг доғи бордур,
Валекин васл умиди дағи бордур.

Нечаким ғамдамен, эй қадди шамшод,
Бўлурмен ҳар қачон кўрсам сени шод.

Тарахҳум бу гадоға қилгин охир,
Йўқ эрса, ўлгуси қайғудин охир.

Улодур Сайди Аҳмад, қил яроғин,
Анинг бори бир ишига яроғин.

Эшитгил бу ғазални чун Ироқий,
Ажам созин тузуб, айтай Ироқи.

Ғазал

Вафо боринда эй шўҳи суманбар,
Жафо кўп қилма охир эй санавбар.

Латофат бирла нозиклук ичинда,
Белингдур сочу сочинг мушку анбар.

Агар оҳ урсам, оҳим шуъласиндин
Эзилгай Қоф, эригай кўҳи Хайбар.

Қўнгулнунг лавҳида ишқинг сифотин
Битибтурлар азалдин ўқуб азбар.

Унутмайдур баён Сайди суюнур,
Неча жавру жафо кўп қилса дилбар.

Сўзнунг хулосаси

Кел эй соқи, кетургил бодау жом,
Ичоли май ба ёди Аҳмади Жом.

Майеким, руҳ андиң маст бўлғай,
Муҳаббат кўйида сармаст бўлғай.

Хуморимизни ул майдин ёзали,
Мудом ичмаганин не деб ёзали.

Билурсенким, жаҳоннинг йўқ бақоси,
Бақоси йўқ жаҳонға не бақоси.

Таҳаммул яхши иштур пеша қилмоқ,
Тахайюл бирла ҳам андеша қилмоқ.

Олтинчи номасин айтур

Аё хусну малоҳат ичра фохир,
Не бўлдим, унуттунг бизни охир.

Сочингдур лайлатул-қадру юзунг ой,
Бўюнг тўбию хуснунг жаннаторой.

Сенинг ишқинг бало бўлғайму, эй дўст?
Бало десам, раво бўлғайму, эй дўст?

Ёвуз кўзлар юзунгдин дур бўлсун,
Жамолингдин жаҳон маъмур бўлсун.

Тишингнинг васфини ҳар хом билмас,
Ғуҳарнинг қадрини чун ом билмас.

Кулар гул кўрса чеҳранг шодлиқтин,
Суюнур сарв ҳам озодлиқдин.

Қиёмингдин қиёмат қўпқусидур,
Ўтурсанг, фитна ҳам ўлтурғусидур.

Ярошур ноз ила сизга ўтурмоқ,
Кўнгуллар хирманиға ҳам ўт урмоқ.

Юзунгдур наргису гулдур янгоқинг,
Магар оби муаллақдур сақоқинг.

Иликингдур яди байзо нишони,
Ки бордур ҳақ таолодин нишоне.

Мунаввардур юзунгдин барча офоқ,
Муаттардур сочинг исидин учмоқ.

Жафо оз қилсангиз не бўлғай, эй жон?
Билурсизким, вафосиздур бу даврон.

Очунда қулсизин султон хуш эрмас,
Нечукким, дарди бедармон хуш эрмас.

Сулаймонсен, шаҳо, мен бир қоринча,
Дуоғўмен санга то жон боринча.

Фироқинг зулмидин дод истарам, дод,
Рақибинг дастидин фарёд-фарёд.

Эшиткил айтайин кўнглум ниёзин,
Қўбуз қўбсаб, тузуб ушшоқ созин.

Ғазал

Иноят чоғидур, эй ёр, эй ёр,
Ки кўп қилди жафо агёр-агёр.

Ёзуқсиз тўкмагил қонимни охир,
Билурсенким, эмас хунхор-хунхор.

Бўлур ўз хижлатидин ҳайрат олиб,
Қўруб хуснунгни дар гулзор, гул зор.

Бўлур мушкин нафаснинг ҳасратиндин
Қачон бўлғуси ҳар аттор-аттор?

Аё Сайди, санамлар машрабиндин,
Тамаъ тутма вафо зинҳор-зинҳор.

Сўзнунг хулосаси

Кел, эй соқи, кетур жоми пур аз май,
Ки ғамларни кўнгуллардин қилур тай.

Ичоли ул бути айёр бирла,
Қароқлари қароқчи ёр бирла,

Ки кечти бевафо бу умр елтек,
Боришали анинг бирла бу элтек.

Таҳаммул яхши ишдур пеша қилмоқ,
Тахайюл бирла ҳам андеша қилмоқ.

Еттинчи номасин айтур

Аё жоду қароқлиқ ишва пардоз,
Қилур зулфунг сари жон қуши парвоз.

Жамолингдин мунаввардур чароғим,
Юзунг алида ўлмактур яроғим.

Қуёш хуснунг кўруб, эй моҳи тобон,
Хижолат топтию бўлди ярақон.

Қачонким лаълингиз бўлса шакарханд,
Набот эрнинг қошинда сув бўлур қанд.

Дудоғинг чун эрур ширинтар аз жон,
Киши дегайму они оби ҳайвон.

Шаҳо, пайваста қошинг қиблагоҳи —
Эрур жону кўнгулнинг саждагоҳи.

Қошинг чун ёйу кирпукларинг ўқтур,
Карашманг худ баса элни тузубтур.

Фироқингдин кўнгул девона бўлди,
Очунда ушбу сўз афсона бўлди.

Тилармен туну кун субҳи висолинг,
Кўзумдин лаҳзае кетмас хаёлинг.

Кўнгулдин дарду меҳнат бори кетмас.
Этокинга иликим чунки етмас.

Манга сенсиз керакмас танда жоним,
Чу сенсен мунису жону жаҳоним.

Малаксен ё пари ё ҳур ё нур,
Ки олам барча сендин бўлди маъмур.

Қамина чокаринг қуллуқчисидур,
Азизу қайсару хоқону фағфур.

Кўнгул меҳрингни сақлар жон ичинда,
Сенингдек жон қани даврон ичинда?

Қамуқ олам сенинг бирла хуш, эй жон,
Ки сенсиздур тириклик нохуш, эй жон.

Салотинлар қачонким бўлса пайдо,
Мубоҳ ўлур гадоларға тамошо.

Ижозат бўлса, эй султони хўбон,
Ўқуйин бу газални, дар сифоҳон:

Газал

Бегим, сўзким сочинг васфинда борди,
Ривоят қилғучилар қилни ёрди.

Энгингни кўрди ёқут, аз хижолат,
Гаҳе сарғордию гоҳе қизорди.

Қилур эрди ўзини мушк таъриф,
Менгингни кўрдию юзи қарорди.

Эшитти чун ақиқ эрнинг сифотин,
Ўзиндин яхшилиқ отин кеторди.

Қабул қилсанг не бўлғай кўнглум, эй жон,
Бу мискин келмаку бормоқдин орди.

Анинг бирла мени кўргаймусен тенг?
Сўнгаким ушбу хасратдин қоворди.

Кўрунма кўзга, дединг — ўлтурурмен.
Қошингдин кетмади Сайди, қошорди.

Сўзинг кулосаси

Кел, эй соқи, кетургил май...
Ки қолмас дунйида ҳеч киши боқи.

Билурсенким кечар айём охир,
Ўзингни қилмағил бадном охир.


Таҳаммул яхши ишдур пеша қилмоқ,
Тахайюл бирла ҳам андеша қилмоқ.





САККОКИИ





Саккокий — Мовароуннаҳрда яшаб, ижод этган, унинг девони қўл ёзма ҳолида, ҳозиргача сақланиб қолган. Саккокий девони шарқдаги китоб тузиш тартиби асосида аввал ҳамд ва наът билан бошланади. Кейин унда Хожа Муҳаммад Порсога бир қасида, Халил Султон номига бир қасида, Мирзо Улуғбек номига тўрт қасида берилган. Арслон хўжа Тархон номига ҳам тўрт қасида бор. Саккокий девонининг биз кўрган нухаси суқутлидир. Чунки ғазаллар «и» билан тугаган радифининг сўнгги икки ғазали билан бошланади. Шунда ҳам биринчи ғазалнинг матлаи (бош байти) йўқ. Кейин «а» билан тугаган радифдан 14 ғазал бор бўлиб, бунда ҳам бир ғазалнинг уч байтигина сақланган-да, давоми тушиб қолган. Бу ҳол орада бўлиши мумкин бўлган «б» радифли шеърларнинг йўқолганини эслатади. 40 ғазалдан иборат «й, и» радифи тартибли давом этиб, девон тугайди. Демак ҳозирча Саккокийнинг алифдан нунгача бўлган радифли ғазаллари қўлимизда йўқдир.

Саккокийнинг қасидалари, шоирнинг яшаган даврини очиб берадилар. Халил Султонга аталган қасида, шубҳасиз, унинг бобоси Темур тахтида ўтирган йиллари (1405—1410) да ёзилган. 1410 йилда Шоҳрух салтанатни Халил Султондан тортиб олган, пойтахтни Ҳиротга кўчириб, Самарқанд ҳукмдорлигини Улуғбекка топширган эди. Кейин Шоҳрух Халил Султонни Райга ҳоким қилиб тайинлаган бўлса ҳам, у, Райда заҳарланиб ўлган. Саккокий ўша қасидасини бу вақтларда, яъни, 1410 йилдан кейин ёзиши мумкин эмас.

Шу ҳолда Саккокийнинг туғилган йили XIV асрнинг иккинчи ярмида, балки тўртинчи чорагида бўлмоғи керак.

Саккокийнинг ижоди, Навоий тили билан айтганда, донишманд Улуғбек даврида камолга эришган. Дунёда мунажжамлиги ва расадхонаси билан абадий шарафга муяссар бўлган улуғ олим Мирзо Улуғбек кўп шоирларга ҳомилик қилган эди. Унинг ўзи ҳам шоир бўлган.

Навоий Самарқандда бўлганда (1467—69 йиллар) Саккокийни учратмаган кўринади. Шунга қараганда, Саккокий ўша тарихдан бир неча йиллар илгари вафот қилган бўлса керак.



«ДЕВОН»дан

ғазаллар

Т

ул гунча бўлар кўрса юзини чаман ичра,
Титрар кўруб ой элини шамъ анжуман ичра.

Ким кўрди анинг эрнини, минг бошима минг зар,
Бир лаъл Бадаҳшондау бир дурр Адан ичра.

Бўю юзу лаъл эрну хату ҳаддина туш йўқ,
Сарву гулу мул настарину ёсуман ичра.

Жоду кўзини Кашмир эли халқи кўрубон,
Туттуқ дедилар сени мусаллам бу фан ичра.

Хўблар чу ясаб юз ясалар зулф черигин,
Билгулук эрур юзунг эй шоҳим туман ичра.

Юзунг била лоф урғали кўп лофда уялғай,
Шамъэ эрур ул ғояти ер кўк лаган ичра.

Саккокидин, эй жон, гаминг элчиси тилар жон,
Жон бирла равон қилдим агар бўлса тан ичра.

* * *

Эй рост қадинг сарви равон жон чаманинда,
Юзунг киби гул йўқ гулистон чаманинда.

Бу шева била сен юрусанг ҳар чаман ичра,
Ҳур юругагай олтина ризвон чаманинда.

Тун бирла кула кечтингу оғзингда латофат,
Қон қилди боғир гунчаи хандон чаманинда.

Қаддингни кўруб сарви сиҳи ирғаю бошни,
Қолди тикилиб бехуду ҳайрон чаманинда.

Қуллуққа битик беруру юз шодлик айлар,
Зулфу қаддинга сунбулу райҳон чаманинда.

Юз пора қилур гул юзинг олинда ўзини,
Чун топмади ул равнақу навқон чаманинда.

Саккокитек оғзингни кўруб кони латофат,
Ноқ айлади гулгунча гирибон чаманинда.

* * *

Кўруб гултек кўзунг рангини кўздин юз чаман бўлди,
Ақиқ эрнингни кўргали кўзум ҳоли яман бўлди.

Тун оқшом тўлғану сунбул бикин зулфунгдин оҳ урдум,
Ҳавони голия тутти жаҳон мушки Хўтан бўлди.

Қилиб раъно қадинг ёдин саҳарда онча йиғлади,
Кўзумнинг жўйбори ичра сарви норван бўлди.

Менингтек гўйё кўрди юзунгни абри наврўзи,
Кўзининг ёшидин ер юзи варди ёсуман бўлди.

Сабо зулфунгни тоғини магар ҳоли хаёлимда,
Ёзилди аждаҳо бўлди, уралди аҳраман бўлди.

Кўрадургоч кўзунг кўнглум санинг зулфунгга боғлади,
Кўрунг ул жодудин бу ҳам яна бир ўзга фан бўлди.

Агар Ширин учун Фарҳод ишқи кўҳкан бўлса,
Не тонг Саккокий ҳам жоно йўлунгда жонкан бўлди.

* * *

Бўюнгтект бутмади бўстон аро сарви равон, эй жон,
Юзунгтект ҳам очилмади чаманда гулситон, эй жон.

Ўқунгузунг башоқинга кўнгул муштоқ, кўз ошиқ,
Булар талашмоқин бўлди ул икки ора қон, эй жон.

Агар Рум аҳлина зулфунг ҳабашнинг лашкарин солса,
Кўнгул илгинда ул соат топилмас ҳеч амон, эй жон.

Сенинг лаълингдин уфтониб қизорур лаъл кон ичра,
Ҳасад элтур менинг юзум кўрубон заъфарон, эй жон.

Юзунг давринда кўзларим гаҳи лаълу гаҳи луълу,
Чиқорур кўрса бу санъат, уёлур баҳру кон, эй жон.

Фалак Саккокига букун қулунг сен дер, жиҳат зоҳир,
Тун ахшом итларинг бирла ўтурмиш бир замон, эй жон.

* * *

Юзунгни кўрса қилур гул ўзини юз пора,
Хўтан ёзисида оҳу кўзунгдин овора,

Кўнгул шакар бикин оғзинг кўруб адам бўлди,
Айитмадинг бир оғиз эй фақири ҳечкора.

Бале бу ранжу балони мен ихтиёр этдим,
Ўзумга ишни ўзум қилдим, эмди не чора.

Кўзум ёшинга назар қил кўнгул бўлур равшан,
Эй сарви ноз оқар сувга қилса наззора.

Бу ёш қатраларин кўр юзум уза ғалтон,
Мунинг бикин юримас ҳеч фалакта сайёра.

Кечау кундуз ишим йиғламоқ, кучум зори,
Ғамидин ўзга киши йўқ қошимда ғамхора.

Кўзунг балоси била жонга тегди Саккокий,
Дағи не қилғуси билмон ахир бу маккора.

* * *

Қаро кўз бирла бир ғамза қилиб юз минг жафо қилма,
Карашма бирла оламини менингтеқ мубтало қилма.

Менинг бу хаста жонимға сенинг дардинг эрур марҳам
Қиёматга тикин ҳаргиз бу дардимға даво қилма.

Мени, эй ой, кўрқармен қилиб дунёда саргашта,
Эшикинг тупроқин кўзга топилмас тутиё қилма.

Фироқинг бўтаси ичра қонимни сизғурур ҳар дам,
Юзумни олтун этколи ғамингни кимиё қилма.

Ахир бегона теб гирён эшигиндин қувар бўлсанг,
Кулар юз кўргузуб аввал кишини ошно қилма.

Бағир қон айладинг жавру-жафолар бирла султоним,
Кўзум ёши била ҳар дам юзумдин можаро қилма.

Эй Саккокий бу шаҳ қобқин ғанимат тут чу зулфиға
Озоқин боғлагон қуш сен, учарға ҳеч ҳаво қилма.

* * *

Эй қомати сарву кўзи наргис, энги лола,
Зулфунг эрур ул лола уза мушки калола.

Олингда мени чоп, дағи сол итга танимни,
Ҳижрон ўқини жонима қилғонча ҳавола.

Тишлар қопинга борсам эшигингга гадо теб,
Итликни магар қилди ул ўзина қабола.

Найтек бўюнғиз орзуси тушголи кўнгулга,
Ушшоқ ора солди нафасим зорию нола.

Жонлар не қилур зулфунни тоғитса паришон
Боғлар бу кўнгулларни агар тўкса на ғола.

Ишқ қайғуға тушса қилур ул ошиқи содиқ,
Бу икки жаҳон қайғусини бир навола.

Саккокийни ўлтурса, йўқ ул қилча жониндин
Қайғуси, вале қайғум ул ой кирга¹ вабола.

¹ Қирғайнинг қисқаргани бўлиб, кирса-тушса маъносида ишла - тилган.

* * *

Кўруб гултек юзунг жон пора-пора,
Жигар ҳам қилди ул жон пора-пора.

Жоним кўрган жафонинг мингда бирин,
Бўлур, гар кўрса сандон пора-пора.

Куларда кўрса оғзи бирла тишин,
Бўлур гулнори хандон пора-пора.

Нетонг мунда ўзин чок этса гунча
Анингтек бўлди чандон пора-пора.

Бағир қон қилди амриндину бўлди
Кўзумда лаълу маржон пора-пора.

Сақоқин киш яқоси ўпканидин
Жоним чоку гирибон пора-пора.

Кўнгул Саккокийтек жон бирла рози,
Жигарни қилса ул жон пора-пора.

* * *

Эй кўзум бирдам дам ур, бағримда ҳеч қон қолмади,
Вей бало раҳм эт, танимда қайғудин қон қолмади.

Ким кўруб наргис бикин кўз била гултек юзини,
Елга бериб ақлу фаҳмин масту ҳайрон қолмади.

Тун чаман ичра ниқобин олмиш ул гул юзидин,
Гунча янглиғ бўлмаган чок ҳеч гирибон қолмади.

Хотирин жамъ этти, зулфинга етиб бир дам сабо,
Бору бу йўлда менингтек ул паришон қолмади.

Қону дарёни ҳижил қилди кўзумнинг санъати,
Лаълу дурға худ аёқ остинда ҳеч сон қолмади.

Ғам менинг зотимга вожиб бўлди, бўлмас мумтаниъ,
Ўзга ҳамл этма, жафо кўтрурга имкон қолмади.

Чунким ул Исо нафас қасд этти Саккокий санга,
Дарди дил бирла ўлардин ўзга дармон қолмади.

* * *

Ким эрмас ул ой мубталоси,
Елғиз менга йўқ анинг балоси.

Тушти бу заиф жонимға дарди,
Улмактин изин йўқ ул давоси.

Бергуси ғариб бошимни елга,
Рухсорау зулфининг ҳавоси.

Ким кўрса анинг юзини айтур,
Не турфа эрур бу турк балоси?

Туркона ир ирлағунча онинг,
Куйдурди мени ялай-булоси.

Ойина сенинг юзунг кўрубон
Лоф урса, юзунда йўқ сафоси.

Дарду ғаму ранжу мену ўлмоқ
Саккокийга бўлди жон азоси.

* * *

Фурқатингда, эй пари, тан куйдию, жон йиғлади,
Дам-бадам худ қайғудин икки кўзум қон йиғлади.

Ҳеч даво йўқ дардким жонимда бор они кўруб,
Тўнни чок этти табибу дорү дармон йиғлади.

Дур тишинггу гул юзунгни онгиб онча йиғладим,
Ким менга минг навҳа бирла абри найсон йиғлади.

Тун кеча мажлисда юзунг васфидин кечти ҳадис,
Жамъ ҳайрат ўтина ёндию сўзон йиғлади.

Эшингингда ит бикин бостим неча йил қоврулуб,
Ушбу ҳолимни кўруб кофир, мусулмон йиғлади.

Йиғлади ҳатто рақибнинг раҳми келғондин манга,
Бори ул қаттиқ кўнгуллуқ чинму ёлғон йиғлади.

Билдилар юздин кўруб Саккокий ҳолин сўрмайин,
Хосу ому шаҳру деҳ, доноу нодон йиғлади.

* * *

Кун тушта кўрса ҳусну жамолинг камолини
Уйғониб ихтиёр этар ўз заволини.

Бўстонда гул юзунгни кўруб кўп уфтаниб,
Юзи қизорди кўрдум анинг инфолини.

Ийд ахшоми назорада кўрди қошинг магар,
Гардун этоги асра яшурди ҳилолини,

Кўрди кўнгул кўзунгнию бемор бўлди зор.
Эрнинг масиҳи сўрмади бу хаста ҳолини.

Ол бирла солди олма янгоқинг кўнгулга тор,
Бир бурқаъ ол кўрайин анинг нозук олини,

Бизни рақиблар ўлтүрадур, йўқ санга хабар,
Эй вой нечча тортали итлар мажолини.

Қоним ҳалол тўкса қиличингга сув бикин.
Олдим чу бўйнума ўзум онинг вуболини,

Кўз ёши йиғлаю тушайин дер аёгинга
Билмон недур тобуғда бу сойил саволини,

Ҳар лаҳза Қофтек келур олимға қайғу, оҳ,
Саккокийнинг не кўрмади бу қаттиғ олини.

* * *

Агар қошимда ўшал гул узор бўлса эди,
Ғаме йўқ эрди, ғамим гар ҳазор бўлса эди.

Жоним фидоси анинг кошки менинг бу таним,
Оти туёқидин учқон ғубор бўлса эди.

Кўзум бағир қонидин юз нигор қилмас эди,
Агар кўнгулга мувофиқ нигор бўлса эди.

Бирор кўнгул ғамидин бўлса эрди воқиф дўст,
Не қайғу, душман агар сад ҳазор бўлса эди.

Уларда қолмағай эрди кўнгулда бу ҳасрат
Рақиб ит бикин эшикда зор бўлса эди.

Жонимға саҳл эрур эрди жафоси ағёринг,
Агар кўнгул била ул ёр ёр бўлса эди.

Рақиб тишламас эрди сени, эй Саккокий
Анинг итича санга эътибор бўлса эди.

* * *

Эй гул юзингга ҳуру пари бандаи жони,
Толтек бўюнг озоди эрур сарви равони.

Хўблар сони кўп Чину Хитову Хўтан ичра,
Етмас санга лекин тилаган дунёда соний.

Ул тишингу эрнингни кўруб бир куларингда,
Бу икки кўзум лаълу гуҳар баҳрию кони,

Юзунгни қилур тоза кўзум ёшию оҳим,
Гул тоза бўлур топса бале обу ҳавони.

Ушшоқ қонин тўккали элга қилич олсанг,
Ким илгару тутмас бўюн — ўз бўйнина қони.

Ойдур сенинг олингда бу кун бир ҳабаший қул,
Тонса юзида зоҳир ўлур доғ нишони.

Он дерлар эмиш кўрклу кишилар намакинга,
Саккокий сенинг юзунга боқса кўрар они.

* * *

Гул юзунгни орзулаб юз, кўзни гулзор айлади.
Шаккар эрнингни тилаб жон танни афгор айлади.

Оймудур юзунг ёхуд хуршеди тобон, эй санам,
Бор анингтек шуъласи кўзларни пайкор айлади.

Элтти оғзингдин ўғурлаб писта торлиқни, анга
Туз суйин қуйдилар онча ондин иқрор айлади.

Эй Масиҳо дам бегим, бир дам била бергил шифо,
Шева бирла кўзларинг жонимни бемор айлади.

Зоҳидиким кўрди зулфунг куфрин, йимондин кечиб,
Бўйнида тасбиҳни белинга зиннор айлади.

Кўнглум эмганмас, бале, сен неча аччиг сўзласанг,
Чун яротигда ўгон гул қўнғшисин хор айлади.

Ишқ ишин Саккокий аввал билмайин осон кўруб,
Охири ўз жонининг ишини душвор айлади.

* * *

Сентек жаҳонда қўзлари айни бало қани?
Ментек анинг балоси била мубтало қани?

Эрнинг ақиқи гарчи жаҳонда яғонадур,
Чеҳрам менгизли ҳам яна бир қаҳрабо қани?

Кўзни губор тутти фироқингда йиғлаю,
Изинг тўзиндин ўзга анга тутиё қани?

Лаълинг шароби бўлди кўнгул дардина даво.
Бу дард жонга етти, вале ул даво қани?

Юзумни олтун этти сенинг ишқинг, эй санам,
Мундоғ бақирни олтун этар кимийё қани?

Қадду ҳадингга сарву гул ўзин тутар шабиҳ,
Унла бўю юзинда бу обу ҳаво қани?

Хуснун закоти бергалй бир қибла изласанг,
Саккокитек бу дунйида бир бенаво қани?

* * *

Ол элга ойна, юз кўр бу расму ойинда,
Тароватиму кўрунгай пари чиройинда,

Ким ой кўрди санингтеқ бошинда тўпуки бор,
Не сарв кўрди қадингтеқ Қирим буқойинда.

Сен ўз бегимсен улуснунг ичинда, онинг учун
Қиёт кўзум, санинг ўрнунг кўнгул саройинда.

Сени ман ой тегай эрдим вале бу равшандур,
Юзунг фуруғи кўрунмас фалакнинг ойинда.

Рақиб ройи ул эрмиш мени сен ўлтурсанг,
Жонимга тоза тириклик анинг бу ройинда.

Юзунг сифатини қўйинда гар симоё этса,
Киши турубму бўлур эл оҳу войинда.

Эшикинг итлари Саккокидин қилур фарёд,
Ким уйқу бизга ҳаром ўлди ушку бойинда.

* * *

Жон ҳажр ўтина тушти яна бизни унитма,
Зулфунг беки қад бўлди дуто, бизни унитма.

Қурбон бўлубон васлинг учун шукр ўтагайбиз,
...* бу маҳалдин санамо бизни унитма.

Йўқ эрди ризо кетгали бир лаҳза қошингдин,
Сендин чу йироқ солди қазо, бизни унитма.

Нортек янгоқинг Фурқати ичра кўнгулу жон,
Ул куйди жудоу бу жудо бизни унитма.

Исо дамнинг бор асари ҳар нафасингда,
Жон дардина, эй хулқи даво, бизни унитма.

Ҳижрон эвининг кўнжин олиб кечау кундуз,
Зулфу юзинга тилда сано бизни унитма.

Саккоки ул ой манзилина худ ета билмас,
Сен етсанг агар анда, сабо, бизни унитма.

* * *

Нор янгоқинг орзусинда жонни бемор айлама,
Ҳеч йўқ эркон ёзуқум, мени гирифтор айлама,

Елғону чиндин читиб ҳар лаҳза қошингни манга,
Кенг жаҳонни бу заиф кўнглум бикин тор айлама.

Эй юзи гул гунча ўлдум жавридин, ҳардам менинг
Кўзларим қон ёшидин оламни гулзор айлама.

Кўп мусулмондин қўюб, тарсо бўлурни қовласанг,
Сен букундин сўнгра ҳеч зулфунгни зиннор айлама.

Қилдинг аввал барги гул янглиғ кўнгулни лутф этиб,
Бўлмасун эмди дилозор, охир озор айлама.

Босқон из туфроқитек Саккокини хор айладинг,
Супиройин юз эдиб андин дағи хор айлама.

* Сўзнинг ярми ўчиб кетганлиги учун ўқиб бўлмади.

* * *

Эй ҳусн ганжи, бу заиф кўнглумни вайрон айлама,
Юз уза зулфунг тоғитиб, умрим паришон айлама.

Ҳар нокасу хас юзуна хуш тоза гул янглиғ қулуб,
Бағримни ҳар дам ғунчатек ҳасрат била қон айлама.

Нортек янгоқинг шуъласин сен кўрузуб ағёрға,
Ғайрат ўти ичра ёна бағримни бирён айлама.

Барча халойиқ тўп бикин ташлар аёқинг иза бош,
Бу ишга зулфунг дол эрур, сен они чавгон айлама.

Бўлса қиёмат барчадин қилгон ишини сўрғуси,
Оз қил жафоу жаврни, мунча фаровон айлама.

Зулму ситамни зулфунгу кофир кўзунгга ўгартиб,
Бу кенг жаҳонни сен манга бир тор зиндон айлама.

Эй йинжу тишлик дилбарим, лаъли гуҳарборинг ҳақи,
Сақкокининг икки кўзин ҳар лаҳза уммон айлама.

* * *

Бу эшикта ким қул эрмас бўлмағай ҳеч иззати,
Бахт агар сизга канизак бўлмаса йўқ давлати.

Мен сенинг қадингга мойил, тубиға зоҳид, бале,
Бўлур ўз андозасинча ҳар кишининг ҳиммати.

Ҳар гадонинг зоҳирин кўрсанг паришон, зинҳор,
Сен они хўр кўрмагил, маълум эрмас нияти.

Эй санинг зулфунгга Лайлитек туман минг бандалар,
Ҳолиё даврон бизингдур, кечди Мажнун навбати.

Сен малоҳат мулкининг шоҳисену султонисен*,
Хуш ярошур қадинга ҳусну малоҳат хилъати.

Қоматингдин дунёда ҳардам қиёматлар қўпор,
Зулфунг ул олам балоси, кўзларинг жон офати.

Ғамзангиз қон тўккали қасд этса ҳардам ул замон,
Лаълингиздин кўп бўлур Сақкокига жон миннати.

* Қул ёзмада «султон сени» ёзилган.



* * *

Гар ҳажринг ўти жону жигарга ёқа келди,
Жонимға не хуш шарбати васлинг ёқа келди.

Ҳажр ўти неча мажруҳ этиб бузди жигарни,
Васлинг бу шифо марҳамини хуш ёқа келди.

Девона бикин тишлаб эмас югра юрурда,
Жон пора қилур ҳолда элимга ёқа келди.

Дарё бўлуб оллимда кўзум ёши ҳамиша,
Сайёд мангизлик менинг ўрнум ёқа келди.

Зулфунгни қачон солдинг ўшул ол янгоқ узра,
Жонимға менинг илса ул ўтни ёқа келди,

Девона дединг мению зулфунг санга занжир,
Ошиқлара маъшуқи мунунгтек ёқа келди.

Девона бу Саккокию зулфунг анга занжир,
Ҳинду чу макис фил бошига қоқа келди.



Ж

[УЛУҒБЕК МАДҲИ]

аҳондин кетти ташвишу мабодийи амон келди,
Халойиқ айш этинг бу кун, сурури жовидон келди.

Тан эрди бу улус барча анингтек жони бор ё йўқ,
Биҳамдиллаҳ, ўгон фазли била ул танга жон келди.

Бу мавкиб гарди сурмаси топилмас эрди бериб жон,
Кўрунг кўз бирла ҳақ сунъинким, уш хуш ройгон келди.

Аламтек барча бекларнинг боши кўкка керак тегса,
Ким онлар така қилголи бу қутлуғ остон келди.

Жаҳондин Аҳраман кетиб, мусаххар бўлғай инсу жон,
Ким, уш тахтини ел кўтруб, Сулаймони замон келди.

Бойинди тахтининг қадри, ўзин тож кўкка тошлади,
Адолат боғи сабз ўлди, чу Нўшиниравон келди.

Керак жон булбули тун-кун наводин тинмаса ҳар дам,
Чу дўстларига хуррам ёз, адуларға хазон келди.

Раият қўй эрур, султон анга чўпон, ё бўри,
Бўри ўлгаю қўй тингой, чу Мусотек шубон келди.

Бу кундин сўнгра кўп тингай раиятлар раоятдин,
Улус ҳаққида минг қўрла атодин меҳрибон келди.

Кўнгуллар бўлди хуш равшан кўруб қолмоди бир зарра,
Қоронғулук кетиб, ҳоли чу хуршеди замон келди.

Суюнсун хисрави олий гуҳар султон Улуғбекким,
Шаҳаншаҳ Шоҳрухбектек шаҳи хисрав нишон келди.

Бу шаҳнинг лашкари қайси вилоят сори азм этса,
Фалакдин ҳар замон ул дам нидойи «алъамон» келди.

Булар элга қилич, найза олиб ҳайжоға кирганда
Ҳеч иш келмоди аъдодин, магар оҳу фиғон келди.

Бу лашкар етканин кўрсанг ясаб аъдонинг устига,
Соғинғайсан черик эрмас, магар гурзу синон келди.

Шаҳаншоҳо, сенинг отинг шаҳи кишваркушой эрди,
Ол эмди дунёни, кўктин лақаб гитистон келди.

Тавору қўй бикин душман кўруб бахтинг қависини,
Уз илгин боғлаб олингға заифу нотавон келди.

Кириб тулку бикин душман инида ўлғай очлиқдин,
Ни қилсун устига ҳайбат била шери замон келди.

Қуруғ сувда пишурдию вале хом этти ишлорин,
Ахир кўргил, бу савдодин бошиға не зиён келди.

Аё шоҳо малак сийрат сенинг васфинг сўзи ичра,
Уқийин эмди олингға яна бир достон келди.

Эшигинг туфроқи мажруҳ бўлгон жону танларга,
Шифолиқ марҳами бўлди, бисоти парниён келди.

Неким Нушинравон адл иши ичра қилди тақсирин,
Қамуғинға анинг бир-бир шариф зоти замон келди.

Салотин дунёда кўп келдию кечти, сенингтек бир,
Фалакнинг гар тили бўлса айтсунким, қачон келди?

Малактек зуҳду тоатта ишингни мунтаҳо қилдинг,
Бу иштин ложарам сидраҳ санга авло макон келди.

Қачон кайвон бикин онлар сарою тоқи олиға,
Тиласа посбонлиқни шаҳи Ҳиндустон келди.

Сенинг базмингда келтуруб эшикка Зуҳрани гардун
Деди танда эдинг, адно канизак мадҳхон келди.

Гадолар ройигон топқай зарурий моли қорунни,
Яди байзо бикин илгинг жаҳонга зарфишон келди.

Улусқа тўй берур бўлсанг, қўюб олтун-кумуш гирда,
Мурассаъ йинжулар бирла фалактин икки хон келди.

Қилич яшнатсанг урушта, анинг кай шуъласин душман—
Кўруб айгур қамуғ: «Ҳай-ҳай, қочинг, барқи ёмон
келди».

Уқунгни кўрса саҳмингдин сўнгуктек титрар аъзоси,
Дегай аъдоким: «Уш жонға балсий ногаҳон келди».

Кишиким қаҳринга учрар, шақоват бирла ул борди,
Вале лутфунгни топқонға, саодатдин нишон келди.

Шаҳо, лутфунгни топқом деб дуочи банда Саккокий
Белин жони била боғлаб, бу хизматға равон келди.

Эрурмен хонадонингнинг кўнгул бирла дуочиси,
Менга бурҳон тиласалар, сўзум худ чин, аён келди.

Мамолик назмию диннинг қўруғидур шариф зотинг,
Набийтек шаръ ишинда замиринг хурдадон келди.

Жаҳонда қарнлар тирик бўлуб, иззат била турғил,
Азал вақтида чун отинг шаҳи соҳибқирон келди.



Digitized by Google



ЛУТФИЙ





Лутфий — Ҳиротлик бўлиб 1366/67 йилларда туғилган. У, Ҳиротнинг четида Деҳиканор деган ерда яшади ва фақирона умр кечирди. У, ёшлигидан билим олишга берилиб, тўла таҳсил олди.

Лутфий ўз замонининг туркигўй ва форсигўй донгдор шоирдир. Алишер Навоийнинг айтишича, у айниқса туркигўйликда шўхрати Ироққа қадар кенг ёйилган ва форсигўйликда эса улўғ шоирларга баробарлаша оладиган сўз санъаткоридир. Лутфийнинг форс-тожик тилидаги шеърлари ўз замонида тўпланиб, девон ҳолига келтирилган ва улар кўпчилик орасида машҳур бўлган.

Тошкент, Ленинград ва Лондон кутубхоналарида девоннинг бирнеча қўл ёзма нусхалари мавжуд. Лутфийнинг «Гул ва Наврўз» номли ўзбек тилида ёзилган бир дostonи борки, бунинг ягона нусхаси Британия музейида сақланади. Лутфий XV асрнинг машҳур тарихчиси Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома» отли тарихий асарини форс тилидан ўзбек тилига таржима қилган бўлса ҳам, бунинг нусхаси ҳозирча топилгани йўқ.

Лутфий инсонпарвар, адолатпарвар, ҳақ ва ҳақиқатни севган, шафқат ва мурувватни улуғлаган, илм ва маърифат тарафдори эди. У, реал ҳаёт гўзалликларига берилган, инсоний фазилатларни муқаддас тутган олижаноб бир шоирдир. Навоий тили билан айтганда «Азиз ва табаррук кишидир». Лутфий 99 йил умр кўриб, 1465/66 йилларда Ҳиротда вафот этди.



Ж

«ДЕВОН»дан

газаллар

амолу ҳуснингга сўз йўқ, вафо керак бўлса,
Мени худ ўлтурадурсен, раво керак бўлса.

Кўнгул чу билмайин ўз ҳаддини сени севди,
Балоу русса била мубтало керак бўлса.

Жафони жонима оз қилки, ногаҳон бир кун
Жафо туганса нетарсен, жафо керак бўлса?

Кўнгулни ўзгага бергил демангки, мушкилдур.
Жаҳонда сиз киби бир дилрабо керак бўлса,

Кишиким ўз жониға қасд этар, сени севсун,
Дағи эшикинга келсун, бало керак бўлса.

Жамолу жоҳ элидин юз фароғатим бордур,
Урамунг ити майга ошно, керак бўлса.

Ўқу бу Лутфийи мунглуқ ниёз номасини,
Савобу алқишу юз минг дуо керак бўлса.

* * *

Қачонки ғамзаси кўз қонима қаро қилса,
Хатосиз ўқни урар жонима, хато қилса,

Жафо кўруб онинг учун, чиқар менинг жоним,
Мени худ ўлтурур ул ғамза, гар вафо қилса.

Кўнгулсиз этти кўзи ваҳ не бўлди, тенгри учун,
Дудоғидин мени бир сув уруб даво қилса?

Юзига сочдим ўгун тегмасун паришонлиғ,
Кўнгулни ул туну-кун неча мубтало қилса.

Шакардек оғзи менга қубла отади хуфя,
Недур сўзи они ширин керак адо қилса.

Қачон хиром эса гулгун қабо кийиб ул сарв
Тилар бу ғунча кўнгул куртани қабо қилса.

Қаю иноятиға Лутфи узр қилсунким,
Сўкунжи уҳдасидин чиқмағай дуо қилса.

* * *
Суратингни кимки кўрди, қилди жоно жон фидо,
Сиратингга худ қилур олиб фаришта иқтидо.

Нечаким зулфунгда бор куфру залолат зулмати,
Равшан ул ойдек юзунгда бордур ул нури худо.

Интиҳо йўқму десам ҳуснунга, айтур кўзларинг:
Қайдасен, мен худ балони қилдим эмди ибтидо.

Сеҳр ишин Кашмир эли ғамзангдин ўрганса керак:
Ким жаҳон ичра бўлубтур ул бу фанда муқтадо.

То дединг лаълинг закоти мен фақирга бўлса сарф,
Шукрининг эмди они ширин керак қилсам адо.

Сенсизин қилмай таҳаммул нола қилсам қилма айб,
Гар бу юк юқланса тоққа, келгай ондин юз садо.

Итларингнинг мансабин Лутфийга тайин айлаким,
Давлатингда қилса султонлиғ не бўлгай бир гадо?!

* * *
Юзунгнунг орзусию турранг интизори била,
Бошим оқорди вале кўнглум ул қарори била.

Мудом сув тилагондек биайниҳи махмур,
Қонимға ташна бўлубсен кўзунг хумори била.

Жамол мулкига сен подшоҳ бўлголи, гул,
Тикан ташиб кечурур кун ҳазор хори била.

Эшикинг итидин айрилғонимни тут маъзур,
Ҳамиша кимни фалак қўйди эътибори била.

Маломат аҳлидин, эй порсо, ҳазар қилакўр,
Ки ҳусн ақлни қўймас ўз ихтиёри била.

Чу васл равзасидин кўрмадим гуле ҳаргиз,
Неча тутар мени булбулнинг оҳу зори била.

* * *

Қани бу шаклу шамойил фалакнинг ойинда?
Дағи бу ҳусну малоҳат гунаш чиройинда?

Ким ой кўрди сенингдек бошида мушкин тож
Ва ёки сарв қадингдек Қирим тўмойинда.

Улус ичинда дурур ул бегим қиё кўзлук,
Хаёли тўқтамиш ондин кўнгул саройинда.

Сенинг қадингга бичилмиш турур жафо тўни,
Сени замона мусаллам тутар бу ойинда.

Юзунг сифотини гўяндадин самоъ этса,
Киши турубму бўлур элнинг оҳу войинда.

Фалак ўзин кўтариб кунда ерга чолғай эди,
Юзунг фуруғини кўрмаса меҳр зотинда.

Эшикинг итлари кўп Лутфидин қилур фарёд,
Ким уйқу бўлди ҳаром онинг ушбу жойинда.

* * *

Ез бўлди, керак ўл бути айёр топилса,
Барча топилур, бизга керак ёр топилса.

Гул даврида ич боданиким, оқил эмастур.
Ҳар кимки букун дунйида ҳушёр топилса,

Мен кезгучи қулнинг турурин сиз не сўрарсиз,
Истанг мени ул ердаки, дийдор топилса.

Савдойи бўлубмен, чу кўнгул зулфиға бердим,
Савдо бўлур ондаки харидор топилса.

Жаврингни мени хастаға қил, ўзгага қилма,
Марҳамни ёқ ул ергаки, афгор топилса.

Ҳақдин, э кўнгул, ўзга нима қилма таманно,
Сен хастаға ул ердаки, дилдор топилса.

Лутфийни агар ноз ила ўлтурса, ажаб йўқ,
Дилбар кўп этар ноз ҳаводор топилса.

* * *

Сенсен севарим, хоҳ инон, хоҳ инонма,
Қондур жигарим, хоҳ инон, хоҳ инонма.

Ҳижрон кечаси чархи фалакка етар, эй моҳ,
Оҳи саҳарим, хоҳ инон, хоҳ инонма.

Ҳаққоқи қилич келса бошимға эшикингин,
Йўқтур гўзарим, хоҳ инон, хоҳ инонма.

Усрук кўзунг ашколина ҳаргаҳ назар этсам,
Қолмас хабарим, хоҳ инон, хоҳ инонма.

Яъқуб бикин кўп йигидин қолмади сенсиз,
Нури басарим, хоҳ инон, хоҳ инонма.

Ой юзунга кўз солғали ўзга киши бирла,
Йўқтур назарим, хоҳ инон, хоҳ инонма.

Ишқ ўтида Лутфий юзи олтунни ёшурди,
Эй сиймбарим, хоҳ инон, хоҳ инонма.

* * *

Оҳким бағрим фироқ ўти уза бўлди кабоб,
Мажлисим нуқли ғаму андуҳу кўз ёшим шароб.

Гул юзунг ҳажринда ўздин кетгай эрдим дам-бадам,
Гар бу сориг юз уза кўз урмаса ҳардам гулоб.

Фурқатинг чўлинда бир-бир йўл уза ўтруб кўзум,
Этти тожиклар тилинча, кимни кўрса: «Хожа об?»

Ким сенинг ҳажрингға тушса ногаҳ, эй жон муписи,
Ўз жониндин ирикиб топмас ўлумни орзулаб.

Ғамза то бўлди, тойиб қўрчидағи ҳожиб қошиғ,
Лутфий кўнгли мулкани қилдинг жафо бирла хароб.

* * *

Лабинг латофатидин баски фаҳм қилди уёт.
Улум қаро зулумот ичра кирди обиҳаёт.

Фалоҳ аҳлини озғурди йўлдин ул қомат,
Не қад бўлур бу не қомат, не фитналик ҳаракот.

Набот нархини синдурмаса шакар эрнинг,
Не ишки, тенг сотилур тол йиғочи бирла набот.

Йўқ озингиз киби ширин калом мантиқда
Ки қилди жавҳари фард ўз вужудидин исбот.

Жамол бойлиғина Лутфи сори боқ, садқанг,
Ки фарзи айн эрур албатта мустаҳиққа закот.

* * *

Зулфунгни кўруб, қилди кўнгул майли зиёрат.
Ул силсилаға берди равон дасти иродат.

Ҳаркимки шаҳид ўлмади дилбар қиличиндин,
Бечора бориб топмади ул шаҳди шаҳодат.

Сочингни кўруб ҳалқа бағўш ўлди қошингда,
Ҳар кимки урар эрди бурун лофи саёдат.

Ошиққа ўзин сотса рақибинг нега мингзор,
Арслон била тулкугаки лоф урса жалодат.

Хуршед туғар ҳар кун ўшул ой ёқасиндин,
Ой кўнглагига ҳақ не бало берди саодат.

Қутлуқ аёғинг ерга тегибдур, онинг учун,
Эл ерга қўюб бош, қилур барча ибодат.

Не бўлғай агар Лутфийи бечорани сўрсанг,
Ким хайр ишидур хастаға ким қилса иёдат.

* * *

Хат қилди юзунг мусхафидин ҳусн ривоят.
Ул мусхаф уза хаттинг эрур ҳуснунга оят.

Михрингдин аё ойу, фалакка етар оҳим,
Қилмас нетайин кўнглунга бир зарра сироят.

Жон топти иморат қадингиз тузлуки бирла,
Маъмура бўлур адл ила ҳар қайда вилоят.

Гар меҳру вафо бўлмаса, йўқтур тамаим кўп,
Ул кўздин эрур бир назаре бизга кифоят.

Ул юз била меҳримнинг эмас ғояти пайдо,
Андоқки, сенинг ҳуснунга йўқ ҳеч ниҳоят,

Ҳайратқа қолиб писта оғиз очтию қолди,
Мажлисида чу оғзинг соридин кечти ҳикоят.

Ҳақ бирла ниёзинг агар, эй шоҳ, бор эрса,
Қил Лутфийи мискинга жафо бирла риоят.

* * *

Эй ғамза била кўнглум уйин қилғучи ғорат,
Асру дағи бузма, чу сенингдур бу иморат.

Энгтеқ чу мени жон тортуратургунча мунунгдек,
Кўз қоқ беру кирпук ўқина қилғин ишорат.

Сен ҳусн ила бойсен, сенга чун фарз дурур ҳаж,
Қил тенгри учун каъбаи кўнглумни зиёрат.

Юз сурмадин ортуқ тутар эрнинг тўзини кўз,
Тортиб билайин бўлмаса онда бу басорат.

Ер узра этак судраб ўтубсиз, онинг учун
Туфроқ ила ҳар қайда раво бўлди таҳорат.

Ҳажрингда кўзумнинг садафидин тўкулуб дур,
Ҳардамки келур ёдима ул лафзу иборат.

Бу Лутфининг оҳи ўтидин куймади кўнглунг,
Куйдурди фалак бағрини, кўргил, бу ҳарорат.

* * *

Замона аҳли кўзунг сеҳрина асир бўлур,
Худойро, бу на ашколи дилпазир бўлур.

Кумуш билакларингизни енг ичра ёшурманг,
Кишининг илги очуқ бўлса, беназир бўлур

Кўзум юзунг сори бехост боқса манъ этма,
Ки ҳусн эли назар аҳлина ногузир бўлур,

Қил учи сўзласам ул тор оғзи киноятини,
Вужуди зиҳни сори рожиуз-замир бўлур.

Ҳарис учун юзунга хору зор бўлмишмен,
Ҳарис бўлса киши хор ҳам ҳақир бўлур.

Жамол қайдаки бўлса, жафоси жонга тегар,
Магарки ҳусну жафо иттифоқи бир бўлур.

Нечаким ул шаҳ учун Лутфий сўзи дур бўлди,
Қачон қулоғида бу қисса жойгир бўлур.

* * *

Ул зулф тузоқи ки кўнгул сайди учундур,
Ҳар ҳалқаси сармоия асбоби жунундур.

Ғиллар керак ул ғамзага шогирдлик этса,
Ҳорутки устои тилисмоти фусундур.

Чун ақл кичикликдау ой янги эканда,
Ҳуснунгдаги бу дарди дилим рўз фузундур.

Бурқаъни кўтар тенгри учун, эл сени кўрсун,
Бу ҳусну малоҳат яна қайси кун учундур?

Лутфийким, ўчун хонларини илмади кўзга
Қул бўлди жамолингғау ишқингда забундур.

* * *

Ез фасли барча шоду, кўнглумиз ғамнок эрур,
Гул бикин жон кўнглаки ҳижрон элиндин чок эрур.

Эй фироқ, ўлтур мени, филҳол қутқор қайғудин!
Ёрсиз аччиқ умр захру ажал тарёк эрур.

Арз қилма гулларингни бизга онсиз, эй баҳор,
Қайси гулнинг этаги охир анингдек пок эрур.

Жон агар ул ораз учун борса йўқ кўнглида раҳм,
Сувсизин юз болиғ ўлса, баҳрға не бок эрур.

Турбатимнинг тошига мундоқ битингим: Лутфий кул
Тош бағирлиқ ёр учун фарсуда бўлгон хок эрур.

* * *

Зотингда ҳақ изҳори камолат қилибдур,
Ўз нури била суратингизни яротибдур.

Ун жузв турур эрди бори ҳусну малоҳат,
Қисмат куни ҳақ тўққуз улуш сизга берибдур.

Бир жузвки Юсуфға тегиб эрди, чу борди,
Онинг учун ул ҳам санга мерос қолибдур.

Кўрмиш қаро соч ҳалқаси остинда менгингни,
«Жим» ўртасида ул кишиким нуқта солибдур.

Айшу тараб асбобини элга улашурда,
Ҳусн эли карашмалари жонимға тегибдур.

Ҳар фитнаки ангиз қиладур ул қаро қоши,
Елғиз манинг олимға азаллин ёзилибдур.

Айттимки: бу Лутфийға жафо қилма, вафо қил!
Айтурки: бизинг даврда ул расм қолибдур.

* * *

Гул қошингда хуб эмас, гарчи жамоли бор дурур,
Шаҳ қошинда хоркашнинг не мажоли бор дурур.

Ой юзунгнунг хижлатиндин гул қизорди, ҳолиё
Ханда бирла ўткарур, чун инфиоли бор дурур.

Айб эмас қилса кўнгул ул инчка белнинг фикрини,
Бошида ким бўлса савдое хаёли бор дурур.

Ҳар бири бир доғ эрур мунглуғ жонимға то абад,
Лола янглиғ юзида ҳар неча холи бор дурур.

Сенсизин қилмас кўнгул майли тамошойи баҳор.
Завқи гул йўқ андаким ошуфта ҳоли бор дурур.

Шамъи меҳру гулни нисбат қилса бўлмас сизга ким,
Умри гул бир ҳафта, куннинг ҳам заволи бор дурур.

Эй фироқ ўлтурмагил бечора мискин Лутфийни,
Кимки қилса хуни ноҳақ, кўп вуболи бор дурур.

* * *

Нортек янгоқинг шавқидин жонлар бари афгор эрур,
Кўнглум қачон топсун мурод, бир нору минг бемор
эрур!

Мен худ ажалдин ишқингиз йўлинда қайғурмен вале,
Юзунгни кўрмай ўлганим ҳажрингда бас душвор эрур,

Эрнинг хаёлин гар ниҳон тутсам кўнгулда, не ажаб,
Муфлис киши топса гуҳар ёшурмоғи ночор эрур.

То зулфунгиздин боғладим зиннор тарсолар бикин,
Имоним ортар дам-бадам, бу не ажаб зиннор эрур.

Кўрсанг эшикингда мени беҳуд тушуб, айб этмаким,
Ақлимни ғорат қилғучи ул ғамзаи айёр эрур.

Исо фалакка ошти чун бўлди лабинг жон бергучи,
Шармандалиқдин кетмаса кўкта анга не бор эрур.

Келдим эшикка орзум юзунгдурур, кўргуз чиқиб,
Кел-кел, бу Лутфий ҳожати учмоқ эмас, дийдор эрур.

* * *

Ҳақ ул кунким жамолинг бор этибдур,
Жаҳон ҳуснин борин сизга берибдур.

Парию одами мундоқ хўб эрмас,
Фаришта гўйё кўктун энубдур.

Қуёш ойдек юзунгнинг хижлатидин
Қочиб, тўртунчи кўк узра чиқибдур.

Юзунг ногаҳ кўруб ойдек соғиндим,
Магар ҳушу хирад мендин кетибдур.

Хирад кетмай нетар мендек гадодин?
Қошимға ул шаҳи хўбон келибдур.

Қилур даъвийи нур ул шамъи мажлис,
Магар парвона шомимдин олубдур.

Неча бу Лутфи қулға жавр этарсен?
Вафс қилким, жафо ҳаддин ошибдур!

* * *

Кўзум назари токи юзунггузга тушубтур,
Жон бирла кўнгул ишқинг ўти ичра куюбтур.

Ер эрни била урмангиз, эй қанду шакар, лоф!
Чун оби ҳаёт ўфтаниб андин ёшунубтур.

Занбури асал оғзи тўла шаҳд эканиндин,
Эрнингни кўруб, бемаза деб, бол тўкубтур.

Ҳар қайси пари суратингиз аксини кўрди,
Девона бўлубон илигин тишлаб ўтубтур.

Қаддингни бу Лутфий демагай сарви сиҳиким,
Юз сарв анинг олида хизматда бўлубтур.

* * *

Ҳар неча ёмонлиқки қилур, яхши кўрунур.
Нозик кишидин ҳар не келур, яхши кўрунур.

Гулнинг йиғочи остида ўлтурки, қўпор ел,
Гул бошига чун гул сочилур, яхши кўрунур.

Чун тишласа эрнин кўрунур шеваси шириң,
Сут бирла чу шаккар қотилур, яхши кўрунур.

Хат ҳуснини ортурдию ҳеч қилмади нуқсон,
Қоғазга чу хатлар ёзилур, яхши кўрунур.

Сочинг била юз ёпмағилу Лутфиға кўргуз!
Кун ори булуттин очилур, яхши кўрунур.

* * *

Сенинг усрук кўзунгга не хабар бор,
Ким ондин ақлу жонга кўп хатар бор.

Йўлунгда қош эрур кўз баҳрина пул,
Санга ҳар нечаким мундин гузар бор.

Мунажжим қошу кўзунг кўргач айтур,
Ким, ушбу ой бошинда фитналар бор.

Қирон қилди кўзунг ойтёк юзунгда,
Қирондур андаким оре назар бор.

Қазо келганда Лутфий ўз ҳалокин
Тилар, қошингда коми бу қадар бор.

* * *

Чехрадин бурқаъму олдинг, моҳи тобон кўрнадур,
Ё табассум айладингким, сурати жон кўрнадур.

Уйқуда эркан магар зулфунгни тоғитти сабо,
Ким бирор юмсам кўзум, тушум паришон кўрнадур.

Майл қилғоли кўзум унноб янглиғ эрнингга
Толиим ашколи ичра дам-бадам қон кўрнадур.

Тун кеча ўнтўрт тунги ойни кўрмиш юзунг,
Ушбу кун ойнинг жамоли ичра нуқсон кўрнадур.

Кўз кўра ўлтурмак одам ўғлини душвор эрур,
Недин ул ғамзангга мундоқ саҳлу осон кўрнадур.

Рост қилди худ висолинг ганжина кўнглум уйин,
Охири фикр этсам онинг иши вайрон кўрнадур.

Кўргали тишинг била эрнингни Лутфийнинг кўзи,
Кирпикаки устида ҳардам дурру маржон кўрнадур.

* * *

Ераб, ул дилбар малак ё ҳур, ёхуд жон эрур.
Ҳақ назар ондин кўтармас, халқ анга ҳайрон эрур.

Шаккар ағзингким кичикликта ёшурди заррани,
Ул қуёш юз узра гаҳ пайдоу гаҳ пинҳон эрур.

Ойу кун юзунг била лоф урсалар, йўқтур ажоб,
Оре лоф урмоқ йироқтин барчага осон эрур.

Оғзинг ўлтурди табассум бирла бизни, ёлмағил,
Гар киши ўлтурмаса, ул не учун пинҳон эрур?

Кўймағил ҳардам рақибимни қошингда, сур бегим,
Ким қўтур итнинг дамидин барчага нуқсон эрур.

Гарчи зулфунг чинида кофир бўлуб эрди кўнгул,
Бурқаъ олғил чехрадин гар толиби имон эрур.

Даври ҳуснунгда жафо бирла бу Лутфий кўнглин ол
Ёдгори ҳусн, оре дунёда эҳсон эрур.

* * *

Лаълиға боқсам билурким кўнглум ул ён тортадур,
Ноз ила ўлтурғали айтур: сени қон тортадур.

Чашми масгу жом лаълин кўргай эрди Хизр, агар,
Ичкай эрди бода улким обиҳайвон тортадур.

Соҳири Бобилки, сеҳр ичра мусалламдур букун,
Ғамзангизнинг саҳмидин юзига қалқон тортадур,

Гарчи умрум кечти нола бирла ул гул дардидин
Сўрмадиким: бу не булбулдурки, афгон тортадур.

Ул сенинг ойдек жамолингни йироқтин дунёда
Кўргамен, деб банда дойим миннати жон тортадур.

Зулфунгиз элтур мени гаҳ каъба, гоҳи дайрға,
Бандани ҳар ергаким рўзи паришон тортадур.

Борди бермай шарбати васлин бу хаста Лутфиға,
Умр борди-ю, ҳануз ул ранжи ҳижрон тортадур.

* * *

Юзунгизда ўгон нури аёндур,
Кўзунгиз фитнай охирзамондур.

Худо сирридур оғзинг, они билмак,
Не ҳадди ақлу фаҳми хурдадондур.

Қошинг, эрнинг, юзунг, эй рашки ризвон!
Ҳилолу кавсару боғи жинондур.

Мени севди дебон ёзгурмоғилким,
Сени ким севмаса динға зиёндур.

Сенинг ширин дудоғинг ҳасратидин
Муҳиблар жони суву бағри қондур.

Лабимга етти жон, эрнимға еткур,
Лабингниким, манга пайванди жондур.

Не ғам гар дарду ҳасрат бирла ўлсам,
Чу дилбар ўлгонимдин шодмондур.

Фироқинг тўкти бирдам ичра қоним,
Ажал етса кишига бир замондур.

Бу Лутфий жони оғзин сори борди,
Мақоми руҳ оре ломакондур.

* * *

Ҳаммомға азм айлагач ул шўхи ситамгар,
Ҳаммом юзи акси била бўлди мунаввар.

Гулдек танидин чунки арақ бўлди равона,
Ҳаммом гулоб иси била бўлди муаттар.

Сув ғайратидинким таниға тегди дамодам,
Жоним бори сув бўлди-ю ҳолим дағи абтар.

Эй кошки, мен бўлғай эдим олида ходим,
То васл туни бўлғай эди бизга муяссар.

Кавсар суйи, жаннат гули олгун тароғ олғоч,
Ҳурлар келур эрдилар анга бўлғоли чокар.

Бу Лутфининг оҳию ўти кўз ёшидандур,
Ҳаммомнинг ўтию суйи, тушмас анга бовар.

* * *

Бўлди баҳору жон қуши ул ён ҳаво қилур,
Ҳар неча ул нигори суманбар жафо қилур.

Гар қилмаса вафо манга дилбар, ажаб дагул,
Умри азиз кимга жаҳонда вафо қилур?

Бошингга мен сафо берайин дер қилич била,
Жавр этмас эрди меҳр учун эмди сафо қилур.

Кўр бўйнида дурур мени бечоранинг қони,
Хўблар била мени чу ўшал ошно қилур.

Юзунг сифоти Лутфи сўзин нозук айлади,
Гул садқаси дурур, неки булбул наво қилур!

* * *

Бўлмаса гар ул санами гул узор,
Бизга хазонтек ўла бу навбахор.

Ердин агар келса қилич бошима,
Зарра фироқ этмагамен ихтиёр.

Йўлида туфроқ ўлайин от учун,
То манга қилгай гузар ул шаҳсувор.

Қоши учун жон берурам, дўстлар!
Тоқ кўпорингиз ёсоғонда мазор.

Елғуз эмас, Лутфиким ул гул учун,
Нолау фарёд қилур сад ҳазор.

* * *

Сўзларда қачонким кўзи қоши била ўйнар,
Ҳар гўшада юз минг киши боши била ўйнар.

Нун қоши учун сеҳр қилиб ер юзини кўз,
Олмоси кўзум мардуми ёши била ўйнар.

Шатранжи латофатни утар нечаким ул ой,
Руҳ тарх бериб, чарх қуёши била ўйнар.

Кўргузса қаро, барҳам урар Чину Хитони,
Кўз устидаки холи чу қоши била ўйнар.

Жон нақдини юзунг қошида ўйнаса Лутфий,
Айб этмаким, ул ғамза кенгоши била ўйнар.

* * *

Халқа-халқа зулфиким ул моҳи тобониндадур,
Чинға боқсам долдек хуршед анинг ёниндадур.

Порсо мусхаф юзин кўрса, равон жон вақф этар,
Дилраболиқ ояти гўё анинг шониндадур.

Заррадек тор оғзидин қайдин топилсун бизга ком,
Ким калом аҳли ақал дерларки йўқ сониндадур.

Голибоким Юсуфи Мисрий тушунда кўрмади
Ул ҳаловатларки лаъли шаккар афшониндадур.

Бир қатиг жонлиқ жаҳонда кўрмадим кўнглум
Ким чекар жавру бурунқи аҳду паймониндадур.
бикин,

Хўблар бўлмас минунгтек шўх-шангу дилрабо,
Бу қилиқлар барчаси ул ишванинг кониндадур.

Лутфи қул кирмас ятиққа кўп насиҳат қилмангиз,
Ким анинг девона кўнгли ишқ формониндадур.

* * *

Усрук кўзунг карашма била чун қиё боқар,
Ҳар гўшадин бу ҳаста кўнгулга бало боқар.

Бир сен киби жафочию айёра йўқтурур,
Хўблар ичинда нечаки бу бенаво боқар.

Кўзум кумуш билакларина тушса не ажаб,
Сойил ҳамиша бой кишининг илгино боқар.

Бу тўймағур кўзумга турур кўрмаган киби,
Ойтек юзига нечаки, бу мубтало боқар.

Ултурма ноз бирла, менинг сори боқма деб,
Бу энчу қулниким, санга, эй подшоҳ боқар.

Эл билмасун, деб ул қора кўз лутф ила манга
Уғрин боқарни ўгратур учун, қиё боқар.

Ҳар бир назарда ўлтурадур Лутфини кўзунг,
Давлат кишига боқса дағи мунтаҳо боқар.

* * *

Сенинг ширин лабинг жондин қолишмас,
Сочингнинг куфри имондин қолишмас.

Хито турки энгиким неча бўлса,
Кўзунгнинг шеваси ондин қолишмас.

Равомудур мени ўлтурса ташна,
Лабингким оби ҳайвондин қолишмас.

Кўзумнинг ёшидин иймангил охир,
Ки ҳар бир мавжи тўпондин қолишмас.

Эшикинг итина ким бўлса қўлдош,
Онинг иқболи султондин қолишмас.

Езуқтур, тўкмасун ёшимни лаълинг,
Ким ушбу ол ёшим қондин қолишмас.

Улугбек хон билур Лутфий камолин
Ки рангин шеъри Салмондин қолишмас.

* * *

Дунйини кездиму зебо сени-ўқ кўрдум бас.
Бу малоҳат била ҳаққо сени-ўқ кўрдум бас.

Рост, чун бўлди азалнинг куни саф-саф арвоҳ,
Барчадин ҳусн ила якто сени-ўқ кўрдум бас.

Дилраболик фаниким қилдин эрур нозуқроқ,
Мен ўшул илмда доно сени-ўқ кўрдум бас.

Андаким бўлди йиғин ҳусн элининг мажмаида.
Шамътек анжуман оро сени-ўқ кўрдум бас.

Ети иқлим ичида дар-бадару шаҳр ба-шаҳр,
Ҳусн учун кездиму раъно сени-ўқ кўрдум бас.

Қолди қил учи адам бўлғоли жон оғзинг учун,
Улки билгай бу муаммо сени-ўқ кўрдум бас.

Лутфини тиргизадур ҳар нафас ул лаъли лабинг,
Ушбу дам ичра Масиҳо сени-ўқ кўрдум бас.

* * *

Жон ҳасрат ила куйдию дилдор топилмас,
Барча топилур бизга, вале ёр топилмас.

Гул келди юзунг давридаким ҳусн топай деб,
Идландию ҳеч ерда харидор топилмас.

Агёр бикин жону кўнгул кетти қошимдин,
Ғамдек манга бир ёри вафодор топилмас.

Эй соқийи мажлис, сол иликтин қадаҳу жом,
Ким кўзларининг даврида ҳушёр топилмас.

Дедимки: «Рақибимни қошингдин кўтар!». Айтур:
«Бир гул қаниким олида юз хор топилмас?»

Эй ҳажр кўтар ёш ила кўзум қаросини,
Кўзни нетайин давлати дийдор топилмас.

Қил муҳр оғиз хотамидин Лутфининг оғзин,
Қим дунёида бир маҳрами асрор топилмас.

* * *

Дилбар эшигинда турса бўлмас,
Бурқаъсиз ул ойни кўрса бўлмас.

Қонимни тўқар лаби ёзуқсиз,
Андин нетайинки сўрса бўлмас.

Бир дам рақиб илгидин қошинда,
Кўз ёши менгизли турса бўлмас.

Эл юзига боқсалар, ўлармен,
Хуршедни нетай, ёшурса бўлмас.

Ишқ ўтида Лутфи йиғлама кўп,
Сўз бирла они ўчурса бўлмас.

* * *

Дилбар соғинмағон жиҳати бу фироқ эмиш,
Кўздин йироқ бўлса кўнгулдин йироқ эмиш.

Тинмас хаёли кенича кўз ёши қатрадин,
Юз сорини югузгучи гулгун буруқ эмиш.

Бўлмас висол бирла кўнгул дарду доғи кам,
Ул тўймағурда ваҳ не бало иштиёқ эмиш.

Қон боғлади жигарлари ул ғамза саҳмидин,
Чину Хитода нечаки оҳу қароқ эмиш.

Ёйдек бўюмни эғди қошинг бори ғам била
Ким эгриликда даври қамар ичра тоқ эмиш.

Бузди қарочерик била кўнглум вилоятин,
Ул кўзқи турклардек иши таламоқ эмиш.

Лутфий, Ҳирида қолмади шеърингга муштари,
Азми Ҳижоз қилки, мақоминг Ироқ эмиш.

* * *

То жамолингдин тушубтурмен ёмон кўздин йироқ,
Бу тирикликтип кўрармен кўп, ажални яхшироқ

Ёш фарзандин югуртуб юз сори ҳардам кўзум,
Чун сенинг изингни топмай чоптурур гулгун буруқ

Қошларинг ёдида кўп меҳробқа қаршу туруб,
Фол туттум, келди фолим гоҳ жуфту гоҳ тоқ.

Оҳу вовайлоу ўртанмоқу ўлмак оти — ҳажр,
Ҳасрату ранжу аноу дарду ғам оти — фироқ.

Ерга кирсам кошки, чун етмас ул ойға илик,
Мушкил аҳволе тушубдур: ер қатиқу кўк йироқ.

Фурқатингда тўкти, шоҳим, кўзларим дурри ятим,
Ул адоқингга тушуб, ҳолини этса, тут қулоқ.

Солди Туркистон элига Лутфини кофир кўзунг,
Не мажоли борки қилса рост оҳанги «Ироқ».

* * *

Бошимга соя сол, эй сарви чолок,
Ки гулдекдур ёқам ҳажр илгидин чок.

Қадам бос кўз уза, кирпикка боқмай,
Тикан ботмас аёқга, бўлса намнок.

Не ширин жавҳари фардедур оғзинг,
Ки қилмас ақл ани бир зарра идрок.

Жафову ишваву фан илми ичра
Кўзунг шогирдидур даврони афлок.

Жаҳонда нозанин кўптур, валекин,
Сенингдек кимда бордур домани пок.

Назар мендин аяр ғамзанг ажабтур,
Ким усрукларда бўлмас расм имсок.

Йироқ солгунча, ўлтур Лутфи қулни,
Масал бордурки: ўлмоқдин тирилмоқ.

* * *

Неча куйгай бу ёнар ўтқа заиф жоним менинг,
Қолмади сабр этгали бир зарра имконим менинг.

Кес бошимни гўйтек хайлинг адоқи ичра сол,
Қўйма саргардон мени, эй зулфи чавгоним менинг.

Чун кишининг қонин айтурларки ётмас не ажаб,
Лаълингизда не учун мундоқ ётур қоним менинг.

Мақдамингга сочқоли юздин ўгун йўқ олтуним,
Бор вале кўз баҳрида кўп дурри ғалтоним менинг.

Мен гадони нотавонлиғ бирла ўлтурди кўзунг,
Кимга бўлғай охир, эй султон, бу товоним менинг.

Ою кун юлдуз тикин ерга ўзин солмоқ тилар,
Чиқса хиргаҳтин бирар, ул моҳи тобоним менинг.

Жон боринча қилмағай Лутфий фиғон бедоддин,
Додким, берсун, қилур чун жавр султоним менинг!

* * *

Эй кўнгул буржинда хуршеди жаҳон тобим менинг,
Юзу кўзунгдин йироқ йўқ хўрд ила хобим менинг.

Қибладин, ёраб, ўлар ҳолатда эврулсун юзум,
Гар сенинг қошингдин ўзга бўлса меҳробим менинг.

Чун сенинг симтек сақоқингдин тамаълар бўлди хом,
Неча олтун узра мавж ургай бу симобим менинг.

Риштаи зулфунг балолар бошима жамъ айлади,
Ул сабабдиндур паришон жумла асбобим менинг.

Эй қуёш, юзунгдин айру янги ойдек бўлмишам,
Ким қолурга ўзга йўқтур бир замон тобим менинг.

Хаста кўнглумга шифо эрди лабинг бир сўрмоғи,
Бир ани сўрдурмадинг, эй эрни уннобим менинг.

Оразинг шавқинда мундоқким оқар кўзум сўйи,
Лутфидек юзни ғариқ этгай бу селобим менинг.

* * *

Хўбларда сенингдек бир маҳбуб қани нозук?
Боштин аёқи зебо, белу бадани нозук.

Нозуклук ила олдинг кўнглумни боқиб ўғрин,
Нозук кишиларнингки, ҳар неқилани нозук.

Олма янгоқинг кўргач, мен банда нечук ўлмай?
Бодом кўзи фитна, писта даҳани нозук.

Ерга тўкулур ўлгон қони ерга ҳеч тўкмай
Бир ғамза била ул шўх ўлтурди мани нозук

Ғамзанг ўқиға қаршу жон Лутфи ҳадаф қилди,
Номус учун гаҳ-гаҳ сен отқил ани нозук.

* * *

Эй пари рухсоралар бизга нигоҳ айлаб ўтунг,
Бир назар бирла гадони подшоҳ айлаб ўтунг.

Гарчи ўтганда кирарсиз кўп кишининг қонина,
Бу гадо кўнгли учун мунча гуноҳ айлаб ўтунг.

Хорлиқ ҳаддин ошурманг, чунки иззат йўлдадур,
Отингиз наълинда бизни ҳоки роҳ айлаб ўтунг.

Ҳар қачон жон берсам ул қадду оғиз ёди била,
Эй муҳиблар, турбатим устида оҳ айлаб ўтунг.

Ҳар нечаким сизга захматдур, закоти ҳусн учун
Илтифоте Лутфи сори гоҳ-гоҳ айлаб ўтунг.

* * *

Жоним чиқадур дард ила, жононима айтинг.
Мен хаста гадо ҳолини султонида айтинг.

Уртанмаку кўз ёшию ўлмак дурур ишим,
Бу қиссани ул шамъи шабистонида айтинг.

Қат-қат юрагим боғлади қон гунча менгизлик,
Бу дарди дилимни гули хандонида айтинг.

Қон ёшим эрур юз уза юлдуз киби сонсиз,
Ул кўзлари чўлпон, маҳи тобонида айтинг.

Лутфийи дил афгор тилар ҳажр элидин дод,
Аҳволини ул бегим-у хонида айтинг.

* * *

Эй азалдин то абад кўнглум гирифтoring сенинг,
Чора қилким, бўлди жоним асру афгоринг, сенинг.

Дилбаримнинг мазҳабида йўқтурур расми вафо,
Эй кўнгул, не ерга етгай нолаи зоринг сенинг.

Жон берур чоғда қошимға тенгри учун кел, бегим,
Бори кўрмиш бўлғамен бир лаҳза дийдоринг сенинг.

Шаръ ичинда бўлса усрук сўзига йўқ эътибор,
Қонима бергай тонуқлуқ икки айёринг сенинг.

Ҳар қачон Лутфийни ўлтурсанг жафо тиғи била,
Онда ҳам бўлғай менинг руҳим мададгоринг сенинг.

* * *

Нигоро, сенсизни мандин не ҳосил?
Агар жон бўлмаса, тандин не ҳосил?

Чу гулдин ранг эмас, булбулға бўйе,
Баҳору боғу гулшандин не ҳосил?

Жафову ишваларни фан тутубсен,
Мунингтек ишва пурфандин не ҳосил?

Кишиким йўқтурур меҳру вафоси,
Агар хуршеддур андин не ҳосил?

Бу турлук ҳусн ила Лутфий қулунга
Иноят қилмасанг, сендин не ҳосил?

* * *

Ой юзунгдин етти кишвар хўблариға инфиол,
Дилраболиғ фанни ҳусунг даврида тошти камол.

Ул оғиз меҳридин ўзга келмагай мендин жавоб,
Андаким маҳшар куни ҳар заррадин бўлғай савол.

Гар илиндим зулфиға, кўрманг мени ошuftадил,
Донахўр этти тузоққа бизни ул лаъл узра хол.

Эй мунажжим, ёр оти бирла мени такбир қил,
Отим оти бирла ёндошсун, манга худ йўқ висол.

Кун юзунг давринда ўтонмай чиқар, не важҳ ила
Англадимким, тезликиндин топқуси охир завол.

Гафлат аҳлидин мусаллам йўқтурур даъвийи меҳр,
Бормағил уйқуға, эй кўз, сен хаёлидин уял.

Лутфий кўрмас ул юзунг, кўрса дағи беҳуд бўлур,
Душманинғга тушмасун, эй дўст, ёраб, ушбу ҳол.

* * *

Ниқоб олки, юзунгдин сафо тилай келдим,
Кўнгул экига лабингдин шифо тилай келдим.

Адамда боғлаб эдим ул оғиз хаёлини мен,
Ки мунда хизрдек обибақо тилай келдим.

Губор тутти фироқингда кўзни кўп йиғидин,
Бирор изинг тўзидан тўтиё тилай келдим.

Қонимға хат чиқориб кирди ол била дудоғинг,
Бу ерга сўра-сўра хунбаҳо тилай келдим.

Азалда бир сочинга жонни айладим савдо,
Юзунгдин эмди анга ошно тилай келдим.

Вафоу меҳр мангаким бўлур бу толиъ ила,
Не ёшурай, эшигингдин жафо тилай келдим.

Жамолу ҳусн ила сен бою, Лутфи асру фақир,
Закот учун садақангдин наво тилай келдим.

* * *

Лаълингни дедим: дуржи дурар, сўз келишидин.
Оғзингни дағи танги шакар, сўз келишидин.

Ул нуқтаи мавҳумнинг исботи учун ақл
Рамзе деди чун топти хабар сўз келишидин.

Эрнингки қалам тилини ширинлиги ёрди,
Ширин дедим ондинки самар сўз келишидин.

Езғурма, йўқ оғзингни агар зарра демишмен.
Мен айттим экин они магар сўз келишидин.

Лутфий сўзи дурдек келур ул тиш сифатинда,
Табъини дедим баҳри гуҳар сўз келишидин.

* * *

Эй турки париваш, не ажаб жон етилибсен,
Давлат чаманинда гули хандон етилибсен.

Бўй чектингу офоқ ичида қўпти қиёмат.
Ҳай-ҳай, не бало сарви хиромон етилибсен.

Ақлиндин озор Миср элидек, ким сени кўрса,
Бу даврда сен Юсуфи Канъон етилибсен.

Хусн аҳли агар бўлса санга қул, ажаб эрмас,
Ким хўблуқ иқлимида султон етилибсен.

Ҳам руҳи мусавварсену ҳам руҳи мужассам,
Бу лутф ила сен фитнаи даврон етилибсен.

Сол соя менинг бошима, эй рашки санавбар,
Ким ғайрати туби дағи ризвон етилибсен.

Лутфий сўзининг лутфина табъинг етар, онжоқ,
Аҳсангтаки, маҳбубу сухандон етилибсен.

* * *

Ераб, не бало сарви суманбар етилибсен,
Қон қилғучи бир шўхи ситамгар етилибсен,

Ой кўз тутар эрдим сени, хуршед бўлубсен,
Хуршед недур, руҳи мусаввар етилибсен,

Васф этса киши юз кўрадур деб соғинурсен,
Кўзгуда ўзунг боқки, не дилбар етилибсен.

Жаннатдағи насрин гулунинг шохи менгизлик,
Сен тозау раъно дағи навбар етилибсен.

Дарёблағил¹ ушбу гадо каъбаи кўнглин,
Чун ҳуснда сен асру тавонгар етилибсен.

То қайси саодатлиқ учун ҳақ сени асрар,
Эй меваи ширинки, чу шаккар етилибсен.

Лутфий юзи моҳиятини равшан этибким,
Сен даври қамар ичра суханвар етилибсен.

* * *

Латофат қибласи оламда сенсен,
Пари юзлук бани одамда сенсен.

Кўрунур сенсен-ўқ кўзумдау бас,
Бале, ёлғуз ҳамин оламда сенсен.

Масиҳу хизр эди оламда жонбахш,
Алар ул дамдау бу дамда сенсен,

Қароқчи бўлмасанг, эй ёр кўзи,
Нағу пайваста ҳар бир ҳамда сенсен.

Қанорин Лутфи топмоғлиқ маҳол ул,
Мунингдекким муҳити ғамда сенсен.

¹ Дарёблағил — топғил.

* * *

Сенинг ўтлуғ кўзунг ҳажри мени куйдурди савдодин,
Қошинг ҳам эгрилик бирла туз этти умр бунъедин.

Билурмусенки, кун тушта не учун сайрдин қолди?
Юзунгни кўрди сорғориб, иликдин борди сафродин.

Ҳабашдин ўлжа тушгандур қаро тамғолиқ ой сизга.
Далили равшану зоҳир танурлар барча тамғодин.

Қошинг нуни учун ўйнар кўзум ёш ичра олмоси,
Ажаб тифлеки, иймонмас менингтеқ мавжи дарёдин.

Кү боқсанг кўзима, улдам магар ҳолимни билгайсен,
Киши то бўлмаса ошиқ, не билгай ҳоли шайдодин.

Юзингдин лола ранг элтиб, уёлиб шаҳрга кирмас,
Анинг бўйнини киши боғлаб, кетурмоғунча саҳродин.

Кил учи белинга Лутфий эли етмас, чиқар жони,
Раво тутмоки йўқ ерда, бу қул ўлгай таманнодин.

* * *

Ул ғамзадин ўқ отма, онсиз бало қилурсен.
Ҳуснинг била жаҳонни чин мубғало қилурсен.

Неча вафоға ваъда қилгайсен, эй жафочи,
Сен умрсен кишига, ҳаргиз вафо қилурсен.

Ишим ўтар даводин, тенгри учун, табибим,
Келгил, бу дарди дилга гар бир даво қилурсен.

Меҳроб қоши сори зинҳор боқма, зоҳид,
Вайрон бўлур намозинг, барча қазо қилурсен.

Эй кўз юзини кўрдунг, ёшинг нағу тўкарсен,
Кечкон фироқ элиндин не можаро қилурсен.

Қуйган кўнгулда ҳар дам меҳринг бўлур зиёда,
Тун-кун агарчи бизга жавру жафо қилурсен.

Йўқтур ажабки олдинг бечора Лутфий кўнглин,
Ҳуснинг била чу юз минг шаҳни гадо қилурсен.

* * *

Эй жафо доғи била кўнглумни афғор айлаган,
Гул янгоқинг шавқидур юз кўзни гулзор айлаган.

Жавҳари фард оғзингизтек хурдабинлар зеҳнина
Солмади ширин хаёле, йўқни ул бор айлаган.

Бир нафасда ўлгай эрдим фурқатингнинг дардидин.
Васл умидидур манга ўлмакни душвор айлаган.

Ақлу дини бўлмасун деди мени бечорада,
Ул қароқчи кўзларингни масту айёр айлаган.

Мен фалакнинг гардишидин бўлмамишман нотавон,
Ёрнинг севмаслигидур жоними кор айлаган.

Жону дил борди адам сори, сенинг оғзинг учун,
Ул оғиз фикридур элга дунйини тор айлаган.

Ўзгадин қилмам шикоятким, азизим кўзида,
Ўтға тушкур бу кўнгулдур Лутфини хор айлаган.

* * *

Фарёд этарам тушгали мен ёлғузун ондин,
Ҳеч ўлди таним, қолди ҳамин ёлғузун ондин.

Кўз тегмасун ул юзгаки, кун андин уёлди,
Гар мунфаил эрмас не учун қочти тун ондин.

Лаъли уза холин кўрубон, айттим ангаким:
Куйдурди жоним ўйлаки, қўпти тутун ондин.

Гар сарв сужуд этмаса қаддингға, не нуқсон,
Йўқтур ажаб аҳмақлиқ эрур, чун узун ондин.

Маҳшарда лабинг сўргуси ошиқ қонин, эй шўх
Ким мунда тўкар қон диятин издасун ондин.

Юз таъна урай ойға, яна йилда демишсен,
Сен меҳрға юз урки, букун сен фузун ондин.

Лутфий сенга жон асрамишу қасд этадур ҳажр,
Гар жон тилар эрсанг ета кўргил бурун ондин.

* * *

Қон бўлди кўнгул фироқингиздин
Жон куйди ҳам иштиёқингиздин.

Дину дилу ақл бўлди яғмо,
Жон олғучи ул қароқингиздин.

Ўқдек бўюмиз эгилди ётек,
Ул фитналик икки тоқингиздин.

Сув бўлди жоним, вале дамодам
Ўтка ёқилур дудоқингиздин.

Олтун киби чеҳра бўлди сориг,
Ул сийм бикин сақоқингиздин.

Қўрсам керак ойў кун булутсиз,
Сочни кеторинг янгоқингиздин.

Бу Лутфий хагани сўрунгим,
Бечора ўлар фироқингиздин.

* * *

Сайд этди дилбарим мени ошuftа сочин,
Солди каманд буйнума икки қулочдин.

Хуснунг чоғинда то не адабсизли этти гул,
Ким юзини қонатти сабо захми кождин.

Қандин тенгалсун ул шакар эрнинг била набот?
Маълум эрур тафовути икки йиғочдин.

Гар шона урса зулфунга машмотаи насим,
Чиқғай ҳазор ҳалқа кўнгул текма сочин.

Тўйғунча қўй юзинг сори Лутфийни боққали,
Неъматни бой киши аямас чунки очдин.

* * *

Бу хусну латофатки бегим, санда дагулму?
Юз мин малаку хур санга банда дагулму?

Маъзур тут ар туштум эшикингдин ироқроқ,
Тан бўлса ироқ, жону кўнгул анда дагулму?

Гул ўгранур ўхшар чаман оройлиғ андин,
Бўстонда варақлар пароканда дагулму?

Жину малаку хур ўчун ичра кўрунмас,
Юзин ойидин барчаси шарманда дагулму?

Кўнглумни санинг зулфунг олиб гизлади, билдим,
Уғри киби эл ичра сарафганда дагулму?

Юзугни кўруб гул хижил ўлғон жиҳатидин,
Гоҳи қизорур, гоҳи иши ханда дагулму?

Ҳар жаврки қилсанг, демагай ҳеч, бу Лутфий,
Маҳбуб неким қилса хуш оянда дагулму?

* * *

Аёқингга тушар ҳар лаҳза гесу,
Масалдурким: «чароғ туби қаронғу».

Тутармен кўзки кўрсам оразингни,
Ки дерлар «оққон ориққа оқор сув».

Юзунгни туттум ортуқ ойу кундин,
«Кишининг кўзидур оре тарозу».

Кўзунг қонимдин иймонмас, ажабдур
Ки «қўрқар қайдаким қон кўрса, ҳинду».

Тилар васлингни Лутфий, қил ижобат
Ки айтурлар: «тилаганни тилоғу».

* * *

Сунбулингни кўргали гулдек руҳи ол устина,
Бошни гўй этмишмен ул чавгон учун хол устина.

Эй қуёш юзлик, саодатдур хумоюн кўзларинг,
Бу гадо султонлиғ истар, сояни сол устина.

Чун хаёлингнинг кечар ери кўзум дарёсидур
Кирпукимдин боғладим ул важҳ ила сол устина.

Гўшаларда қон қилур эрди кўзунг, ондин қошинг,
Чин черикин чекти ул жодуйи қаттол устина.

Ул тани симин ўза ел тегса титрар кўнглаки,-
Титрагай андоққи мудхил ганч ила мол устина.

Эй чибин, ул дамки эрни сори парвоз айладинг.
Бизни еткурсанг не бўлғай, элтибон бол устина.

Билмагай ул бел, оғиздин ҳеч йўқ қайғу била,
Лутфининг умри туганди қил ила қол устина.

* * *

Агар сен бўлмасанг гулдек чаманда,
Киши нетгай ўшал байтул-ҳазанда?

Фалак юлдуз киби хўбларни йиғса,
Юзунг бўлғай қуёш ул анжуманда.

Ақиқ эрнинг қошинда нозук эрмас,
Не яхшилиқ бор ул асли Яманда?

Қилур қон ғамзаси кўзларни боғлаб,
Ҳалол ўлсунки сеҳр айлар бу фанда,

Лабинг қандини сўрай десам, айтур:
Аё кўрдунгми солмиш кўзни қанда?

Сочингдин чун ўғурлар мушк хушбўй,
Қилурлар банд-банд они Хўтанда.

Тишинг инжусини то кўрди Лутфий,
Топилмас тошидек бир дур Аданда.

* * *

Кун тушда кўргали сени тушти заволға,
Ой тонгга қолди кеча боқиб ул жамолға.

Гул ол энгинг хижолатидин йилда бир чиқар,
Юпқа учун юзи чидамас инфиолға.

Сен подшоҳ сифатлиқу мен бир камин гадо.
Имкон эмаски мен киби етгай висолға.

Тушти кўнгул сочиндин улам бели фикрина.
Савдойилар тушар бўлур оре хаёлға.

Хуршед гўшасиндадур ул зулф муттасил.
Бу важҳ бирла ақл они ўхшатти долға.

Кўрқуб ўлармен эл кўзи теккай дею санга,
Эй тўлун ой, чиқма, кирарсен вуболға.

Гўй этди Лутфий бошини чавғони зулфина,
Не билсун улки, тушгали йўқтур бу долға.

* * *

Жон азалда меҳр ила бир маҳлиқоға учради,
Ул кўз олдурғон била мундоғ балоға учради.

Бу кўнгул эрмас, эрур жон хасмию бош ёғиси
Ким жаҳон асбобидин мен мубталоға учради.

Сарнавиштим бўлди ҳарёндин балойи муттасил,
Боштаким кўзум ўшул қоши қароға учради.

Зулфидек ошуфта толийман қамарнинг даврида,
Не қаро бахт эрдиким, бу бенавоға учради.

Маст лояъқил киби борди иликтин бир йўли,
Наргисингдин қайсиким ҳар марҳабоға учради.

Кўзу қошу қоматингнинг фитналик ашколина,
Нотавон кўнглум назар қилғач аноға учради.

Лутфини ким қарғади, ёраб балоға учра, деб
Ким сенингдек тош боғирлик дилрабоға учради.

* * *

Бу кўнгул жон тортадур ул лаблари маржон сори,
Қимки жонлиғ бўлса майл этгай, бале жонон сори

Ҳар тарафдин турраи таррори дин қасдиндадур,
Қофир эркан, не учун кўзи тушар имон сори?

Эй кўнгул жонни хаёли олида қил пешкаш,
Ҳар нима бўлса азиз, элтур киши меҳмон сори.

Аҳли маъни суратингнинг ҳуснина ҳайрон қолур,
Миср элининг кўзи янглиғ Юсуфи Канъон сори.

Кўргали ошуфта зулфунги қамарнинг даврида,
Хотирим қилмиш кашиш қатъан сару сомон сори.

Ҳусн давридур фанимат, эмди қўй юзума юз,
Ой нечаким бўлса комил, юз урур нуқсон сори.

Қошу кўзунг ғоратинда Лутфидин кетти кўнгул,
Оқибат, топтим сўроғин Чини Туркистон сори.

* * *

Дудоғинг маъдани жондур дедим, айтур: санга не,
Қоматинг сарви равондур дедим, айтур: санга не,

Қамар отлиғ юзунг олидадур ой бир ҳабаший,
Дағи юзингда нишондур дедим, айтур: санга не.

Талъатинг, ҳусни жаҳоннию онинг устидаки
Сочинг ошуби жаҳондур дедим, айтур: санга не.

Ёйу ўқ қопқора бўлмас, магар ул, қошу кўзунг,
Не ажаб гиру камондур дедим, айтур; санга не.

Хизрдин сўрмишам эрдингму дурур оби ҳаёт,
Исо анфоси ҳамондур дедим, айтер: санга не.

Хурдабинлар ул оғизники адамдур дедилар,
Онда бир зарра гумондур дедим, айтур: санга не.

Зулфу юзу кўзу қошу менгу ғамзанг барча,
Фитнаи аҳли замондур, дедим, айтур; санга не.

Ой юзунг кун киби зарроти жаҳон мазҳарида,
Барча оламда аёндур дедим, айтур: санга не.

Бўлди кўп фикри дақиқ ичра хаёли Лутфий,
Бу не мўю не миёндур дедим, айтур: санга не.

* * *

Ҳар нечаки жонга тегар ул ёр жафоси,
Бошимга тушубдур нетайин ишқи ҳавоси?

Уқдек мени ул ғамза жафо бирла тузатгач,
Билдимки йироқ солғуси ҳаргиз қоши ёси.

Сўрғаймен агар берса илик лаълини онча,
Ким қолмағай эрниндаги ул хол яроси.

Дардимга дедиким,— қилайин васл ила дармон,
Ҳажр ўлтурадур бизни, недур эмди давоси.

Бир зарра вафо топмади Лутфий севариндин,
Кўзлук кишининг бўлмас эмиш меҳру, вафоси

* * *

Маҳвашим, бир назар этсанг, не нимаанг ўксугуси?
Банда сори гузар этсанг, не нимаанг ўксугуси?

Кимёйи назари лутф ила, эй симбадан,
Хоки юзумни зар этсанг, не нимаанг ўксугуси?

Бодаи лаъли лабингдин менга бир журъа сўнуб,
Бир йўли беҳабар этсанг, не нимаанг ўксугуси.

Ишқ чун бўлди қазо бошима сурсанг не бўлур,
Марҳамат бу қадар этсанг не нимаанг ўксугуси.

Кўзга ҳам чун санга хайр дурур фарзул-айн,
Бу гадоға назар этсанг, не нимаанг ўксугуси?

Жон берар қибла учун берсам эмассен рози,
Қўл била сарбасар этсанг, не нимаанг ўксугуси?

Лутфийи хастағаким, сенсиз ўлар ҳолдадур,
Сўрғали майл агар этсанг, не нимаанг ўксугуси?

* * *

Исбот этар агарчи юзунг офтобни,
Зулфунг абири нафи қилур мушкнобни.

Усрук киши бўлур чу жувонмард, не учун,
Қилмас рнояте кўзунг ушбу ҳаробни.

Эй шаҳсувор, ўтма назардин инон солиб
Ким кўз қони бу йўлда кўтарур рикобни.

Бели хиёли бирла адам бўлдиму ҳануз,
Тутмас раво бу хастага бир ришта тобни.

Эл кўзидин чу юзу танингнинг ҳижобида,
Маҳфидур ул жамол, нетарсен ниқобни?

Кун -падарга кириб юзинг ойи ҳаёсидин,
Йиғлар ўзию ораға тортар саҳобни.

Бир кун жафо туганса нетарсен, керак бўлур,
Кўл сарф қилма Лутфига жавру итобни.

* * *

Эй, жафочи, тут ғанимат кўркнинг давронини.
Ким, киши топмайдудур бу даврнинг поёнини.

Онт ичибсен гўйёким аҳду ҳуснунгда, бегим,
Қилмағайсен бир жароҳатлиқ кўнгул дармониини.

Бу жамолу юзу кўзким сенда бордур онгладим,
Ким тан ичра қўймағойсен ҳеч ошиқ жонини.

Юзунг йимон нуридур, сақла рақибдин пардада
Сақласа яхши, киши иблисдин иймонини.

Ишқ учун ошиқни тенгри ёрлақаб ҳеч сўрмағай
Чун яратмиш кўзу қошу ғамзаи фаттонини.

Раҳм эмастур улки кўз ёш этти ошиқ оҳидин,
Ғамзанинг тигина сув бердики тўккай қонини,

Не кетурдинг дерсалар маҳшарда, Лутфий дунйидин
Кўргузай бағримдаги новақларнинг пайконини.

* * *

Ваҳки жонимни сенинг ширин дудоғинг ўртади.
Хаста кўнглумни дағи норинг янгоқинг ўртади.

Кайси бир узвингга боқсам, солди юз ўтқа мени,
Мухтасар айтай, мени боштин-аёқинг ўртади,

Гар ажал келса, таним ичра тилаб, жон топмағай
Баски жоним жавҳарин симтек сақоқинг ўртади.

Соҳири Бобил кишини юз туман афсун била
Мунча куйдурмаским, ул жоду қароқинг ўртади.

Чун висолинг давлати қадрини Лутфий билмади.
Ложарам жоним, они доғи фироқинг ўртади.

* * *

Хуш келдинг аё жон тилаги, банда муроди,
Ким қилди муборак қадаминг қайғуни шоди.

Тунни кўтарур эрди юзунг нури жаҳондин,
Гар бўлмаса ул қошу кўзу зулф саводи.

Ортурди кўнгул жон била ул ғамза баҳосин,
Ортар ниманинг қиймати чун бўлса мазоди.

Ул юзу кўзунг ҳасратидин жон борур эрди,
Ҳар лаҳза агар қилмади беҳуд мени ёди.

Гар ўзга кишилар тиласа молу манол ул,
Васлинг дурур онжоқ, санамо, Лутфий муроди.

* * *

Нозуклик ичра белича йўқ тури гесуйи,
Ўз ҳаддини билиб белидин ўлтурур қуйи.

Зулфи шикастасинда у кун онглади уза
Ойларда синмади бу кўнгулнинг орзуйи.

Мундоқки яхши ерга тушубтур топиб қабул,
Шак йўқки муқбил ул дудоғинг холи ҳиндуйи.

Қуш оғзи тегса лаъл ўла минқори тўтидек,
Ёқутунг учун ондаки оқса кўзум суйи.

Кўргузмадинг тушумда бирар зулфу оразин,
Эй, бахт ким дедиким санга туну кун уйи.

Жавр этса, меҳр умиди тутармен ҳанузким,
Бир тавр қолмас одамнинг хислату хўйи.

Лутфий бошин эвурди сочи ничка бел ила,
Ул ҳинду ришта бирла магар қилди жодуйи.

Бир париваш ғамзаси ақлимни мажнун айлади,
Кўз юмуб-очгунча ҳолимни дигаргун айлади.

Субҳдам кундек чиқиб кўргузгач ул қутлуқ юзин,
Толиим масъуду бахтимни ҳумоюн айлади.

Кўп югурмактин кийик кўзи қарорди саҳм еб,
Кўр, нечук ғамзанг ўқи они жигархун айлади.

Интизори йўли устида куюб кетти кўзунг,
Бизни ул лайли сифатлик мисли Мажнун айлади.

Сеҳр элидин воқиф эрди ҳиндуйи кашмир, бас
Бу ажабким: турк экач ул кўз юз афсун айлади.

Лаб-балаб васлин тилаб, топмон қанорин нечаким,
Кўзларим ол ёшини ҳасратда Жайхун айлади.

Бир кун ул ҳусн элининг султони тутқай деб қулоқ.
Ишқ Лутфийнинг сўзини дурри макнун айлади.

* * *

То оразинг гули безади ҳусн боғини,
Бағримға қўйди лола киби ишқ доғини.

Қаддингға банда бўлғали бўстон ичинда сарв,
Йиғмас киши қотинда узотқон аёғини.

Шамъи жамолингиз ҳаваси ичра тун кеча,
Ендурди оҳим ўти фалакнинг чароғини.

Мушкин сочингға анбар ўзини тутар шабиҳ
Савдойи хом фосид этибдур димоғини.

Кўнглумни қилди зулфу юзунг беқарору мен.
Гаҳ Руму гоҳ Чинда топормен сўроғини.

Жон қасдиға мунинг кибиким ишва бошладинг,
Ушшоқ қилсалар керак, ўлмак яроғини.

Лутфий мажоли қолмади ҳижрон жафосиға,
Қилча танига юклама кўп Қоф тоғини.

* * *

Мени усрук кўзунг нози анингдек беҳабар қилди,
Ки беҳуд бўлди ҳолимдин, манга ҳар ким назар қилди.

Азалда билдиларким, сен киби фарзанд бўлғуси,
Сенинг юзунгдин одамға малоийк саждалар қилди.

Хаёлингни йибор Лайли, менинг ҳолимни сўрмоққа
Ки Мажнундин сенинг ишқинг менинг ҳолим батар қилди.

Сабо ширин дудоғингға тегибон ўтти ер узра,
Ушал ўткон билан ернинг наботин найшакар қилди.

Рақиб ўлди сабабким, сен жафочи, раҳмсиз бўлдинг,
Ёмоннинг суҳбати яхшиға кўргил, не асар қилди.

Отингнинг зикри дойим хайр ила бўлсун афиюллоҳ,
Санга аҳволи зоримни кеча кўргач хабар қилди.

Сочингни қилди Лутфий васфу тор оғзингни ёд этти,
Мутаввал умрини охир қилиб, сўз мухтасар қилди.

* * *

Ул менинг жони жаҳонимга салом,
Жондин ортуқ меҳробнимга салом,
Бир замон холи эмасмен ёдидин,
Мунису жону равонимга салом.

М

Қитъалар

унга симғасмен фараҳдин, гул киби
Келса ул сарви равон бир-бир манга.
Мунча йил кетган бу бахту давлатим,
Шукри лиллаҳким, келур бир-бир манга.

* * *

Сурати Юсуф, нигоро, сендадур,
Дойим анфоси масиҳо сендадур.
Юзум ўлди заъфарон дард илгидин,
Қил иноятким мудово сендадур.

* * *

Ақлу жоннинг офати, дин ғорати
Ҳарна бор, ул кўзи бирла қошдадур.
Кетмади савдоси ҳаргиз бошдин,
Рост айтурларки «давлат бошдадур».

* * *

Гар сайр учун ул маҳи тобон чиқаду,
Қўл солиб, этак йигиб, хиромон чиқаду.
Чун жилва қилиб, гоҳ-ногаҳон боқса қиё,
Ҳар бир боқишига юз чучук жон чиқаду.

* * *

Шева ул сарви равондин хуш турур,
Ноз ўшул жови жаҳондин хуш турур,
Мен севармен, ул мени севмас, дариг,
Бу севишмак икки ёндин хуш турур.



Э

Туюқлар

Й кўнгул, ёрсиз санго не бор, бор,
Қайдаким ул зулфи анбар бор, бор.
Чек жафову жавру нози борини,
Бир кун ўлғайким, дегайдур: бор-бор.

* * *

Топти булбул ноладин бозорини,
Ким севар гул нолаи бозорини
Писта гар лоф урдиса оғзинг била,
Синдур ул оғзи очуқ бозорини.

* * *

Кўнглума ҳар ёнки боқсам, доғи бор
Ҳар неча дардимни десам, доғи бор
Қилча танга бори ишқинг ер эди,
Бир сори бўлди фироқинг доғи бор.

* * *

Чархи кажрафтор элиндин ёзамен,
Чиқмадим ҳижрон қишиндин ёза мен.
Бир мени ёрлиқ била ёд этмас ул,
Ҳар неча ул шаҳга қуллуқ ёзамен.

* * *

Кечти умру тушмади ул ёр ила,
Қўрқарам кўнглум бу ғамдин ёрила,
Бу вафосизликки, сендин кўрмишам,
Эътиқодим қолмади ҳеч ёр ила.

«ГУЛ ВА НАВРҮЗ» ДОСТОНИДАН

Достон 2400 мисраъдан иборат. Шарқдаги адабий традицияга кўра ҳамд, наът, муножотлардан сўнг, достоннинг Мирзо Искандар буйруғи билан авторнинг қийин бир аҳволда ҳаёт кечираётган пайтда ёзилганлиги қайд қилинади.

Ушул кунларки вақтим эрди нохаш,
Бузулғон бу кўнгулда минг туман ғаш,
Паришонлиқ била ақлим мушавваш,
Тириклик номулойим, умре нохаш.
На бир ҳамдамки, ул ҳамсоз бўлғай,
На бир маҳрамки ул ҳамроз бўлғай.

Мусоҳиб назонинларнинг фироқи,
Муосир ҳамнишинлар иштиёқи,
Аёқ тутқучи банду ҳамдамим оҳ,
Аёқлиқ қон ютар шому саҳаргоҳ.
Кенота ахтари бахт ўлди толиъ,
Саодат шамъи ногаҳ бўлди ломий.
Тулӯъ этди шараф буржинда иқбол.
Кўнгул хушлуғина юзланди аҳвол.
Уюган толим ногаҳ уёнди.
Яна ўчган муродим шамъи ёнди.
Башорат нома берди хотифи ғайб
Ҳунар қилди ҳидоят фотиҳи ғайб.
Магар ахтар муборак урди фолим.
Ки шаҳаншаҳ ўнгина солди ҳолим.

Тараҳҳум қилди ўз эски қулина.
 Назар қилди навосиз булбулина.
 Буюрдиким, бу гул фаслинда дарҳол
 Гулу Наврўзнинг афсонасин сол.
 Айит ул қиссани турки тилина
 Ки тотқон тил тотифидин тилина.
 Ки, гул вақти қафасда бўлса булбул
 Тағи кўпрак қилур гулбонгу гул-гул.
 Бу афсун бирла бўл банд ичра хурсанд,
 Ки оқил пандидур девонаға банд.
 Бу фармондин синуқ кўнглум севунди.
 Бу маънилиқ овунчоқдин овунди.
 Кижурди қаҳқирин маъни буроқи,
 Наво туздум, қадаҳ чевурди соқи.

Бу мисраълардан кейин достоннинг асосий қисми «Гул ва Наврўз»
 китобининг аввали баён қилинади.

Масиҳо янглиғ ул хизри сухансоз,
 Анингдек кўргузур [ул парда]да роз;
 Ки Навшод элида бор эрди бир шоҳ,
 Келурдин воқифу кечгандин огоҳ.
 Оти Фаррух, ўзи фархунда ахтар,
 Анинг ҳукминда ул иқлиму кишвар.
 Қамуқ оламда адлу доди машҳур,
 Черики бениҳоят, мулки маъмур.
 Жаҳондин бир ўғулға орзуманд,
 Мунги йўқ ҳеч нимадин ғайри фарзанд.
 Тилак устинда чун сидқи бор эрди,
 Тилагандек муродин тенгри берди,
 Севар маҳбуби бор эрди ҳарамда,
 Ки доим кўнгли эрди ул санамда.
 Саодат бирла юкланди вужуди,
 Етилгач ҳадди ҳамлининг ҳудуди,
 Ушул чоқта ки олам бўлди хуррам,
 Сабо урди дами Исоий Марям.
 Чаманлар бўлди жаннатдин намудор,
 Очилди гул, сочилди мушки тотор.
 Янги йилнинг бошинда рўзи Навруз,
 Садафдин чиқди бир дурри шаб афруз,
 Севунгандин отоси ганжин очти,
 Неким қозғонганин оламға сочти.

Улуқ тўйлар қилиб, ишратлар этти,
 Яротқон бирла кўп нийятлар этти.
 Улуста мустаҳиқларни қилиб шод,
 Ҳам ул дам бандиларни қилди озод.
 Чу Наврўз бўлди наврўз ичра пируз,
 Отоди ўғлининг отини Наврўз.
 Сут эмганда саодат доя бўлди,
 Тили чиққач ҳунар ҳамсоя бўлди.
 Топиб нашъу намо давлат ичинда,
 Ягона бўлди оз муддат ичинда.
 Қичик ёшдин қамуқ фанларни билди,
 Кўпин ўз ақли бирла фаҳм қилди.
 Не турди бир нафас, не урди бир дам,
 Тамом ўрганди, билди барча ирдам.
 Гаҳе қуш қушламоқ, гаҳ овламоқда,
 Қийик нимломоқ, арслон қувламоқда
 Кеча бўлса танаъум бирла машғул,
 Мусоҳиблар бари мавзуну мақбул.
 Йировлар софу соқилар гуландом,
 Тобуқчилар сабукруҳу дилором.
 Мунингдек хуш кечуруб умрини шод,
 Чиқиб кезар эди ул сарви озод.
 Хуш эрди бир кеча вақти бағоят,
 Кечиб суҳбатда ҳам турлук ҳикоят.
 Гаҳ ўкдилар Хўтан зеболарини,
 Замоне Румнинг раъноларини
 Гаҳе Чин хўбларидин сўзладилар,
 Гаҳ ўзбакдин парилар кўзладилар.
 Этиб ҳар бири бир кишварни таҳсин,
 Қила билмадилар бир ерни таъйин.
 Маликзода бўлуб хушвақту хуррам,
 Лаби хандон, мусалсал зулфи дарҳам.
 Димоғи ҳусн авсофи била тар,
 Йигитлик жўши бирла бода дар сар.
 Муғаний дардмандона ғазалхон,
 Тузуб булбул наво бу қумри алҳон.
 Бу ҳолатда хиромон бўлди соқи,
 Маликзодага етти давр аёқи.

Навруз ўз-ўзига ошиқ бўлгани

Аёқ олиб ичар-ичмасда ул шоҳ,
Чоғирда кўрди ўз ақсини ногоҳ,
Анингдек бўлди ўз кўркина ҳайрон,
Ки чок этти яқосин сарви кайвон.
Ўз-ўзи бирла кўнгли бўлди мойил,
Вале ул дам уётдин бўлди ҳойил,
Ижозат бериб элга узр қулди,
Тўшақ солдилар, уйқу вақти бўлди.
Тилади кўзгуву кўрди юзини,
Ўзидин борди-ю севди ўзини.
Сўрар эрди лабин юз ноз бирла,
Қучар эрди белин минг роз бирла.
Гаҳе элтиб аёғини юзина,
Гаҳе суртуб илигини кўзина.
Мунингдек-да чоғир зўр этти ногоҳ,
Уюди, не кўрар уйқусида шоҳ:
Буте не бут, магар ҳури паризод,
Лаби нозик, бўйи чун сарви озод,
Паришон сочлари гул япроғинда,
Туман минг шевалар ҳар боқмоғинда,
Кўзи, қоши қилиб минг фитна ангез,
Лаби пуршевау зулфи диловез.
Чу тўлғон орази жонларга лойиқ,
Аёқдин бош бўйи хонларга лойиқ.
Элинда бир пиёла бодайи ноб,
Мунингдек келди ул гулбарги сероб.
Шаҳаншаҳга аёқ туттики: «ичкил,
Мени деб ўзгадин бир йўли кечкил!»
Чу Наврўз ул қадаҳни нўш қилди,
Ичи қайнар қозондек жўш қилди,
Аёғин ўпди-ю, дедик: «Эй моҳ,
Не ердин сенки туштинг мунда ногоҳ?»
Тиларсам мен сени қайда тилойин,
Сўроғингни сўруб, кимдин биллойин?
Агар жонсен чечун тандин йироқ сан,
Ва гар худ ҳурсен топқайму ризвон?

Гул ўз белгусини Наврўзга тушинда аймиши

Киё боқти табассум бирла ул хур,
Дедиким: «эй ўзи ўзина мағрур,
Мен ул сарфитнайи охир замонмен,
Ки ҳусн иқлимида соҳибқиронмен.
Кўзум жодусидин Кашмир пуршўр,
Сочимдин Чин ичинда ғорати шўр.
Лабим нуқли шакартек оташ ангез,
Солур юз минг кўнгулда оташи тез.
Қадимнинг сарвидин топмас киши бар,
Мени кўрмас паритек одамилар,
Отим Гулдур, вале фархординмен,
Не ул гулким, дегайсен хординмен.
Чу сўзлади бу сўзни ул гуландом,
Шаҳаншаҳнинг элиндин олди ул жом.

Наврўз уйқусидин уйганиб беҳуш бўлмиши

Кената сесканиб уйғанди Наврўз,
Анингтек урди бир оҳи жигарсўз.
Ким ўртайёзди оламни саросар,
Тилади, кўрмади Гулни баробар.
Яқосин чок этиб, фарёд қилди,
Кўюклук навҳалар бунёд қилди.
Ўзун ерга уруб кўп йиғлади зор,
Йиғидин ўзга худ не чораси бор?
Тўғанди сабру орому қарори,
Йиғи кўп бўлди, ҳаддин ошти зори.
Чу пайдо бўлди минг турлук ғаломат,
Этиб лоҳавл ўзин қилди маломат.

Наврўз тушининг таъбирини элдин тилагани

Яна эл тилидин андеша қилди,
Зарураттин таҳаммул пеша қилди.
Вале эрта-кеча ўлтурса-турса,
Бу ғамдин холи эрмас бир дам урса.
Жаҳонгашта мусофирларни индар,

Сўрар бу тушнинг аҳволин саросар.
 Тилаб истаб нишон топмас кишидин,
 Тақи дармондароқ бўлди ишидин.
 Узин ҳар дам бир иш бирла овутур,
 Тасаллилар бериб кўнглин совутур.
 Чу ногоҳ ишқ ўти бир шуъла урса,
 Яқиндурким кулин кўкка совурса.
 Таҳаммулсиз бўлуб отланди ул дам,
 Чиқиб сайрон била дафъ этар ул ғам
 Гаҳ айтур бенавоёна суруде,
 Гаҳ оқизур сиришки бирла руде.
 Гаҳе лола била бошлар ҳикоят,
 Гаҳе гулни кўруб сўзлар шикоят.
 Гаҳе сарвени ўшгагур қадина,
 Суманни менгзатур гаҳе ҳадина,
 Ки бу дардина бир кун отланиб ул,
 Юрур эрди, йўлуқти бир улук йўл.
 [Келур бир корвон ул йўл била рост],
 Йўлуқушти шаҳаншаҳ бирла бехост.
 Йиғилиб карвонилар саросар,
 Қилиб шаҳзодага турлук дуолар,
 Нисор афшон қилиб дурру жавоҳир,
 Тобуқда қилдилар ихлос зоҳир.
 Юруб Наврўз аларни гарм сўрди,
 Тушуб бир дам алар бирла ўтурди,
 Сўрарда ҳар бирининг зоду будин,
 Кената кўрди бир соҳиб вужудин.
 Юраки кўпти, кўнгли бўлди хуррам,
 Ани индаб деди: «Эй ёри ҳамдам,
 Бағоят кўнглум ичра ошно сен,
 Дегил қайдин келурсен ҳолиё сен».
 Ер ўптию деди: «Эй Хусрави даҳр,
 Ки Фархор отлу бордур бир улук шаҳр.
 Мен ул ердин мену андин келурмен,
 Ул элдин не сўрсангиз билурмен.
 Эрур отим ул элда Булбули маст,
 Билурмен юз туман дoston била даст.
 Забур алҳонилик йирлар билурмен.
 Надимлиқ ичра тадбирлар билурмен.
 Бу сўз ангезман афсона пардоз,
 Навода Зухраву Заҳроға дамсоз.
 Масихотек дамимдин жон топар эл,
 Унумнинг дардидин дармон топар эл.

Чу Фархор отини шоҳ гўш қилди,
 Ўзиндин бордию беҳуш бўлди.
 Тутуб бўйнин қучуб ўпти юзидин,
 Айирмас бўлди бир соат ўзидин.
 Олиб келди ани ўз маснадина,
 Исирғондурди лутфи беҳадина
 Ани чун шаҳ надими хос қилди,
 Иноят бирла хосул-хос қилди.

Наврўз Булбулни ўз ҳузурига олиб келиб, унинг билан суҳбат қилади. Тушида кўрган гўзал Булбул таъриф этган Фархор мамлакатининг подшоси Мушкиннинг қизи Гул эканлигидан хабардор бўлиб, унга ошиқ бўлиб қолганлигини Булбулга айтади ва уни Гул олдига юборади.

Гул ҳам Булбулдан Наврўзнинг таъриф ва тавсифини эшитиб, ошиқ бўлиб қолади. Энагаси Савсан унинг севгисига қарши чиқади.

Лекин Гулнинг муҳаббати қатъий эканлигини сезган Савсан ноилж бўлиб қолади.

Гул Савсанга ўзининг жиддий севиб қолганлигини изҳор этади:

Не ўт тушти ичимга билмон охир,
 Халосимни тасаввур қилмон охир.
 Куяр жоним, юраким ўртанур зор,
 Не сабр этсам бўлур, не тоқатим бор,
 Не кўрдум, билмадим Булбул унинда.
 Ки туштум бу улук меҳнат кунинда.
 Қўпуб Савсан, чиқиб Булбулни кўрди,
 Шикоят бирла аҳволини сўрди:
 Ки эй пургўйи бемағзи паришон,
 Яна қайдин кетурдунг ушбу дoston?
 Бу не овозау Наврўз кимдур?
 Бу хуршеди жаҳонафруз кимдур?
 Бу оҳу ноладин недур муродинг?
 Ёшурмогин не кимдур эътиқодинг?

Булбул ҳам Савсанга Наврўзни таъриф қилади. Савсан Булбул сўзларини эшитиб Наврўзга ҳаваси келади ва Булбул таърифини Гулга етказади. Бироқ Гулнинг Наврўз ишқида яна безовталанганини сезгач, уни маломат қилади:

Маломат бошлади Гулга [ки]:— Эй моҳ,
Отоқлиқинг турур хоқон киби шоҳ,
Гар андин фикр қилмассен сен охир,
Отанг бирла онангдин ийман охир.
Агар андеша қилмассен ўзунгдан,
Езуқсиз бизни ўлтуртурму сен сан.
Маломат бирла ортар ишқи туршўр,
Неча тийган саю онча қилур зўр.
Севук севган ўлумдин фикр қилмас,
Этин қайчи била тўғраса билмас.

Гул Савсаннинг маломатига қатъий эътироз билдиради:

Чу Гул мундоқ қатиқ сўзлар эшитти,
Тавозуь бирла Савсанга айтти:
Мени дардим била қўй, йиғлайин зор,
Жароҳат бирла қилмас марҳам озор.
Чу марҳам бермасанг неш урмоғинг не?
Намак бар синаи реш урмоғинг не?
Менинг учун не эмгондинг, не кўрдунг?
Не битмай қолгон ишимни битурдунг?
Мени қўйгил туганмас ушбу ғамға,
Бориб айғил отам бирла онамға,
Сенга неча ёлиниб ёлборайин,
Неким келса айиғимни кўрайин,
Чу Савсан кўрди Гул вақти паришон
Айигон пандидин бўлди пушаймон.

Савсан ўз ҳаракатидан пушаймон қилади ва хафа бўлган Гул билан яраштириб қўйишни Булбулдан сўрайди. Булбул яраштириб қўяди.

Гул кундан-кунга Наврўз ишқи билан ёнмоқда ва Булбулнинг Наврўз ҳақидаги лаззатли қиссаларини эшитиб кун ўтказмоқда эди.

Наврўз ҳам Булбулни Фархор шаҳрига юборгандан берли Гулни соғиниб оғир ташвиш тортмоқда, тунларини кундуз, кунларини қоронғи кеча қилиб, Гул хаёли билан азобланмоқда эди. Ниҳоят чидаёлмай Гулни кўриш учун Фархор шаҳрига жўнамоқчи бўлди.

Отаси шоҳ Фарруҳ Наврўзнинг сафарга отланганини сезиб, сарой аҳллари билан кенгашади ва бир қанча хизматкорлар ва молу дунё билан Баҳман деган бекни Наврўзга ҳамроҳ қилиб сафарга розилик беради.

Иўлда Баҳмон Наврўзни сафардан қайтармоқчи бўлади:

Тафаккур қилди бир кун Баҳмани пир,
Ки фикр этмак керак бир ўзга тадбир.
Магар бўлғайму бу ўғлон пушаймон
Қўюб ёнғай бу савдойи паришон.
Келиб Наврўз била ёндошти густоҳ.
Кўзин юмди-ю, оғзин очти густоҳ.
Ки бир мундоқ сўруб қайда борурмиз?
Улусни куч билан ўтқа солурмиз!
Ғариблиқта бу эл кун нетгусидур,
Нетак Фархор элина етгусидур.
Ёнинг бу маънисиз телба юрушни,
Келинг лоҳавл этинг бу йўлсиз ишни.
Эрур Навшод мулки ҳусн кони,
Эрам янглиқ малоҳат бўстони.
Парилар юрти, бутлар кишваридур,
Латофат шаҳри, нозиклар еридур.

Баҳман ҳаракати билан Наврўзни қаттиқ хафа қилиб қўйганини сезгач, атрофига бир қанча жоҳилларни тўплаб, Наврўз айшу ишратга берилиб, ухлаб қолган пайтда, кечаси бутун молу дунёни олиб қайтиб кетади. Лекин Наврўз содиқ йўлдошлари ёрдами билан Фархор мамлакатига етади, Булбул билан учрашади ва Булбул Наврўз тилидан ғазал бошлайди:

Ким, эй Гул, гулшан ичра тоза бўлгин,
Жаҳон ичра баланд овоза бўлгин.
Сени севган ҳамиша шод бўлсун,
Сенингдек қайғудин озад бўлсун,
Сени истаган ул мискини ғамхор,
Висолингдин есун бар охири кор.
Нигорина мен ул бечорадурман,
Ки ҳажринг жавридин оворадурман.
Ёнар ўт ичра ўртаб хонлиғимни,
Қулунг бўлдум қўюб султонлиғимни.
Агарчи шоҳ эдим, эмди гадоман.
Ғариблиқ дарди бирла мубталоман,
Ғарибу бекасу мискинман, эй жон.
Ғарибу ошиқу ғамгинман, эй жон.
Сенинг умидингга кечтим жаҳондин.
Кечиб овора бўлдум хону мондин,

Ғариблар ноластиндин бўлгин огоҳ,
Ки хирмансўз эрур оҳи саҳаргоҳ,
Аё эй кун менгизлик муштари ҳол,
Кўз учи бирла боққинким недур ҳол?
Ким айгай шарҳи ҳолимни қотингда,
Чу боди субҳ етмас ҳазратингда.
Юзум кўрсанг магар билгайсан, эй ёр,
Ки ҳажрингда нечукдурман гирифтор.
Сен андоқ маснад устинда қадаҳнўш,
Мен уш мундоқ асиру зору мадҳуш.
Сен андоқ нозу ишрат бирла ангез,
Мен уш мундоқ сиришким бирла хунрез,
Сен андоқ тахту бахти подшоҳи,
Мену фарёду оҳи субҳ гоҳи.
Эрур ҳажринг ўтинда тоқатим тоқ.
Бўлубтурман букун расвойи офоқ.
Юзунг кўрмай гамингдин чиқти жоним,
Фалакдин ошди фарёду фигоним.
Тараҳҳум вақтидур, эй ёр, эй, ёр,
Ғарибқа раҳм қил зинҳор, зинҳор.

*Булбул сурудидин Гул Наврўз
келганини сезиб, Савсан манъ
этгани*

Чу Гул бу шарҳ Булбулдин эшитти,
Таҳаммулсиз бўлуб фарёд этти.
Ки бу ҳар кундаги ашъор эмастур.
Анинг таври била гуфтор эмастур.
Бу сўзда ошнолиқнинг иди бор,
Анга иршод қилган муршиди бор.
Айитти Савсан: «Эй Гул, қўй бу сўзни,
Бу муҳмал сўзга машғул этма ўзни.
Ҳам ул Булбул, ҳам ул кундаги ирдур,
Букунгиси тунокунгиси бирдур.
Инонмасанг буюрким Зухра дарҳол
Савол этсун ангаким недур аҳвол?
Ишорат бирла Зухра бошлади чанг,
Тузуб Булбул навоси бирла оҳанг.

Зухра Гул тилиндин суруд айткани
Ким эй кўп шевалик мурғи сухансоз.
Мукаррар неча қилгайсан сен овоз.

Муҳолиф сўз била эй қавли норост,
Мени солдинг бу савдо ичра бехост,
Қилур Наврўз ўз авжинда парвоз,
Анинг ёдинда сен мундоқ навосоз.
Етар бу ишваларни оз қилгин,
Ҳам ул бултурғи нақшинг соз қилгин.
Гули парда нишинни зор этма,
Бузургу кўчак ичра хор этма!
Агарчи раҳм гирдингда ёвумас,
Мени мундоқ кўруб кўнглунг совумас.
Еш эрмасманки сўз бирла овугсанг,
Мени ҳар дам бир ишга, сўзга тутсанг,
Чўлуган сунни кўрмойин инонмас,
Неча сув десалар сусоғи қонмас.
Гули бехор эдим Фархор ичинда,
Жаҳонда хор бўлдум хор ичинда.
Мамоликларга розим бўлди машҳур,
Ҳаётимнинг чироғи қолди бенур.
Агарчи мухталиф аҳвол эрурсан,
Биҳамдиллаҳ муборак фол эрурсан.
Тушунгда кирдиму ул бахти бедор,
Ки туш кўргантак айдинг сўзни такрор.
Исинурму киши ўтқа йироқтин?
Мени севган нетар Навшод тахтин?
Неча ёлғон эса тинмай айитқин,
Бу хуш алҳонни тортинмай айитқин.

*Наврўз Гул сўзларини Зухрадин онглаб,
беҳуш бўлгани*

Бу афсона эшитти эрса Наврўз,
Елинтек урди бир оҳи жигарсўз.
Деди: «Ераб, бу не заҳмат тунидур,
Не тун дерман, бу тун заҳмат кунидур.
Инонмон толимдин бу назарни,
Қи бермади мунажжим бу хабарни.
Яна Булбулға бир дархост қилди,
Ким ул сўзнинг жавобин рост қилди.

*Булбул Наврўз тилиндин жавоб
айтқани*

Ало, эй ҳусн ичинда моҳи Фархор,
Латофат ўрдасинда шоҳи Фархор,

Эшикинг тўзи жонлар тўтиёси,
 Бўсоғанг гарди хонлар хунбахоси.
 Гаминг чун қилди кўнглум ичра бунёд,
 Ҳам ул дам ўтқа ёқтим тахти Навшод.
 Сенинг ишқинг боринда бахт кимдур?
 Бўсоғанг соясинда тахт кимдур?
 Аёнинг тупроқи... тожим не? — Етмас!
 Ураминг гашти... меърожим не? — Етмас!
 Гаминг шарҳи била маҳбуб эрур жон,
 Ва гар бўлмаса номатлуб эрур жон.
 Хаёлингни кўруб бу бўлди ҳолим,
 Висолинга қачон бўлсун мажолим?
 Умидим йўқ эди кўрсам юзунгни,
 Сўраб топмас эдим элдин сўзунгни.
 Висол учун эмас эрди бу келмак,
 Ҳавас қилдим талаб устинда ўлмак.
 Инона билмоним бахтимдин, эй моҳ,
 Мени мундоқ нечук еткурди ногоҳ,
 Дея билманқи не давлатга еттим,
 Тушуммудур, ки бу ишратқа еттим.
 Не тил бирла мунинг шукрин қилойин,
 Уғондин мундин ўзга не тилойин,
 Агар бир дам санга наззора қилсам,
 Укунчум қолмағай ўлсам, тирилсам.
 Тилаким дунёдин бу ўқтур охир,
 Муродим мундин ўзга йўқтур, охир.

Гул Наврўз келганини сезиб, учрашиш учун Савсандан ижозат сўрайди. Савсан Наврўзни фақат томга чиқиб томоша қилишга руҳсат беради:

Бу сўз бирла Гули худрўйи худрой,
 Буюрди солдилар том устида жой.
 Неча маҳрамлари бирла хиромон,
 Юқори чиқди ул хуршеди тобон.
 Кўрарким Булбули шўридайи маст,
 Суруд айтиб, бўлуб тупроқ била паст.
 Йироқ жойдин туруб Наврўзи навшод,
 Қилур ҳар нақшнинг таҳририн иршод.
 Бу ҳол ичра кўзиким Гулга тушти,
 Юраки сустайиб, қони қурушти.
 Тушундаги ўнгинда кўргач ул шоҳ,

Анингдек нола бирла урди бир оҳ.
 Ки олам ўртанаёзди даминдин,
 Фалак мотам тўнин кийди гаминдин.
 Ҳам ул ерда йиқилди зору маҳшус,
 Яна андин батар моҳи қасаб пўш.
 Бўйи тупроқ ичинда булғашиб зор,
 На оғзинда, не кўксинда дами бор.
 Кўруб қизлар бу ишдин бўлдилар мот,
 Гулобу роиҳа келтурдилар бот.
 Бири навҳа қилиб бошқа сочиб хок,
 Бири фарёд этиб кўксин қилиб чок.
 Бири қонлар ютуб, йиртиб юзини,
 Бири ерга уруб ҳардам ўзини,
 Совуқ сулар сеип Гулнинг юзина.
 Ки ногаҳ сесканиб келди ўзина.
 Юзиндин гарду тупроғин кеториб,
 Равон уйга кетурдилар кўториб.

*Булбул Наврўзни кўтариб эвга
 элтгани*

Вале Наврўз анингдек эрди бадҳол,
 Кўз очмади тонг отқунча қолиб лол.
 Бошининг устида бечора Булбул,
 Қилиб нолиш била фарёду гул-гул.
 Гулобу сув сочиб ҳардам бошиндин,
 Ки йиғлаб чеврулур эрди ёшиндин.
 Даме чун шамъи равшантек бўлуб зор,
 Гаҳе парвонатек ўртаб ўзин хор.
 Тонг отқунча мунигдек бош тутти,
 Басе гам еди-ю хуноба ютти.
 Кўз очти субҳидам келди ўзина,
 Юқортин Гул кўрунмади кўзина.
 Яна бир оҳ этиб маҳшус бўлди,
 Дами сўнди, нафас ҳам бўш бўлди.
 Бу гез Булбул белини боғлади руст,
 Кўтурди бўйнина Наврўзни чуст.
 Чу туш вақтинда куннинг партавина,
 Олиб етти шаҳаншаҳни эвина.
 Нўкар, савдар ани андоқ кўруб зор,
 Қиёматнинг тонгин қилдилар изҳор.

Яна очди кўзин Наврўзи бекас,
Ошурди ноласин аз чархи атлас.
Кўпуб ўлтурди чун Булбулни кўрди,
Кечаги кечган иш шарҳини сўрди.
Ҳикоят қилур эди Булбули зор,
Қонин йиғлар эди Наврўзи афгор.
Гули бечора ҳам савдо ичинда.
Маломатдин қолиб ғавго ичинда...

*Савсан Гул қотинда зори қилиб Гулни
овута сўзлагани*

Келиб Савсан юзин йиртиб паришон,
Юраки пора-пора, бағри бирён,
Аёгин ўптию кўп қилди зори,
Сочиб қон ёши чун абри баҳори:
— Ким, эй Гул, неча ёндурдинг мени сен,
Қаро қон бирла қондурдинг мени сен.
Ўзунгни куч била ўлтурмагинг не?
Бошимизга бало келтурмагинг не?
Тилар бўлсанг кўнгул мақсудини Гул,
Таҳаммул қил, таҳаммул қил, таҳаммул.
Вужудум кишваринда жон сенингдур,
Не ҳидматким, десанг фармон сенингдур.
Куюкигни кўруб бир йўли куйдум,
Ҳаётимни сенинг йўлингга қўйдум.
Сенинг учун неким кўрсам кўрайин.
Агар десанг ўзумни ўлтурайин.
Кўрабилмон сенинг дардингни, эй моҳ,
Чин айтурман муни валлоҳу биллоҳ.

*Гул хушвақт бўлиб Савсанни Наврўзга
юборгани*

Эшитиб Гул бу сўзларни нуҳуфта,
Ҳам улдам гунчаси бўлди шукуфта.
Чиройин очтию қилди табассум,
Кулумсаб бошлади бир-бир такаллум.
Ўзрлар қилди Савсандин фаровон,
«Ким, эй доя, манинг дардимга дармон.

Жароҳатлиқ кўнгулнинг марҳамисен,
Бу ҳасрат ичра жоним ҳамдамисен.
Бориб кўргил ғариби бенавони,
Такаллуф бирла мендин сўргил они.
Айитқил: «Эй вафолиқ меҳрибоним,
Юрагим қутию жону жаҳоним,
Менинг учун мунингдек зор бўлгон,
Ғарибу бекасу ғамхор бўлгон.
Кўруб минг неши хун олуд ҳар дам,
Кишидан кўрмаган бир лаҳза марҳам.
Нечук сен бу узун йўл эмгакиндин,
Бу эмсиз ишқи беҳосил элиндин,
Бу меҳнат[ла ғариб] жонинг нечукдур?
Эв, элдин бошқа аҳволинг нечукдур?
Ало, эй нозанини, ноз парвард,
Бу кундин сўнгра ёраб кўрмагин дард.
Агарчи ранжу меҳнатдин юдодинг,
Яратқон оқибат бергай муродинг,
Не меҳнат бор анингким роҳати йўқ,
Не нақбатким сўнгинда давлати йўқ?
Алар ким қилдилар мақсуд ҳосил,
Бериб жон бўлдилар жононга восил.
Не фикринг бор чу билдинг мен сенингман.
Не ғам ерман чу билдим сен менингсан.
Қабул этсанг тобуқчиман камина,
Тараҳҳум қил тобуқчилар гамина.
Мунингдек кўп умидлик ваъда берди,
Бу сўзлар бирла Савсанни юборди.

Наврўз Гул саломини келтирган Савсанни яхши кутиб олади,
катта зиёфатлар бериб, меҳмон қилади ва ўзининг олижаноб хис-
латлари билан уни беҳад мафтун этади.

Савсан Фархорға қайтиб келгач, Наврўзнинг ўзига жуда ёқиб
қолганлигини мароқ билан Гулга сўзлаб беради, уларнинг бирга
бўлишига розилик билдиради. Бироқ Гулга Хитой хоқони томони-
дан совчилар келиб қолади.

Замона қасд бирла боғлади бел,
Тараб шамъин ўчурди фитналик ел.
Магар Хоқон этиб Гулнинг хаёлин,
Тилади саъй этиб топса висолин.

Неча йилдин беру йиққан хазина,
 Неким фағфурдин қолган дафина,
 Йипор бирла йипак анбор-анбор,
 Неким турлук гуҳар харвор-харвор.
 Мурассаъ қилган атлас улуғ эвлар,
 Пари янглиқ, силиқ буйлуқ бедавлар,
 Нё ёлғуз Чину Мочин тангсуқидин,
 Ки барча дунёнинг тангсуқлуғидин,
 Йиғиб, юклаб туруб юборди борин,
 Эйиб бир неча соҳиб ихтиёрин.
 Эшитгач бу хабарни шоҳ Мушкин,
 Қилиб ўтру юборур элни таъйин,
 Улуқ тўйлар яроғин қилди дарҳол,
 Ясатиб сеп-сария тўктурди кўп мол.

Шоҳ Мушкин совчиликка келган хоқон элчиларини ҳурмат билан қабул қилиб олади, хоқон илтимосига розилик билдиради, ҳарамга кириб воқиядан Савсанни хабардор қилади, Савсан бу хабарни эшитгач, қаттиқ хафа бўлади:

Бўлуб Савсан бу сўздин лолу хомуш,
 Келиб Гул ҳазратинда зору мадҳуш,
 Дами чиқмай маломатдин паришон.
 Ая билмай ҳаётиндин пушаймон,
 Кўзи тушмаски боқса Гул юзина,
 Дариндурким ничоқ урса ўзина.
 Чу ул ҳолат била кўрди ани Гул,
 Ериндин қўпти бесабру таҳаммул.
 Анингдек чирқираб сесканди ногоҳ,
 Ким ул теградаги эл бўлди огоҳ.
 Тутуб ул дам тиши тирноғи бирла,
 Титаёзди тўни ўброғи бирла.
 Айитти Савсан: «Эй жону жаҳоним,
 Сенинг учун фидо бўлсун бу жоним.
 Тилим кескин, чиқаргин кўзларимни,
 Эшитмагин паришон сўзларимни.
 Не этайин, не дейин, не сўрарсан,
 Бу сер ёлғуз юзумни не кўрарсан.
 Не оғзимға сиғар бу сўз, не тилга,
 Ки беҳад ўт тушубтур жону дилга.
 Сени хоқонки, тахти тўнгтарилсун!
 Тилайдурким, тириклиги турилсун.

*Гул хоқон элчиларининг сўзин
 эшитиб паришон бўлғони*

Эшитгач Гул яқосин чок қилди,
 Эшитғон оғзини пурхок қилди.
 Бошин ерга уруб онча чолинди,
 Ки буйниндин суваклари кўрунди.
 Замоне сустайиб масруълартек,
 Даме йиғлар гадойи дарбадартек.
 Юзи гул баргидек сўлди гам ичра,
 Йил оғриганча бўлди бир дам ичра.

Бу воқиядан Булбул ҳам қаттиқ ташвишга тушиб қолган ва ҳасратлашиш учун Савсан ҳузурига келган эди. Гул энагаси олди-га келган Булбулни кўриб, чуқур қайғу ва паришонлик ичида ундан-Наврўз аҳволини сўрайди.

Анга сўрди: «нечукдур ул ғарибим?
 Муҳибдин ёд этарму ул ҳабибим?
 Сезибмудур бу дармонсиз балони?
 Соғинурму бу мискин мубталони?
 Фалакнинг жавридин ҳоли нечукдур?
 Бу мотам ичра аҳволи нечукдур?
 Рафиқи бормудур меҳнатдин ўзга?
 Кўрарму ҳеч нима заҳматдин ўзга?
 Кўп, эй Булбул, ҳикоят вақти эрмас.
 Маҳал йўқтур, шикоят вақти эрмас.
 Замон нозик турур, фурсат ғанимат,
 Бу бир соат эрур муҳлат ғанимат...»

*Наврўз хоқони Чин элчиларининг келганини
 эшитиб, нолиш қилғони*

Бу етмасдин бурун Наврўзи мискин,
 Эрикиб ҳужрасиндин чиқти ғамгин.
 Кўрарким сўзлашур бир неча бадбахт:
 Ки Гул боғлади Фархор элидин рахт.
 Фаровон рахт этибтур хусрави Чин,
 Юборсун қизни деб [ул] шоҳ Мушкин.
 Бу ҳолатни эшитти эрса Наврўз,
 Чиқарди жонидин оҳи жигарсўз.
 Ёниб уйга, тўн ўброғин қилиб чок,
 Ўзин ерга уруб, бошқа сочиб хок.

Қилиб кўксин анингдек пора-пора,
 Ки ўхшатиб эди барги чинора.
 Замоне қилди ўз дардин ҳикоят,
 Даме ўз бахтидин қилди шикоят.
 Гаҳе қилди фалак жаврини тақрир,
 Гаҳе этти баҳона дасти тақдир.
 Бу дард устунда дармондин тўнгулди,
 Жаҳондин тўйдю жондин тўнгулди.
 Улумни ҳуш қилиб ҳижрон элиндин,
 Сўвурди ханжари буррон белиндин
 Дарин эрдик бағрин чок қилса,
 Юрагини чиқариб пок қилса.

Булбул Наврўзни бу умилсизликдан қайтарди ва қўлидан ханжарни тортиб олиб, тезлик билан Гул ёнига бориш кераклигини айтади. Наврўз Савсан уйида Гул билан учрашади:

Кириб Савсан қошинда шоҳи Навшод,
 Ер ўпти бандатек ул сарви озод.
 Кената пардадин юз кўргузуб Гул,
 Эсурди кўргач ул Наврўзни бемул.
 Ул андин нолалар бирла хиромон,
 Бу ҳам мундин фироқ ўтинда бирён.
 Ёвуқлашиб қучишти икки дилдор,
 Топишиб бир замон васл ичра дидор.
 Фалак ёриб нечукдин бўлди ғофил,
 Ки тушти икки ёр андоқ муқобил.
 Бўлуб бир лаҳза ҳамзоную ҳамдўш,
 Рафиқи ҳамнишин, ҳамдам, ҳамоғуш.
 Арода ғамзалар ғаммозлиқда,
 Карашма, шева даст андозликда.
 Даме Наврўз эли Гулга ҳамойил,
 Замоне Гул тоғи Наврўзга мойил.
 Мусоҳиб икки дилдори мувофиқ,
 Не агёр анда ҳозир, не мунофиқ.
 Мунунгдек бир замон ҳамрозлиқда,
 Кечурдилар даме дамсозлиқда
 Қўтармай кўз бири-бирнинг юзиндин,
 Қурумас ёш иккисининг кўзиндин.
 Арода Булбулу Савсан жигархун,
 Оқизи кўзлариндин руди Жайхун.

Савсан Наврўздан қандай чора кўрмоқчи эканлигини билмоқчи бўлди. Наврўз умрбод Гулга содиқ эканлигини изҳор этади:

Саботек бу чаман фаррошидурман.
 Не ерга борса Гул йўлдошидурман.
 Қилиб якрўя дунёдин ишимни,
 Қўюбдурман аёғина бошимни.
 Мени манъ этмангиз, кирманг қонимга,
 Гар ўлеам йўлида миннат жонимга.
 Унутсангиз мени бўлмасму охир?
 Фарибқа раҳмингиз келмасму охир?
 Тиласун гар, тиламасун мени Гул,
 Қулидур [ман] бўлгунча тупроғим кул.
 Мен ул менким аёғининг изиман,
 Агар ўлсам бўсағаси тўзиман...
 Илик мендин ювунг, эй меҳрибонлар,
 Жонимдин не тиларсиз, эй фалонлар!

Гул Наврўзнинг чин эътиқодини онглаб, ҳикоят қилғони

Эшитиб Гул бу сўзни шод бўлди,
 Бакулли қайғудин озод бўлди.
 Тутуб Наврўз юзин, ўптиким: «[Эй] шоҳ,
 Манинг сирримдин эмди бўлгин огоҳ.
 Агар сен қилмас эрсанг мендин ўзга,
 Менинг бори кимим бор сендин ўзга.
 Юз эвурсанг тоғи мен юз чевурман.
 Ғамингдин бошқа биллақким дам урмон.
 Гар эр бўлсанг мени бу ғамда қўйма,
 Қадам тортиб, мени мотамда қўйма.
 Чу сайд этгинг кийикни билгил, эй дўст,
 Бўғулуб ўлмасун, бисмил қил, эй дўст.
 Агар ўртасалар дунёни яксар,
 Менинг ёнимда бўлсанг сен не ғам бор?!
 Сенинг бирла тамуғ хулди бариндур,
 Биҳиштим сенсизин таҳтус-саридур
 Ушул тенгри ҳақиқим жон яратти,
 Ҳам ул васлу ҳам ул ҳижрон яратти.
 Ризо бердим неким бўлса яроғинг.
 Бошимдур андаким бўлса аёғинг.
 Бериб ўз ихтиёримни қўлунига,
 Бошимни мен қўюбдурман йўлунига.

Бу сўз устинда кўп онт ичти ул моҳ,
Кўнгул тиндурдию кўпти шаҳаншоҳ.
Толиб бир-бирининг кўнглин мувофиқ,
Тасалли топдилар ул икки ошиқ.

Шоҳ Мушкин ижозат бергач, хоқон элчилари Гул кўчини олиб Хитой томон йўл оладилар. Чегарага етганда, Наврўз етиб келади ва қор билан ёмғир аралаш бўронли бир кечада Гулни олиб қочади. Узоқ йўл босиб чарчагач, Наврўз билан Гул дам олишмоқчи бўладилар, қаттиқ ҳориганлари туфайли уйқуга кетиб қолишади ва Хитой чегарасига қўйилган хоқон хизматгори — қароқчи Ялдо қўлига тушадилар:

Бор эрди анда бир зангийи хунхор,
Зухалдин наҳсроқ, Миррихи кирдор.
Урининда ичиб қон қонмағучи,
Енар ўтдин юз уруб ёнмағучи
Оти Ялдо, юзи ялдо тунитек,
Кўзи дўзах, бўйи маҳшар кунитек.
Ани қўймиш бу сарҳадларда хоқон:
Ки сўрмасман агар қилсанг туман қон!»
Ўзитек бир неча занги била ул,
Қоровуллаб юруб соқлар эди йўл.
Кўруб ногоҳ Гулу Наврўз изини,
Ясаниб издади ёзи юзини.
Кўз очти эрса ул икки дилором,
Кўруб ўзларини бе дона дар дом,
Ётиб ётқонларини кўргач ул дам,
Ётур ерда тутуб боғлади маҳкам.
Юқори боқсалар Ялдойи хунхор,
Туруб бу ҳамчу тайри одамихор.
Салом этти равон Наврўзи навшод,
Тавозуь бирла қилди офарин ёд.
Тутуб Ялдо ўзин хоқони Чинтек,
Не хоқонким шаҳи рўйи заминтек.
Булар ўтру юкуниб хаставу зор,
Ёзуқлуқлар киби икки гирифтор.
Салобат бирла ул бераҳм кофир,
Аларнинг шарҳи ҳолин сўрди бир-бир.

Ялдо ҳар иккаласини хитой хоқонига топширади, хоқон уларни бутхонага юборади. Хоқон тасодифан вафот қилиб қолади. Наврўз билан Гул бу воқиядан фойдаланиб яна қочадилар, йўлда девлар манзилига дуч келадилар, у ердан ҳам қочиб шайх Нажди лангарига борадилар. Лекин бадкирдор шайхнинг ёмғи қилиқларини сезгач, у ердан ҳам кетишга мажбур бўладилар

Яна шаҳзодалар тўқтамай онда,
Қочиб кетдилар андин бир замонда.
Насихатгўй зоҳидлар ерина,
Ягона шайхи Нажди лангарина.
Эшикдин ўтру чиқди бир азозил.
Муҳаққақ лойиқи тайран абобил.
Иликларин тутуб эвга киюрди,
Ҳориб меҳмон учун суфра кетурди.
Не суфра, арпа утмоки била сув.
Дегайсанким эрур огриққа дору.
Аранг қўйди эса тотмоға фурсат,
Тотар-тотмасда йиғди суфрани бат.
Сўруб англаб алар ҳолини бир-бир,
Бурун зоҳид қотинда қилди тақрир.
Ғариблар чун едилар моҳазарни,
Чу шайх англаб эди барча хабарни.
Қиёс устинда бошлади каромат,
Қиёсини йўқ этти зуҳду тоат
Ўзатиб қалб сўзларини бир қур,
Ешиб Гулдин қабо Наврўздин қур.
Чу кўрди хилватинда шамъу шоҳид,
Тамаъ бозорини тез этти зоҳид.
Гулу Наврўз алар феълени англаб,
Фусуну сеҳру тазвирини тонглаб,
Дедилар: қочти бир лоҳавлдин дев,
Бани одам билан лоҳавлдин дев,
Юрутти дев уза ҳукмин Сулаймон.
Мунигдекларни қилмади мусулмон.
Бу йўл озғурғучи кўргузса талбис,
Ажаб йўқтурки йўлдин озса иблис.
Қилиб парҳез аларнинг суҳбатиндин
Парилар кетдилар шайтон қатиндин.

Шайх Нажди лангаридан чиққач, Наврўз билан Гул кемага тушадилар. Денгизда қаттиқ бўрон туради, кема тошга урилиб парча-парча бўлиб кетади. Даҳшатли тўлқин тахта устида сузиб юрган Наврўз билан Гулни икки томонга ажратиб юборади. Наврўз Яман подшолигига, Гул эса Адан мамлакатининг қирғоғига бориб тушади.

Наврўзни Яман подшоси ўзига лашкарбоши қилиб олади.

Гул денгиз бўйида ғаввослар билан юрган Адан подшосининг сарой аҳлларида бири бўлмиш Жавҳарга дуч келади ва унга ўзини бир шаҳзода сифатида танитади.

Жавҳар ишлари битгач, Гул билан бирга Адагга қараб йўлади. Улар йўлда арслонлар гуруҳига дуч келадилар. Жавҳар одамлари қўрқиб, қаттиқ ташвишга тушиб қоладилар. Гул уларни мардлик ва баҳодирлик кўрсатишга даъват қилади ва бир ўзи арслонлар ҳужумини қайтаради.

Гулнинг олижаноб хислатлари ва қаҳрамонликларига қойил қолган Адан шоҳи уни ўзига ўғил қилиб олади ва лашкарбоши қилиб тайинлайди.

Адан шоҳи ва Яман подшоси ўртасида анча вақтлардан берли низоъ пайдо бўлган ва Адан шоҳи Яман подшосига қарши уруш очиш учун яхши бир лашкарбошига муҳтож эди.

Гулнинг пайдо бўлиши унинг кўп йиллардан берли ўйлаб юрган мақсадини амалга оширишга сабабчи бўлди:

Адан хони Яман султони бирла,
Бағоят душман эрди жони бирла.
Чу келди Гул Адан мулкина ногоҳ,
Анинг келганидин кучланди ул шоҳ.
Яман сарҳадина чопқун юборди,
Умоқсиб элга кўп ташвиш берди.
Черикламак бўлуб жиба кўруб ул.
Юруди туттуруб ҳар соридин йўл.
Яман султони танг қолди бу ишдин,
Бағоят қўрқти ул ангез юрушдин.
Бўшурғониб туман минг сўз бирла,
Кенгашти ўлтуруб Наврўз бирла.
Яроғ ул кўрди Наврўзи жаҳонгир,
Ки хон қилгай черик йиғмоға тадбир,
Ҳам ул соат эв ўғли бирла Наврўз
Кевурға урди чиқти шоҳи пируз.
Ўзини яхши чирчамлаб юруб тез,
Каминлар боғлади бар азми хунрез.

Яман подшосининг Баҳром номли бир машҳур сардори бор эди. Лашкарбошилик унинг кўлидан кетгач, у Наврўзга қаттиқ ҳасад қила бошлади. Наврўз мардлик қилиб қўшин ихтиёрини унга қайтариб берди.

Бироқ Баҳром Гул бошқариб келаётган сон-саноксиз қўшинни кўргач, ўзини йўқотиб қўяди. Буни сезган Наврўз қўшин ихтиёрини яна ўзига қайтариб олади ва майдонга киради:

Бу гез Наврўз ғайратдин уруб жўш,
Ачиғлангон била бўлди зирехпуш,

Черик олин тўсубон тутти йўлни,
Сировул турғузуб тўқтатти ғулни.
Жилов қўйдию авждин авжга борди,
Аёқдин бош туруб тупроқ қўпорди.
Мажилар турғузуб беркитти қамбил.
Қаро тоқдек ясаб турди муқобил.

*Баҳром ўтониб майдонга кириб мубориз
тилагани*

Кедин боқди эса Баҳроми хунрез,
Ҳижил қолдию қилди ўзга ангез.
Юруб майдон ичинда қилди жавлон,
Ғанимлар тиладию марди майдон
Аданлиқдин киши тебрамади ҳеч,
Нечаким турди майдон устида кеч.
Гули Фархор ачиқланди бўлуб тунд,
Ки нечун бўлди мундоқ тигингиз кунд?
Бир эр йўқму бориб берса жавобин?
Ўрўндўса узуб умри танобин?
Адан беқлари титрарлар саросар:
«Ким эрмасбиз анинг бирла баробар.
Будур ул номвар Баҳроми хунхор,
Ки йўқтур ер юзинда мунча сардор.
Тўпинганда минг отлиқ ўтру турмас.
Ачиғланса тумандин юз чевурмас.
Айитти Гул: қўйунг бу ҳарза сўзни,
Забун этмак недур ёғиға ўзни.
Муни туттумки худ бир аждаҳодур,
Бизингтек одами эрмас балодур.
Недур, эй беҳамиятлар, бу ҳайрат,
Эр ўғлиға керактур бўлса ғайрат.

Гул ачиғланиб Баҳромга ўтру тебингани

Ачиқдин урди Гул қамчи отина,
Таваккал қилди тенгри ҳазратина.
Тарид этгач қуюнтек ҳамла қилди,
Булутдек кўкради, ўттек чақилди.
Изангу қамчилаб дафъ қилди Баҳром,
Айиттиким: «Сен эй сардори айём,
Аданлиқларға ўхшамас юрушинг,
Эрур туркона отқа ўлтурушинг,
Ўзунгга раҳм қил, қонингни тўкма,
Танингда куч била жонингни сўкма

Отингдин туш отим туйноғини ўп,
Ўзингни бил, фузуллуқ қилмағин кўп.
Айтти Гулким: «эй жоҳил тек ўлтур,
Иликда ирдаминг бор эрса келтур,
Бу майдонда ҳунар кўргуз эр эрсанг,
Узалур сўз агар муҳмал дер эрсанг».

Баҳром Гулга қилич тегургани

Бу гез Баҳром ачиқдин чекти бир теғ,
Ёпиб қолқонни кирди моҳ дар меғ.
Анингтеқ чопти қолқонни ҳамойил,
Ки Гул от орқасиндин бўлди мойил.
Саросар бўлди қалқон икки пора,
Дувулғодин тоғи бўлди гузора.
Утушурда Гули Фархор ҳам нез,
Ҳамойилдин чиқарди теғи хунрез.
Анингдек чолди ғайраттин белина,
Ки Миррих офарин қилди элина.
Бўлунди ўртадин Баҳроми хунхор,
Оти соғрисидин тушти нигунсор.
Чу бўлди туғмоғонтек бир замонда,
Ғиреву зилзила тушди жаҳонда.
Умоқ бирла Гули Фархор чун бод,
Мубориз юборинг теб қилди фарёд.

Наврўз била Гул майдондорлик қилиб танишқани

Яманлиқлар ул ишдин қолдилар лол,
Отин қамчилади Наврўз дарҳол.
Тарид этгач била кўргузди жавлон,
Тебинди ҳуй этиб чун шери ғаррон.
Таниди Гул дилоромин униндин,
Ўзини ташлади от устининдин.
Бу ҳолатни кўруб Наврўзи навшод,
Отиндин сачраб андоқ қилди фарёд,
Ки қолди барча эл ҳайрат ичинда,
Ки не бўлди бу бир соат ичинда.
Чопиштилар келиб тўшлиқ-тўшиндин,
Улус фориг бўлуб санчиш ишиндин.
Кўрарлар тупроқ ўзра зору абгор,
Ётурлар беҳабар икки вафодор.

Гулоб афшон чу бўлди юзларина,
Парилар келди ногоҳ ўзларина.
Ғаҳи Наврўз Гул иди била суст,
Дама Гул бўлди Наврўз олида руст.
Қучоқлашғач ул икки сарви озод,
Мубораклик била отландилар шод.
Уруш, санчиш кўтарилди ародин.
Хусумат кетти икки подшодин.
Бу хушлуқдин бирикти икки иқлим,
Ародин қўпти хавфу қолмади бим.

Яман подшоҳи Адан подшоҳи билан ярашқани


Яман хони бадии Фаррух ахтар,
Адан хони Рафии хўб манзар.
Кўруштилар сафо бирла ҳам ул дам,
Ярашиб тўйладилар шоду хуррам.
Тикилди икки ёндин борғаҳлар,
Мувофиқ бўлди икки подшаҳлар.
Кечиб ҳижрон кечаси ўтти зулмат,
Ёруди субҳ васлу кетти ғурбат.
Саодат юзланиб, накбат туганди,
Етилди давлату меҳнат туганди.
Жафосиндин фалак бўлди пушаймон,
Фараҳ келдию ғам бўлди паришон.
Бу хуш кунларки тенгри берди мақсуд,
Тилагантек тилаклар бўлди мавжуд.
Шараф буржинда эрди кун ҳамалда,
Қоваргон барча кўк ёшлар амалда.
Жаҳон хуррам бўлуб хулди баринтек,
Сузулуб чашмалар мои маинтек,
Ғаво Исо дам:тек руҳпарвар
Қилиб оламини жаннаттек муаттар.
Чаманда булбулу қумри ғазалхон.
Тузуб дуррож кеклик турлик алҳон...

Кейинги қисмларда Гул ва Наврўзнинг ўз оталари билан уч-
рашгани, оталарининг никоҳ аҳдини ўтказишига розилик берганлари,
Адан, Яман, Навшод, Фархор мамлакатларининг подшолари вафот
қилгандан сўнг Наврўзнинг тўрт мамлакатни бирлаштириб, тинчлик
ва осойишталик билан подшолик қилгани ҳикоя қилинади.



ЯҚИНИЙ





79

суф Амирийдан кейин мунозара жанрини давом этдирган шоирлардан бири Яқинийдир. Шоир Яқинийнинг ўзбек тилида проза билан ёзилган «Ўқ ва ёй» мунозарасигина сақланиб қолган.

Алишер Навоий «Мажолисун-нафоис»да 2 та Яқиний ҳақида маълумот берган (биринчи ва иккинчи мажлисларида)¹. «Ўқ ва ёй» мунозарасининг мазмунига қараганда, бу асарнинг автори Биринчи мажлисда қайд этилган Яқиний бўлса керак. Бу асарнинг XVI аср бошларида кўчирилган ягона нусхаси Британия музейида бўлиб, тўпламга шу нусханинг фотокопиясидан олинди.

¹ Алишер Навоий. Танланган асарлар, т. III. Тошкент, 1948, «Мажолисун нафоис», 27 ва 57 бетлар.





Н

«УҚ ВА ЕЙ» МУНОЗАРАСИ

огоҳ хўблар черкасидин от чиқорғон бир яхши отлиқ йигит жавлон қилиб, илкина ўқ олиб, эгнига ё солиб, қабақ отқоли майдон бошига азм қилди. Назм:

Бўз отлиқ ул йигитки, жаҳоннинг сафосидур,
Ошиқ кишининг отлиғу човулиғ балосидур.

Банда шафақтек қон йиғлаб дедимки, «оё! Бу не хуршедтурки, қавс буржунда тулуь қилибтур ва ё не кавкабтурким, чархнинг ўқидек пояси кўкка етибтур. Отининг юрушига боқтим эрса, дедимким, «агар бу от мунунгдек ҳаддин ошачолиқ бўлмаса ер-кўкта мунунг ҳамтоси йўқ эрди». Бу сўзни жилавдоре эшитиб, чилбурилик пайдо қилди: Айттимки, «Бу майдонда боре санга не, қуюшқунга ғазаб қилиб жовужу чайнарсен!» Охир сўзумга жавоб топа олмай дами тутулди. Алқисса, бу хаёлда мутафаккир ва бу аҳволда мутаҳаййир эрдим, чун ул йигитнинг ёсининг сўзи тилимда ва ўқининг хаёли бошимда экач, кўнглумда кечтиким: «Бу кунга дегру ҳеч кимарса турки тилининг жавҳарин ва форси алфозининг гавҳарин таркиб қилиб, ўқ ёнинг орасинда мунозара тартиб қилмайдулки, бу важҳдин оламда андин нишонане қолгай деб». Чун ушбу сўз марғуб ва бу боис маҳуб кўрунди, бу мунозара таснифина шуруь қилдим ва умид улким, хуш табълар тобуғида мақбул ва матбуь бўлғай — иншо оллоҳу таоло.

* Асарнинг юқори томони нусхада йўқ.

Бир кун бир неча соҳиб тариқ, аҳли қабза отимчи баҳодир йигитлар ёдек мажлис асбобин қуруб ва ўқтек маҳфилни тузуб, бир гўшада гаштга чиқиб эрдилар, ногоҳ Туркистон тарафиндин бир эги букилган қари бирлан бир сарв бўйлуғ йигит етиштилар. Қариға иззат йўлидин ўнг қўл сори, йигитга сўл қўл сори юрт бердилар.

Йигит туз йўлидин келиб, садоқ бирла баронғорға чиқти ва қари чап тушуб, сўл қўлдин жавонғорға тушти ва қари номусин соғиниб, таарруз била йигиттин савол қилдиким: «Сен не жиҳаттин қарини иззат тутмай, ўнг қўлга чиқтинг».

Йигит жавоб бердиким, «Мен Чингизхон чоғида садоққа черка тузуб, ёғиға тегишкали илгари юруган учун севурғаб баронғорға чиқорди ва қари паскашлик қилиб, кейин тортилғон учун ани ёзғуруб жавонғорға юборди ва ёнинг қариган чоғинда бу сўзлар қулоғиға етгач, оғзи елимдек йилмошиб, ўзига сингура олмай айттиким, «Сен мени қари кўруб, кучсиз соғиниб, йигитликинга мағрур бўлуб, юз кўрмай, мунунгдек юзсиз сўз айттинг ва ўзунг билмасмусенким, бу даврда ҳеч кимарса менинг ғошимни торта олмас ва агар гижаким қотса йигитларни марақада бўйнин юмшатиб инфиол берурмен. Яна таҳаммул бобинда анингдек турменким, ёйчилар қарнлар сингиримни тор[т]адилар, ичимда асраб кишига дарди дил қилмодим.

Басе мен ул соҳиб сарменким, тенгри таборак ва таоло жалла жалолоҳу ва ҳабиби орасинда — алайҳиссалом — мендин ўзга киши маҳрам эрмас эди, андоқки, «қоба ва қавсайн» ояти қуръонда мендин хабар берур ва ҳазрати саййидул-аҳрор амир Қосим Анвор — қаддасаллоҳу сирраҳу — мени сендин муқаддам тутуб қобил толибларға кўргузуб айтур. Назм:

Камон абру батирам зад зи завқи тири мижгонаш,
Ба сар галтидаму гуфтам фидоят бод жонам раҳ.¹

Яна мавлоно Муҳаммад Мағрибийки, маърифат машриқини қуёштек ёрутти, менинг васфимда «Жоми жаҳоннамой» отлиқ доира тартиб қилди ва тавҳид сиррини аҳли таҳқиқ учун ишорат ўқи бирла аҳолис ва воҳидийят қавсида кезлай ва номаҳрамлардин буларни ме-

нинг отимга отаб яқин қилди. Яна ибодат тариқинда малойикадек аввали умрумдин охирга дегру рукуъда-дурмен ва тақво таврида аксари авқот чилладурмен. Яна ниёзмандлиқта яхши яманга қулоқ тутормен, ҳар неча манга қулоқ тутмаслар ва ҳар қачон иззат билан хитоб қилсалар ё дерлар ва агар зарофат бирла отим-ни айурсалар маҳбуб қошига менгзатиб ой дерлар. Байт:

Янги ой ўхшар нигорим қошина,
Балки ул ҳам кам кўрунур қошина.

Яна баҳодирлуқ майдонида ҳар кимнинг қурумсоғида бўлсам ўзумни қурбон қилайин дермен. Басе ҳар ким менинг бирла саҳархезлиқ варзиш қилса, дин ва дунёда бархўрдор бўлур. Яна Паҳлавон Маҳмуд Сабза[во]рий-дек қадрандоздурмен. Сенга тегармуким, ўзунгни илгору ташлаб ўнг ённи талашурсен.

Ўқ бу сўзларни эшитгач, газ-газ секири бошлади ва очқиқтин айттиким, сенинг икки бошинг бордурким, менинг юзумда мунунгдек даъволар қилурсен, андоқким, мавлона Юсуф Амирий айтур:

Чу абрўйи ту камон хешро агар дорад,
Зиҳи тасавури кажи у магар ду сар дорад.²

Ва ҳар қачон Яздонбахш чангина тушсанг эгрилигингни кўруб удтек ўтқа тутуб, рубобдек қулогингни тўлғар ва агар ғурур жоминдин эсруб бошинг бир ён борса гушагир қулогингга уруб, бўғачи бирла бўғзунгни бўғор ва агар хато қилсанг, ўлдурур кишилардек бўйнунгга чириш солурлар. Уёлмай баҳодирлуқ талашурсен. Басе ул эмасмусенким, ғазо куни санчишқоли баҳодирлар олинда манглай чиқсам, сен кўрқунчтин сарғариб тус орасинда ёшунурсен ва мен ҳар қайда етсам қолгоннинг ол қонин оқизиб, юзига ўта чиқормен. Яна ҳар кимнинг савоб назари бўлса, хатосиз билурким, мен қил ёрармен. Яна мен ул қуштурменким, ошиқларнинг кўнглин овлаб, рақибларни қувлармен ва менинг тилимдин муаллиф айтур. Назм:

Сар дар пайи ҳар кас, ки ниҳам, то ба қиёмат
Бигуризаду як чашм задан на нгарад аз пас.³

Басе отим кайбурдур, андоққи шоир айтур.

Назм:

Доғе ки, ҳаст бар дили душман кунад ду ^{ёкам}
Он тири тез парри тукаш ном кайбураст.⁴

Басе ҳар қайда севирик қанотимни ёйсам, менинг саҳимдин қочарнинг арвоҳи учар ва агар туғдариға тузларда йўлуқсам, менинг ваҳимдин ёзиларни булғар ва агар тоғлар орасида жайран кўзлук мўғул, чину хитойиларнинг новакидек ирғолининг қўлиға тикилсам қониға кирармен, андоққи, муаллиф айтур, Байт:

Новакинг кирса кийикнинг қониға,
Ҳеч ҳойи[қ]мас этибон гуна ёзуқ.

Басе гоҳе инояттин алифтек ошиқларнинг жони орасиға кирармен ва гоҳе ўқ бида найдек ҳар кимга қадалсам, менинг заҳримдин жон элтмас. Яна мен ул қуштурменким, ошиқлар мени ҳаводин тутарлар андоққи, муаллиф айтур. Байт:

Ҳаво қилса ўқунг жон сайди учун,
Ани кўнглум қуши тутқай ҳаводин.
Гар ҳаво қилса юрактин ўтгали новакларинг.
Жон бида кўнглум қуши тутқай ҳаводин, эй бегим.

Яна жаросундек йигитлар майдонда менинг қанотим бирла учарлар. Яна мен ул ҳумойи авжи иззаттурменким, агар парвоз қилсам, форигбол озодалар менинг юнғумни жон қушининг қаноти деб қувонурлар, андоққи, Хожаги Отойи айтур,

Байт:

Ул шаҳсувор тиркашининг ўқининг юнги
Жон қушининг тириклата юлғон қанотидур.

Яна агар карвониларға бадрақа бўлмаса йўлни озиқурлар ва мен бадрақасиз йўлни туз борурмен. Басе ҳар қайда тарозу бўлсам, мени тортай деган кишилар жон тортарлар, андоққи, Хожа Хисрав Деҳлавий Маҳбуб энгиндин жонга тегиб, айтур:

Дар дилам тират тарозу мешавад,
К-аз даруни сина жонро бар кашад.⁵

Яна найшакарким, имон ҳаловатининг тотлиқ сўзиндиндур менинг бирла бир ерда бутуб улғайибтур. Эй уётсиз ё, сен мени кўргач кўрқуб, саҳимдин ўзунгга тўлдурурсен.

Эй бу йўлди сўзларни эшитгач, бағри қотғунча кулди. Аммо бир зарра юмшамди. Қаттиқ сўз бошлаб ойтти, андоқким, жунуний шоир ойтибтур. Байт:

Ман он наям ки, зи тири маломат андешам,
Ғуломи рўйи камон абрўвони бадкешам

Яна сени ўқчилар банд-банд қилиб, ўртангдин ёрмоғунча менинг бирла қовуша олмадинг. Басе ўғрилар бирлан ҳамсуҳбатлиқ қилгон учун барги най тўнунгни сўюб, ичингни ёрдилар.

Эй хокийи хоксор, неча ўзунгни ранж тутарсен, эй гайратсиз, бир бошоқ учун ҳар бутанинг тубинда хўшачинлардек туфроққа ботиб, хирманингни елга берурсен. Басе паҳлавонлар қошида менинг эвимдин қочиб, ёзиёбонда бошингга туфроқ совуурсен. Эмди санга бу журъат қайдин пайдо бўлдимки, менинг олимда туз туруб, ўқ учидини сўзлашурсен ва мени пайваста соҳиб хуснлар қошина менгзатиб айтурлар. Назм:

Он ду абруйи муқаввас ду камонанд баланд,
Ки ба сад қарн чунин турфа камон натавон сохт.⁷

Яна ошиқлар маъшуқ қошина пайваста ташбиҳ учун ўқурлар. Байт:

Ҳар кужо мурғи диле бол кушояд, филҳол
Ба камон гушан абру з ҳавош андозад.⁸

Басе ўқ бу сўзларни эшитгач айттиким: «Зиҳи нодонки, сен сен! Магар қариган жиҳаттин ҳариф бўлубсенки, ўзунгни тия тутмайсен!» Басе шайхи фасоҳатки, гулистонда булбулдек ҳазор достони бордур, мен (и) гулузор қоматина ташбиҳ қилиб айтур. Назм:

Бирабуд дилам дар чамане сарви равоне,
Заррин камаре, тир қаде, мўр миёне.⁹

Басе Хожа Ҳофизи Шерозий мени мустажобуд-даъватларнинг дуоси деб айтур. Назм:

Аз ҳар гарона тири дуо кардаам равон,
Бошад казон миёна яке коргар шавад.¹⁰

Басе Хожа Камолки, латофат ва зарофат бобинда соҳиб камол эрди, мени норван қоматлиқ сим андомлар қақдина ташбиҳ қилиб айтур. Назм:

Ҳарки бар тири кадаш чашме намедузад, Камол,
Ростиро рост бояд дўхташ, чашмаш ба тир.¹¹

Яна Хожа Салмон шамшоддек ростяғимни кўруб, мени дилшод ғамзасина менгзатиб, айтур Байт:

Тири хаданги ғамзаат аз жони мо гузашт,
Бар мо зи ғамзайи ту чи ғўям, чиҳо гузашт?¹²

Яна Саккокийким, турк шоирларининг мужтаҳидидур, менинг муносиб ҳолимға айтур. Назм:

Жоним фидо бўлсун санинг ғамзанг ўқина нечаким,
Ҳар неча қошинг эғмаси ўқтек бўюмни ё қилур.

Яна мавлоно Лутфий ки лутфи табъ бирла зурафо орасинда машҳур эрур, мени жафочи бевафо маҳбубларнинг ғамзаси деб айтур:

Хаданги ғамзасини кўргач айттим:
«Манинг жонимға ўт солгон сен-ўқсен!»

Яна муаллифки, ушшоқ ҷаро муҳаббат ўқина нишона бўлди, мени оҳға нисбат қилиб айтур. Байт:

Эп дил бар мекашам сад новаки оҳ
Ки, аз жон бигузарад тири ту ногоҳ.¹³

Яна сен зиёда сарлиқ қилиб ўзунгни хўблар қошина менгзатқон учун, мувофиқи ҳолинға биайниҳи муаллиф айтур. Назм:

Ба абруйи ту ки, дар айни дилбари тоқаст
Ғумони [каж]ки, камонрост аз зиёда сарист.¹⁴

Яна айттингким, манинг эвимдин қочиб туз талошурсен деб. Бу сўзни худ рост ойттинг, агарчи эгри сену мен рост. Аммо бизинг орамизда ҳеч навъ жинсият йўқтурки, мудом ва аслият бўлғай деб, бу рубойини ўқуди:

Бо бад манишину ҳам марав хонайи у.
Дар дом бияфти чу хўри донайи у.
Тир аз сари рости камонро каж дид,
Диди ки, чи гуна жаст аз хонайи у.¹⁵

Басе ёй ўқнунг ўткун сўзларин эшитиб, таҳаммул қила билмай, ҳимоят учун ўзин гиришга боғлади ва кечган мунозара ва мубоҳасани тақрир қилиб айттиким, ўқ саҳмидин мунунгдек икки букулубтурмен ва йиллардурким зиҳир [ила] бирга бош қўшуб, сени барлос деб хизматингға турубтурбиз.

Эмди тенгри учун бизинг орамизда ҳакам бўлуб ҳакамлардек бу баҳсни айрит қил.

Гириш бу сўзни эшитгач, хомлиғидин печу тоб уруб, суман бўйлар сунбулидек ўзига тўлғониб, тоб келтура олмай зиҳгирга айттиким, «Агар мен барлос бўлсам, сен тархонидурсен. Раво бўлғаймуким, ё куч қилмай, ўқ ёга куч қилғой. Эмди маслаҳат улдурким, ани андоқ ироқ ташлаликим, ёнинг тўрини тўтиё қилиб топмағай».

Зиҳгир эшитгач, «Хуш бўлғой!»—деб, ятимона гиру баст кўрсатиб бармоғ кўзига қўйди. Гириш бирла иттифоқ қилиб ўқни ўзига яқин торттилар. Уқ аларни ўзидек рост соғиниб илгари борғоч, Гириш оғзиға андоқ тапतिकим, ўқнунг оғзи тўла қон бўлуб, торундек тубан қаро ерга кирди ва бу мунозарадин мақсуд улким, бу даврунунг каж табъларининг қошинда ҳар ким ё дек эгри бўлса, ёнларидан йироқ бўлмас ва ҳар ким ўқтек рост бўлуб, туз юруса, Яқинийдек йироқ тушар андоқки, Асий шоирнинг қитъаси бу сўзнунг ростлиғина гўёдур:

Ҳар ки шуд рост андарин майдон,
Ҳар кужо рафт беҳузур уфтод.
Аз кажи шуд камон ба паҳлуйи шоҳ,
Тир аз рости ба дур уфтод.¹⁵

Агарчи бу сўзнунг соҳати васиё эрди, шаниё кўрунғай деб,

сўз иқтисор бўлди. Умид, улким, рост табиат, мустақим зеҳнларнинг маҳаккида бу нақд тамом иёр бўлғай ва бу сафҳани мутолиа қилиб, бу номанинг силаси ўрниға азизлардин таваққуъ улким назм:

Яқинийнинг равонин шод қилғай,
Дуойи хайр бирлан ёд қилғай.

Туганди ўқ ёйнинг мунозараси. Валлоҳу аълам.

Форсча шеърлар таржимаси

¹ Қоши камон менга ўқ отди; унинг киприк ўқи завқидан бошим билан йиқилдиму «жоним йўлингга фидо бўлсин» дедим.

² Камон ўзини сенинг қошингга тенг тутар экан, унинг боши иккитамики бундай эгри тасаввурда бўлди?

³ Мен кимнинг оёғига бош қўйсам, қиёматгача мендан қочадию, бир кўз очиб-юмгунча ҳам қайрилиб боқмайди.

⁴ Кайбур аталувчи у ўткир ўқ душман дилидаги қора доғни иккига бўлиб ташлайди.

⁵ Дилимда ўқинг таразу бўлиб, кўксимдаги жонни тортади.

⁶ Мен маломат ўқидин қўрқадиганлардан эмасман; лекин феъли ёмон камон қошли юзларнинг қулиман.

⁷ У эгма қошлар икки юксак камондир, Бу хилдаги ажойиб камонни юз асрада ҳам ясаб бўлмайди.

⁸ Юрак қуши ҳар қаерда қанот қоқса ҳам, дарҳол қошнинг камон гўшасига келиб йиқилади.

⁹ Дилини чаманда бир сарви равон, заррин камар, ўқдай тик қадли, хипча бел мафтун қилди.

¹⁰ Ҳар чеккадан дуо ўқини йўлладим, шоядки улардан бирортаси асар қилиб қолса.

¹¹ Эй Камол, ҳар ким унинг ўқдек [тўғри] қаддига кўз тиколмайди, Чунки тўғри нарсага тўғри кўз билан қараш, унинг [маккор] кўзини эса, ўқ билан тикиш керак.

Бу байтда «дўхтан»—«тикмоқ» феълининг: «кўз тикмоқ», «нарса тикмоқ» мазмунида келишидан фойдаланиб сўз ўйини ишлатилган:

¹² Ғамзанинг қаттиқ ўқи жонимиздан ўтди, бизга сенинг ғамзангдан нималар ўтгани тўғрисида нима айтмай?

¹³ Сенинг ўқинг ногоҳ жондан ўтса, дилдан юз оҳ ўқини тортаман.

¹⁴ Аини дилбарликда тоқ бўлган қошинг тўғрисида камоннинг эгри гумонда бўлиши унинг мағрурлигидан бошини юқори кўтарганидандур.

¹⁵ Ёмон билан ўлтирма, ҳам борма унинг уйига, Агар унинг донасидан есанг, тузоққа тушасан. Уқ ростлик орқасида эгри қалб камоннинг Уйдан қандай жўнаб қолганини кўрдингми?

¹⁶ Кимки бу майдонда рост бўлса, Қаерга борса ҳам беҳаловат бўлиб тушади. Камон эгрилиги туфайли шоҳ ёнидан жой олди, Уқ эса ростликдан узоқларга бориб тушди.





АҲМАДИЙ





Аҳмадий XV аср ўзбек шоирларидан бўлиб, унинг ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақидаги маълумотга ҳозирча эга эмасмиз. Шоир Аҳмадийнинг «Созлар мунозараси» деб атаганимиз биргина асарини биламиз, холос. Бу асарнинг XVI аср бошларида кўчирилган ягона бир нусхаси Британия музейида сақланади. Тўпلامга киритилган парчалар ўша нусханнинг фотокопиясидан олинди.





«СОЗЛАР МУНОЗАРАСИ» ДАН

Сўз ибтидоси

Бир кеча ғам бирла хиромон эдим,
Меҳнати даврон била шодон эдим.

Кулбаи ихзон ичида хору зор,
Ултурубон дийдан жон интизор.

Мунисим ул ёр хаёлию бас,
Ул эди фарёдима фарёдрас.

Нуқл ғаму бода юрак қонидин,
Уд хижил нолишим афғонидин.

Ҳар дам оқиб кўз ёшидин сели хун,
Жонда алам, бошта ҳавои жунун.

Чиқти фиғон ул дили ғамноктин,
Ўтти бу нуҳ пардаи афлоктин.

Ақл ҳувайдо бўлуб айлади бок,
Пираҳани сабр яқосини чок.

Энтикибон ташқари чиқтим равон,
Тун ярими ўтуб эди ул замон.

Халқи жаҳон барчаси ором эди,
Тийрау торик ажаб шом эди.

Юлдузу ой кўкта падидор йўқ,
Тундин уза партави анвор йўқ.

Кўрди ҳирад, қолди бу ҳолатта лол,
Борди замириндин ўшал қийлу қол.

Келдим ўшал ҳолда жондин бағанг,
Чигди¹ харобатта ғавғойи жанг.

Тингладим ул ҳолни ҳайрат туни,
Етти фалак бомида ғавғо уни.

Дедим: э ёраб, бу не овоз эрур?
Ҳар нафаси ўзга сазовор эрур.

Бўлдум ўшал лаҳза баяк ногаҳон,
Сўйи харобот ошуқуб равон —

Еттим эса, пири харобот маст,
Жому қадаҳи кўюб ул дам зидаст.

Қолибидан руҳ бориб эрди пок,
Етиб ўлуклар киби баррўйи хок.

Мажлисида ҳозир эди жамъи соз,
Ҳар бири бир пардада гўёйи роз.

Ҳар бири ўзини ситойиш қилиб,
Савту амал нақшу намоийиш қилиб,

Барчаси бир-бирни қилиб имтиҳон,
Ўртада баҳс эрдию жангу фиғон.

Мабҳас ибтидоси. Аввал танбура сўзи.

Танбураи ғамзагари фитна жўй,
Мажмаи ул созга келтурди рўй.

Деди:— Бу не фитнау ғавғо эрур,
Бошингиза беҳуда савдо эрур?

Арбдау жанг недур аз газоф?
Парда била сўзлали, токай бу лоф?

¹ Чиқди.

Пардае мендек тузук оҳанг не?
Нолаи зорим эритур сангни.

Пардада ул мурғи сухансоз мен,
Фитна эшикин қилойин боз мен.

Барчаға айтай зитарқи савоб,
Жумла мақомотта бир-бир жавоб.

Уд ўзин таъриф қилиб, танбурани таъриз қилғони

Уд эшитиб куйди анинг сўзидин,
Ўртанибон бошлади сўз ўзидин.

Дедик:— Мен барчангиза шоҳмен,
Жумла мақомоттин огоҳмен.

Нолаларим уд бикин сўзнок,
Қайси қилур мен киби оҳанги пок?

Соз ичида барчадин отим улук,
Васф ичида барча сифотим улук.

Бўлди халойиқ ора машҳур отим,
Лойиқ эрур шоҳға хосиятим.

Танбураи бе хиради носавоб,
Қайси ҳунар бирла манго дер жавоб?

Танбура таъриз била жавоб айтқони

Танбура ул сўзни эшитиб, равон,—
Деди:— Ҳало хожаи ишкам калон!

Қўйғин ўшал даъвийи бериҳни,
Мот қилай сен киби юз шоҳни.

Куйма бу сўзга чу билурсен билик,
Бос юракин, қорнингға қўйқин илик.

Барча мақмотларингдин қолиб,
Ҳомила хотун киби қорнинг солиб,

Эгри бўлуб бўйингу бошинг сенинг,
Қолмади беҳуда талошинг сенинг!

¹ Эй қорни катта хўжа!

Чанг ўзин таъриф қилиб, танбурани таъриз қилғони

Чанг орадин бўйнин узотиб равон.
Тузди ўшал лаҳза туман минг фиғон.

Деди:— Билинг, барчанинг устоди мен,
Айшу тарабнинг тақи бунёдимен.

Шаббада таркибу амал, нақшу савт—
Қилмадим ул жумлани бир лаҳза фавт.

Ғамзаларим барчадин афзун эрур,
Лайли менинг ғамзама мажнун эрур.

Халқнинг эғнида мақомим мудом.
Мен киби йўқ тўтийи ширин калом.

Дойим эрур шоҳ билан суҳбатим,
Аҳли табиат биладур улфатим.

Танбурадек юзни қилай поймол,
Айлади ўғлонлар ани дастмол.

Қўбуз ўзини таъриф қилиб, танбурани таъриз қилғони

Ўртада келди қўбузи беқарор,
Деди:— менингтеқ қани бир пири кор?

Ишқ гулистонида мен андалиб,
Нолаи зоримға муҳибтур ҳабиб.

Мен киби йўқ мурғи сухансози ишқ,
Жумла мақом ичра деган рози ишқ.

Мамлақати ҳуснда шаҳзодалар,
Машғалаи даҳрдин озодалар.

Барча мусоҳиб манга шому саҳар,
Йўқ зурафо аҳлина мендин гузар.

Жумла йигит яхшисидур чокарим.
Хожа Сафаршоҳ камин навкарим.

Танбурадек жумрийи бозорини,
Синдураин нархи харидорини.

танбура таъриз била жавоб айғони.

Танбура деди:— Қўбузе беҳаё,
Очмағин оғзимни, баройи худо.

Ким санга тегмас дегасен моуман,
Юзунга чоруқ киби тортиб созан.

Модари бичканмусен эй беадаб,
Неча йигитларни қилурсен талаб?

Тахтаи тобут киби қоматинг,
Сур эшагинг илгари, қолсун отинг.

Яхши билурмен шарафингни сенинг,
Керди Сафаршоҳ дафингни сенинг.

Ётуғон ўзин таъриф қилиб, танбурани таъриз қилғони

Келди такаллумда ётиб ётуғон,
Деди:— Менингдек қани бир турфа жон?

Пояи қадрим баридиндур узун,
Мен киби йўқ дунёда соҳиб фунун.

Ҳар нафаси шяъбада ангезмен,
Мажлиси султонда шакаррезмен.

Дарду алам баҳрида мен ғарқи ишқ,
Шуъла вужудумдин урур барқи ишқ.

Халқи жаҳон маскан учун хок эрур,
Ётгим эса, ер уза небок эрур.

Танбуранинг ботила парвардасин,
Йиртайин ул боштин-аёқ пардасин.

Саҳл баҳо бирла соторлар они,
Яхши-ямаң барча урарлар они.

Рубоб ўзин таъриф қилиб, танбурани таъриз қилғони

Хирқасидин бош чиқариб рубоб —
Деди:— Манам фақр ила олижаноб.

Гарчи шариатта чу бегонамен,
Аҳли тариқат била ҳамхонамен.

Балки ҳақиқат[дин] аюрмен хабар,
Аҳли дили топсаму соҳиб назар.

Хуш ичарам фақр элидин жоми заҳр,
Йўқ манга парвойи салотини даҳр.

Барчадин озодамену мунфарид,
Жумла фунун бобида мен мустаид.

Бўлмади ҳаргиз фуқаро ҳамдами,
Танбуранинг нокасу ноодами.

Боштин-аёқ қомати талбис эрур,
Балки ўзи модари иблис эрур.

Кунгура ўзини таъриф, танбурани таъриз қилғони

Бўсағадин кунгура қўпти равон,
Деди:— Манам фитнаи охирзамон

Соз ичида фитнаи айёрамен,
Жумладин озодау якторамен.

Ҳар нечаким ноқису худроямен;
Танбуратеклар била ҳампоямен.

Танбура кўп сўзламасун азгазоф
Ҳаддидин ортуқ анга тегмас бу лоф.

Танбура таъриз била жавоб айғони

Танбура деди:— Ҳало эй кунгура,
Онча осай мен сениким ингура.

Бошинг-аёғинг сенинг икки каду,
Сен киби расво манга бўлғай аду.

Сен фалакини қилойин нопадид,
Жумлаи шайхингни қилибмен мурил.

Барчасини таъна билан ўлдуруб,
Санга етиштим борини куйдуруб.

Китоб хотимаси

Оқибат алқисса ўшал жамъи соз,
Деди. — Яминдин қилали ихтироз.

Барчаси ғайрат ўти бирла куюб,
Баҳсу мақоматга жондин тўюб.

Ушбу муҳол узра фиғон туздилар,
Муסיқининг мажлисини буздилар.

Чиқди баяк-ногаҳ, ародин фиғон,
Пири харобот уёнди, равон —

Дедики:— Ҳай-ҳай! Бу не дур моуман,
Келди магар муҳтасиби хум шикан?!

Онинг учунму қиладурсиз фиғон?
Борди менинг захраму кўчти жаҳон.

Барча қулоғин тутубон зор-зор —
Дедилар: — Эй сарваримиз пирикор,

Давлату нусрат била бўлғил зиёд,
Танбуранинг дастидин, эй пир дод!

Ушбу кеча танбура боғлаб хаёл,
Барчамиза берди базе инфиол.

Танбуратекнинг сўзи, устодкор
Бизга ўлумдур дағи бас нангу ор.

Танбура ҳам ҳозир эди, ул замон —
Еттию филҳол юкунди, равон —

Деди:— Аё муршидимиз пирироҳ,
Бир мени бечорада йўқтур гуноҳ.

Ушбу жамоат бари ковокбиз,
Маъниси йўқ ботилу бебокбиз.

Барча бўлуб мени қилурга изо,
Кўрки нечук топтилар охир жазо.

Пир билиб кайфияти ҳолни
Деди:— Қўюнг беҳуда афъолни!

Пир деди танбураға:— Гўшт тут,
Ҳар бирига бошқа бирор қўш тут.

Кўнглини ол барчанинг эй фитнагар,
Чунки санга йўқтур алардин гузар!

Танбура ҳам чувт қўпуб ул замон
Тутти қулоғин, деди:— Хурду калон.

Афв қилинг ҳар неча бериҳмен.
Барчангиза чокари даргоҳмен.

Оқибатикор ўшал жамъи соз,
Қилдилар оҳанги ярашмоқни соз.

Келди сафо лашкарию тузди саф,
Қилди адолат черикин бартараф

Субҳи саҳар ошти сабо елини,
Сурди Хўтан хони ҳабаш элини.





ҲУСАЙНИЙ





Хусайн Бойқаро — Темур наслидан бўлиб, унинг отаси Мирзо Мансур Мирзо Бойқаро ўғлидир. Хусайн Бойқаро 1438 йилда Ҳиротда туғилган. Алишернинг бо-боси ва отаси Темурий ҳукмдорларнинг хизматида иш-лаган. Алишернинг отаси Ғиёсиддин Кичкина Мирзо Бойқаронинг ўғли Ғиёсиддин Мансур билан эмиқдош бўлган, бу ва бошқа баъзи сабаблардан Хусайн билан Алишер ёшлиқдан яқин муносабатда бўлдилар, бир муд-дат бирга ўқиб, бирга тарбияландилар.

Хусайн Бойқаро ёш вақтидан сарой хизматида кирди. Темурий Мирзоларнинг ўзаро тортишувлари, курашлари ва жангларида қатнашди. Салтанатни ўз қўлига олиш тилагида жиддий ҳаракат қилиб, бир қанча курашлар-дан кейин 1469 йил мартда Ҳирот тахтини эгаллаб, под-шоҳ бўлди. Шу йилнинг апрель ойида Алишер Навоий Самарқанддан Ҳиротга қайтиб келди.

Хусайн Бойқаро, сўзсиз, феодал синфининг вакили эди, айниқса охириги пайтларда унинг ҳаракатларида ту-банлик ҳодисалари кенг ўрин ола бошлади. Лекин шу билан бирга умуман унинг сиёсий ва адабий фаолиятида ўз даврига кўра ижобий бўлган муҳим томонлар ҳам оз эмас эди. Унинг даврида Алишер Навоийнинг иштироқи ва ташаббуси билан мамлакатда бир неча йиллар мобай-нида тинчлик (принципсиз ўзаро феодал урушлардан холилик) мавжуд бўлди. Кўпгина ободонлик ишлари қи-линди, иқтисодиёт, савдо-сотик, ҳунармандчилик жон-ланди, маданий ҳаёт ташкил қилинди. Фан, санъат, ада-биёт ривожланди, худди шу даврда мамлакат пойтахти

Ҳирот илм, санъат ва адабиётнинг Шарқда донғи кетган бир марказига айланди.

Ҳусайн Бойқаро феодал синфнинг вакили бўлганлиги туфайли ҳам у бир неча марта ашадди реакция тарафдорларининг мамлакат ва илғор одамлар учун жуда зарарли бўлган иғво ва фитналарига берилди.

Султон Ҳусайн Бойқаро ўз даврининг кўзга кўринган шоирларидан бири эди. Унинг тахаллуси Ҳусайнийдир. Гарчи унинг ижодида тематик бирхиллик ва торлик мавжуд бўлса-да, баъзи жиҳатларда унинг ижоди ўзбек адабиёти тарихида ўзига яраша муҳим ҳодисалардан бири бўлди.

Ҳусайнийнинг девони бизгача етиб келган бўлиб, бир қанча лирик шеърларни ўз ичига олади. Қизиғи шундаки, Ҳусайнийнинг ҳамма ғазаллари бир хил вазида ёзилган. Бу ҳол бошқа шоирларда ҳеч кўринмайди. Бунинг сабаби ҳали аниқланган эмасдир. Ҳусайний шеърларининг кўпи образларнинг гўзаллиги, ички кечинмаларнинг жозибадор ифодаланиши, услубининг раволиги билан кўзга ташланади. Унинг ўзбек тилида ёзиш учун фармон берганлиги ҳам тасодифий эмас, бу нарса ўша вақт ва шароитда катта сиёсий ва маданий аҳамиятга эга эди.

Умуман ўзбек адабиётини тараққий этдиришда ва ўзбек адабий тилининг бойишида Ҳусайн Бойқаронинг роли ва хизмати оз эмас. Буни Навоий ўз асарларида эътироф этганидек, замонининг тарихчилари ҳам муболағалар билан кўп ёзганлар. Навоий «Мажолисун-нафоис» асарининг охирида Ҳусайний ижодига бағишлаб махсус бир боб (8-боб) очган ва унинг ғазалларидан кўп байтларни келтириб, бадий қийматини мақтаган.

Ҳусайний ижодида Навоийнинг бевосита таъсири яққол кўриниб туради.

Биз бу тўпламга кўпчилик эътибори билан Ҳусайнийнинг Навоий мисолга келтирган байтларини ўз ичига олган ғазалларини ва Ҳусайнийнинг Навоий ғазалларига қилган мухаммасларини киритдик.



«ДЕВОН»дан

Ғазаллар

Ваҳқи кўнглум ноласи ҳар дам бузулгон жон аро,
Гўйё бир чуғз эрур фаръёд этар вайрон аро.

Ҳуққаи лаълинг аросинда эрурму дур тишинг,
Ё эрур ул жолаким бўлғай гули хандон аро?

Ҳар киши кўрса парилар ичра сен кўз мардумин,
Бир парини жилва қилгон соғинур инсон аро.

Онча қон тўкти кўзум ҳажрингда, э кўз мардumi,
Эмди кўз очсам кўрармен оламедур қон аро .

Сел келса жола бирла ўхшатурмен ангаким,
Кўзларимнинг оқи оққан дийдаи гиръён аро.

Истагач мажруҳ кўнглумдин ўқини, рашкидин,
Топмасун деб ёшурубмен синаи биръён аро.

Икки қошингнинг хаёли муттасил кўнглумладур,
Бир диловардекки солмиш икки ё қурбон аро.

Ҳажр гирдобинда ғарқ ўлдум каманди васл ила,
Чек мениким, қолмайин бу баҳри бепоён аро.

Келди ишқимға илож этмакка бир кун пийри ишқ.
Э Ҳусайний, куйди ушбу шуълаи сўзон аро.

* * *

Ўтга ёқғил сарвни ул қадди раъно бўлмаса,
Елга бергил гулни ул рухсори зебо бўлмаса.

Сарв бирла гул тамошосиға майлим йўқтурур,
Боғ аро ул сарви гулруҳдин тамошо бўлмаса.

Нега сафлар чекди мижгондин, агар жон мулкига,
Кўзларингнинг майли ҳар дам қатлу яғмо бўлмаса.

Бўлмағай эрди жунун даштида саргардонлигим,
Зулфи печу тобидин бошимда савдо бўлмаса.

Гавҳари мақсуд топмоқ мумкин эрмас, эй кўнгул,
Кўз ёшинг то васл умиди бирла дарё бўлмаса.

Соқие, май тутки ҳажр андуҳидин бўлмон халос,
Ҳар дам илгимда лаболаб жоми саҳбо бўлмаса.

Э Ҳусайний, бода ичсам ёр элиндин тенгдурур,
Бўлса оби хизру умри жовидон ё бўлмаса.

* * *

Бўлди гул вақтию мен дарду ғамида мубтало,
Ишқ ўтидин лоладек бағримда юз доғи бало.

Ҳоли зорин сен киби султондин айру тушғали,
Япроқ эрмас гулдаким юз тил била айлар адо.

Мен билур эрдимки, йўқтур интиҳо ишқимда ҳеч,
То гули васлинг била қилдим муҳаббат ибтидо.

Лоладек май жомини тутғил ғанимат гул чоғи,
Хосаиким ишрат урди булбули бедил садо.

Гар Ҳусайний топмади барге жамолинг боғидин,
Бу чаманда, эй гули наврас, санга бўлсун бақо.

* * *

То тушибтурмен сиришким баҳридин гирдобда,
Зулфидек саргашта жисмим бўлди печу тобда.

То ики қошинг сари мойил дурур сўзон кўнгул,
Уйладурким, шишаи шамъ осилур меҳробда.

Терлаган маҳваш юзингнинг ўйла лутфи борким,
Кўрмадук ул хўблур ҳаргиз гули серобда.

Лаъл эрур икки лабинг сўз риштасин ўткарғали
Суфт эрур оғзингки, зоҳир бўлди лаъли нобда.

Зулфдин лаълинг сари ҳолингдур ўғри ҳиндуе,
Қим шакар истар ўғирлиқ айлагай маҳтобда.

Жон бериб абнойи даврондин вафо кўз тутмаким,
Йўқ турур бу шева не маҳбубу неаҳбобда.

Эй Ҳусайний, жон берур тузгач муғанний шадди руҳ,
Руҳи кудсий файз ёширмиш магар мизробда.

* * *

Зарра янглиғ айб эмас кўнглумға тушса изтироб,
Меҳри рухсориға чун ҳар лаҳза кўзгудур ҳижоб.

Кўнглаги гулгунмудур ё гул юзининг аксидур,
Ё қуёшнинг тобидин гардун уза куймиш саҳоб.

Томса бағрим қони ўқидин чиқар кўнглумдин оҳ,
Дуд ўлур чун қонини ўт уза томизса каоб.

Риштаи жоним ўролур зўлфи сори майл этиб,
Гарчи кўпрак қисқарур ҳар неча ришта топса тоб.

Айтсам, эй умр борурда шитобинг не эди.
Ноз ила дерким: ажаб йўқ умр иши бўлмоқ шитоб.

Соқийё, ҳижрон хароб этмиш мени тўлдур қадаҳ,
Чун хароб ўлмоқ керак бори бўлай масти хароб.

Эй Ҳусайний, ўйлаким васл ўлди жаннат, дўсти ҳур,
Ҳажри ҳам дўзах дурур шавқ ўтидин анда азоб.

* * *

Қайси жаннат сабзаси хатти намудорича бор,
Е масиҳо нугқи ул лаъли шакарборича бор.

Носиҳо, жаннат умиди бирла бормен кўйидин
Ким мени маҳзунға юз фирдавс гулзорича бор,

Оби ҳайвон гар равону руҳпарвардур масиҳ,
Не бу рафторию ул жонбахш гуфторича бор.

Эй мусаввир, неча рангомизлиқда қайси ранг,
Лаълининг шингарфи ёхуд хатти зангорича бор.

Деса бўлғайким назар фанини билмас заррае,
Кимки ойни дер анинг хуршеди рухсорича бор.

Бузма ошиқ кўнглини, биллаҳки, ишқ атворида,
Ҳеч журм аҳли муҳаббат кўнгли озорича бор.

Ишқ аро мажнун Ҳусайний бирла қилмас баҳским,
Не ўзи бор онча, не ёри анинг ёрича бор.

* * *

Шукр лиллаҳким, жамолингдин кўзум равшан дурур,
Ҳаста кўнглимға висолинг гулбуни маскан дурур.

Ўтлуғ оҳимдинки ҳажринг ичра чектим шуълалар,
Шамъи иқболим букун ул шуъладин равшан дурур.

Дурфишон кўзум жамолинг жавҳарининг аксидин,
Гар бурун дуржи гуҳар эрди букун маҳзан дурур.

Не учун гулдек очилмай базми ишрат ичраким,
Мажлисим шамъи букун ул сарви сийминтан дурур.

Ашк ила ишрат гулин очтинг яна ишқ илгидин,
Эй, Ҳусайний, санга юз таҳсину минг аҳсан дурур.

* * *

Гул юзи атрофида ул лолаи асфармудур?
Енида зулфимудур ё кокули анбармудур?

Лолаи асфарму де ул ой юзининг даврида
Ё қамар даврида кўргузган ўзин ахтармудур?

Лаълидинму ҳар замон зоҳир бўлур ширин сўзи,
Иўқса гул япроғидин бўлган аён шаккармудур?.

Ораз узра ҳар тарафму кўз очиб сен ноз ила,
Ё очилгон ҳар сари гулзор аро абҳармудур?

Даҳр ичига офате тушмуш, қиёмат бўлдиму?
Ёки чиққон базмдин маст ул пари пайкармудур?

Лаъли майдин жон топибмен, соқиё, шарҳ айласам,
Бода қути руҳдур ё ўзгача жавҳармудур?

Эй Ҳусайний, борча ушшоқ ичра сен-сен бенаво,
Ҳолинга носозлиқлар қилгон ул кофармудур?

* * *

Қон кўруб ашкимни кўнглум ноласини сўрмангиз,
Чок ўлуб кўксум жигар парголасини сўрмангиз,

Азм этиб ул гунчаи хандон адам гулзориға,
Юз сори очгон сиришким лоласини сўрмангиз.

Чунки борди ёшим эмди кўз оқидин қатралар,
Томғонин ҳарён кўруб ғам жоласини сўрмангиз.

Тийра кўнглумда юзин, кўзумда дардин кўрган эл,
Ғам тунида ой меҳнат ҳоласини сўрмангиз.

Ҳажрида кўрган Ҳусайнийнинг фиғонин, дўстлар,
Юсуф учун пири Канъон ноласини сўрмангиз.

* * *

Баъдазин, эй ҳусн аҳли, элни шайдо қилмангиз,
Бевафолиқ айлабон оламға расво қилмангиз.

Англаг, эй аҳли вафо, гар ўлсангиз тортиб жафо,
Бевафолардин вафо расмин таманио қилмангиз.

Мен асири ишқмен, ғавғо недур ушшоқ аро.
Эй рафиқи пандгў, айтгилки ғавғо қилмангиз.

Мен ўлар ҳолатдамен, эй ёр кўйи итлари,
Айламанг ғавғо, менинг сирримни ифшо қилмангиз.

Ўт тушубтур дашт уза оҳимдин, эй аҳли тараб,
Лолазор айлаб тасаввур азми саҳро қилмангиз.

Сиррин элга ошкор айлаб кишига ишқ аро,
Зинҳор ўз сиррингизни ошкоро қилмангиз.

Бир нафас жонон била топмиш Ҳусайний ҳилвате,
Боринг, эй жону кўнгул, бирдам алоло қилмангиз.

* * *

Ваҳ, не ҳолатдурки мен ҳар неча кўргузсам ниёз,
Эй маҳи бадмеҳр, сендин зоҳир ўлмас ғайри ноз.

Қимгаким бердим кўнгул ваҳ душмани жондур манга
Бўлмасун ҳеч кимга мендек ишқ аро сўзу гудоз.

Толим заъфидин ўлғай қочмагинг мен телбадин,
Йўқ эса нега пари мажнундин айлар эҳтироз.

Йўқ турур ишқ аҳли ичра мен киби расво яна,
Кўргузуб кўп меҳр ёриға, вафосин кўрган оз.

Нечаким кўрдунг жафо меҳрингни афзун айладинг,
Эй Ҳусайний, йўқтурур оламда сендек ишқбоз.

* * *

Ваҳки, ишқингдин жаҳон ичра фиғонимдур менинг,
Барча кўю кўчада бу дostonимдур менинг,

Раъду барқ эрмас булут ичра кўрулган ҳар тараф,
Бир қуёш ҳижронида ўтлуғ фиғонимдур менинг.

Халқ доғи ошқори бўлса не суд, эй кўнгул,
Улки етмай қолғучи доғи ниҳонимдур менинг.

Жисм аро бу хаста жондин келмағил ҳар дам батанг,
Ким бир-икки кун бу уйда меҳмонимдур менинг.

Умр учун қилсам дуосин қилмоғил, ёраб, қабул,
Чун ҳаётим истамас шўхики жонимдур менинг.

Хунфишон кўзумда қаддингнинг хаёли буткали,
Жўйбор атрофида сарви равонимдур менинг,

Оҳи хунобимни лаҳни бода айлабтур гумон,
Ул жафочи аҳди ёлғон бадгумонимдур менинг.

Ердин жуз яхшилиқ келмас валекин олида,
Зулмиға боис кўнгул отлиғ ёмонимдур менинг,

Гар кўнгулсизликдин ўлсам айб қилма, эй Ҳусайн,
Ваҳ нетай, бермас кўнгулжим дилситонимдур менинг.

* * *

Нетти бир боқмоқ ила кўнглумни хурсанд айлагил,
Ҳажр торин бир замон васлингға пайванд айлагил.

Учмасун ҳуркунчиқ кўнглум қуши ваҳ-ваҳ, ани
Донаи холу каманди зулф ила банд айлагил.

Бир ачир сўз бирла жонимни қилибсен талхком,
Хаста жонимнинг иложи бир шакарханд айлагил.

Ёраб, ул юзни йироқ солма кўзумдин, ё анга,
Мунча гулларким очилмиш, бирни монанд айлагил.

Ёр жавридин вафо устига келмиш, эй кўнгул,
Қилмасун деб ўзга они аҳду савганд айлагил.

Телбараб қолган кўнгул раҳм айламас пандимни ҳеч,
Они лутф айлаб, табибо, қобили панд айлагил.

Эй Ҳусайний, гар узулса кўнглунг ул маҳпорадин,
Они тиғи қатл ила парканд-парканд айлагил.

* * *

Мен ҳилол ўлдум гамингдин сен қуёшсен, эй санам,
Йўқ ажаб гар бўлса мендин камлику сендин карам.

Бор аро хошок елдин ҳар тараф майл айласа,
Соясини айламас бошидин они сарв кам.

Чун маму фарёду афғони эрур гул шавқидин,
Ҳар не ҳол узра агар булбул наво тортар не нам,

Ҳар қаён сайр этса парвона шабистон саҳнида,
Бор бу равшанким, чекар шамъ ўти кўнглидин алам.

Кўзу зулфунг бирла оғзинг сиррин элтур жон аро,
Гар Ҳусайний дарди ишқинг йўлида бўлса адам.

* * *

Зулфи ичра гул, гул ичра лаъли хандондур ниҳон,
Тунда меҳру меҳр аро сарчашмаи жондур ниҳон.

Тийра кўнглум ичра жонпарвар лабинг пинҳонлиғи,
Зулмат ичра ул сифатким оби ҳайвондур ниҳон.

Гунча ичра ўйлаким ҳаръён ниҳон бўлғай тикан,
Ҳажр ўқидин кўнглум ичра онча пайкондур ниҳон.

Аҳли дин ичра, мусулмонлар, нетиб пайдо бўлай,
Ким бузуқ кўнглум аро бир номусулмондур ниҳон.

Сўрма сўзи бирла афғонинг қаён пинҳон эрур?
Жоним ичра сўзи, кўнглум ичра афғондур ниҳон.

Давр аёгин, соқие, бирдам иликдин солмаким,
Кўнглум ичра бир неча андуҳи даврондур ниҳон.

Гар Ҳусайний ийдгаҳда оҳ чекти шукрим,
Ғайрдин дуд ичра ул хуршеди рахшондур ниҳон.

* * *

Ишқ аро ҳечким менингдек зору шайдо бўлмасун,
Бўлса ҳам ваҳ мен киби маҳжури расво бўлмасун.

Ҳеч киши ишқ ичра мендек бўлмасун кўнгли шикаст,
Аҳли ҳусн ичра сенингдек кўнгли хоро бўлмасун.

Жавру бедодини муҳлик истарам жонимғаким,
Ҳеч кимға ишқи ул ойнинг таманно бўлмасун.

Ҳар замон кўрмакка ул оразни йўқтур тоқатим,
Ишқ аро ҳечким менингдек ношикибо бўлмасун.

Хаста кўнглум рашкидин беҳолмен ул кўй аро,
Айтингиз мен анда эркан чоғда пайдо бўлмасун.

Кўйида шайдо кўнгул фарёд қилма баъдазин,
Кечаю кундуз уюр вақтимда ғавғо бўлмасун.

Ёр мустағнидур андоқким, қошинда тенгдурур,
Гар Ҳусайний бўлса онинг оллида ё бўлмасун.

* * *

Сени кўргач дер эдим чиққай фиғон жондин бурун,
Чиқмасун деб рашкидин жон чиқти афгондин бурун.

Номаи шавқин тошиға ёзмасам отин не айб?
Эл кўзи тушмас чу мазмуниға унвондин бурун.

Аввал ул юз жилва қилди, сўнгра зоҳир бўлди хат,
Гул зуҳурин, эй кўнгулким, кўрди райҳондин бурун.

Сўрмоғимға гаҳ келур ул ой хадангин чекмангиз,
Чиқмағай жон токи ул келгунча пайкондин бурун.

Ваҳ не ҳолатдурки, юз шамшод қад чиқса пари,
Учрамас кўзумға ул сарви хиромондин бурун.

Раҳм қилким, бор экандур ошиқу маъшуқи ҳам,
Мен гадойи даҳру сен ошуби даврондин бурун.

Демаким ишқи азалдин қисмат ўлмиш жонима,
Эй Ҳусайний, бу насиб ўлмиш сенга ондин бурун.

* * *

Кўзларим кўр эт, қазо, бир шакли мавзун кўрмайин,
Ўзни бир Лайливаше ишқида Мажнун кўрмайин.

Ишқ аро овора қил фарсуда жоним, эй ажал,
Дўстлар кўнглини ўз ҳолига маҳзун кўрмайин.

Шавқидин шайдолигим шарҳи етиб ул ергаким,
Деди мен саргаштаи расвони мажнун кўрмайин.

Эй хирад, ул гул ғамин маҳв эт кўнгулдин, то яна
Ашқ қони бирла рухсоримни гулгун кўрмайин.

Бир араб бирла ажам ошуби севмайким яна,
Бир кўзум ашкин Фирот, ул бирни Жайхун кўрмайин.

Кўзлари бузди кўнгул мулкин бу янглиғ турктоз,
Чун етушса бўлмас ул кишварни ҳомун кўрмайин.

Ишқидин қутқор мени, эй чархким, ҳар ғам туни.
Ҳажр шоҳи хайлидин юз минг шабехун кўрмайин.

Соқие, тутғил тўла гардун киби соғарниким,
Жонима дермен даме бедоди гардун кўрмайин.

Кўрма дерлар ул паривашники айлар қасди жон,
Эй Ҳусайний, бу муяссар бўлса нечун кўрмайин?

* * *

Васларо: ўлтур мени ҳижрон жафосидин бурун,
Нетаким қилсанг, халос онинг балосидин бурун:

Кўнглума: ғамдин бурун хуноб ичурди дарди ишқ,
Хастаға шарбат ичурғандек ғизосидин бурун.

Ошиқ ўлмай найлайин, эй шайхким, жон офарин
Қисмат этти офариниш ибтидосидин бурун.

Фориғ ўл, эй муддаи, мендинки, кўргач ёрни,
Ҳеч комим йўқтур ўлмак муддаосидин бурун.

Эй масиҳо, урма дамким оби ҳайвон заҳрдур,
Нотавон кўнглумға васлининг давосидин бурун.

Уйла еттим жонға ҳажридинки гар топсам висол,
Сўрмағаймен нукта ҳижрон можаросидин бурун.

Эй Ҳусайний, гар будур ноланг тонг эрмас ёрға,
Гар етар ушшоқи бесомон навосидин бурун.

* * *

Эй висолинг хаста кўнглум марҳами оромижон,
Улмадим ҳижрон элидин мен, қатиқ жонлиқ ёмон.

Дард ила ҳар дам сочармен лаълни ашк ўрнига,
Икки олам ичра йўқтур кўзларимдек баҳру кон.

Гар фироқинг меҳнати будур мени бечораға,
Топмағайсен бу мени дилхастадин ному нишон.

Ҳар қачон чиқсанг хиромон қадду оғзингни кўруб,
Оҳ бирла тенг чиқар ул дам бадандин ушбу жон.

«Оқибат бир кун Ҳусайнийни жафо тиғи била
Қатл қилгумдур» дединг, эй дўст, бисмиллаҳ равон.

* * *

Эй сенинг жоду кўзунг сарфитнаи охир замон,
Лабларингдур ҳаста кўнглумға ҳаёти жовидон.

Эй қуёш юзлук санам, ҳолим кўруб раҳм айлаким,
Етти кўкка ҳар нафас ҳажрингда фарёду фиғон.

Эл аросинда неча сирримни пинҳон сақладим.
Бу сариф юз ошкоро айлади сирри ниҳон.

Гар хаёлинг бўлса меҳмон кўнглум уйинда даме,
Айлағай юз сори ҳар дам кўзларим гавҳар фишон.

Дедим, эй жон, дардима васлинг била бир чора қил.
Кулуб айтур, эй Ҳусайний, тутма мендин бу гумон.

* * *

Ул қуёшким ой юзингнинг даврида қилмиш қирон,
Барча маҳвашлар аросинда эрур соҳибқирон,

Муъжизедур қаҳқашон, анжумдур онинг инжуси,
Кўрмади юз кўз била гардун манингдек бир қирон.

Инжудин ул шоҳдурким айлади помол ани,
Ё сурайёдур аёгин ўпкали келмиш равон.

Гул юзинг даврида тузган инжулар эрмаски бор,
Қатра гуллар япроғи устида шабнамдин аён.

Бор экан ул маҳжабин юзинда тернинг қатраси,
Ё қамар атрофида кўргузди анжумдин нишон,

Кўргач ул маҳваш қиронин кўзларим тўкти сиришк,
Бармоғин бўғмоқ ажаб ой ҳола боғланган замон.

Эй Ҳусайний, етти кавкабда таманно борким,
Тебрагучи бошида тутғайлар инжудек макон.

* * *

Хаттининг тори тушубтур лаъли майгун устина
Ўйлаким жон риштаси бир қатраи хун устина,

Тишлари устида ҳар ким лаълини кўргач деди,
Барги гулдурким тушубтур дурри макнун устина.

Холининг ҳар дам хаёли телба кўнглумда эрур,
Зоғлар андоғки гавғо қилди Мажнун устина.

Айтғай сарв узра гул пайванд қилмиш боғбон.
Кимки кўрса оразинг ул қадди мавзун устина.

Янги оийнинг саманди наълидин келди нишон,
Ул қуёш рахшин магар секратти гардун устина.

Майга хирқам раҳну мен махмур, нетти майфуруш,
Ёна бир паймона ҳам берсанг бу мархун устина.

Сели ашк ичра, Ҳусайний, чун кўрунмас истасанг,
Ким кўрунгай тушса бир хошок Жайхун устина.

* * *

Нуқтаи ҳолинг ажаб ул лаъли хандон устина,
Ким бўлур бир қатра доим оби ҳайвон устина.

Ҳажринг ўқи то тикилмиш кўнглума, эй қоши ё,
Лаългун ашкимга ўшар хори мужгон устина.

Новакинга боқки доғи ҳасратимдиндур нишон,
Жавҳареким кўрунур пўлод пайқон устина.

Эй сабо, қонлуғ кўзумга кўйидин еткур губор,
Расм эрур тупроқ тўкмак доимо қон устина.

Ишқ тиғидин бузуғ кўнглумда эрди чоклар,
Ваҳки бўлди ҳар сори доғи ҳижрон устина.

Лаъли серобинг ғамидин нотавон жисмим аро,
Мисли хошокеки тушгай оби ҳайвон устина.

Эй Ҳусайний, ёр келгач нақди жон айлай нисор,
Эл сочиқ сочғон кибди дилхоҳ меҳмон устина.

* * *

Ул зумрад хатки чиқмиш лаъли хандон устина,
Сабзаедурким тушубтур обиҳайвон устина.

Бурқайин олгач қаду рухсоридин қолдим ажаб,
Гул очилмоғ турфадур сарви хиромон устина.

Заъфим андоқдурки бир-бирдин тўкулгай пайкарим,
Қўнса қуш ногаҳ мени мажнуни урён устина.

Ҳажр ўтидин бир шарар оламни ўртар, эй табиб,
Марҳаминг не нафъ қилгай доғи ҳижрон устина.

Шак эмаским сайрдин қолгай таҳаррук айламай,
Қўйсалар ногаҳ ғамимни чархи гардон устина.

Чарх зулмидин бузуғ жисмим эрур ер бирла тенг,
Ваҳ, бало тоши неча ёқғай бу вайрон устина.

Чун Ҳусайний, юз аёғ хуноб кўзидин тўкар,
Сен дағи еткўр аёғ бу чашми гирён устина.

* * *

Оҳким бўлдум яна ишқ ичра шайдо ўзгача,
Ақлу ҳушумдин жудо халқ ичра расво ўзгача.

Ваҳм этар эрдим балойи ҳажрдин юз войким,
Жонима турлук балолар бўлди пайдо ўзгача.

Ҳушу ақлим топти торожким, ишқу фироқ,
Солди кўнглум кишвари мулкига яғмо ўзгача.

Бўлса ҳолим ўзгача айб этмангиз, эй дўстлар,
Ким, тушубтур дилбарим бошиға савдо ўзгача.

Ер бўлса ўзгача ваҳ ихтиёри бор дурур,
Бўлмоғумдур мен вафо бобида қатъо ўзгача.

Бу чаман раъноларининг жилваси бир навъ эмас,
Ҳам гул айлар ўзгача, ҳам сарви раъно ўзгача.

Эй Ҳусайний, офият кўйида маскан топмағунг,
Ўзни бу ошуфталиғдин қилмоғунг то ўзгача.

* * *

Вой, юз минг войким, сарви равоним бордила,
Сабру ҳушум мулкидин ороми жоним бордила.

Риштаи жоним била васли анинг пайванд эди,
Жовидон фурқат келиб пайванди жоним бордила.

Ким била ангизи меҳр эткаймен эмди, эй кўнгул,
Чунки Меҳрангиз отлиғ меҳрибоним бордила.

Сўрма жоним ҳолидин, доғи жаҳон иқболидин,
Эй рафиқи меҳрибон жону жаҳоним бордила.

Нотавон бўлсам ғариб эрмас анинг ҳижронидин,
Не учунким ул ғариби нотавоним бордила.

Гарчи истаб топмадим лекин кўзумдин борғали,
Они истаб юз сори ашки равоним бордила.

Эй Ҳусайний, ҳажрида топсам ҳалоки жовидон,
Қилмағил ҳайрат ҳаёти жовидоним бордила.

* * *

Хусн ила сен комилу Ширину Лайли шуҳрати,
Ишқ аро мен зор ўлуб, Фарҳоду Мажнун тухмати.

Офият чоғи фароғат соғунур эрди кўнгул,
Ишқ аро билгурди, ваҳ-ваҳ, ул фароғат меҳнати,

Ишқ тиғидин танимда юз туман доғи Ҳалиф,
Бир гадо янглиғки тўш-тўшдин кесилмиш кисвати.

Оҳ ўти ўртаб таним ишқингда печу тоб ила,
Ул сабабдин бўлди гўё барқ янглиғ ҳайъати.

Ишқиди жонимни ол, жисмимни кўйдур, эй ажал,
Елга совурғилки ишқ аҳлининг ўлсун ибрати.

Эй Ҳусайний, дер эдим ишқингни пинҳон сақла, мен,
Билмадимқим, айламиш кўз ёши олам шуҳрати.

* * *

Ишқинг ўти жисму жони нотавоним ўртади,
Турфа ўт эрдик пайдоу ниҳоним ўртади.

Рўзгорим айлади холинг саводидек қаро,
Рўзгорим худ не бўлғай хонумоним ўртади.

Сўрсалар аҳбоб кўнглум куйганин эт, эй сабо
Ким, ани бир хурра моҳи хурдадоним ўртади.

Ўтлуғ аҳволимни кўрган халқ куйди сарбасар,
Кўрмагани ҳам эшитган дostonим ўртади.

Нечақим васли ниҳолин жон аро экти кўнгул,
Ҳажр ўти бирла они сарви равоним ўртади.

Етти кўкким, зоҳир айлар жисмида гул рангини,
Эй Ҳусайний, барчасин ўтлуғ фиғоним ўртади.

* * *

Ғам ема мажнун кўнгулким, дилрабойинг келгуси,
Базми айшинг тузгучи ишратфизойинг келгуси.

Айлагил парвоз, эй шаҳбози ҳимматким, букун
Тоири қудс ошенинда ҳумойинг келгуси,

Тийра шоми ҳажрида кўп қолма тонгким, меҳр ила
Субҳи давлатдек чиқиб тобанда ойинг келгуси.

Ғам ема лаб ташна ҳижрон даштида ҳайрон қолиб,
Ким зулоли васл ичарга раҳнамоинг келгуси.

Эй Ҳусайний, қилмағил ишрат навосинким, букун
Қим гулистони нишотингда Навойинг келгуси.

* * *

Ишқим ўтидин келиб, Мажнун бир учкун истади,
Ол, дедим сунғач илик, бошдин-оёғин ўртади.

Чун эшитти Вомику Фарҳод Мажнун куйганин
Келибон кўргач икав ҳасрат аларда чўркади.

Қолмади ул ёр кўйиңда ери қон бўлмоғон,
Итлари мажруҳ жисмимни чу ҳар ён судради.

Хаста кўнглум тилмағилким, қолмади тиғи анинг,
Гарчи ҳижрон қушлариға бир-бир они тўғради.

Не ғаминг чиқтию не ғағёр меҳри топти йўл,
Новакинг пайкони то кўнглум шигофин тўкради.





Мен ғанимат тутмиш эрдим ул суманбар васлини,
Айлади мендин жудо чархи ситамгар васлини,
Саъй ила мумкин эмас қилмоқ муяссар васлини,
Эй кўнгул, тутғил ғанимат шаҳ музаффар васлини
Ким, ўтубдур дуняда мундоғ балолар бешумор.

Ваҳки, даврон зўлмидин қолдим ажаб мотам аро,
Тушмаган бу навъ бир мотам бани одам аро,
Эй, Хусайний, ёрсиз сен найлагунг олам аро,
Ҳажридин нолиб Навойдек туман минг ғам аро
Қўп адам сарманзили азмин қилиб, кенича бор.

У

МУХАММАСЛАР

Улки жоним гулшанида бор эди хуррам баҳор,
Айлар эрди ғунчаи хандонидин гавҳар нисор,
Хори ҳажридин топиб эрди амон, жони фигур,
Ғунчаи хандон бориб кўнглумда қолди хор-хор,
Тинмағур жонимга онсиз дуняда бори не бор.

Даҳр бўстониини сенсиз кўзга илмас бу кўнгул,
Боғ сайри дардининг ороми билмас бу кўнгул,
Сарв бирла лола сори майл қилмас бу кўнгул,
Сарв қадди лоларухлардин очилмас бу кўнгул,
Ваҳ нетайким, даҳр боғи ичра йўқ ул гул узор.

Ул жигар парголаси ваҳким тилаб мендин фароғ,
Нотавон кўнглумга қўйди фурқати доғ узра доғ,
Лаҳза-лаҳза шавқи базмида чекар эрдим аёғ,
Васл жомидин очилур эрди кўнглум боғ-боғ.
Вой, юз минг войким, ул май бериб қилмиш хумор.

Эки юз паркандлиғ бағримга бир парканд эдинг,
Балки ҳижрон чоки қилгон захмима пайванд эдинг.
Кўнглума дерманки, чун васлиға ҳожатманд эдинг.
Қайдаким кўрсанг ани кулмак била хурсанд эдинг,
Аксин айла, эй кўнгул, ҳар ерда йиғла зор-зор.

Гул киби рухсоринга ҳардам ҳаво айлай дедим,
Шавқида ошуфта булбулдек наво айлай дедим,
Ҳажру ғам захмиға васлингдин даво айлай дедим,
Васл аро ҳар дам сенга жоним фидо айлай дедим,
Нечун, эй оромижоним, айладинг мендин канор.

Сўз иложимдин дема эй баҳри ишқ ичра ғариқ,
Ким бўлубтур деб гамингдин доғ ила жисминг ҳариқ
Ғар манга борсен муҳиббу мушфиқу ёру шафиқ,
Доғима марҳамни кўп таклиф қилма, эй рафиқ,
Туттум ул доғим ўнгалди, доғи ҳижронни нетай.

То айирди мендин ул маҳвашни чархи кажниҳод,
Эй Ҳусайиний, телба кўнглум бўлмади ҳар лаҳза шод.
Оқибат чун топмадим ул шўх васлидин мурод,
Ердин айру бузуғ кўнглумга қилдим ҳайрбод,
Эй Навоий, ўйла ганж ўлмай бу вайронни нетай.

* * *

Лаъли жонбахшиндин айру оби ҳайвонни нетай,
Ҳардам ар юз жон берур жононасиз жонни нетай.
Ғар эмас манзур юзунг, ҳуру ғилмонни нетай,
Гулшани кўюнгдин айру боғи ризвонни нетай.
Бошима ғар гул сочар сенсиз гулафшонни нетай.

Ҳажри андуҳида то гулшан аро қилдим гузар,
Сарв бўйи қоматингнинг нахлидин берди хабар.
Лекин онинг васлидин не баҳра топтим, не самар,
Нахл қаддинг чун эмас гирён кўзумда жилвагар,
Жўйбор атрофида сарви хиромонни нетай.

Жисму жонни истамон, биллаҳки, жонондин жудо,
Кўрсанг ул маҳвашни ҳолим арз этиб элт, эй сабо,
Лек зинҳор олида бу навъ қилғайсен адо,
Ул итингга бўлмаса туъма наволингда фидо,
Заъфлик пайкарни найлай, нотавон жонни нетай.

Бирдам, эй аҳбоб, ҳар сори қошимдин кетмангиз,
Ҳар наким дерман муважжаҳ бўлмаса эшитмангиз
Буки дерман чеҳрадин қонлиғ ёшим оритмангиз,
Лаългун ашким лаби ҳижронида айб этмангиз,
Кўз йўлидин тўкмайин бағримдаги қонни нетай.

Бу ажабдурким, санга маълум бўлмайдур бу сир,
Ким эрурмен лаъли шавқидин ўлумга мунтазир.
Ғар суюнгдин ҳар нафас юз жон берсанг бор музир,
Зулмати ҳажрида чашманг васфин этма, э Хизир,
Менки умрумдин тўюибмен, оби ҳайвонни нетай.



Мундарижа	
Институтдан	5
Маҳмуд Қошғарий	
„Девону луғотит-турк“дан	11
Юсуф Хос Хожиб	
„Қутодғу билик“дан	36
Аҳмад Юкнакий	
„Ҳибатул-ҳақойиқ“дан	61
Аҳмад Яссавий	
Ҳикматлар	74
Насриддин Рабғузий	
„Қиссаи Рабғузий“дан	81
Дурбек	
„Юсуф ва Зулайхо“ достонидан	94
Қутб	
„Хисрав ва Ширин“ достонидан	118
Хоразмий	
„Муҳаббатнома“дан	162
Хўжандий	
„Латофатнома“дан	180
Сайф Саройи	
Ҳазаллар	190
„Гулистон“ таржимаси муқаддимасидан	192

Ҳайдар Хоразмий	
„Маҳзанул-асрор“дан	196
Юсуф Амирий	
„Девон“дан	216
„Даҳнома“дан	222
„Чоғир ва банг“ мунозараси	240
Отыйи	
„Девон“дан	253
Сайид Аҳмад	
„Таашшукнома“дан	341
Саккокий	
„Девон“дан	353
Лутфий	
„Девон“дан	382
„Гул ва Наврӯз“ достонидан	460
Яқиний	
„Ўқ ва ёй“ мунозараси	490
Аҳмадий	
Созлар мунозараси	502
Хусайний	
„Девон“дан	515
Ўзбек классик адабиёти тарихининг асосий масалалари <i>В. Зоҳидов</i>	